# Фуқаролик ва давлатни бошқаришга қатнашиш –

XXI аср фуқаролик жамиятидаги сизнинг ролингиз



II қисм · 11-синф

11-А синф
...лиева Одина

# Фуқаролик ва давлатни бошқаришга қатнашиш –

**XXI аср фуқаролик жамиятидаги сизнинг ролингиз**

**Қирғизистон Республикаси ўрта мактаблари учун ўқув қўлланмаси**

**Иккинчи қисм**

**11-синф**

Бишкек - 2006

УДК 373.167.1
ББК 67 Я 721
Ф 94

*ОБСЕнинг, Германия ҳукуматининг, Японияниниг Қирғизистондаги элчихонаси ва ЮСАИДнинг молиявий кўмаги билан IFES нашрга тайёрлади.*

**Ф 94** Фуқаролик ва давлатни бошқаришга қатнашиш — XXI аср фуқаролик жамиятидаги сизнинг ролингиз: Қирғизистон Республикаси ўрта мактаблари учун ўқув қўлланмаси: 11-синф: 2-қисм / Ж.Пилон ва бошқалар. — Б.: 2006. — 176 бет.
**ISBN 9967-23-290-0**

Икки қисмдан иборат бу китоб тегишли маълумотлар ва амалий ишларни ўз ичига олган. Шунингдек, у ўқитувчилар учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилади. Ўқув қўлланмаси қирғиз, рус ва ўзбек тилларида нашр этилди.

IFES мазкур синов нашрига синов натижалари ва ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг шарҳларини қўшган ҳолда маълум ўзгартишлар киритди. Аёллар ва демократия масалаларига бағишланган аввалги икки боб бириктирилиб, ҳозирги даврнинг глобал муаммолари тўғрисидаги янги боб қўшилди. Сайлов тизимлари тўғрисидаги бобнинг янги вариантида сайлов жараёнидаги асосий вазиятлар соддалаштириб тушунтирилди. Конституциявий кенгашнинг иши якунланиб, Сайлов кодекси янгиланганидан кейин IFES бу боб бўйича махсус китобча чиқармоқчи.

Ўқув китобини Қирғизистон Республикасининг Таълим ва маданият вазирлиги (2003 йилнинг 23 майидаги 426/1 рақамли буйрук), Қирғизистон Республикасининг Таълим вазирлиги тасдиқлаган (2004 йил 27 апрелдаги 05-3/1274 рақамли буйрук), Қирғиз таълим академияси эса қўлланишга тавсия қилган (2005 йилнинг 29 сентябридаги КТА олимлар кенгашининг 5-қарори).

Қўлланма сотилмайди, бепул тарқатилади.

Тел.: (312) 90-11-88, 90-11-99 Эл. почта: ifes@ifes.kg

*Китобнинг инглиз тилидаги нашрига Саймон Женкинс, ўзбекча нашрига Ботиржон Ғозибоев муҳаррирлик қилган.*
*Таржимон: Тохиржон Хайруллаев.*
*Компьютерда Хуррам Ботиров саҳифалаган.*

***Муаллифлар:***
1. Жулиана Пилон
2. Лестер Саламон
3. Тони Боуэр
4. Чедомир Флего
5. Ламар Крейвенс
6. Крис Шчупп
7. Владислав Потоцкий
8. Юрий Подкуйко
9. Болот Малабаев
10. Алтинай Карасаева
11. Ирина Ячник
12. Анатолий Макаров
13. Акжол Бердиев
14. Канат Сидиков
15. Светлана Осауленко
16. Элеонора Проявеа
17. Наталья Кузнецова

***IFES-Қирғизистон:***
1. Дэвид Микош
2. Кенешбек Сайназаров
3. Альфия Фаттахова
4. Дмитрий Шевкун
5. Чинара Куменова
6. Гулнура Абиталиева
7. Дэн Малинович
8. Гулжан Мамадиева
9. Тамара Токтоналиева
10. Екатерина Бугазова
11. Александр Листвин
12. Данияр Ибрагимов
13. Жамиля Абдинасирова
14. Венера Хайруллина
15. Зарина Исакова

IFES доимий қўллов кўрсатиб келганлиги учун Қирғизистон Республикасининг Таълим, фан ва ёшлар сиёсати вазирлигига, Қирғиз таълим академиясига чуқур миннатдорлик изҳор қилади. IFES Америка Юристлар ассоциацияси — Марказий Европа ва Евроосиё мамлакатлари учун ҳуқуқий ташаббуслар дастурига, АРД/Чекки — Тижорат ҳуқуқини ривожлантириш лойиҳасига, Миллий демократия институтига, Қирғизистон Республикасининг Адлия вазирлигига, Урбан Институтга, Қирғизистон Республикасининг қишлоқлари ва посёлкалари маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ассоциациясига алоҳида миннатдорлик билдиради.

Ф 4306022200-06
ISBN 9967-23-290-0

УДК 373.167.1
ББК 67 Я 721
© Қирғизистон, 2006

# Мундарижа

13-боб Қирғизистон Республикаси ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ........ 7
14-боб Сайлов тизимлари ва демократия ........ 25
15-боб Аёллар ва демократия ........ 47
16-боб Фуқаролик жамияти ........ 60
17-боб Қирғизистон Республикасида нодавлат ташкилотлар (НДТ) ........ 74
18-боб Жамоатчилик фикри ва ОАВ давлатдаги "тўртинчи ҳокимият" сифатида ........ 84
19-боб Коррупция ........ 96
20-боб Глобал муаммолар ва бутун дунё фуқароси ........ 108
21-боб Фаол фуқаро бўлиш ........ 119

**Иловалар**

Қирғизистон Республикасининг жамоатлар ва уларнинг бирлашмалари тўғрисида Қонуни ........ 132
Қирғизистон Республикасининг нотижорат ташкилотлар тўғрисида Қонуни ........ 137
Қирғизистон Республикасида муниципалитетнинг намунавий устави ........ 144
Қирғизистон Республикаси Президенти сайлови (2005 йил) бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолари ва кузатувчилар учун қисқача қўлланма ........ 153

## Китобнинг биринчи қисми қуйидаги мавзуларни ўз ичига олди:

1-боб Фуқаролик таълими, фуқаролар ва ижтимоий жараёнлар
2-боб Оила ва жамият
3-боб Инсон ҳуқуқлари ва халқаро ҳуқуқ
4-боб Иқтисодий концепциялар: мулк ва иқтисодий ўсиш
5-боб Иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар
6-боб Давлатнинг пайдо бўлиши ва миллатчилик
7-боб Давлат ва сиёсий ҳокимият
8-боб Қонуннинг устуворлиги
9-боб Қирғизистон Республикасида давлатчиликнинг ташкил этилиши ва қонун устуворлигининг ўрнатилиши
10-боб Давлат ҳокимиятининг тузилиши
11-боб Қирғизистон Республикаси ҳокимиятининг тузилиши
12-боб Қонун чиқарувчи органлар: тарихи ва ташкил этилиши

**Иловалар**

Қирғизистон Республикасининг давлат тимсоллари
Қирғизистон Республикасининг Конституцияси
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида Конвенцияси
Атамалар ва айрим сўзларнинг кўрсаткичи



***Қимматли ўқитувчилар ва ўқувчилар!***

*Сизлар IFES Халқаро фонди тайёрлаган фуқаролик таълими бериш бўйича дарсликка эгасизлар. Бу курснинг материаллари билан сизлар 10-синфда таниша бошлагансиз. Ҳозирги ёшлар учун бу курс қанчалик аҳамиятли эканлигини айтиб ўтишнинг зарурати бўлмаса керак. Мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётида ниҳоятда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бироқ бу янгиланишларнинг кўнгилдагидек бориши, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнаши учун ҳаммамиз узоқ вақт давомида астойдил ишлашимиз лозим. Бўлаётган ўзгаришларни теран тушунмай туриб ишни тўғри олиб бориш мумкин эмас. Сизлар, бугунги ўқувчилар, келажакда тўла ҳуқуқли фуқаролар сифатида мамлакатимизни бошқарасизлар. Мамлакат учун, унинг келажаги учун сизларнинг зиммангизга катта масъулият юкланади, шу сабабли ҳозирданоқ жамиятда ўз ўрнини яхши билган фуқаро бўлиш учун тайёрланишингиз керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ўқув қўлланмасининг сизлар учун фойдаси катта бўлишига шубҳа йўқ. Курснинг 11-синфга мўлжалланган қисмида сизлар маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизими билан танишиб, бутун мамлакатнинг ривожланиши ҳар бир жамоатдаги турмуш тарзининг йўлга солинишига яраша бўлишини кўрасизлар. Бунда сизлар сайлов тизимлари, эркин ва ҳалол сайловнинг асосий принциплари билан танишасиз. Шунингдек, бу йил сизлар кучли фуқаролик жамияти шаклланишининг бошқа қоидаларини, ҳозирги даврдаги глобал муаммоларни ва кўплаган бошқа муҳим мавзуларни ўрганасизлар.*

*Бу курсни ўрганишда янги билимларни ўзлаштиришгина эмас, зарур кўникмаларни ривожлантириш ҳам керак бўлади. "Фуқаролик ва давлатни бошқаришга қатнашиш – XXI аср фуқаролик жамиятида сизнинг ролингиз" курси ўз жамоатида ҳам, бутун мамлакатда ҳам масалаларни бирдек еча оладиган фуқароларни тарбиялаш мақсадида тузилган. Демократик, эркин ва гуллаб-яшнаган жамиятни қуришга катта ҳисса қўша олишингиз учун бу курсни ўқиб-ўрганишда сизларга катта муваффақиятлар тилайман.*

*Сизларга оқ йўл тилаб,*



*Досбол Нур ўғли,*

*Қирғизистон Республикасининг Таълим, фан ва ёшлар сиёсати вазири*



***Қадрли дўстлар!***

*Бизнинг биргаликда бошлаган лойиҳамиз амалга ошиб, у орқали Қирғизистон Республикасида демократиянинг ривожланиш жараёнига ҳисса қўша олганимиздан бахтиёрмиз.*

*Демократия – бу ҳар бир фуқаронинг ўз мамлакати бошқарувига масъул бўлиши ва давлат барқарорлигининг асоси.*

*Қирғизистон мустақилликка эришгандан буён Япония бу республиканинг демократия йўлига тушиб, бозор ислоҳотини юргизиш учун қилган саъй-ҳаракатларини доимо қўллаб келади ва бундан кейин ҳам қўллайверади.*

*Бу лойиҳанинг яна бир ўзгачалиги – унинг бир неча донорлар кучини бириктирганлиги. Биз IFES ва бошқа донор мамлакатлар, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилаётганимиздан мамнунмиз. "Фуқаролик ва давлатни бошқаришга қатнашиш" деган номнинг ўзи айтиб турганидек, бу китоб жамият ва демократия тўғрисидаги асосий билимларни шакллантиради, ўқувчиларни мустақил фикр юритишга ўргатади ва мамлакатда бўлаётган воқеаларга нисбатан ўз фикрини айтиш кўникмасини тарбиялайди. У ўқувчиларгина эмас, улардан ёши катта бўлган одамларнинг ҳам ҳар доим фойдаланиши учун мўлжаллаб тузилган. Менимча, бу ўқув қуроли қирғизистонликлар ҳақиқий демократияни барпо этишда қўлланадиган бениҳоя фойдали восита бўлиб қолади. Бу китобнинг ёруққа чиқиши билан Қирғизистон ёшлари фуқаролик жамиятида яшаш тўғрисида билим олиш учун энг ажойиб имкониятга эга бўлдилар, деб ҳисоблайман.*

*Сизларни ҳурматлаб,*

*КАСАЙ Тацухико,*

*Японияниг Қирғизистон Республикасидаги муваққат ишончли вакили*



***Қимматли дўстлар!***

*Фуқаролар ўзларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва кундалик турмушдаги муаммоларни еча оладиган институтларни ташкил этишда қатнашишлари кераклигини қанчалик тўғри тушунишса, демократия шунчалик яхши ривожланади.*

*Шу маънода олганда, бу ўқув китобининг нашр қилинишини биз Қирғизистоннинг демократик тараққиётида ёшлар фаол роль ўйнаши учун уларга таълим беришга қўшилган катта ҳисса, деб баҳолаймиз. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти фуқароликни таниш дарсларининг Қирғизистондаги ўрта мактаблар дастурига киритилишини қўллаб, икки йилдан бери шу китобни нашр этишда кўмаклашиб келади. Биз бу дарснинг қандай ўқитилаётганини ҳам кузатиб борамиз. Сабаби, бу дарс ўтила бошлагандан буён унга ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ниҳоятда қизиқиб қолишганини, ўқувчилар уни жуда яхши кўришини биламиз.*

*Қанчалик ривожланган бўлмасин, агар мамлакатни демократик бошқаришда жамиятнинг келажаги учун ўзлари масъул эканлигини сезган, ўз ҳуқуқларини таниган ва ҳимоя қила олган, жамиятнинг бошқа аъзолари ҳуқуқларини ҳурмат қилган одамлар қатнашмаса, бундай тизим муваффақиятли ишлай олмайди. Мазкур ўқув китоби демократик бошқарувнинг худди шу принципларини ўзлаштиришда ёрдам беради. Ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг фикрлари билан танишганимдан кейин бу китоб мақсадга тўлиқ мувофиқ эканлигига ишондим. Бу дарсни пухта ўқитишга интилиб, унинг ўзгачаликларини яхши билиб олишга ҳаракат қилган ўқитувчиларга чин дилдан миннатдорчилик билдиргим келади. Янги курснинг муваффақиятли ўқитилиши энг аввало ўз ўқувчиларининг келажаги учун масъул эканлигини тушунган, эл учун фойдали ишни бажонидил бажаришга тайёр турган ўқитувчиларга боғлиқдир. Ўз мамлакатингизнинг истиқболи учун қўшаётган ҳиссангиз самарали бўлсин.*

*Сўзим охирида бу китобни тайёрлашда қатнашганларнинг барчасига, шунингдек, ўқитувчиларга услубий ёрдам бераётганларга ҳам ижодий ютуқлар тилайман.*

*Қирғизистон Республикасининг Таълим, фан ва ёшлар сиёсати вазирлиги ҳамда Сайлов тизимларининг халқаро фонди билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам самарали бўлади, бутун қирғиз жамиятига фойда олиб келади ва демократия йўлида гуллаб-яшнаган Қирғизистонни барпо этишга биргалашиб ҳисса қўша оламиз, деб умид қиламан.*

*Ҳаммангизга муваффақият ёр бўлсин!*

*Элчи Маркус МЮЛЛЕР,*
*ОБСЕнинг Бишкекдаги Маркази раҳбари*

# XIII БОБ

## Қирғизистон Республикаси ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳокимиятнинг маҳаллий органлари

**Матнни ўқишдан аввалги машқлар**

**01–топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

Жуфтликларда ишлаб, атамаларга мос таърифларни танланг.

***А жадвали***

| Тушунча | Таъриф |
|---|---|
| 1. Шаҳар бошқаруви | а) Маҳаллий жамоатлар вакилларининг умумий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама этувчи йиғилиши. |
| 2. Мэр | б) Маҳаллий ижроия-бошқарув органи. |
| 3. Ҳоким | в) Кичик туманларнинг кенгаш ва қўмиталари, маҳалла, кўча, кишлок, посёлка қўмиталари. |
| 4. Маҳаллий кенгаш | г) Ҳокимиятнинг шаҳар ижроия (бажарувчи) органига сайланувчи раҳбар. |
| 5. Бевосита сайловлар | д) Маҳаллий кенгашнинг қарори. |
| 6. Ҳудудий жамоатчилик ўзини ўзи бошқарув органлари | е) Ҳокимият органига бевосита халқ томонидан сайланиш жараёни. |
| 7. Қурултой | ж) Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ваколатли органи. |
| 8. Қарор | з) Туман давлат маъмуриятининг тайинланувчи раҳбари. |

** Жамоат — умумий ҳудуд ёки манфаатлари бўйича боғланган одамлар бирлашмаси.*

***Б жадвали***

| Тушунча | Таъриф |
|---|---|
| 1. Ихтисослик талаблари | а) Маҳаллий ҳамжамиятга қарашли ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ихтиёрида бўлган нарсалар (масалан, шаҳар ва кишлокларнинг ерлари, турар жой-коммунал хўжалиги) |
| 2. Маҳаллий бюджет | б) Юқори органлар томонидан қуйи органларга ўтказиб берилган ҳуқуқлар |
| 3. Дотациялар | в) Номзодларга қўйиладиган талаблар |
| 4. Муниципал мулк | г) Қабул қилинадиган қарорларнинг таъсир доирасига кирувчилар иштирокида ўтказиладиган кенгаш |
| 5. Берилган ваколатлар | д) Давлат бюджетидан ташкилотлар ва корхоналарга бериладиган қайтарилмайдиган пул маблағи |
| 6. Йиғин, мажлис | е) Қишлоқ, посёлка ва шаҳардаги маҳаллий жамоатнинг бюджети |

**02–топшириқ. Атрофингга боқ.**

Икки кишидан бўлиб бўлининг ва шеригингиз билан биргаликда уйдан мактабгача бўлган йўлда нималарни кўришингиз ҳақида қуйида келтирилганга ўхшаш рўйхат тузинг. Синфингиздаги ўқувчилар қишлоқ, посёлка схемасини чизиши ва унда давлат органлари ҳамда маҳаллий органлар томонидан кўрсатиладиган хизмат турларини келтиришлари мумкин (қишлоқ ёки туман ҳудудини гуруҳларга тақсимлаб бериш ҳам мумкин).

| | | |
|---|---|---|
| *Йўл* | *Почта* | *Автобус бекати* |
| *Дўконлар* | *Менинг уйим* | *Машиналар* |

Сиз кўриб турган бу хизматларнинг қайсилари давлат ҳокимият органлари томонидан кўрсатилади ва давлат мулки ҳисобланади, қайсилари маҳаллий органларга тааллуқли ва муниципал мулк ҳисобланади, қайсилари одамларнинг ёхуд ташкилотларнинг мулки хисобланади?

Уларни қуйидагича белгиланг:

М— маҳаллий органлар; МАР — марказий органлар; Б (бошқалар) – шахслар ва ташкилотлар (бу хизматни айнан ким кўрсатишини аниқлашга уриниг).

Рўйхатингизга сизнинг яшаш жойингизда маҳаллий ёки марказий ҳокимият органлари томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматларни ҳам қўшиб қўйинг.

## Ўқиш учун матн

### 1.0 Кириш

Бу бобда Қирғизистон ва жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги маҳаллий бошқарув органларининг шакллари, унинг функциялари ва фаолияти кўриб чиқилади.

«Маҳаллий» сўзи вилоятлар, катта ва кичик шаҳарлар, қишлоқларга тегишлиликни англатади. Бироқ штатлар (масалан, Америкадаги каби) ёки Россиядаги каби федерация субъектлари, одатда етарли даражада кичик бўлмаганлиги учун, бошқарувнинг «маҳаллий» органлари тоифасига кирмайди.

Баъзи мамлакатларда маҳаллий ва умумдавлат бошқарув ўртасидаги фарқни англаш анча мураккаб, чунки маҳаллий бошқарув умумдавлат бошқарув органлари тизимининг бир бўлинмаси ёки бутоғи (қисми) хисобланади, лекин баъзи мамлакатларда маҳаллий бошқарув органлари ниҳоятда мустақил бўлади. Умуман олганда, уларнинг мустақиллик даражасини қуйидаги мезонлар бўйича аниқлаш мумкин:

1. ижроия органининг раҳбарияти сайланадими, агар сайланса, ким томонидан;
2. умумдавлат сиёсатини ҳаётга татбиқ қилишда улар қай даражада масъул (жавобгар);
3. маҳаллий бошқарув органлари мамлакатнинг марказий ҳокимиятига қай даражада бўйсунади;
4. ўзларининг тартибга солувчи меъёрларини белгилаш, шахсий молиявий даромадлар олиш ва уларни ўз эхтиёжларига сарфлай олиш бўйича улар қай даражада ваколатли?

Давлат қонунлари асосида тузиладиган шаҳар бошқарувлари ва кенгашлари билан қишлоқ йиғинига ўхшаш норасмий бошқарув органлари (норасмийлик ноқонуний дегани эмаслигини эътиборга олинг) ишини аниқ фарқлаш мумкин. Бироқ уларнинг ҳаммаси жуда муҳим ишларни бажаради. Марказий органлар бундай органларга ўз таърифини берганида бу фарқ янада чуқурлашиши мумкин. Бу билан улар мазкур органлар амалга ошириши керак бўлган ваколат ва вазифаларнинг кўламини аниқ белгилаб беришга ҳаракат қиладилар.

Баъзи мамлакатларнинг туман ва шаҳарлари сайланадиган кенгашлар томонидан бошқарилади. Бундай кенгашга одатда аҳоли ёки кенгаш аъзолари томонидан бевосита сайланадиган мэр ёки раис раҳбарлик қилади. Бу ҳудуднинг маълум ёшга етган ҳар бир турғуни (доимий яшовчи одам) сайловларда овоз бериш ёки кенгаш аъзолиги, мэр лавозими ёки кенгаш раислигига ўз номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Айрим мамлакатларда мэр давлат бошлиғи томонидан кенгаш тавсия этган номзодлар ичидан тайинланиши мумкин. Ходимларнинг доимий штати одатда қуйи органлар тоифасига киради.

Европа хартиясида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ҳақида гапирилар экан, маҳаллий бошқарув давлат ишларининг сезиларли қисмини тартибга солиш ва уни бошқариш ҳуқуқи ва реал қобилиятига эга бўлиши кераклиги таъкидланади. Бинобарин, бу ҳуқуқ эркин, яширин ва тенг ҳамда умумий овоз бериш йўли билан сайланган аъзолардан иборат кенгаш ва йиғилишлар орқали амалга оширилади.

Маҳаллий ҳокимиятни ташкил этишнинг бундай демократик моделини танлаш одатда қуйидагича асосланади:

1. Бу нарса бошқарув қарорлари кўпроқ таъсир кўрсатадиган ва бу ҳудудда яшаб, унинг маҳаллий шароитларини ҳаммадан яхши би-

> *Бугун мамлакатда тараққиётни таъминлашга йўналтирилган кучли ижтимоий тармоқни тузувчи 6 мингга яқин жамоатлар, 3,5 минг ўзаро ёрдам гуруҳлари ва 4,4 минг жамоавий бирлашмалар ҳаракат қилмоқда. Бу кўрсаткич доим ўсишда.*
>
> *Қишлоқ бошқарувлари структурасига кирувчи жамоа шакллари маҳаллий муаммоларни ечиш, ривожланишнинг кўплаб катта бўлмаган лойиҳаларини ишлаб чиқиш, масалан, мактаблар, ҳаммом, водопровод, йўллар, кўприкларни қуриш ва таъмирлашда ўз самарасини бермоқда. Бундан ташқари, айнан жамоа бирлашмалари турли маҳаллий фондлар, кредит союзлари, ўзаро ёрдам фондларини тузишда кўмаклашдилар. Энди гап бундай бирлашмаларни кўпайтириш, уларнинг кредитлар, грантлар ва бошқа ресурсларга эга бўлиши учун турли сарсонгарчилик ва тўрачиликни йўқ қилишда қолди.*
>
> *(А. Акаевнинг «Мингйиллик ривожланиш мақсадлари: қашшоқликни қисқартириш ва ижтимоий сафарбарлик» Миллий форумида сўзлаган нутқидан. 2004 йил, 13 май).*

ладиган шахсларга янада саводлироқ қарорларни қабул қилиш имкониятини яратади;
2. Бу нарса аҳолига ўзлари ҳийла яхши билган номзодлар орасидан энг муносибини сайлаб олиш имконини беради.
3. Бу нарса аҳолининг ўз ҳамжамияти орқали бошқарув услубларига бевосита таъсир кўрсатишига имконият яратади. Ўзларининг жамоатида бошқарув масалаларида одамларнинг овозлари қандайдир бир микёсда ҳисобга олинса, улар бундан манфаатдор бўладилар ва унинг мукаммаллаштирилишида қатнашадилар.

Лекин айрим демократия ҳукм сурадиган мамлакатларда маҳаллий раҳбарлар аксарият ҳолларда сайланмайдилар, балки тайинланадилар, аммо улар шу жойлардаги сайланадиган маҳаллий ваколатли органлар олдида ҳисобот бериб туришлари лозим. Раҳбарларни президент ёки парламент ёхуд ҳокимиятнинг бу икки бўғини биргаликда кўпинча маҳаллий кенгашлар тавсияси ёки уларнинг розилиги билан тайинлаши мумкин.

Аксарият ҳолларда тайинланган раҳбар қуйидаги сабабларга кўра афзалроқ ҳисобланади:
1. ижроия органи бошлиғи маҳаллий бошқарув соҳасида етарли даражада малакага эга бўлиши лозим, оддий фуқаролар эса эҳтимолий номзодларнинг малака сифатлари тўғрисида фикр юритиш имкониятига эга бўлмайдилар;
2. бу нарса ривожланишнинг кетма-кетлик сиёсатини ўтказиш имкониятини беради ва мамлакатнинг алоҳида ҳудудлари орасидаги рақобатга йўл қўймайди;
3. бу нарса барибир демократик усул ҳисобланади, чунки одамлар бевосита сайловларда президент ва парламент аъзоларини янгидан сайлашса, маҳаллий ижроия органлари бошлиқларининг ўзгартирилиш эҳтимоли бор;
4. бу нарса арзонроқ тушади, чунки сайловлар ташкил этишга сарф-харажат талаб этмайди.

## 2.0 Қирғизистон Республикасида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ва маҳаллий давлат маъмуриятлари

Қирғизистонда маҳаллий давлат маъмурияти (вилоятлар ва туманлар даражасида) ва маҳаллий бошқарувни (қишлоқ, посёлка, шаҳарлар даражасида) фарқлаш керак бўлади. Маҳаллий бошқарув тизими маҳаллий кенгашлар, уларнинг ижроия-бошқарув органлари (мэриялар, шаҳар бошқарувлари ва қишлоқ ҳукумати), ҳудудий жамоатчилик ўзини ўзи бошқарув органлари (ҲЎБ), аҳолининг ўзи шакллантирадиган бошқа органлар, шунингдек, фуқароларнинг йиғин ва мажлисларини ўз ичига олади. Маҳаллий давлат маъмуриятлари вилоят ва туман ҳудудида ижроия ҳокимият органлари ҳисобланади ва маҳаллий бошқарувга тегишли эмас.

Қирғизистон Республикасида қуйидаги маҳаллий кенгашлар ўрнатилади:
- қишлоқ кенгашлари;
- посёлка кенгашлари;
- шаҳар кенгашлари.

Аввал мавжуд бўлган вилоят ва туман кенгашлари Жогорку Кенеш томонидан қабул қилинган ва 2005 йилнинг февралида Президент имзолаган Қонунга мувофиқ тугатилди.

Кенгаш ечимлари қарор шаклида чиқарилади. Маҳаллий кенгашлар структураси(тузилмаси)да сессияга масалалар тайёрлайдиган ва кенгаш ечимларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган доимий депутат комиссиялари тузилади. Доимий депутат комиссиялари асосан тегишли ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий, миллий-маданий ривожланиши билан боғлиқ масалаларни тайёрлашда қатнашадилар. Шуни таъкидлаш керакки, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тўғрисидаги янги қонунга кўра вилоятларнинг губернаторлари маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари вакиллик органларининг Қирғизистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ечимларининг амал қилишини тўхтатиб қўйишга ҳуқуқли эмас.

Маҳаллий давлат маъмуриятлари ва маҳаллий бошқарув ўртасидаги принципиал тафовут шундан иборатки, маҳаллий давлат маъмурияти амалда «юқори»дан тайинланади ва марказий ҳукуматнинг сиёсатини ўтказиб, ижроия ҳокимият органи функциясини ўз зиммасига олади.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари Ассоциациясининг 2001 йилда маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловлар бўйича таҳлили якунлари**

***Таҳлилнинг кўрсатишича, сайловларда депутатликка 6 минг нафар номзод кўрсатилган, уларнинг 60 фоизи 30-40 ёшда эди.***

***Ассоциация раиси К.Дийканбаевнинг сўзларига қараганда, маҳаллий регионларда сайловчиларнинг овоз бериши Бишкекдагидан юқори бўлган. Бу ҳолни у қишлоқ жойларда аҳолининг турмуш даражаси паст эканлигидан одамлар вазиятни тубдан ўзгартиришни истаётганлиги билан изоҳлади. «Бишкек шаҳар кенгаши депутатлигига рўйхатга олинган номзодларнинг фоиз миқдорини ўрганиш шуни кўрсатдики, номзодларнинг 75 фоизини ўзларининг бизнесдаги манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаган бизнесменлар ташкил қилган. Қишлоқ жойларда эса номзодларни бошқа мақсад – қишлоқда вужудга келган вазиятни ўнглаш нияти ҳаракатга солди», - деди К.Дийканбаев.***

*(АКИпресс, 2004 йил, 25 октябрь).*

XIII боб

Маҳаллий бошқарув органлари сайланади ва тегишли ҳудуд аҳолисининг манфаатларига хизмат қилади. 2001 йилда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисида қабул қилинган қарорда маҳаллий бошқарувнинг асосий вазифаси аҳолини бошқариш эмас, балки унга хизматларни тақдим этиш эканлиги белгиланган. Улар аҳолининг энг долзарб муаммолари ечимини қидиришлари, унга ўзларининг вазифалари доирасида зарур хизматларни тақдим этиш бўйича талабларни бажаришлари керак.

Собиқ совет тизимида ҳокимиятнинг маҳаллий органлари раҳбарларини тайинлаш демократик йўл билан амалга оширилмас эди, чунки бундай лавозимга одатда битта одам кўрсатилар ва унинг номзоди коммунистик партия томонидан тасдиқланар эди. Ҳозирги даврга келиб бу тизимдан аста-секинлик билан бошқа тизимга ўтиш бошланди, бунда вилоят ва туманлар қонуний асосда ўзларининг марказий ҳокимият органлари томонидан тайинланадиган раҳбарлар ва уларнинг вакиллари ишини тартибга солиб турувчи ваколатли органларга эга бўла оладилар. 1991 йилдан бери бир мунча ўзгаришлар бўлишига қарамасдан, эски тизимдан янгисига ўтишдаги туб бурилиш 2001 йили, Қирғизистон Республикасининг «Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва маҳаллий давлат маъмурияти тўғрисида» янги қонуни қабул қилиниши билан бошланди. Янги қонунга суяниб иш кўрган халқ айрим шаҳарларда ва барча қишлоқларда лавозимга тайинлаш йўли билан келган раҳбарларни сайлов воситасида алмаштирди.

Маҳаллий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш биринчи марта ўтказилаётгани учун уларнинг ҳуқуқ ва бурчларида айрим қарама-қаршилик ва такрорийликлар мавжуд.

### 3.0 Вилоят давлат маъмуриятлари

Етти вилоят ҳар бирининг бошида бу лавозимга республика Президенти томонидан тўрт йиллик муддатга тайинланган губернатор туради. У бевосита президент ва премьер-министрга бўйсунади, улар олдида ҳисобот беради.

Вилоят давлат маъмуриятидаги барча тўла ставкали лавозимлар ва молиялаштириш республика бюджетидан таъминланади. Вилоят давлат маъмуриятлари ўз ҳудудида давлат сиёсатининг ҳаётга татбиқ этилишига жавоб беради. Бунга соғлиқни сақлаш, таълим, алоқа ва ижтимоий соҳанинг бошқа хизматлари, давлат мулкини бошқариш ва вилоят ҳудудида тартибни сақлаш киради. Умуман олганда, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот учун жавобгарлик милиция органлари ишини назорат қилувчи Ички ишлар вазирлигига юклатилган.

Кўпгина мамлакатларда маҳаллий кенгашлар мавжуд бўлиб, маъмурият бошлиғи ва унинг ходимларини тўғридан-тўғри сайлайди. Маъмурият бошлиғи тўғридан-тўғри сайланган кенгаш аъзоларининг кўпчилиги қўллаб овоз берсагина қарор қабул қила олади. Бу мамлакатларда маҳаллий кенгашларнинг аҳамияти жуда каттадир, йўллар қурилиши, табиий ресурслардан фойдаланиш сингари кўплаб масалаларни ечиш уларнинг ихтиёрига берилган.

### 3.1 Туман маъмуриятлари (Бишкек шаҳрининг туманлари бундан мустасно)

Республикадаги 40 туманнинг ҳар биридаги (бунга шаҳар туманлари кирмайди) давлат маъмуриятини президент томонидан тайинланувчи ҳоким бошқаради.

Туман маъмурияти вилоят маъмурияти билан биргаликда давлат сиёсатини амалга оширишга масъулдир. Шу сабабдан туман маъмурияти ҳам худди вилоят маъмурияти каби таркибий қисмларга бўлинган. Туман ҳокими бевосита президент, премьер-министр, шунингдек, вилоят губернаторига бўйсунади. Маҳаллий маъмурият бошлиғи фармойишлар, меъёрий-ҳуқуқий актлар чиқара олади. Туман маъмурияти штатининг фаолияти республика бюджетидан молиялаштирилади.

Кўпгина мамлакатларда сайланадиган кенгашлари худди ҳудудларнинг бошқарув органлари каби фаолият кўрсатадиган туман ва шаҳар маҳаллий ҳокимият органлари ҳам мавжуд. Бу кенгашлар юқори органлар томонидан қабул қилинган меъёрий актларга биноан ҳаракат қилишади, лекин ҳудудий кенгашларнинг бевосита бошқаруви остида бўлмайдилар. Аслида туман ва шаҳар кенгашлари ҳудудий кенгашларга нисбатан кўпроқ ҳуқуқларга эга бўладилар ва аксарият ҳолларда уларнинг хизматчилари кўпсонли бўлади. Одатда уларда муаммоли масалаларни аниқлаш ёки лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган қўмиталар ишлайди.

***Қирғизистонда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг маъмурий тузилиши***




*Бу схема 2001 йилги маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ҳақидаги қонунга мувофиқ маҳаллий органларнинг тузилишини акс эттиради*

*Ҳудудий жамоатчилик ўзини ўзи бошқарувга қуйидагилар киради:*
*А. Кичик туманларнинг қўмита ва кенгашлари.*
*Б. Кўча қўмиталари.*
*В. Квартал қўмиталари.*
*Г. Бошқа органлар.*

*Жанубда, айрим шаҳар ва қишлоқларда, ўзбекларнинг жамоатларида ҳудудий жамоатчиликнинг ўзини ўзи бошқарувнинг бир қисми ҳисобланган маҳалла каби анъанавий шакли ҳам мавжуд.*

### 3.2. Қирғизистондаги маҳаллий давлат маъмуриятларининг асосий бурчлари

Маҳаллий давлат маъмуриятининг асосий бурчларига қуйидагилар киради:

а) ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва аҳолининг ижтимоий муҳофазаси дастурлари лойиҳасини шакллантириш, маҳаллий кенгаш тасдиқлаганидан кейин уларнинг ижросини ташкил қилиш.

б) маҳаллий бюджетни бажариш.

в) фавқулодда вазиятлар, табиий офатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тадбирларни мувофиқлаштириш ҳамда амалга ошириш.

г) фуқаролар, шу жумладан, балоғат ёшига етмаганларнинг ҳуқуқлари таъминланиши устидан назоратни амалга ошириш.

Туман давлат маъмуриятлари юқорида санаб ўтилганларга қўшимча равишда:

- аҳолига ҳуқуқий, ижтимоий-маданий, хўжалик ва маиший хизматлар кўрсатилишини ташкил қилади.
- маҳаллий коммуникацияларнинг барча турлари, кўчалар, йўллар ва бошқа объектлар ҳолатини талабдагидек ушлаб туриш бўйича тадбирлар ва дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Кўпгина мамлакатларда айрим маҳаллий органлар умумдавлат дастурларини тўлдирувчи кўмакчи хизматларни туза олишларидан қатъи назар, маҳаллий ҳокимият органларига соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий тўловларни таъминлаш учун масъулиятни юклаш қабул қилинмаган. Одатга кўра, бу хизматлар марказий вазирликларнинг бўлимлари томонидан бошқарилади. Бундан ташқари, кўпгина мамлакатларда кенгашлар ердан фойдаланишнинг умумий тартибига нисбатан қоидаларни ўрната оладилар.

## 4.0 Республика, вилоят ва туман аҳамиятига эга бўлган шаҳарлар

Бишкек ва Ўш шаҳарларига республика аҳамиятига эга бўлган шаҳарлар мақоми берилган. Ўн шаҳар вилоят аҳамиятига эга бўлган, ўн уч шаҳар туман аҳамиятига эга бўлган шаҳарлардир. (Шаҳар мақомини белгилаш масаласи дастлаб аҳоли пунктининг катталиги ёки аҳолиси сонига қараб эмас, унда муҳим саноат корхоналари жойлашганлигидан келиб чиққан ҳолда ечилган).

**ВИЛОЯТ АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ШАҲАРЛАР:** Баликчи, Жалолобод, Қоракўл, Қоракўл, Қизилкия, Мойлисув, Сулукта, Толас, Тошкўмир, Тўқмоқ.

**ТУМАН АҲАМИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ШАҲАРЛАР:** Боткен, Исфана, Қант, Қораболта, Қорасув, Кўкёнғоқ, Кербен, Кўчкорота, Норин, Новкат, Ўзган, Чўлпонота, Шўпоков.

Бишкек ва Ўшда, вилоят аҳамиятига эга бўлган шаҳарларда ижроия-бошқарув органи бошлиғи мэр деб аталади. Улар аҳоли тўғридан-тўғри сайлаган шаҳар кенгаши депутатлари томонидан президент тақдим қилган номзодлар ичидан сайланади. Мэр бир вақтнинг ўзида шаҳар кенгашининг депутати бўла олмайди.

**БИЛАСИЗМИ?**

***Кўпгина мамлакатларда одатга кўра мэр лавозимига тўла ставкада ҳақ тўланади, бироқ кенгашнинг сайланадиган бошқа аъзоларига унинг йиғилишларида қатнашганлиги учунгина нафақа бериб турилади. Аммо бу масала турли кенгашларда улар тасарруфидаги ҳудуд аҳолисининг сони, майдони ва бойликларига қараб турлича ечилади.***

Мэрлар президент ва ҳукумат, шунингдек, ўз кенгаши олдида жавоб беради. Президент шаҳар кенгаши депутатлари умумий сонининг учдан икки қисми ишончсизлик билдирадиган бўлса, мэрни лавозимидан бўшатиши ва шаҳар кенгаши томонидан янги мэр сайлангунга қадар мэр вазифасини бажарувчини тайинлаши мумкин.

Мэр шаҳар кенгашига шаҳар бюджетини тақдим қилиши, ўзининг бошқа иш режаларини амалга ошириш тасдиғини олиши, молия йили охирида эса кенгаш олдида ҳисобот бериши керак. Бишкек шаҳар кенгаши ўз мустақиллигининг айтарли юқори даражасини намойиш этди: масалан, у 2002 йилда мэр таклиф қилган бюджетни тасдиқлашдан бош тортди.

Бишкек шаҳри тўрт туманга бўлинган. Бу туманлар маъмуриятларининг бошлиқлари Бишкек шаҳар кенгашининг розилиги билан тайинланади ва Бишкек мэрига бўйсунади. Шаҳар туманларининг ўз кенгашлари йўқ, шунинг учун аҳоли манфаатларини шаҳар кенгаши ҳимоя қилади.

Туман аҳамиятига эга шаҳарлар, масалан, Ўзганда шаҳар бошлиғини аҳоли сайлайди ва у бир вақтнинг ўзида шаҳар кенгаши раиси вазифасини ҳам бажаради. Шаҳар кенгаши таркибига 11 дан 21 нафаргача депутат киради. Айрим шаҳарларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари маҳаллий меъёрий-ҳуқуқий актларни қабул қилишда мустақилликнинг юқори даражасини кўрсатяпти. Шаҳар, қишлоқ ва посёлкаларда ҳозир бюджет бўйича жамоатчилик тингловлари ташкил қилинмоқда. Унда ижроия-бошқарув органи бошлиғи нималарни амалга оширмоқчи эканликлари ҳақида тушунтириш беради.

## 4.1 Қишлоқлар ва посёлкалар

Қишлоқлар ва посёлкаларда ижроия-бошқарув органи бўлиб қишлоқ ҳукумати ҳисобланади. 2004 йили уларнинг сони 472 тага етди. Қишлоқ, посёлка ўзини ўзи бошқарув раҳбари илгаригидек тайинланмасдан, ҳар тўрт йилда қишлоқ, посёлка аҳолиси томонидан тўғридан-тўғри сайловларда сайланади. (Қишлоқ ҳукумати лавозимига номзоднинг ёши 25 дан кичик ва 65 дан катта бўлмаслиги керак). 2001 йилги сайловларда аввал тайинланган қишлоқ ҳукуматлари бошлиқларининг 40 фоизи улар учун овоз бермаган сайловчилар томонидан лавозимларидан кетказилди. Қишлоқ, посёлка маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи раҳбари лавозими маҳаллий бюджетдан тўланадиган тўла ставкали штат ҳисобланади.



Қишлоқ ҳукумати бошлиғи халқ олдида бюджет бўйича ҳисоб бермоқда.

Қишлоқ ҳукуматининг асосий бурчлари қуйидагилар:

1. Аҳолига ижтимоий ва маданий хизматларни тақдим этиш.
2. Ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш.
3. Бюджетни ишлаб чиқиш ва тегишли кенгаш тасдиқлаганидан кейин уни ижро этиш.
4. Ерлардан рационал фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи маҳаллий кенгашга маҳаллий солиқларни ва йиғимларни жорий

этишни таклиф қила олади. Қишлоқ кенгаши таркиби 9 дан 21 нафаргача депутатдан иборат. У йилига камида тўрт марта сессияга йиғилади. Қишлоқ кенгаши вазифасига маҳаллий бюджет ва унинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, маҳаллий солиқларни, йиғимларни, солиқдан ташқари тўловларни киритиш, муниципал мулкдан фойдаланиш тартибини аниқлаш, қишлоқ уставини тасдиқлаш киради. Маҳаллий кенгашнинг ечимлари сайланган барча депутатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилиниб, қарор ҳолида чиқарилади. Қишлоқ бюджети ўз ичига қуйидаги йўналишларни олиши мумкин:

1. муниципал мулк объектларини сотиш ва ижарага бериш;
2. қишлоқларни кўкаламзорлаштириш;
3. ўта кашшоқ оилаларга ёрдам кўрсатиш;
4. мактаб ва спорт иншоотлари қуриш ва бошқалар.

**ҚИШЛОҚДА ЯШОВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, ҚИШЛОҚ ВА ПОСЁЛКАЛАРНИНГ АСОСИЙ МУАММОЛАРИ ҚУЙИДАГИЛАРДАН ИБОРАТ:**

*Сув таъминоти – аҳолининг 40,8 фоизи таъкидлади.*
*Электр энергияси таъминоти – 20,4 фоиз.*
*Ижтимоий масалалар (пенсия, ишсизлик, кам таъминланганларга ёрдам кўрсатиш) – 20 фоиз.*
*Ер масаласи (солиқлар, қишлоқ хўжалик техникаси ва бошқалар) – 16,3 фоиз.*
*Ободонлаштириш – 13,8 фоиз.*
*Кашшоқликни бартараф этиш – 13,8 фоиз.*
*Бошқалар – 11,7 фоиз.*

**Қишлоқ ҳукумати бошлиқларининг фикрича:**

*Пул маблағларининг етишмаслиги – 42,9 фоиз.*
*Ер солиғини тўплаш – 42,9 фоиз.*
*Йўлларни таъмирлаш зарурати – 42,9 фоиз.*
*Ичимлик сув – 14,3 фоиз.*

*(Урбан Институт-Бишкек ўтказган сўров натижалари бўйича, 2003).*

Қишлоқ ҳукумати давлат ҳокимият органлари томонидан берилган функцияларни ҳам бажаради. Бу функциялар билан биргаликда уларни бажариш учун зарур бўлган пул маблағлари ҳам ўтказиб берилади. Бундай молиялаштириш ва маҳаллий солиқдан тушган бошқа маблағлар уларга аҳоли учун зарур бўлган хизматларни кўрсатиш ва қишлоқ ҳукумати штатидаги ходимларга ойлик маош тўлаш имконини беради. Қишлоқ ҳукумати бошлиғи қонуний мақомга эга, маош олиб ишлайдиган қишлоқ бошлиқларини тайинлайди. Улар қишлоқнинг ҳар қайси қисмларида, шунингдек, бундай орган бўлмаган ва бир қишлоқ ҳукумати бир неча қишлоқни бошқарган ерларда қишлоқ ҳукумати номидан иш кўради. Одатда қишлоқ бошлиғи маҳаллий фуқароларнинг таклифи бўйича тайинланиб, қишлоқ ҳукумати номидан берилган вазифаларни бажаради (бошқача айтганда, турар жой ва бошқа масалаларни ҳал қилишда аҳоли иштирокини таъминлайди).

Қирғизистон Республикасининг 2003 йилда қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг молиявий-иқтисодий асослари тўғрисида» Қонунига кўра маҳаллий бюджетнинг маҳаллий солиқлардан, йиғимлардан ва солиқ ҳисобланмаган тўловлардан тушган даромадлари республика бюджетига олинмайди.

Қонун бўйича қишлоқ ҳукумати бошлиғи қишлоқ кенгашига, давлат берган ваколатларига кўра эса туман давлат маъмуриятининг бошлиғи ва шаҳар мэрига ҳисоб беради. Қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ҳам ҳисобланади. Қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи қишлоқ кенгашининг сессиясига раислик қилган пайтида қабул қилинган тартибнинг ва муҳокама юритиш қоидаларининг сақланиши устидан назорат қилади. Ҳар бир қишлоқ ҳукумати ўз иш режаси (регламенти)ни ўзи белгилайди.

Агар қишлоқ кенгаши барча депутатларининг учдан икки қисми қарши овоз бериб ишонч кўрсатишдан бош тортса, қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи лавозимидан бўшатилиши мумкин. Масалан, 2000 йили Толас туманидаги Долоно қишлоқ кенгаши ишонч кўрсатмасдан қишлоқ ҳукумати бошлиғини вазифасидан бўшатган. Бундай вазиятда хизмат ўрни бўшаб қолганида бир ойнинг ичида ўтказилиши лозим бўлган кейинги сайловгача қишлоқ ҳукумати бошлиғи вазифасини унинг ўринбосари вақтинчалик бажаради.

***Қишлоқ, посёлка маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари схемаси***




Айрим давлатларда қишлоқ аҳолисининг туман кенгаши ва шаҳар бошқарувида бевосита сайланган вакиллари (депутатлар, мэр) борлиги учун қишлоқ бошқарув органлари тузилмайди.

### 4.2 Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қандай ишлайди?

1996 йилдан бери қишлоқлар ва шаҳарларнинг конституцияга ўхшаган уставлари бор, улар маҳаллий жамоат иш фаолиятининг асосий қоидаларини белгилайди. (Шу китобнинг охирида сизлар бундай устав намунаси билан таниша оласиз). Устав жамоатдаги ўзгаришларга лойиқ равишда такомиллашиб борадиган ҳужжат бўлиши керак. Уставга ўзгартиш ва қўшимчалар тегишли ҳудуддаги фуқаролар билан очиқ муҳокама ўтказилиб, бу қарорни маҳаллий кенгаш тасдиқлагандан кейингина киритилиши мумкин.


Қишлоқ ҳукумати бюджети муҳокама қилинмоқда.

Мэр, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органининг бошлиғи кўпинча махсус тузиладиган комитетларда ечилувчи масалалар бўйича ишларнинг боришини қараб чиқиш учун ўз ходимлари билан ҳафтасига камида бир марта мажлис ўтказади. Истиқбол режалари тегишли кенгашнинг сессиясида тасдиқлаш учун тақдим этилади. Сессияда мэр, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органининг бошлиғи таклиф қилинаётган иш-тадбирлар режасини кўрсатиб, унинг муҳокамасини уюштиради. Одатда кенгаш бу режани дарҳол овозга қўймасдан, бир фикрга келинмагунча муҳокамани давом эттираверади. Муҳокама тугагандан кейин қабул қилинган қарорни қонунлаштириш учун овоз бериш амалга оширилади. Бироқ маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органининг бошлиғи аҳоли ишончига асосланиши лозим бўлганлигидан у кўпроқ аҳоли вакилларининг фикрини ҳисобга олиши керак бўлади. Кенгашнинг депутатлари катта ҳуқуққа эга эканликларини англаган ҳолда ўзлари қабул қилган қарорлар бўйича катта масъулиятни сезишлари керак.

Қарор қабул қилинганидан бошлаб бошқарув режасини ҳаётга татбиқ этавериш мумкин. Режалаштирилган иш тадбирлари бажарилгандан сўнг ўзини ўзи бошқарув органининг бошлиғи битказилган ишлар ва сарфланган маблағ (солиқ тўловчиларнинг шу ишларга сарфланган пули) тўғрисида кенгаш олдида ҳисоб беришга мажбур. Маҳаллий кенгашларнинг қарорларини бажариш тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Ҳаётда айрим қишлоқ бошқарувлари шу тартибга қатъий амал қилиб, бошқаларга нисбатан хийла яхшироқ ишлайди.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг (МЎБ) бошлиқлари кимлар эди ва энди кимлар бўлади?**

***Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари раҳбарлигига яқинда бўлиб ўтган сайловлар натижасида барча сайланадиган лавозимларнинг деярли тўртдан бир қисмини педагогик билимга эга одамлар, ярмидан сал озроғини техник интеллигенция вакиллари, 15 %га яқинини иқтисод ва молия соҳасида ишлаганлар, 2 %га яқинини врачлар эгаллади. Бироқ қишлоқ ва посёлкалардаги МЎБ ассоциацияси ҳозир ўрта билимлиларнинг номзодликка кўрсатилишини ёқлайди. «Жой-жойларда, - дейди ассоциация раиси К.Дийканбаев, - олий ўқув юртини ёки ўрта-махсус билим юртини битирганлиги тўғрисида диплом йўқлигига қарамай иш биладиган, тажрибали ва ақлли одамлар кўп. Уларнинг кўпи мустақил билим олишган, ҳамқишлоқларининг орасида саводли кишилар сифатида қадр-қимматга эга. Бундай одамларга сайловда ўз номзодларини қўйиш имконини бериш керак».***

*Данияр Каримов, «Вечерний Бишкек», 2003 йил, 3 октябрь.*

### 5.0 Маҳаллий жамоатларнинг ихтиёрий бирлашмалари

Маҳаллий жамоатларнинг аъзолари ўзларининг умумий масалаларини самарали ечиш учун ихтиёрий равишда турли уюшмаларга бирлашишлари мумкин. Бундай бирлашмалар бир киши ёлғиз битказа олмайдиган ишларни ниҳоясига етира олади. Худди шунинг учун одамлар жамоатларга ёки ўзини ўзи бошқарув органларига бирикадилар.

Жамоат – маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни уюштиришнинг бир шакли. Унга маҳаллий аҳамиятга эга ишларни ўз ташаббуси билан битириш мақсадида ихтиёрий равишда бириккан қишлоқ ёки шаҳарнинг бир кўчасида, квартали(шаҳар бўлаги)да ё бошқа қисмида яшаган маҳаллий жамоатнинг аъзолари киради. Жамоатни 10 тадан кам эмас хонадонлар вакиллари туза оладилар. Умумий йиғилишда улар ўз фаолиятини тартибга солувчи уставни қабул қилиб, жамоат раисини сайлашлари керак. Жамоат аъзо-

лари томонидан ишлаб чиқилиб қабул қилинган устав овул, қишлоқ, шаҳар кенгашларида рўйхатдан ўтади.

2005 йили қабул қилинган «Жамоатлар тўғрисида» қонунга мувофиқ жамоат:

- ўз аъзоларининг манфаатларини давлат хокимият ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларида ҳимоя қилади;
- жамоатларнинг фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилишда маҳаллий кенгашларнинг ишида маслаҳат овози бериш ҳуқуқи билан қатнашади;
- маҳаллий кенгашларнинг, уларнинг ижроия-бошқарув органларининг ва маҳаллий давлат маъмуриятларининг жамоатларнинг фаолияти бўйича қабул қилган қарорларининг бажарилишига кўмаклашади;
- қишлоқ ҳукуматининг ва маҳаллий кенгашларнинг режалаштириш, ҳудудни ободонлаштириш (кўкаламзорлаштириш, тартибга келтириш), ижтимоий-маданий, маиший ва хўжалик объектларини қуриш соҳасидаги фаолиятида иштирок этади;
- жамоат уставида кўрсатилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажаради.

Ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари – бу шу ҳудудда яшаган фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни ечиш учун тузилган ихтиёрий бирлашмалари. Уларнинг айримлари то 1991 йилгача фаолият кўрсатиб келди ва ўз иш шаклига кўра ниҳоятда демократик эди. Кўплаб белгиларига кўра улар жамоат бирлашмаларига ўхшайди. Булар асосан шаҳарларда тузилган кичик туманлар қўмиталари, кенгашлари, уй, кўча ва квартал қўмиталаридир. Уларнинг ёрдами билан кичик туманлар аҳолиси ўзлари яшаётган ерни яхшилашга ўз маблағларини сарфлай оладилар.

Ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқарув органлари қонунда белгиланган тартибда юридик шахс сифатида рўйхатга олиниши мумкин.

Бундай органлар одатда йил сайин шаҳар бошқаруви, мэрия ёки қишлоқ ҳукуматидан кичик маош олиб ишловчи раисни сайлаб туришади. Агар раис ўз вазифаларини яхши бажара олмаса, бирлашма аъзолари кўпчилигининг розилиги билан хизматидан туширилиши мумкин. ҲЎБ органлари ижтимоий соҳа объектларини обод қилиш, ўнглаш, ҳудудни санитария тозалаш ишларини қабул қилишда қатнашади. Улар маҳаллий кенгашларнинг, ижроия-бошқарув органларининг ва маҳаллий давлат маъмуриятининг қарорларини бажаришда ёрдамлашади. Маҳаллий кенгашлар, уларнинг ижроия-бошқарув органлари ва маҳаллий давлат маъмурияти шартнома асосида ҲЎБ органларига ўз функцияларини ўтказиб, хўжалик объектлари, турар жой ва турар жой эмас фондлари, маблағларини мулк сифатида ўтказиб бериши мумкин.

## 5.1 Қурултой

Қурултой — бу муҳим ижтимоий муаммоларни муҳокама қилишнинг анъанавий қирғизча шакли. Ҳеч қандай катта жамоат туман ва ундан юқори миқёсда барча аъзоларини муҳокама учун бир вақтнинг ўзида бир жойда тўплай олмаганлигидан ҳар тўрт йилда бир марта очиқ бевосита овоз бериш орқали жамоатчилик шаклида ишлайдиган қурултой вакилларини сайлайдилар. Улар жамоатчилик асосида, бошқача айтганда, ҳақ олмасдан ишлайдилар. Бунда сайловчиларнинг рўйхати тузилмайди ва номзодларга ҳеч қандай малака талаблари қўйилмайди. Қурултойнинг вакиллари бир вақтнинг ўзида кенгаш депутати бўлиши ҳам мумкин. Умумдавлат аҳамиятига эга масалаларни муҳокама қилиш учун чақирилган қурултойларда улар босим кўрсатувчи гуруҳлар (лобби гуруҳи) каби фаолият кўрсатиши мумкин. Улар аҳолининг аксарият қисми бу масала бўйича бир хил фикрда эканлигини кўрсатган ҳолда давлат сиёсатини ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Шу сабабдан қурултойни фақат маҳаллий ўзини ўзи бошқарув шакли сифатидагина кўриш мумкин эмас.

Қурултойлар вақтинчалик органлар ҳисобланиб, уларнинг йиғилиши давомидагина ҳукм суради. Қурултойлар заруратга қараб сайланган делегатларнинг йиғини сифатида ўтказилади. Агар қурултойда ҳамма бир хил фикрга келмаса, у ҳолда кўпчилик овоз билан қарор чиқарилади. Маҳаллий кенгашлар ва уларнинг ижроия-бошқарув органлари учун қурултой қарорлари маслаҳат характерига эгадир.

Қурултойлар ҳамжамиятлар уставини қабул қилиш олдидан муҳокама этиш шакли сифатида, шунингдек, бошқа кўпгина масалаларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, ҳар икки йилда бир тўпланадиган йиғинларда улар тегишли маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг иш бўйича таклиф ва йўналишларини қўллаб-қувватлайдилар ёки рад этадилар.



Халқ қурултойи («Замондош» журналидан олинди)

## 5.2 Маҳаллий жамоатларни уюштиришнинг бошқа шакллари

Юқорида баён қилинган турли маҳаллий ташкилотлардан ташқари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қонунида кўрсатилмаган бўлса-да, маҳаллий жамоатнинг ҳаётида фаол қатнашувчи бошқа органлар ҳам мавжуд. Мамлакатнинг жанубида қишлоқларнинг кўчаларида маҳалла қўмиталари ташкил этилган. Уларнинг таркибига асосан эркаклар киритилади. Бироқ аёллар одатда мактаблар учун материаллар сотиб олиш, ёки ҳамжамиятнинг бошқа долзарб муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ўзларининг қўмиталарини тузадилар. Кўплаб қишлоқларда мактабларни қўллаш учун ота-оналар қўмиталари тузилган.

**ҚИШЛОҚ ҲУКУМАТИДА ОДАТДА ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ИШЛАШАДИ:**

1. *Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув раҳбари*
2. *Масъул котиб*
3. *Ижтимоий муҳофаза бўйича етакчи мутахассис*
4. *Ер ва уй-жой масалалари бўйича биринчи тоифадаги мутахассис*
5. *Молия-иқтисод бўлимининг бошлиғи, бухгалтер*
6. *Даромадлар бўйича мутахассис, катта солиқ инспектори*
7. *Харажатлар бўйича етакчи мутахассис, ҳисоб бухгалтери.*
8. *Солиқ инспектори (нозири)*
9. *Иқтисодчи (экономист)-статист*
10. *Чорвачилик бўйича инспектор*
11. *Ҳарбий-учёт столи инспектори*
12. *Котиб-иш юритувчи*

## 6.0 Истиқболлар (перспективалар)

2001 йилда «Қирғизистон Республикасини 2010 йилгача ривожлантиришнинг комплекс асослари» деб номланганислоҳотларнинг умуммиллий стратегияси (узоқ муддатли режа) қабул қилинган. Бу ҳужжат доирасида давлат ҳокимиятини децентрализация қилиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни ривожлантириш бўйича миллий стратегия лойиҳаси ишлаб чиқила бошлаганди. Республика курултойида муҳокама этилганидан кейин бу ҳужжатга Қирғизистон Республикаси президенти 2002 йилнинг декабрида қўл қўйди.

Стратегияда қуйидаги бўлимлар мавжуд:

- Самарали ҳуқуқий асосни яратиш
- Сиёсий, маъмурий ислоҳотларни юргизиш ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига давлат қўллови кўрсатиш
- Иқтисодий ва молиявий томондан децентрализацияни (бошқача айтганда, марказий ҳукуматнинг ваколатларини маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига бериш) юргизиш
- Муниципал хизматни шакллантириш ва кадрлар билан ишлашни ривожлантириш
- Ижтимоий сафарбарлик ва инсон салоҳият(потенциал)ини ривожлантириш
- Фуқаролик жамиятининг жипслигини таъминлаш.

Ҳозирги даврда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ва давлат ҳокимият органларининг (ички ишлар бошқармалари, прокуратура ва бошқалар) функцияларини аниқ бўлиштириш бўйича

иш юритиляпти. Бунинг натижасида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари маҳаллий бюджетни тузиш, уни бажариш, ўзларига қарашли хизмат турларини кўрсатиш учун зарур бўлган қарорларни қабул қилишда кўпроқ мустақилликка эга бўлиши керак.

## Матнни ўқиб чиққандан кейинги машқлар

### 03–топшириқ. Маҳаллий бурчми ёки республикавий бурчми?



Шеригингиз билан қуйидаги хизмат турларини кўриб чиқинг. Бу хизматлар ким томонидан — ҳокимиятнинг маҳаллий органлари, марказий ҳукумат ёки хусусий компаниялар томонидан кўрсатилишини аниқланг. Баъзи ҳолларда бу хизматлар бир неча ташкилотлар томонидан кўрсатилиши мумкин.

| № | Топшириқлар | Хусусий сектор | Республика органлари | Маҳаллий ҳокимиятлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошқа мамлакатлардаги вакилликни элчихоналар орқали таъминлайди | | ✓ | |
| 2 | Сизнинг қишлоғингиз (шаҳрингиз)даги кўчаларнинг ёритилишини назорат қилади | | | |
| 3 | Милицияни шакллантиради ва таъминлайди | | | |
| 4 | Ахлатларни олиб чиқиш билан шуғулланади | | | |
| 5 | Касалхоналар ва поликлиникалар ишини молиялаштиради | | | |
| 6 | Солиқлар тўплашни ташкил этади | | | |
| 7 | Уйларни сув билан таъминлашни амалга оширади | | | |
| 8 | Телерадио кўрсатувлари ва эшиттиришларини таъминлайди | | | |
| 9 | Ўқитувчиларга маош беради | | | |
| 10 | Йўллар қуради ва уларни назорат қилади | | | |
| 11 | Нон пиширади | | | |

### 04–топшириқ. Фарқ нимада?

Шеригингиз билан биргаликда қуйида келтирилган жадвални кўриб чиқинг. Бу ерда хаёлий Нур мамлакати туманларидан биридаги маҳаллий ҳокимият органининг ишини кўрсатувчи рўйхат келтирилган. Агар сизнинг жамоатингиздаги маҳаллий маъмуриятлар ҳам шундай ишларни олиб бораётган бўлса, тегишли катакка «ХУДДИ ШУНДАЙ» деб ёзинг, агар уларнинг иши фарқланса, у ҳолда қандай фарқлар борлигини ёзинг.

| № | Барака туманининг маҳаллий ҳокимият органлари | Бизнинг ҳокимият органлари |
|---|---|---|
| 1 | Сайловлар ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилади | |
| 2 | Маҳаллий кенгашга сайловлар даврида фақат бой одамларгина овоз бериш ҳуқуқига эга | |
| 3 | Ўз таркибидан ҳоким сайлайдиган ва уни бўшата олиш ҳуқуқига эга бўлган сайлов кенгаши мавжуд | |

| | | |
|---|---|---|
| 4 | Катта магистрал йўлларни ҳисобламаганда, барча йўлларнинг қурилиши ва улардан фойдаланиш бўйича масъул | |
| 5 | Барча уйлар, мактаб ва касалхоналарни бепул сув билан таъминлайди. Корхоналар сув таъминоти учун ҳақ тўлайдилар | |
| 6 | Иссиқлик ва электр таъминоти учун масъул эмаслар | |
| 7 | Марказий ҳукуматдан дотациялар оладилар | |
| 8 | Жамоатчилик канализацияси учун масъулдирлар | |
| 9 | Ўқитувчилар ва врачларга маош тўламайди | |
| 10 | Уй ҳайвонларининг, масалан, итларнинг сонини назорат қилади | |
| 11 | Ресторанлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотувчи дўконларга тиббий-санитария сертификатларини беради | |
| 12 | Тадбиркорлардан патент берганлиги учун солиқ оладилар | |
| 13 | Болаларнинг мактабга мажбурий қатнаши учун масъул эмаслар | |
| 14 | Тайинланадиган лавозимлардаги бирорта шахс кенгаш депутати бўла олмайди | |
| 15 | Ер тақсимоти бўйича жавобгарликка эга эмаслар | |
| 16 | Ер эгаларидан унинг қийматига яраша солиқ йиғадилар | |
| 17 | Ҳар бир уйдан ҳафта сайин ахлатларни бепул олиб кетади | |
| 18 | Маҳаллий ҳокимият органларининг биноларида мансабдор шахслар ёки марказий вазирликлар ва маҳкамалар жойлаштирилмайди | |

**05–топшириқ. Туман ва қишлоқ ҳокимияти органлари: улар бир хилми?**

Шеригингиз билан қуйида келтирилган тасдиқларни кўриб чиқинг ва улар қишлоқ ёки туман ҳокимияти органларини ёхуд ҳар иккаласини баён этаётганлигини аниқланг.

| № | Тасдиқлар | Қишлоқ | Туман |
|---|---|---|---|
| 1 | Давлат ижроия ҳокимиятининг бошлиғи бир нечта қишлоқни назоратга олади, лекин унинг идораси қишлоқларнинг биттасида жойлашган | | |
| 2 | Ижроия ҳокимияти сайланадиган раҳбар орқали бошқарилади | | |
| 3 | Вакиллик органи бевосита овоз бериш йўли билан сайланади | | |
| 4 | Ҳокимият органлари вилоят органлари томонидан берилган ваколатларга эга | | |
| 5 | Ҳокимият органлари қўмита ва комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштиради | | |
| 6 | Бюджет бўйича мажбурий ва оммавий тинглашлар ўтказади | | |

**06–топшириқ. Менинг жамоатимдаги одамлар билан ташкилотлар орасидаги ўзаро муносабатлар.**

Шеригингиз билан биргаликда сизнинг жамоатингиз бошқарув ва зарурий хизматларни кўрсатиш учун мустақил ҳолда қандай уюшаётганлиги тўғрисида схема тузинг, бунда сиз берилган тўртбурчакдаги ёрлиқлардан фойдаланинг. Сизга қўшимча ёрлиқлар ҳам керак бўлиб қолиши мумкин. (Агар сиз шаҳар ёки қишлоқда яшасангиз, ёрлиқлардаги ёзувларни ўзгартириб қўйинг). Ваколатлар қай тарзда берилаётганлигини кўрсатиш учун ёрлиқларни кўрсаткичлар (стрелка) билан туташтиринг.

**Муносабат турлари**

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| *Қишлоқ, посёлка кенгаши* | *Қишлоқ ҳукумати* | *Катта ёшдаги фуқаролар* | *Қурултой* | *Қишлоқ бошлиғи* |
| *НДТ* | *Диний ташкилотлар* | *Норасмий ташкилотлар* | *Туман ҳокими* | *Ўқувчилар* |

1. Мутлақ ҳокимият ⟶
2. Маслаҳатлар бериш ваколати - - - ->
3. Бевосита сайлаш ваколати ⟶
4. Билвосита овоз бериш йўли билан сайлаш ваколати - - - - →
5. Тайинлаш ёки ташкил этиш ваколати ——o
6. Фаолиятларни қўллаш ваколати ——o

### 07–топшириқ. Улар нима билан машғул?

Қуйида турли босқичдаги лавозимлар рўйхати келтирилган. Худди шундай жадвал тузиб, унда мансабдор шахслар қандай ишлаётганлигини кўрсатинг.

| № | Лавозим | Сайланадими ёки тайинланадими? | Молиялаштириш манбаи | Кимга бўйсунади | У нима иш қилади? |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳоким | | | | |
| 2 | Туман ҳисобчиси | | | Ҳокимга | |
| 3 | Қишлоқ бошлиғи | | | | |
| 4 | Қишлоқ кенгашининг депутати | | | | |
| 5 | Қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи | | | | |
| 6 | Мэр | | | | |
| 7 | Таълим бўлимининг мудири | | | | |
| 8 | Солиқ инспектори | | | | |
| 9 | Соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири | | | | |
| 10 | Тиббий ҳамшира | | | | |
| 11 | Милиционер | | | | Жамоат тартибини қўриқлаш |
| 12 | Бозорком | | | | |

### 08–топшириқ. Нима учун улардан сўраш керак?

Иккитадан бўлиб бўлининг ва биргаликда қуйидаги масалани муҳокама қилинг. Кейин жавобингизни синф билан муҳокама қилишга тайёр бўлинг.

***Баъзи шаҳарларда маҳаллий маъмурият бюджет бўйича тингловлар ўтказади. Бунда ижроия органининг бошлиғи бюджет лойиҳасини таклиф қилади ва қандай чоралар кўришни режалаштираётганлиги ҳақида гапириб беради. Кейин у тингловчилардан бу таклифларни изоҳлаб беришларини сўрайди. Бу тингловлар нима сабабдан ўтказилади ва улар режалаштириш билан машғул бўлган маҳаллий бошқарув хизматчиларига қандай фойда келтириши мумкин, деб ўйлайсиз?***

### 09–топшириқ. Маҳаллий ҳокимият органлари ишини режалаштириш бўйича машқ.

1. Сизни 35 минг аҳолиси бўлган туманга янгидан ҳоким қилиб тайинлашди, деб фараз қилинг. Сизнинг фикрингизча, жамоатингиз олдида турган энг муҳим муаммолар қайсилар?
2. Бир ҳомий сизнинг туманингизга 10000 доллар пул ҳадя этди.
3. Қуйида келтирилган жадвалдан фойдаланиб, жамоатингиз олдида турган икки муҳим муаммони ҳал этиш учун пулдан қандай фойдаланишингиз мумкинлигини режалаштиринг. Биринчи муаммо намуна учун берилган.



*Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи бюджетини режалаштирмоқда.*

| Саволлар | Биринчи муаммо | Иккинчи муаммо | Учинчи муаммо |
|---|---|---|---|
| Муаммонинг моҳияти нима-да? | Йўлларда ўнқир-чўнқирлар жуда кўп. | | |
| Сизнинг мақсадингиз қандай? | Йўлни ўнглаш керак | | |
| Қандай қилиб? | Чуқурларни тўлдириб, йўлни текислаш. | | |
| Чекланишлар | Почта бўлими билан туман халқ таълими бўлими оралиғи-нигина. | | |
| Бу тадбирдан ким фойда кўради? | Автомашина эгалари ва йўлов-чилар | | |
| Бу тадбирнинг қандай нафи бор? | Автомашиналар оз бузилади. Йўлда юришга кам вақт сафла-нади. | | |
| Бунинг учун қандай ишларни бажариш керак? | 1. Ўнқир-чўнқирларни белгилаш. 2. Таъмир учун нима зарурли-гини аниқлаб, харажатларни ҳисоблаш. 3. Буюртмачини аниқлаш. 4. Таъмир ишларини амалга ошириш. | | |
| Бунга қандай ресурслар зарур бўлади? | Асфальт, шағал, юк машинала-ри, ишчилар. | | |
| Бу ишларнинг барчасига қанча маблағ зарур? | 8. 000 доллар | | |

**10-топшириқ. Нимадан бошлаш керак?**

Шеригингиз билан қуйидаги муаммони ҳал этиш учун туман ҳокимияти органлари бажариши керак бўлган ишларни кўриб чиқинг ва муҳокама этинг. Ундаги иш-ҳаракатларни мантиқий тартибга солинг.

**Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари олдида турган муаммо:** дарёдаги кўприк авария ҳолатида.

1. Капитал қурилиш бошқармаси буюртмачини ва бу лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқлайди (пул харажатларини туман ёки шаҳар молия бошқармаси ажратади.
2. Депутат ҳукуматга мурожаат қилади, у эса ўз навбатида мэрияга кўприкни таъмирлаш учун маблағ зарурлигини баён этган ҳолда ёзма маълумот беради.
3. Буюртмачи пудратчилар (пудратчи - шартнома бўйича маълум бир ишни бажарувчи шахс ёки ташкилот) орасидан озроқ маблағ сарфлаган ҳолда тиклаш ишларини сифатли бажара оладиганини танлайди ҳамда ишнинг смета нархини харидлар бўйича давлат агентлиги билан келишиб олади (Қирғизистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ).
4. Мэрия капитал қурилиш бошқармасига (ҚҚБ) бу муаммони ҳал этиш тўғрисида хат юборади.
5. Давлат комиссияси кўприкни эксплуатация(фойдаланиш)га бериш тўғрисида қарор қабул қилади.



*Эски кўприк қулаб тушди. Нима қилиш керак?*

6. Капитал қурилиш бошқармаси қуйидаги мутахассисларни таклиф қилади:
- ФМ (фуқаро мудофааси) бошлиғини;
- Лойиҳанинг бош муҳандисини (ЛБМ);
- Архитектура бошқармасининг мутахассисини;
- Ҳокимият вакилини.

Комиссия иш бажарилиши лозим бўлган жойни кўргани боради ва кўприкнинг ҳолати ҳақида акт тузади. ЛБМ вакиллари кўприкни таъмирлаш лойиҳасини тузадилар ва тиклаш ишларининг баҳосини ҳисоблаб чиқадилар.

7. Тиклаш ишлари тамомлангандан кейин кўприкни қабул қилиш бўйича ишчи комиссия тузилади. Буюртмачи қайта қурилган объектни ишга тушириш бўйича давлат комиссияси тузиш учун фармойиш тайёрлайди.
8. Фуқаролар маҳаллий кенгаш депутатига кўприкнинг яқин орада қулаб тушиши мумкинлиги ҳақида хат ёзадилар.
9. Буюртмачи қайта тиклаш ишлари устидан техник назоратни амалга оширади, бажарилган ишнинг кўламини текширади, шундан кейин пудратчига бажарган иши учун пул ўтказади.

**11-топшириқ. Маблағни нимага сарфлаш керак?**

Ҳар йили туман ҳокимияти қандай энг муҳим муаммолар борлиги ва уларни бартараф этиш йўлларини аниқлаб чиқади. Бу жадвалда муаммолар рўйхати келтирилган. Уч-тўрт кишидан иборат гуруҳларга бўлининг ва бу муаммоларни энг муҳимидан нисбатан муҳим эмасига қараб қайтадан ёзиб чиқинг. Келтирилган 15 муаммодан фақат 7 таси молиялаштирилиши мумкин. Қолган муаммоларни ҳал этиш келгуси йилга қолдирилади. Ҳар қайси муаммо ёнида у ҳақда қўшимча маълумот берилади (Агар сиз шаҳарда яшасангиз, бу масалаларни шаҳар ҳокимияти масалалари билан таққосланг).

| № | Нима қилиш зарур? | Изоҳлар |
|---|---|---|
| 1 | Қишлоқ ҳукумати (мэрия) учун янги автомашина олиш | Ишлатилаётган машинанинг олинганига 5 йил бўлган |
| 2 | Корхоналардан маҳаллий солиқ йиғишни йўлга қўйиш | Ҳозирги даврда ишлаётган корхоналарнинг фақат 5%и солиқ тўлаяпти |
| 3 | Мактабларнинг таъмирини амалга ошириш | 35% мактабларга янги сув қувурларини ўрнатиш керак |
| 4 | Маҳаллий йўлларни таъмирлаш | Кўпгина йўллар баҳорда умуман ўтиб бўлмайдиган бўлиб қолади |
| 5 | Кутубхона учун янги бино қуриш | Кутубхонанинг эски биноси ёнғинда куйиб кетган |
| 6 | Телефон тармоғини таъмирдан чиқариш | Офисларнинг 60%и ва уйларнинг 85%ида телефонлар ишламайди |
| 7 | Туман касалхонаси атрофида янги боғ барпо этиш | Боғ барпо этишнинг молиявий сметасини маиший хизмат комбинатига бериш керак |
| 8 | Электр таъминоти тармоғи тизимини таъмирлаш | 55% уйларга кунига уч соатлаб электр берилмайди. 12% турар жойларда электр умуман йўқ |
| 9 | Қишлоқ ҳукумати (мэрия) биносини янгидан бўяб чиқиш | Уни охирги марта 25 йил муқаддам бўяшган |
| 10 | Маҳаллий ТВ-станция учун янги телевизион камера сотиб олиш | Мавжуд тўрт камерадан биттаси бузилиб қолган, иккинчиси эса яхши ишламайди |
| 11 | Муниципал (маҳаллий) мулк бўлган стадионни тузатиш | Ҳозирги даврда ундан умуман фойдаланиш мумкин эмас |
| 12 | Дайди итларни отиб ташлаш | Ўтган йили улар тишлаб олган одам ўлган |
| 13 | Шаҳар канализация тизимини таъмирлаш | Ўтган йили ёзда ёппасига юқумли касалликлар билан оғриш ҳоллари кузатилган |
| 14 | Шу ерда туғилган машҳур спортчига ҳайкал ўрнатиш | У футбол бўйича миллий терма команданинг капитани бўлган |

### 12-топшириқ. Менинг жамоатим уставида нималар ҳақида сўз кетади?

Агар сиз шаҳарда, қишлоқда ёки овулда яшасангиз, ўша ернинг маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи ўз уставига эга. Мактабга маҳаллий кенгашнинг депутатини шу уставни муҳокама қилиш учун таклиф қилинг. Сиз депутатга муҳокама қилинадиган саволларни илгарироқ бериб қўйишингиз лозим (Шу китобнинг охирида бундай уставнинг намунаси келтирилган).

Депутатга қуйидаги саволларни беринг:

1. Бу устав сиз бажараётган ишга қандай таъсир кўрсатади?
2. Мэрия, шаҳар бошқаруви ёки қишлоқ ҳукумати уставга зид келадиган бирор бир фаолиятни таклиф қилган ҳоллар бўлганми? Агар шундай бўлса, бу вазиятда нима қилинган?
3. Сиз уставга қачон ўзгартишлар киритилганини айта оласизми? Бу нарса нима сабабдан ва қандай қилинган?
4. Уставга биноан аҳоли қандай ҳуқуқ ва бурчларга эга?
5. Агар биз устав билан танишиб чиқишни хоҳласак, унинг нусхасини қаердан топишимиз мумкин?
6. Агар биз фуқаро сифатида уставга ўзгартишлар киритмоқчи бўлсак, нима қилишимиз керак?

### 13-топшириқ. Жамоатингизнинг уставига ўзгартишлар киритиш бўйича таклиф тайёрланг.

Жамоатингиз уставини ўқиб чиқинг. Уч-тўрт кишидан иборат гуруҳларга бўлининг. Ҳар бир гуруҳ уставнинг ёшларга тааллуқли масалаларига оид ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак. Сўнг бу таклифларни бошқа гуруҳлар билан муҳокама қилинг ва энг яхши икки ёки уч таклифни овозга қўйинг. Кейин бу таклифларни муҳокама қилиш ва мумкин бўлса, келгусида қабул қилиш учун маҳаллий кенгаш депутатига топширинг.

### 14-топшириқ. Шундай қилиб, сиз нима билан машғулсиз?

Маҳаллий орган хизматчиси (агар у ҳоким, унинг ўринбосари ёки қишлоқ ҳукумати бошлиғи бўлса, янада мақсадга мувофиқ бўлади) билан учрашинг ёки уни синфингизга таклиф қилинг. Бермоқчи бўлган саволларингизнинг тахминий рўйхатини тайёрлаб қўйинг (сиз кейин бошқа саволларни ҳам беришингиз мумкин, лекин топширилган рўйхат унга тайёрланиб олиш имкониятини беради).

Учрашув куни қуйидаги саволларни беринг. Жавобларнинг керакли ерларини ёзиб олинг, чунки ҳамма нарсани ҳам эсда сақлаб қолиш мумкин эмас. Балки сиз берган саволга меҳмон бутунлай бошқа жавобни бериши мумкин. Диққат билан тинглаб ўтиринг, чунки берилган саволни ёки шу саволга ўхшаш саволни яна берсангиз, бу нарса меҳмонингизни тингламай ўтирганингизни кўрсатади.

1. Сиз қандай лавозимдасиз?
2. Сизнинг хизмат бурчларингиз нимадан иборат?
3. Сиз ўзингизнинг бурчларингизни жуда кўп деб ҳисобламайсизми?
4. Сиз оддий иш кунингизни баён қилиб бера олмайсизми?
5. Ўз бурчларингизни бажаришда Сиз қандай ресурслардан фойдаланасиз?
6. Сиз бу ресурсларни етарли деб ўйлайсизми?
7. Ўз бурчларингизни бажаришда Сиз қандай ваколатларга эгасиз?
8. Ўз бурчларингизни бажаришингиз учун етарли даражада ҳокимиятга эгамисиз?
9. Сизнинг ваколатларингиз қай даражада чекланган?
10. Сиз ваколатларингизни қандай оласиз?
11. Сизнинг бурч, ҳокимият ва ваколатларингиз қайси ҳужжатларда ифодаланган?
12. Лавозимингиз Сизга қандай имтиёзларни беради?

***Ҳокимиятнинг маҳаллий органига қайсидир масалани ечиб бериш илтимоси ёки талаби билан хат ёза оламан, деб ўйлайсизми?***
*(2003 йили ЮСАИД ўтказган сўров натижалари)*



13. Сиз кимга бўйсунасиз?
14. Фаолиятингизнинг натижалари ва фойдаланган ресурсларингиз бўйича Сиз қандай хисобот берасиз?
15. Етакчилик фаолиятингиз раҳбарият учун ёки ўзингиз учун муваффакиятли эканлигининг кўрсаткичлари қайсилар?
16. Ўз бурчларингизни бажаришингизда имкониятларингизни чеклайдиган омиллар нималар деб ўйлайсиз?
17. Сиз билан аҳолининг кенг қатлами қандай боғланади?
18. Кенг жамоатчилик билан қандай мулоқотда бўласиз?
19. Сизнинг ташкилотингизда қарорлар қандай қабул қилинади? (Овоз бериш йўли билан, кўпчиликнинг розилиги билан, мажбурлаш орқали)
20. Маҳаллий ҳокимият органларида ва уларнинг иш шаклларида кейинги 20 йил ичида қандай ўзгаришлар бўлганлигини айтиб бера оласизми?
21. Сизнинг лавозимингиз ҳақида яна нималарни билишимиз мумкин?

Ташрифдан сўнг жавобларни тўлиқ ёзиб олинг ва уларни синфда муҳокама қилишга, шунингдек, интервью берган маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органи вакилига жавобларнинг нусхасини беришга тайёр бўлинг. Бу нусхада вақт ажратганлиги учун унга ташаккур изҳор қилинган бўлиши керак.

**15–топшириқ. Сиз қандай фикрдасиз?**

Йўриқнома (инструкция): Шеригингиз билан маҳаллий бошқарувни демократиялаштириш бўйича суҳбатни ўқиб чиқинг. Ш ундан кейин қуйидаги тасдиқларга қай даражада маъқул ёки маъқул эмаслигингизни аниқланг: «Барча даражадаги маҳаллий бошқарувни ижроия органлар бошлиқларининг ҳаммаси бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган қилиб демократиялаштириш керак». (Сиз ўзингиз энг кўп қўллайдиган фикрни танламасдан, юқорида келтирилган цитатага қай даражада қўшилиш ёки қўшилмаслигингизни кўрсатишингиз керак).

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| Тўла қўшиламан | Қўшиламан | Билмайман | Қўшилмайман | Мутлақо қўшилмайман |

***Лола:*** Мен буни бажариш мумкин эмас, деб ҳисоблайман. Қирғизистондаги одамлар ҳали бундай демократия тизимига тайёр эмаслар. У ҳолда ким давлатнинг манфаатларини тўлалигича ҳимоя қилади? Аҳолисининг кўпчилиги тожик миллати бўлган туманда кенгашга фақат тожиклар сайланиб қолса ва бу кенгаш туманнинг Тожикистонга қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилса, нима бўлишини фараз қилинг.

***Кенеш:*** Мен бу фикрга мутлақо қўшилмайман. Бизга нисбатан анча паст ривожланган африкаликлар маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарларини сайлашса, биз сайлай олмаймизми? Тарихдан бизга маълумки, давлат ҳар доим ҳам тўғри фаолият кўрсатиб, халқнинг манфаатларини ҳимоя қилавермайди, шу сабабдан биз халқ ҳокимияти ва ҳуқуқларини кенгайтиришимиз керак. Бундан ташқари, давлат манфаатлари бусиз ҳам яхши ҳимоя қилинган, чунки у маҳаллий органлардан бўлинган маблағларнинг тўғри сарфланиши ва улар бўйича ҳар доим ҳисобот бериб туришни талаб қила олади.

***Қурмонбек:*** Дарҳақиқат, Лола этник гуруҳлар ҳақида тўғри фикр айтди. Ҳақиқатан ҳам, миллий кўпчилик устуворлик (устунлик) қилган кенгаш ишининг натижалари ва қарорлари миллий озчиликни қаноатлантирмаслик ҳоллари билан дуч келиб қолишимиз мумкин. Лекин унинг туманнинг бошқа мамлакатга қўшилиши тўғрисида туман кенгашининг қарор чиқариши мумкинлиги ҳақида хавотирланиши ўринсиз. Республиканинг Конституцияси буни тақиқлайди.

***Гулнора:*** Менинг фикримча, одамлар тажрибада синаб кўрганларидан кейингина демократиянинг ва қандай овоз беришнинг муҳимлигини тушуниб етадилар. Агар ихтиёр менда бўлганида, барча босқичлардаги раҳбарларни сайлаш керак,

XIII БОБ

деган бўлардим. Буни бирданига эмас, балки дастлаб бир вилоятда, кейин эса ҳар сафар биттадан вилоятларда ҳам амалга ошириш мумкин. Шу билан бир қаторда, одамлар маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларини бевосита сайлашнинг оқибатлари билан боғлиқ муаммоларни тушунишлари учун сайлов олдидан сайловчилар орасида қандайдир тушунтириш ишларини олиб бориш керак, деб ўйлайман.

***Айгерим:*** Менинг фикримча, одамлар ўз ҳудудларининг бошқарувида кўпроқ иштирок этишлари учун раҳбарлик органларида сайланувчи лавозимлар кўпроқ бўлиши керак. Шунда одамларга ахборот кенгроқ кўламда етиб, улар бошқарув органларининг бюджети чекланган эканлигини тушуниб етардилар. Бундан ташқари, одамлар ўз вазифасини бажара олмаётган раҳбарларни бўшатиш имкониятига эга бўлардилар.

***Темур:*** Нима учун биз бу ишни президентга топширмаймиз? Агар у барча раҳбарларни ўзи тайинласа, бир туман ёки вилоятдаги иш натижаларини бошқалари билан таққослаши мумкин. Номзодларнинг шахсий сифатларини уларга овоз бергунга қадар ҳамма ҳам билишга ҳаракат қилмаса керак, деб ўйлайман. Бу нарса бошбошдоқликдан бошқа нарсага олиб келмайди.

***Мээрим:*** Тўғри, лекин буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимияти тизимидаги кучларнинг мувозанатига яраша бўлади. Ҳокимият тепасида яхши президент турганида ҳамма нарса кўнгилдагидай бўлиши мумкин. Агар бундай бўлмаса, давлат ҳокимияти халқ ҳокимиятига қарама-қарши бўлиб қолади. Мен одамлар номзодлар ҳақида етарли маълумотларга эга бўлмасдан, ўз танловини етарлича асосламаган ҳолда, тахминий овоз беришади, деган фикрга қўшиламан. Бизнинг тизимимиз янада очиқ-ойдинроқ бўлиши керак, деб ўйлайман. Яъни одамлар бюджетнинг тақсимланишини билишлари, вилоят миқёсида бўлмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда туман миқёсидаги бюджет пулларини элнинг зарур нарсаларга сарфлаш ҳақида ўз фикрларини айта олиш имкониятига эга бўлишлари зарур.

***Чинара:*** Агар одамлар нолойиқ кишини сайлаб қўйишса нима бўлади? Ахир ҳар бир ишни мутахассис бажарса, яхши натижа беради. «Чумчуқни ҳам қассоб сўйсин», деб бежиз айтмайдилар-ку!

***Айдана:*** Тўғри, лекин мэр ёки ҳоким бундай мутахассисларни ёрдамга чақириши мумкин. Мэр канализация бўйича мутахассис бўлиши шарт эмас. Бундан ташқари, сайловчилар қўлидан иш келмайдиган бирор кишини сайлаб қўйишса, унинг оқибати ўзлари учун ёмон бўлишини тезда тушуниб етадилар. Улар буни биринчи сафар у даражада тушунмаса-да, кейинроқ кимгадир ўз овозини бериш катта масъулият эканлигини англаб етишади.

# XIV БОБ

# Сайлов тизимлари ва демократия



## Матнни ўқишдан аввалги машқлар

**01–топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

Жуфт бўлиб ишлаб, атамаларга мос таърифларни аниқланг.

| Атама | Таъриф |
|---|---|
| 1. Сайлов бюллетени | а) Сайловчининг овоз берганлигини кўрсатиш учун унинг бош бармоғи устига кўринмас сиёх билан белги қўйиш. |
| 2. Сайлов округи | б) Кўпчилик ошкора ва танқидий муҳокама қиладиган жараён. |
| 3. Номзод | в) Амалдаги ҳукумат юритаётган сиёсатга альтернатив* сиёсатни таклиф қилувчи сиёсий гуруҳ ёки партия. |
| 4. Тарқатиш | г) Овоз бериш ҳуқуқига эга рўйхатга олинган одамларнинг тизмаси. |
| 5. Белгилаш (маркировка) | д) Адолатли якун топишини таъминлаш учун сайлов жараёнини кузатувчи киши. У мустақил бўлиши ёки номзод номидан иш кўриши мумкин. |
| 6. Сайловчилар рўйхати | е) Номзоднинг маълум муддат давомида ўзи сайланган сайлов округи фуқаролари номидан иш кўриш ваколати. |
| 7. Очиқлик | ж) Номзоднинг исм-шарифи ёзилган овоз бериш учун тайёрланган хужжат. |
| 8. Пулли гаров | з) Турли сиёсий партиялар ёки номзодлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ва улар номидан иш кўрувчи кишилар. |
| 9. Мухолиф | и) Сайловда иштирок этишдан олдин номзод сайлов комиссиясига тўлайдиган кичикроқ миқдордаги пул. |
| 10. Кузатувчи | к) Парламент ваколатларини қонун асосида тўхтатиш амалиёти. |
| 11. Ишончли кишилар | л) Ўз вакилини сайловчи кишилар яшайдиган чегараланган географик худуд. |
| 12. Мандат | м) Сайланишга даъвогар сифатида рўйхатдан ўтган киши. |

* *Альтернатив – икки ёки ундан ортиқ имкониятлардан бирини танлаш (муқобил). Бу ерда расмий сиёсатга қарши сиёсат маъносини англатади.*

## Ўқиш учун матн

### 1.0 Кириш

Қўлланманинг биринчи бўлимида биз демократия асослари билан қисқача танишган эдик. Уларнинг энг муҳими шундан иборатки, халқ – ҳокимиятнинг манбаи, давлат амалдорлари эса унинг вакиллари ҳисобланадилар. Ушбу бобда халқ сайланувчи вакилларга қандай қилиб ҳокимиятни бўлиб беради, бу жараённи ҳалол, очиқ бўлиши учун қай тарзда ташкил этиш мумкинлигини кўриб чиқамиз. Бунда биз турли мамлакатлар сайлов тизимлари билангина танишмасдан, мазкур жараёнда нималар нотўғри бўлиши ва улар оқибатида сайловчилар ўртасида норозилик юзага келишига ҳам эътибор берамиз.

### 2.0 Овоз бериш қутисига сайлов бюллетенини ташлаш билан биз нимага эришамиз?

Эркин ва ҳалол сайловларда овоз бериш билан биз бир неча иш бажарамиз:

1. Фуқаро сифатида давлат бошқарувида қатнашамиз.
2. Амалдаги давлат ҳокимият органларига бўлган ишончимизни тасдиқлаймиз ёки ҳокимиятни бошқа шахс ёхуд гуруҳга ўтказиб бериш талабини қўямиз.
3. Сайловда ғолиб чиққан вакилларимизга бизни бошқариш ҳуқуқини берамиз. (Ёдингизда бўлсин: сайловда ғолиб чиққан номзодга биз овоз бермаган бўлсак-да, у парламентда ўз округидаги барча сайловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиши шарт. Бироқ бу вакил сизнинг нуқтаи назарингизга рози бўлиши керак, деган фикрни билдирмайди).
4. Вакилимиз сифатида сайланишга эришаётганларнинг бизга ҳисоб бериб туришларини таъ-

миллаймиз. Сайлов даврида фуқаро сифатида сизлар ўз вазифаларини яхши адо этган сиёсатчини баҳолаб (бошқача айтганда, унинг учун овоз бериб), ночорини жазолай оласиз (бошқача айтганда, унга қарши овоз бериб).

5. Амалдаги давлат ҳокимият органлари олиб бораётган фаолиятнинг самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги хусусида фикримизни билдирамиз.
6. Маълум бир вақтдан кейин ўз вакилларимизга худди шундай йўл билан қайта баҳо беришимизни ифодалаймиз. Демократик мамлакатларда ҳеч ким ҳеч қачон «умрбод» сайланмайди – ҳар бир сиёсатчи вақти-вақти билан ўз сайловчиларининг ишончини қозониб туриши шарт.

Ўз вакилларимизни сайлаётганда биз уларга ваъдаларининг устидан чиқадиган даражада ваколатлар берамиз. Бундай мандатни сайловлар бўлгани сайин сайловчиларнинг ўзлари тасдиқлашади ёки олиб қўйишади.

### 3.0 Демократик сайловлар

Сайловлар эълон қилинишидан анча олдиноқ марказий (агар у доимий ишламаса) ва маҳаллий (округ, участка) сайлов комиссиялари тузилиши керак. Сайловчиларнинг рўйхатини янгилаб, аниқлик киритиш одатда маҳаллий сайлов комиссиялари ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг вазифаси ҳисобланади. Одатда сайлов комиссияси бу тадбирни оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошириб, турар жойини ўзгартирганлар ёки сайлов ёшига етганларга рўйхатдан ўтишни таклиф қилади. Шундан сўнг сайлов округидан ташқарига кетганлар ёки вафот этганлар рўйхатдан чиқариб ташланади (Суд ҳукми билан қамоққа олинган фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи ҳар бир мамлакатда ҳар турли таъминланади. Кўпчилик мамлакатларда иши терговда бўлган фуқароларнинг айби тасдиқланмаганларигина овоз беришга ҳуқуқли, судланганлар, бошқача айтганда, суд орқали гуноҳи аниқланганларнинг бундай ҳуқуқи бўлмайди. Қирғизистонда ҳам шундай қоида қўлланилади). Шу маълумот асосида баъзида сайлов участкаларининг чегаралари ўзгартирилади. Сайлов участкаларининг шакли ва катталиги ўтказиладиган сайловнинг якуни



*Овоз беришда фойдаланиладиган шаффоф қути.*

қандай бўлишини олдиндан аниқлаб, ҳукуматни кимлар шакллантириши ёки парламентда кимлар устуворлик қилишидан хабар бериши мумкин. Шу боисдан кўпинча участкалар чегараси ва уларни аниқлаш жараёни билан боғлиқ баҳслар келиб чиқади. Президентликка сайловларда бутун мамлакат бир округ бўлади, чунки бутун мамлакат номидан ёлғиз бир одам сайланади.

Сайловнинг қачон бўлиши навбатдаги икки сайлов ўртасидаги максимал давр орқали аниқланади. Зарурат туғилган вазиятларда, масалан, муддатидан олдин президент истеъфога кетса ёки парламент тарқатилса, сайлов муддатидан эрта эълон қилиниши мумкин. Бундай вазият соғлиғи, бошқа ишга ўтганлиги ёки вафот этиши туфайли қайсидир депутатнинг ваколатлари кутилмаганда тўхтатилганда ҳам вужудга келиши мумкин. Масъул орган (айрим мамлакатларда марказий сайлов комиссияси, бошқаларида – президент) сайлов санасини расмий турда эълон қилиши керак. Бу – сайлов жараёнидаги биринчи қадам.

Шундан сўнг сайлов комиссияси қаровига номзодларнинг рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалари берилади. Баъзи бир мамлакатларда сайловчилар сиёсий партиялар учунгина овоз берганлигидан, партиялар рўйхатдан ўтказиш учун ўз номзодларининг рўйхатини тайёрлаши керак. Одатда, агар бу одамлар тегишли мамлакатнинг фуқароси деб ҳисобланса, ҳеч қандай оғир жиноят қилмаган ва сайланиш ёшига етган бўлса, уларни комиссия рўйхатдан ўтказади. Бироқ кўп мамлакатларда номзодлар ёки партиялар ўзларини ёқловчиларнинг маълум миқдордаги имзосини тўплаши ва рўйхатдан ўтказиш ҳақини тўлашлари керак. Бу нарса номзодларнинг сайловда чиндан ҳам қатнашмоқчи эканлигини билиш учун қилинади. Бундай қилинмаса, керагидан ортиқча номзодлар рўйхатга олиниб, сайлов жараёни жуда чўзилиб кетиши ва сайловчилар кимни танлашни билмай қийналишлари мумкин.

Кўпчилик мамлакатларда парламент сайлови яқин қолганда парламент тарқатилади. Бу бундан кейин депутатларнинг вакиллик ҳуқуқи бўлмаслигини, парламентнинг қонуний ваколатлари эса тўлиғи билан тўхтатилишини билдиради.

Бу вақтда энг юқори даражадаги сайлов комиссияси сайлов участкаларининг штат таркибини аниқлаб, сайлов участкаларида зарур жиҳозлар мавжудлигини текширади. Бунда сайловчиларнинг

ҳаммасига етадиган сайлов бюллетенини нашр этиш ҳам ўта муҳимдир. Бироқ бюллетенлар ўта кўп чиқарилмаслиги керак, акс ҳолда улардан овоз бериш натижаларини сохталаштиришда фойдаланишлари мумкин. Ҳар бир бюллетенда тегишли сайлов округидаги номзодларнинг исм-шарифи ёзилган рўйхат бўлади. Сайлов комиссияси одатда номзодларнинг рўйхатига ўзгартиш киритишни сайлов бошланадиган кунга бир неча хафта қолганда тўхтатади; чунки у юзлаб, минглаб сайлов участкаларига бюллетенларнинг зарур нусхасини нашр эттириб, тарқатишга улгуриши керак. Бундан ташқари, сайлов комиссияси аҳолига сайлов участкаларининг қаерда жойлашгани, овоз бериш куни қачон эканлиги тўғрисида хабар беради.

**БУГУНГИ САЙЛОВЛАР**

***2004 йилда дунёнинг демократлашуви давом этди: 680 миллион нафар сайловчи ва 543 та сайлов округига эга бўлган Ҳиндистонда парламентга сайловлар ўтказилди. «Ҳиндистон миллий конгресси» партияси бунга қадар ҳокимият тепасида бўлиб келган «Бхаратия жаната партии» устидан ғалаба қозонди. Сайловда ғолиб чиққан партияга 1991 йилда ўлдирилган собиқ премьер-министрнинг беваси, асли итальян бўлган Соня Ганди етакчилик қилади.***

Бу даврда сиёсий партиялар ва мустақил номзодлар сайловолди ташвиқотини юргизиб, ўз сиёсатини очиқ тарғиб қилиб, бошқа партияларни танқид остига оладилар. Ҳукуматнинг фаолияти ҳам бу даврда алоҳида таҳлил этилиб, ўткир танқид қилинади. Номзодлар ўз округида имкони борича кўпроқ сайловчилар билан учрашиб, уларни ўзлари учун овоз беришга ундайдилар. Улар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида маълумотларни эълон қиладилар. Кўпчилик мамлакатларда тарғибот ўтказиш қоидалари аниқланиб, унда ҳар бир номзод ва партия қанча пул сарфлай олиши чеклаб қўйилади. Бу қоидалар номзодларнинг мақоми ёки бойлигига қарамай, ҳаммаси учун бир хил беллашув шартини тузиш учун зарурдир.

Сайлов куни ёки унинг арафасида сайлов билан боғлиқ ташвиқот ишлари тўхтатилиши керак. Сайловчилар сайлов участкаларига борадилар, у ерда сайлов комиссиясининг аъзоси ўша округ бўйича рўйхатда сайловчининг исм-шарифи бор-йўқлигини аниқлайди, шунингдек, сайловчи аввал овоз берган ёки бермаганлигини текширади. Агар фуқаро овоз беришга ҳуқуқли бўлса, исм-шарифи белгиланиб, унга сайлов бюллетени берилади. Шундан сўнг сайловчи бюллетени билан овоз бериш хонасига кириб, кимга овоз беришни лозим кўрса, бюллетенда ўшани белгилайди. Бунда хонага бирга киришга, сайловчи кимга овоз бераётганини кузатишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Овоз беришнинг махфийлигини таъминлаш учун бюллетень аноним ҳолда тайёрланади, яъни унда сайловчининг исм-шарифи кўрсатилмайди. Бунга қўшимча равишда кўпчилик мамлакатларда қайта овоз беришга йўл қўймаслик учун сайловчига бюллетень бериш пайтида унинг бармоғига ультрабинафша нур ёрдамидагина кўриш мумкин бўлган сиёҳ сочилади.

Шундан сўнг сайловчи белгиланган бюллетенини буклаб, овоз бериш қутисига ташлайди. Охирги сайловчи овоз бериб сайлов участкаси ёпилганидан сўнг участка сайлов комиссиясининг аъзолари овоз бериш қутиларини очиб, ҳар бир номзодга берилган овозлар сонини ҳисоблаб чиқишади. Бу ҳақда протокол тўлдирилиб, унинг нусхалари муҳр билан тасдиқланади ва хоҳлаган барча кузатувчиларга ҳамда қизиққан расмий кишиларга берилади. Барча кузатувчилар – номзодлар билан партияларнинг вакиллари ҳам, мустақил кузатувчилар ҳам бутун сайлов жараёнини кўриб туришлари зарур. Шундан сўнг ҳисоблаш натижалари ўша округ сайлов комиссиясига берилади. Одатда бир неча кундан кейин сайлов комиссияси барча маълумотларни тўплаб битказиб, сайлов якунларини эълон қилади (қоида сифатида бу маълумот газеталарда эълон қилинади ва телекўрсатувларда берилади). Агар қайсидир округлар бўйича якунлар деярли бир хил бўлиб қолса, номзодлар ўз округлари бўйича берилган овозларни қайта санаб чиқишни талаб қила оладилар.

Кузатувчиларнинг бутун жараёнга – рўйхатга олиш, тарғибот ишлари, овоз бериш ва якунларни чиқаришнинг боришига – кўз солиб туриши ниҳоятда муҳимдир. Улар барча фуқаролар билан номзодларнинг "кўз ва қулоғи" дирлар.

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР НИМА УЧУН КЕРАК?**

***Сиёсий партия сиёсий гуруҳ томонидан ташкил қилиниб, партиянинг барча аъзолари қўллаб-қувватлаган тамойиллар ва сиёсий курсни ўтказади.***

***Партияда бўлмаган номзодлар мустақил ҳаракат қиладилар, улар учун мамлакатни бошқариш муаммоларини ҳар томонлама қамраб оладиган сиёсатни ишлаб чиқиш ниҳоятда мураккабдир.***

***Сиёсий партияларнинг устунлиги шундаки, улар номзодларни тақдим этадилар ва уларга ўз қўллови-ни кўрсатадилар. Улар мавжуд ресурсларини жамлаб, сайловчиларни оғдириб олиши ва сайловда ўз номзодининг ғалабасини таъминлаши мумкин.***

***Кўпгина мамлакатларда сиёсий партияга аъзо бўлиб киришга мажбурлаш мутлақо ноқонуний ҳисобланади.***

### 3.1 Сайлов якунлари нимани англатади?



Н. Мандела

Овоз бериш натижалари тасдиқлангандан кейин сайлов комиссияси (баъзи бир мамлакатларда - суд) буни жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилади. Халқнинг янги вакиллари онт берган вақтдан тортиб кейинги сайловгача ўз вазифаларини бажаришга киришa оладилар.

Парламент давлат тизимида парламентгина халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланади. У ўз навбатида (кўпинча депутатларнинг розилиги билан) ҳукумат таркибини тузадиган премьер-министрни сайлайди. Бундай тизимда премьер-министр парламентдаги кўпчилик ўринларни эгаллаган партиянинг лидери бўлади ва давлат ижрочилик ҳокимиятини бошқаради. Президент тизимида парламент ҳам, президент ҳам сайланади. Одатда ижрочилик ҳокимиятига раҳбарлик қилган президент ҳукуматни тузади.

Сайловда сиёсий партия ёки президентликка номзод унчалик катта бўлмаган, масалан, 5 % ортиқча овоз билан ғалабага эришса, партия ёки президент фақат заиф ҳукумат тузади, деб тахмин қилишингиз мумкин. Бу бутунлай нотўғри, чунки якунлардаги унчалик катта бўлмаган фарқ икки ёки ундан ортиқ номзод ёхуд партия кураш олиб борганини кўрсатади. Айрим қадимий демократик давлатларда рақибидан 5 % ортиқ овоз билан устун келган партия ёки номзод камдан-кам учрайди.

Агар номзодлар орасида катта фарқ билан ғолиб чиққанлар бўлса, улар сайловгачаёқ миллий қаҳрамон сифатида танилган инсонлардир. Масалан, Жанубий Африканинг биринчи президенти бўлиб, мамлакатда аҳолининг кўпчилигини ташкил этган қора танлиларнинг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини ман қилувчи тизимга барҳам берган Нельсон Мандела бунга ёрқин мисолдир. Нельсон Мандела ўз озодлигини қурбон қилиб, демократик эътиқоди учун умрининг 27 йилдан ортиғини турмада ўтказди. Шу боисдан у халқнинг меҳрини қозонган эди.

### 4.0 Эркин ва ҳалол сайловнинг минимал меъёрлари

Сайлов жараёнининг асосий талаби – фуқароларнинг ишончи. Агар халқнинг кўпчилиги сайловнинг эркин ва ҳалол ўтганлигига ишонмаса, унда сайлов ўз мақсадига етмай қолади. Бу ишончнинг таъминланиши кўплаб омилларга – тарихий, сиёсий, маданий имкониятларга яраша бўлиши аниқ. Бироқ қуйидагича шартлар сақланса, исталган мамлакатда фуқароларнинг асосий кўпчилиги сайловнинг якунларини текшира олади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

*1. Мустақил сайлов комиссияси*

Кўпчилик мамлакатларда сайлов комиссияларининг аъзолари сиёсий партияларнинг (ёки номзодларнинг) вакиллари бўлиши керак. Бошқа мамлакатларда партия аъзолари ва номзодларнинг вакиллари сайлов комиссияларига киритилмайди. Сайлов комиссияларининг таркиби қандай тузилганига қарамасдан, ундаги ўринларнинг асосий қисмини биронта ҳам партия, номзод, коалиция (бир неча партиянинг ёки номзоднинг бирлашган гуруҳи) эгаллаб олмаслиги керак. Сайлов комиссиясининг фаолияти махсус қонунлар асосида амалга оширилади, ўша қонунларга мувофиқ унга сайлов ўтказиш учун бюджет маблағлари бўлиниб, ижрочилик ҳокимиятининг аралашмаслиги таъминланади. Комиссиянинг сайловдаги иши аҳоли кенг қатламлари учун очиқ-ойдин бўлиши керак.

*2. Мақбул ва бажарилувчи сайлов кодекси (қонунлар мажмуи)*

Сайлов кодексининг йўл-йўриқлари пухта ишлаб чиқилган бўлиши керак. Агарда кодексга муҳим ўзгартиш киритиш керак бўлса, унда бу масала умумхалқ муҳокамасига қўйилиши лозим. Сайлов кодекси бошқа ҳар қандай қонун каби тушунарли бўлиши, аҳолининг кенг қатламлари у билан осон танишиб чиқиши керак. Кўпчилик демократик мамлакатларда 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади, шу боисдан Сайлов кодексини улар ҳам ўқиб тушуниб олишлари керак. Сайлов



Овоз бериш барча фуқаролар учун муҳим ҳисобланади.

тўғрисидаги қонунларга хилоф иш содир этилса, ким бўлишидан ва эгаллаган лавозимидан қатъи назар, ўз вақтида жазоланиши зарур. Агар қонунни сайловда ғолиб чиққан номзод бузган бўлса, у ҳолда қайта сайлов ташкил қилинади.

3. Номзодларни эркин танлаш

Талабларга мос келган ҳар қандай фуқаро номзод сифатида кўрсатилиш имкониятига эга бўлиши керак. Агар ўзгача талаблар (масалан, имзо тўплаш талаби) киритилган бўлса, уларни бажариш учун ҳар бир номзодга бир хил имкониятлар берилиши зарур. Давлат бу жараёнга аралаша олмайди. Номзоднинг давлат органида вакил бўлиши ёки бўлмаслигини сайловчиларнинг ўзлари ечадилар (Баъзи мамлакатлардаги номзодлар учун қўйилган маълумот цензи ўтмишдаги ва ҳозирги айрим энг буюк сиёсий пешқадамлар, шу жумладан, АҚШнинг собиқ президенти Авраам Линкольнга ҳам, гарчи улар шу мамлакатларнинг фуқаролари бўлсалар-да, сайловда номзодликка имкон бермаган бўлар эди).

4. Сиёсий партиялар устидан кучайтирилган назоратнинг йўқлиги

Гарчи кўплаб мамлакатларда сиёсий партияларни рўйхатга олиш тўғрисида ўзига хос талаблар қўйилгани билан, уларнинг тартиб-қоидалари оддий ёки бепул ёхуд жуда арзон бўлиши керак. Бу холат сайловда ғолиб чиқиши учун қайси сиёсий партиялар курашишини сайловчиларнинг ўзларигина ҳал этишлари учун зарурдир. Агар сиёсий партиянинг ўзи қонунни бузмаса, рўйхатдан ўтгач, сайлов комиссияси ҳам, ҳокимият органлари ҳам унинг ишига аралашмасликлари керак, уларнинг бунга ҳақи ҳам йўқ. Баҳсли вазиятлар суд тартибида йўлга солиниши лозим. Демак, мухолифчи партияларнинг ҳукуматни танқид қилишларини тақиқловчи қонунлар бўлмаслиги кераклиги тушунарли.

5. Сайловолди ташвиқот ишларини юритиш учун бирдек шароитнинг яратилиши

Кўплаб мамлакатларда ҳукумат сайлов кампаниясини юритиш учун сиёсий партияларга ёки номзодларга молиявий маблағ ва, шунингдек, сайловчиларни ўз сиёсати билан таништириш учун давлат телерадиоэшиттириш воситаларидан бепул фойдаланиш имкониятини беради. Кўплаб ривожланган демократик мамлакатларда сайлов кампаниясини молиялаштириш қоидалари очиқ-ойдинликни, айниқса, партия тарафдорларининг пул бадаллари хусусида пухталикни, шу пул маблағлари қандай сарфланганлиги тўғрисида маълумот бериб туришни талаб қилади. Шу каби маълумотлар аҳолининг сиёсий партияга молиявий ёрдамни кимлар бераётганини билиб олишига имкон беради. Баъзи мамлакатларда сиёсий партиялар фондига айрим кишилар ёки гуруҳлардан тушаётган молиявий ёрдамларнинг миқдорига маълум даражада чек қўйилади. Бироқ бу масала ҳанузгача баҳсларга сабаб бўляпти, чунки бунинг ортидан бу ҳолат кишининг ўз маблағидан ўзи хоҳлагандек фойдаланиш эркинлигини бузмаяптимикан, деган савол туғилади.

6. Сайловчиларнинг рўйхатларини ва сайлов участкаларини очиқ-ойдин тузиш

Сайлов комиссияси овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг аниқ, янгиланган рўйхатлари бўлишини таъминлаши керак. Бу рўйхатлар аҳолининг кенг қатламлари кўриб чиқиши ва аниқлик киритиши учун қулай бўлиши зарур.

Сайлов комиссияси ўз фаолияти орқали ҳар бир сайловчининг овози қадрли эканлигига кафолат беришини кўрсатиши керак. Бу сайлов участкалари бир хил сондаги сайловчиларни ўз ичига олиши, участкалар чегараси биргина сиёсий партиянинг манфаатларини кўзламаслиги, ҳаммага баробар, холис тузилиши кераклигини англатади.

7. Умумий сайлов ҳуқуқи

Овоз бериш ҳуқуқига маълум ёшга кирган, жинси, саломатлиги, диний эътиқоди ёки мил-

**САЙЛОВЛАРДА АЛДОВЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

***Баъзи мамлакатларда овоз бериш пайтида алдовларнинг олдини олиш учун бутун чоралар, масалан, қуйидаги усуллар ишга солинади:***

- ***Ҳар бир овоз берувчининг бармоғига белги қўйиш учун ишлатилувчи кўзга кўринадиган ёки кўринмайдиган, ювса кетмайдиган сиёҳ. Бундай сиёҳ кўзга асосан ультрабинафша нурлар таъсирида кўриниши мумкин.***
- ***Сайловчиларга ичида нима борлигини кўриб туриш имконини берувчи шаффоф (кўриниб турувчи) қутилар.***
- ***Жараённинг барча элементларини текшириш, масалан, сайловчилар рўйхатида сайловчи сифатида қайд этилган одамлар сони белгиланган бюллетенлар сонига мос келиши керак.***
- ***Халқаро ташкилотлар ва мамлакатлардан жараённинг ҳар бир босқичини кузатадиган халқаро кузатувчиларни жалб этиш. Баъзи истисноълардан ташқари пайтда, айниқса, зиддиятлар мавжуд бўлган мамлакатларда халқаро ташкилотлар сайловларнинг боришини бошқариши ҳам мумкин.***
- ***Овозларни параллел санашга нодавлат ташкилотларни жалб қилиш. Бу нодавлат ташкилотларнинг аъзолари одамлар қутиларга бюллетенларни қандай ташлаётганлигини кузатиш ва параллел равишда овозларни санаб бориш имкониятига эга бўлишини англатади. Натижалар кейинчалик овозларни расмий санаб чиқиш якунлари билан солиштирилади.***

латидан қатъи назар, барча эга бўлади. Кўп мамлакатларда овоз бериш ҳуқуқи [illegible] 18 дан ўтганларнинг ҳаммасига берилган.

*8. Сайлов участкасидан тенг фойдаланиш*

Сайлов комиссияси барча сайловчиларнинг сайловга зарур бўлган ҳамма материаллар билан жиҳозланган сайлов участкасидан ишончли ва тенг ҳуқуқда фойдаланишини таъминлаши керак. Сайлов комиссияси котибларига уйидан чиқмаган ҳолда овоз бериш имкониятидан фойдаланишлари учун беморлар, кекса ёшдагилар ва ногиронлар ҳузурига боришларига тўғри [illegible]. Кўп мамлакатларнинг бошқа давлатда яшаётган фуқаролари ҳам овоз бериш имкониятларига [illegible] бўлишади – улар одатда почта орқали овоз беришади ёки ўз элчихонасидаги сайлов участкасида овоз беришадилар.

*9. Тенг сайлов ҳуқуқига риоя қил[illegible] ва барча овозлар бирдек қа[illegible]рли [illegible]*

Агар фуқаролар ўз овозлари [illegible] қадрламоқчи бўлсалар, [illegible]да улар [illegible] барча бошқа фуқаролар овозлари билан баб-[illegible] қадрли, деб [illegible]облашлари [illegible]. Агар [illegible]идаги тажриба ёйиладиган бўлса, одамлар ўзла[illegible] б[illegible] овозларига иззат-ҳурмат[illegible] бўладилар:

а) сайловчиларни сотиб олиш;

б) бюллетенларни қалбакилашти[illegible];

в) сайлов комиссияларининг аъзол[illegible] сотиб олиш, шу [illegible]вчиларда бир неча бор овоз бериш имкониятининг [illegible]улиши;

г) маълум бир номзодга қарши о[illegible] бериши мумкин бўлга[illegible]г рўйхатдан чизиб ташланиши.

Бундай ишларда гуноҳли кишилар дарҳол, бўлганда ҳам суд орқали [illegible]оланиши керак. Бундан ташқари, берилган овозлар аниқ ҳисобланиб, сайлов комиссияси [illegible]ларини қўрқитишлар тақиқланади ва ҳар ким натижаларни текшириш имкониятига эга бўлиши муҳимдир. Сайловнинг маҳаллий ва умуммиллий якунлари сайловдан сўнг имкон қадар тезроқ эълон қилиниши керак. Белги қўйилган сайлов бюллетенларининг барчаси, сайлов ўтгач унинг якунлари хусусида баҳс чиқадиган бўлса, қайта санаш учун сақлаб қўйилади.

*10. Яширин овоз бериш*

Демократиянинг асоси яширин овоз беришдир. Сайловчиларнинг ўзлари кимни танласалар, ўшанга яширин овоз берадиган имкониятга эга бўлишлари керак. Овоз бериш олдидан, овоз бериш пайтида ва ундан кейин ҳам сайловчиларни қўрқитишга йўл берилмайди.

*11. Сайловнинг юришини кузатиш учун сиёсий партиялар ва бошқа кузатувчиларга берилувчи тенг ҳуқуқлар*

Сайлов якунлари билан барча томонлар рози бўлишлари учун сайловда мустақил кузатувчилар ва «ишончли кишилар» деб аталган партия вакилларининг эркин иштирок этишлари таъминланиши керак. Бу овоз беришнинг боришини назорат остига олиш учун муҳимдир. Жиддий баҳслар ёки сайловнинг якуни шубҳали бўлган пайтларда сайловнинг юришини кузатиш учун ОАВ (оммавий ахборот воситалари) вакилларигагина эмас, IFES, БМТ, ОБСЕ каби халқаро ташкилотлар ва чет эл оммавий ахборот воситаларига ҳам имконият берилиши керак. Агар бу ташкилотлар сайловни эркин ва ҳалол ўтди деб ҳисобламасалар, унда келгусида сармоядорлар ва донорлар бу мамлакатга етарли эътибор бермасликлари мумкин. Натижада кейин ўтказиладиган сайловлар янада демократик тус олиши учун унга кўпроқ тазйиқ (зўрлик) кўрсатилади. Бироқ пировард натижада айнан сайловчиларнинг ўзлари ва маҳаллий нодавлат ташкилотлар аъзолари кўпчиликни ташкил қилганлиги туфайли сайловнинг тўғри ўтказилишини ҳаммасидан зўр назорат қилишни таъминлай оладилар.

Кузатувчилар барча сайлов комиссияларига, Марказий сайлов комиссиясига ҳам ҳеч бир тўсиқсиз кира олиши керак. Уларга сайлов комиссиялари томонидан уюштирилувчи барча учрашувлар ҳақида олдиндан билдириб, йиғилишларда иштирок этишга рухсат берилиши лозим. Кузатувчилар овоз бериш куни билангина чекланиб қолмай, сайлов эълон қилинган кундан тортиб унинг якунлари эълон қилингунга қадар барча ишларни кузатиб боришлари керак.

Сайлов жараёнида кузатувчилар ва ОАВ ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Улар сайлов комиссиялари каби муҳим вазифаларни бажаришади. Агар кузатувчилар билан ОАВга бундай имконият тўлиқ берилмаса, сайловни демократик ўтди, деб бўлмайди.

Ёдингизда бўлсин: демократик сайловда сайловчининг бюллетенга белги қўйган пайтигина яширин бўлади. Сайловгача, сайлов куни ва ундан кейин бўладиган бошқа ҲАММА ишлар кузатувчилар билан ОАВ учун очиқ бўлиши керак!

*12. Агар сайловчилар ўзларининг сайланувчи вакилларини алмаштиришга қарор қилсалар, унда бу иш маълум бир вақт мобайнида амалга оширилиши керак*

Кўплаб давлатлар конституциясига мувофиқ, сайловда ғолиб чиққанлар маълум бир вақт мобайнида янги ҳукуматни тузишлари керак. Сайловда мағлубиятга учраган ҳукумат янги ҳукумат ишга киришгунча ўз вазифасини вақтинча ўтаб туради. Бу даврда собиқ ҳукумат сайловда ғолиб чиққан партиянинг розилигисиз ҳеч қандай ҳуқуқий актларни қабул қилмаслиги керак.

**[illegible]ЖАЛАРНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ.**

**ЖЕРРИМАН[illegible] – [illegible]АЙЛОВ НАТИЖАЛАРИ ҚАНДАЙ СОХТАЛАШТИРИЛАДИ?**

[illegible] схемаларда сайлов [illegible] ҳаққоний иш [illegible] кўпгаликлари сайлов [illegible] якунларига ҳал қилувчи таъсир эти[illegible]ги кўрсатилди. Чунки [illegible] сайловчиларнинг [illegible]ларни ёқлаб овоз бериши олдинги сайло[illegible] аниқ бўлиб қолган. [illegible] сайловда ўзлари истаган натижага эришиш учун қизиққан одамлар округлар [illegible]рзда ўзгартириши мумкин.

Қуйидаги содда мисолни кўриб чиқинг: округда 12 сайловчи овоз берган. Шундан 6 таси А партияси учун, қолган 6 таси эса Б партияси учун овоз берган эди. Сайловчилар 4 сайлов округига бўлинган ҳалол сайлов тизимида, қуйидаги схемада кўрсатилганидек, А партияси икки сайлов округида ғалаба қиладиган, Б партияси эса бошқа икки сайлов округида зафар қучадиган ҳолда округлар чегараси белгиланган (1-расм).

| Округ | Сайловчилар | | | Ғолиблар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | А | Б | Б | Б |
| 2 | А | Б | Б | Б |
| 3 | А | А | Б | А |
| 4 | А | А | Б | А |

1-расм

Агар округлар чегараси бошқача белгиланса, Б партияси биргина округда, А партияси эса 3 сайлов округида ғолиб чиқади (2-расм).

Биз ҳам А партияси биргина округда, Б партияси эса 3 округда ғалаба қиладиган ҳолда округлар чегарасини ўзгартиришимиз мумкин.

| Сайловчилар | | |
|---|---|---|
| А | Б | Б |
| А | Б | Б |
| А | А | Б |
| А | А | Б |

2-расм.

## 5.0 Сайлов тизимлари

Турли мамлакатларда ҳар хил сиёсий ва сайлов тизимлари фаолият кўрсатади. Кўпинча бир мамлакатнинг ўзида, масалан, президент ва парламент сайлови учун турли сайлов тизимларидан фойдаланилади. Президент сайлови икки босқичда ўтади:

***«Барчасидан олдида».*** Барча номзодлар ичида кўп овоз олган талабгор ғолиб деб ҳисобланади (сайловда иштирок этган сайловчиларнинг 50 %ига етмаса ҳам).

***Икки босқичли тизим.*** Ғолиб чиқиш учун номзод овозларнинг 50 %ини ёки ундан ортиқ қисмини олиши керак. Агар номзодларнинг бирортаси ҳам бунча овоз ололмаса, сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилади ва унда энг кўп овоз олган икки номзод қатнашади.

Парламент сайловида асосан уч турдаги тизимдан бири қўлланилади:

***Нисбий кўпчиликнинг мажоритар тизими*** *(АҚШда, Ҳиндистонда, Буюк Британияда қўлланилади)*. Бундай тизим бўйича мамлакат кўплаган округларга бўлинади. Одатда бу округлар бир мандатли бўлади, бошқача айтганда, бир неча номзод ичидан биттасигина танланади. Сайловчилар партия учун эмас, ўз округидан танланувчи номзод учун овоз берадилар. Айрим пайтларда бирдан ортиқ вакил сайланиши мумкин, шунда ҳам бюллетенга сайловчилар ҳар бир мандат бўйича биттадан номзод учун алоҳида белги қўяди.

Бу тизимнинг афзаллиги – ҳар бир номзоднинг ўз округи билан доимо алоқада бўлиши. Шундай қилиб, сайловчилар парламентдаги ўз вакилини таний оладилар. Бундай тизимни қўллаган кўпчилик демократик мамлакатларда депутатлар сайловчилар билан доимо учрашиб, парламентдаги ўрнини кейинги муддатга ҳам сақлаб қолиш ҳаракатида бўлишади.

Бунинг заиф томони – кўплаб сайловчилар овозининг «йўқолиб қолиши». Масалан, сайловчиларнинг атиги 51 фоиз овозини олган номзод ғалаба қозониши мумкин. Бу сайловчиларнинг қолган 49 фоизи ҳисобга олинмаслигини, яъни уларнинг кўз қарашлари парламентда ўз ифодасини топмаслигини англатади. Бунинг устига бир мандатли округларда бир партия сайланса, натижада

** Округларни қалбакилаштиришни англатувчи бу атама 1812 йилда сайлов округлари чегарасини ўз партияси фойдасига ўзгартирган Массачусетс штатининг (АҚШ) губернатори Жерри Элбриж номидан келиб чиққан. Шундан сўнг газетада бир қанча сайлов округлари самандар қиёфасида ифодаланган карикатура (мазахловчи сурат) босилиб чиқди. Унда бу махлуқ "жерримандер" деб аталган эди.*

енгиб чиққан партия эга бўлган мандатларнинг сони бутун мамлакат бўйича унга берилган овозларнинг сонига пропорционал бўлмай қолиши мумкин. Бошқача айтганда, сайловчиларнинг озчилик овозини олган партия парламентдаги ўринларнинг кўпини эгаллаб қолиши мумкин. Масалан:

| Округлар | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| А партияси | 20 минг | 22 минг | 22 минг | 19 минг | 5 минг | 88 минг сайловчи |
| Б партияси | 17 минг | 21 минг | 20 минг | 17 минг | 30 минг | 105 минг сайловчи |
| Мандатга эга бўлади | А партияси | А партияси | А партияси | А партияси | Б партияси | А партияси 4 мандатга Б партияси 1 мандатга эга бўлади |

Бунда А партияси ялписига 88 мингтина сайловчининг овозини олса ҳам 4 мандатга, Б партияси 105 минг сайловчининг қўлловига эга бўлишига қарамай 1 мандатга эга бўлган. Демак, озчиликнинг қўлловига эришган партия ҳокимият тепасига чиқади.

***Пропорционал вакиллик тизими*** *(Бразилияда, Финляндияда, Швецияда, Нидерландияда қўлланилади)*. Бу тизимда бутун мамлакат бир «сайлов округи» бўлади ёки кўп мандатли катта округлар тузилади. Сайловчилар айрим номзодларга эмас, мамлакат ёки округ бўйича тўпланган овозларнинг сонига яраша кейин парламентдаги ўринларни бўлиштириб оладиган партиялар учун овоз беришади. Округ бўйича партия рўйхатида кўрсатилувчи партия аъзолари одатда сайлов кунигачаёқ тайёрланади ва кейин бу мандатларга эга бўлади. Масалан, 10 мандати бор округда овозларнинг 20 фоизини олган партия 2 мандатга эга бўлади. Агар бутун мамлакатда бир округ, парламентда эса 150 ўрин бўлса, унда овозларнинг 20 %ини олган партия 30 ўринга эга бўлади. Қонун бўйича одатда партиянинг бир мандатга эришуви учун партия тўплаши керак бўлган овозларнинг минимал (энг кам) сони (сайлов бўсағаси) аниқланади. Кўпинча бу 3-5 %ни ташкил қилади.

Бу тизимнинг афзаллиги – унинг барча сайловчилар кўпчилик овозини хисобга олишга имконият берганлиги. Бунда парламентда ҳар хил кўп партиялар бўлишига кафолат берилади. Қолаверса, мамлакатнинг ҳар қайси бурчакларида минимал овоз олган партия ҳам парламентдаги ўринларнинг кўпини эгаллаб олиши мумкин. Бу сайловчилар кўпчилигининг вакиллари бўлишини ва сиёсий кўз қарашларнинг турлича бўлишини таъминлайди.

Бунинг камчилиги – сайловчилар кўп вақтларда парламентда вакили ким эканлигини била олмаслиги. Бунинг устига партиялар яхши ривожланмаган мамлакатларда устунлик қилувчи партия осонлик билан овозларнинг кўпчилигини олиб енгиб чиқиши мумкин. Бироқ бу тизим фуқароларни кучли партия тузишга қизиқтириш учун керак, деган фикр ҳам бор. Бунинг яна бир томони ҳукуматнинг турғунсизлиги билан боғланган. Чунки кучли партиялар кўп бўлса, уларнинг биронтаси ҳам ёлғиз ўзи ҳукумат туза олмай, коалицияларга бирлашишга мажбур бўлади. Бундай йўл билан тузилган ҳукумат барқарор бўлмаслиги мумкин. Бироқ кўп одамлар коалицион ҳукумат тузишни ёқлаб, бунда ҳар хил кўз қарашларга ўрин берилганлигидан демократик бошқарувга кенг йўл очилади, деб хисоблашади.

***Аралаш тизим*** *(Тайванда ва Грузияда қўлланилади)*. Бунда пропорционал вакиллик ва нисбий кўпчиликнинг мажоритар тизимлари уйғунлашган. Сайловчилар ўз округининг вакили учун ҳам, партиялар учун ҳам овоз берадилар. Демак, парламентда икки хил: ўз округидан бевосита сайланган ва партия рўйхати бўйича сайланган вакил бўлади.

Бу тизимнинг асосий афзаллиги – иккита тизимнинг энг яхши жиҳатлари қўшилиб кетганлиги. Шундай қилиб, парламентда сайловчиларнинг бевосита сайлаган вакиллари бўлади, шу билан биргаликда ҳар хил сиёсий кўз қарашларга эга унча катта бўлмаган партияларга ҳам ўрин берилади.

Бунинг камчилиги - сайловчиларнинг тушуниши учун бироз мураккаблиги. Чунки улар икки марта овоз бериб, иккита сайлов бюллетенининг ҳар бирига биттадан белги қўйиши керак бўлади. Бунинг устига парламент икки хил йўл билан сайланган депутатлардан тузилганлиги учун тарафкашлик (бўлиниш) кучайиб кетиши мумкин.

***Австралияда парламентга ўтказиладиган сайловларда рейтингли овоз бериш тизими амал қилади: сайловчилар сайлов бюллетенларига киритилган номзодларга ўзларининг ёқтириш даражасига қараб тартиб рақамлари қўйиб чиқадилар. Масалан, сайлов округида беш номзод кураш олиб бораётган бўлса, сайловчилар номзодларнинг исм-шарифлари қаршисига уларни ёқтириш даражасига қараб 1 дан 5 гача бўлган рақамларни қўйиб чиқишлари керак. Эллик фоиздан кўпроқ биринчи ўринга эга бўлган номзод автоматик равишда ғалаба қозонган ҳисобланади. Агар номзодларнинг биронтаси ҳам биринчи ўринларнинг 50 фоиздан ошиғини ололмаса, у ҳолда энг олдинги ўринларни эгаллаган икки номзод ўртасидаги иккинчи, учинчи ва бошқа ўринлар ҳисоблаб чиқилади. Мутлақ кўп овозга эга бўлган номзод ғолиб чиққан ҳисобланади.***

### 5.1 Қайси тизим яхши?

Бу саволга бир томонлама жавоб бериш мумкин эмас. Тарихий, сиёсий ва маданий ривожланишда мамлакатлар бир-биридан фарқланади. Бир мамлакат учун доимий ҳукуматга қараганда бирдек вакилликнинг таъминланиши кўпроқ фойдали бўлса, иккинчисига бунинг акси мос тушиши мумкин. Барча қонунлар сингари сайлов тизимлари ҳам мамлакатнинг ривожланиб ўзгаришига яраша ўзгариб туриши мумкинлигини ва шундай бўлиши кераклигини билиб қўйиш керак.

Бироқ мамлакатдаги энг муҳим қонунлар - бу бизни кимлар бошқариши кераклигини бевосита аниқлаб берувчи қонунлардир. Шунинг учун қонунлар ўзгарган ҳамма вақтларда бу масала жамоатчилик ўртасида кенг муҳокама қилиниб, барча фуқароларнинг, бутун фуқаролик жамияти ва сиёсий партияларнинг умумий кўз қарашларини ҳисобга олиш зарур. Қандай тизим қабул қилинмасин, ҳукумат, фуқаролик жамияти ва сиёсий партиялар бунинг аҳамиятини барча фуқароларга оддий ва тушунарли тил билан изоҳлаб беришга мажбур. Ҳар бир фуқаро ўзи танлаган лидерининг қандай сайланишини билиши ва тушуниши зарур.

### 6.0 Қирғизистондаги сайлов тизимларининг тарихидан

Россия империяси таркибига киргунга қадар қирғизларнинг тарихий ва хўжалик бирлиги уруғ-қабилачилик тузилишга асосланган. У пайтлардаги урф-одатларнинг ҳуқуқий нормаларига мувофиқ бошқарув ва суд ишларини ҳар бир уруғнинг ёки қабиланинг гуруҳ бошлиқлари томонидан сайланувчи бийлар бажарарди. Бундай сайлов одатда қабиланинг йиғинида очиқ турда ўтказилган.

Қирғизистон ҳудуди Россия империясига қўшилганидан кейин колониал бошқарув бир қатор маъмурий ислоҳотларни амалга оширди. Бутун Марказий Осиёда собиқ уруғчилик қоидаларига асосланган аҳолини маъмурий-ҳудудий бўлишлар тугатилди. Бу қирғизларнинг тарихида амал қилиб келган уруғчилик тузилиши расмий равишда йўққа чиқарилди, деганини билдирган. Бундай қадамга, биринчидан, хийла йирик бирлик катори уруғларни маъмурий бошқарув қийин эканлиги, иккинчидан, кўп одамлардан иборат бўлган уруғни ёлғиз уруғ бошлиғи яхши бошқаролмай, ҳудудаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш қийин бўлгани туртки берди.

Аҳолиси кўчманчилик билан яшовчи туманларда уруғ бошлиқларини, ўтроқ туманларда эса собиқ хон ҳокимиятининг вакилларини мансабидан четлатиш учун овул-қишлоқларда ва волостларда (ҳудудий бирлик) ҳарбий бошқарув ўрнатилган. Уездларни полковниклар, губернияларни генераллар бошқариб, бутун Туркистон ҳудудини императорнинг ўзи тайинлаган генерал-губернатор бошқарган. Подшоҳ режимининг янги маҳаллий ва марказий маъмурий тузилмалари, қонунлар ва солиқлар жорий этилди. Вақт ўтиши билан империянинг қонунлари туб аҳолига нисбатан кучайтирила борди. Масалан, 1907 йилги сайлов қонунига мувофиқ, Туркистон аҳолиси Давлат думасига (парламентга) вакил сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Маҳаллий аҳоли волостлар бошқарувчилари (бўлислар) ва халқ судлари сайловидагина иштирок этган.

1917 йилги Октябрь революцияси дастлаб колониализм (мустамлакачилик)дан миллий-демократик бошқарувга маданий йўл билан ўтиш имкониятини бергандек бўлганди. Бироқ, бахтга қарши, бундай бўлиб чиқмади. СССР Конституциясида инсон ҳуқуқидан баланд турган нарса йўқ деб ёзилса-да, бу ҳуқуқлар жуда катта миқёсда бузилиб келинган.

1991 йилда, Совет Иттифоқи қулаганидан кейин, Қирғизистон парламенти Қирғизистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида декларацияни қабул қилди. 1993 йили эса Конституция қабул қилиниб, халққа ҳокимиятни ва ўз раҳбарларини сайлаб олиш ҳуқуқини қонун йўли билан берган демократик тизим ишлай бошлади.

**Конституцияга қаранг**

- *18 ёшга тўлган одамнинг қандай сайлов ҳуқуқлари бор?*
- *Сизлар номзод бўла оласизларми?*
- *Сизлар учун ким овоз бера олади?*

### 7.0 2004 йилда Қирғизистондаги сайлов тизими

Сайлов – демократиянинг асоси. У халққа ўз вакилларини танлаш орқали муҳим қарорларни қабул қилиш имконини берувчи усул бўлиб саналади. Сайлов ҳокимиятнинг тинч йўл билан ўтказиб берилишига шароит яратади. Шундай қилиб, агар миллий ва ижтимоий (этник, диний, гендер ёки мафкуравий) озчиликнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган конституциявий маълум қоидалар қўлланилса, бундай тизим инсон ҳуқуқларига кафолат бўла олади. Бироқ ҳокимият бир қўлдан бошқа бир қўлга тинч йўл билан ўтиб туриши учун номзодлар сайлов натижаларига

рози бўлиши керак. Бу жараён эркин ва адолатли, халқаро тамойилларга ва пухта белгиланган нормалар ҳамда қоидаларга мувофиқ ўтди, деб тан олинган тақдирдагина шундай бўлиши мумкин.

Қирғизистон Республикаси Конституциясида, шунингдек, Қирғизистон ратификациялаган (расмий равишда қабул қилган) бир қатор халқаро ҳужжатларда бутун халқ (барча фуқаролар)нинг ўз мамлакатидаги сиёсий ҳаётда қатнашиш ҳуқуқи тан олинади. Бу ҳуқуқ қуйидагиларни ўз ичига олади:

- сўз эркинлиги
- бирлашиш ҳуқуқи
- диний эътиқод эркинлиги, ўз фикрини очиқ айтиш ва тарқатиш ҳуқуқи
- давлат ҳокимият органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи.

1-диаграмма

**Сизларнинг иштирокингиз ҳар қандай даражадаги сайловлар натижасига таъсир кўрсатиши мумкинми?**




Қирғизистон Республикасининг Конституциясида (1-модда, 3-банд) «Қирғизистон халқи – мустақилликнинг эгаси ва Қирғизистон Республикасидаги давлат ҳокимиятининг бирдан-бир асоси», деб айтилган. Бу тамойил давлат ҳокимият органларини тузишда фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирок этишини кафолатлайдиган сайлов тизимининг ривожланиши учун пойдевор бўлиб беради.

Сайлов кодексида ва бу йўналишдаги бошқа қонунларда сайлов ўтказиш тартиби ва қоидалари берилган. Бу қонунларда Марказий сайлов комиссиясини (МСК) тузишнинг ҳуқуқий асослари кўрсатилган, шунингдек:

- фуқароларнинг сайлаш ҳуқуқлари тушунтирилган;
- сайлов комиссияларини тузиш тартиби белгиланиб, уларнинг вазифалари шарҳланган;
- номзодларга қўйиладиган ихтисослик талаблари, шунингдек, уларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш жараёни аниқланган;
- участка сайлов комиссияларининг сайловларни уюштириш ва ўтказиш бўйича вазифалари кўрсатилган;
- сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш ва аниқлаш тартиби берилган;
- сайлов кампаниясини юргизиш тартиблари ва сайлов кунида овоз бериш тартиблари аниқланган;
- сайловнинг натижаларини чиқариш тартиби ва қоидалари, шунингдек, бутун сайлов жараёнини ўтказиш эркинлигини кафолатлайдиган механизмлар аниқланган.

Кодекс сайловнинг умумий, тенг, бевосита ва яширин овоз бериш асосида ўтказилишини таъминлайди. Жамиятда ижтимоий аҳвол қандай эканлигига қарамасдан, ҳар бир фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга. Бунда бир сайловчи – бир овоз, деган принцип сақланади.

Қирғизистонда сайлов АҚШдаги президент сайлови каби бир неча босқичда эмас, кўпинча тўғридан-тўғри ўтади. Бу халқ кимни қўлласа, ўша одам учун бевосита овоз беради, деганидир. Бироқ айрим пайтларда сайлов ҳуқуқи халқ вакилларига берилади (масалан, шаҳар мэрини шаҳар кенгаши депутатлари сайлайди).

Одамлар ўзларининг овоз бериш ҳуқуқини бошқалар у ёқда турсин, ҳатто яқин кишиларига ҳам бера олишмайди. Кимни ёқлаб овоз беришини сайловчининг ўзигина ечиши керак. Қирғизистон Республикасида сайловда қатнашиш эркин ва ихтиёрий тарзда амалга оширилади: қайсидир номзодни ёқлаб овоз беришга ёки сайловга қатнашишга фуқарони мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бироқ сайлов ўтказиш тартиби яхши ишлаб чиқилсагина сайлов эркин ва адолатли ўтиб қолмай-

**ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САЙЛОВ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**

*2004 йилнинг октябрида ҚР Президенти Жогорку Кенеш қабул қилган Қонунга имзо чекди. Унда сайловларда маркировкалаш, яъни сайловчининг чап қўли бош бармоғига ультрабинафша нурлар ёрдамидагина пайқаш мумкин бўлган белги қўйиш процедураси кўзда тутилган.*

*Қонун сайловлар кунида бир сайловчи томонидан бир неча марта овоз берилишига чек қўйишга қаратилган.*

*Бундан ташқари, 2004 йилнинг октябрида Жогорку Кенешга ўтказилган сайловларда шаффоф қутилардан ҳамда «карусель сайловлар»га йўл бермайдиган янги кабиналардан фойдаланилди.*

*Бу тадбирларнинг барчаси сайлов жараёнининг ҳалоллиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган.*

ди. Чунки сайловнинг демократик ва эркин ўтиши мамлакатдаги бутун давлат тизимига ва давлат билан фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг ривожланиш даражасига яраша бўлади. Масалан, агар судлар ва ОАВ мустақил бўлмаса, сайлов билан боғлиқ масалаларни ечиш ўта қийин.

## Белгилаш (маркировка)




1. Ультрабинафша нурлар таъсирида белги қўйилган бармоқ шундай кўринади.
2. Бош бармоққа суртилган кўзга кўринмас сиёҳ бир неча лаҳзада қурийди.
3. Бу сиёҳ кўзга кўринмайди, бироқ уни ультрабинафша нурлар ёрдамида пайқаш мумкин.
4. Кўринмас сиёҳ худди ультрабинафша нурлар каби соғлиқ учун мутлақо безиён-дир.

Участка сайлов комиссиясининг аъзоси сайлов бюллетенини бераётиб сайловчининг чап қўли бош бармоғига махсус суюқлик билан белги қўяди.

Участка сайлов комиссияси аъзоларидан бири овоз бериш хонасига кириладиган жойда махсус қурилма ёрдамида ҳар бир сайловчининг чап қўл бош бармоғига махсус суюқлик билан белги қўйилганлигини текширади. Чап қўли бош бармоғига махсус суюқлик билан белги қўйилмаган сайловчи сайлов бюллетени олиш ва овоз бериш учун хонага киритилади. Сайловчининг чап қўли бош бармоғида махсус суюқлик билан қўйилган белги кузатилган тақдирда у сайлов бюллетени олиш ва овоз бериш учун киритилмайди.

*(Қирғизистон Республикасининг Сайлов кодексидан. 40-модда. Овоз бериш тартиби. VII боб. Овоз бериш тартиби ва уни ташкил қилиш).*

### 8.0 Овоз беришнинг нима кераги бор?

Фуқаролар овоз берганда ўзларининг энг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлган ўз раҳбарини сайлаб олиш ҳуқуқини амалга оширадилар. Бу ҳуқуқни сақлаб қолишнинг энг яхши йўли – ундан фойдаланиш, сизларнинг овозингизнинг қиймати шундан иборат.

Айрим одамлар биз ўзимиз қанчалик демократ бўлсак, ҳукуматимиз ҳам шунчалик яхши бўлади, деб ҳисоблайдилар. Шу боисдан биз ҳукуматнинг қандай тузилиши ҳақида ўйлаб, уни тузишда қатнашишимиз керак. Шундагина ўзимиз кутган ҳукуматга эга бўламиз.



*Қирғизистонда 2005 йилда ўтказилган парламент сайловларида ҳам овозларни оғзаки ҳисоблаб чиқиш амалга оширилди.*

## Матнни ўқигандан кейинги машқлар

### 02–топшириқ. Ким масъул?

Қуйидаги тасдиқни ўқинг ва унга қай даражада рози ёки рози эмаслигингизни ҳал этинг. Ўз фикрингизни синф билан муҳокама этишга тайёрланинг.

*«Ҳукуматни биз сайлаймиз, демак, унга ҳокимиятни биз берамиз. Агар ҳукуматимиз ёмон бўлса, унда биз фуқаро сифатида ҳукуматни сиёсий иш-ҳаракатлар орқали алмаштиришга мажбурмиз. Бунинг учун энг зарури – овоз бериш ҳуқуқимиздан фойдаланишимиз керак».*

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| Тўла қўшиламан | Қўшиламан | Билмайман | Қўшилмайман | Мутлақо қўшилмайман |

### 03–топшириқ. Сиёсий партиялар нима учун керак?

Сиёсий партияларнинг зарурлигини ҳар ким ҳар хил тушунади. Рўйхатдаги бу сабабларнинг ўринли ёки ўринсиз эканлигини шеригингиз билан аниқланг. Биринчи банд намуна тарзида бажарилган.

| № | Сиёсий партиялар зарурлигининг сабаблари | Тўғри ёки нотўғри |
|---|---|---|
| 1 | Улар бизга телевидение орқали бериладиган баҳс-мунозараларини қизиқиб томоша қилиш учун керак. | Нотўғри |
| 2 | Бу давлат лавозимларига номзодларни сайловчилар томонидан қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг усулидир. | |
| 3 | Улар ҳукуматдаги коррупцияга барҳам бериш учун зарур. | |
| 4 | Сиёсий партиялар сиёсий масалалар бўйича аҳоли ўртасидаги баҳс-мунозараларни тўхтатишнинг ишончли усулидир. | |
| 5 | Улар сайловда иштирок этишга кўпчиликни жалб қилишда фойдалидир. | |
| 6 | Сиёсий партиялар бутун жамиятга ягона нуқтаи назарни тақдим этишда маслакдошларга имкон берувчи қуролдир. | |
| 7 | Улар зарур, акс ҳолда ҳукуматни тузишнинг иложи бўлмайди. | |
| 8 | Улар ғояларни бутун халққа етказишдан олдин муҳокама этиш учун зарур. | |
| 9 | Сиёсий партиялар ижтимоий озчиликни ташкил этувчиларга ўз фикрини баён қилишга имкон беради. | |
| 10 | Сиёсий партиялар – ёшларнинг сиёсий мактаби. | |

### 04–топшириқ. Тўғрими ёки нотўғрими?

Шеригингиз билан қуйидаги фикрларни ўқиб чиқинг ва тўғри ёки нотўғри айтилганлигини аниқланг. Нотўғри деб ўйласангиз, тузатиб кўчиришингиз керак бўлади.

| № | Фикрлар | Тўғри | Нотўғри |
|---|---|---|---|
| 1. | Сайловда енгилган партиянинг парламентда мухолифчи бўлиш имконияти бор. | | ✓ |
| 2. | Сайловдан кейин президент ва уни қўллаган сиёсий партиялар бошқа партияларнинг фикрига эътибор бермаса ҳам бўлади. | ✓ | |
| 3. | Мухолафат аъзолари бошқарувчи партиянинг аъзолари билан бирга комитетларда ишласа бўлади. | ✓ | |
| 4. | Сайловда енгилган номзодлар унинг якунларини тан олишлари керак. | ✓ | |
| 5. | Демократия мустаҳкам бўлиши учун барча партиялар эълон қилинган якунларнинг аниқ эканлигига ишониши керак. | ✓ | |
| 6. | Кучли ҳукуматга фаол ва кучли мухолафат тенг кела олади. | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 7. | Мухолифчи партиялар хамма мамлакатларда хеч қачон хукумат билан хамфикр бўлмайди. | | |
| 8. | Парламентдаги хукуматни қўллаган фракция аъзоларигина маош олишади. | | |
| 9. | Мухолифчи партияда туриб парламентга аъзо бўлиш – хеч қачон хукумат таркибига кира олмайсан, деган гап. | | |
| 10. | Фақатгина битта мухолифчи партияга эга бўлиш афзалдир. | | |

**05–топшириқ. Сайлов давридаги қонунга хилоф ишлар.**

Шеригингиз билан жадвалда кўрсатилган харакатлар жадвалини ўқинг. Уларнинг қайсиларига йўл бермаслик зарурлигини кўрсатиб, сабабини тушунтириб беринг.

| № | Номзодлар ёки улар тарафдорларининг харакатлари | Бунга йўл қўйиш мумкинми? Ха/Йўқ | Бўлмаса, сабаби нимада? |
|---|---|---|---|
| 1. | Ягона умуммиллий давлат газетаси бир номзодни мақтовчи мақолалар чоп этиб, шу сайловдаги унинг рақиблари тўғрисида салбий материаллар эълон қилади. | | |
| 2. | Номзод ўз сайлов округида сайловга икки хафта қолганда сайловчиларга ун ва гуруч тарқатади. | | |
| 3. | Номзоднинг шахсий уйида унинг сайловчилар билан учрашуви ўтказилади. | | |
| 4. | Уй қўмитасининг вакиллари шу уй ховлисига болалар майдончаси қуриб беришни ўз зиммасига олган номзод учун имзо тўплайдилар. | | |
| 5. | Етакчи партиянинг номзоди сайлов округи бўйлаб юриш учун хизмат машинасидан фойдаланади. | | |
| 6. | Номзод сайловчилар йиғилишида фақат ўзим халол номзод деб, бошқа номзодларни танқид қилади. | | |
| 7. | Сильф шахрида олатда мухолифчилар учун овоз берувчи 500 минг сайловчи бор. У 4 сайлов округига бўлинган. Шахар ёнида эса кўпинча хукуматга овоз берадиган, асосан фермерлардан иборат 40 минг сайловчини жамлаган сайлов округи жойлашган. | | |

**06–топшириқ. Сайловдаги алдовларга тўсиқ қўйиш.**

Ўқиш учун матнда шундай номдаги қўшимча материал доира ичида берилган. Унда сайловда кўзбўямачиликларга йўл қўймаслик учун қўлланиладиган айрим усуллар келтирилган. Уч-тўрттадан бўлиб, бизнинг мамлакатимиз шароитида бу усуллар ва воситалар қанчалик самара беришини мухокама этинг.

**07–топшириқ. Сиз қандай фикрдасиз?**

Шеригингиз билан қуйидаги фикрни ўқинг ва унга қай даражада қўшилиш ёки қўшилмаслигингизни айтинг. Бу масалани синфдаги ўқувчилар билан мухокама қилишга тайёрланинг.

***Баъзи демократик мамлакатлар (масалан, Австралия)да овоз бериш мажбурийдир. Сиз қандай ўйлайсиз, овоз бериш мажбурий бўлиши керакми?***

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| Тўла қўшиламан | Қўшиламан | Билмайман | Қўшилмайман | Мутлақо қўшилмайман |

XIV БОБ

**08–топшириқ. Натижалар: улар нимани англатади?**

1. Шеригингиз билан турли сиёсий партиялар номзодлари президентлик учун курашган сайлов натижаларини кўриб чиқинг. Қуйидаги саволларни муҳокама қилинг:
   а) Баркарор ҳукуматга эга бўлиш учун сайловчиларнинг юқори фоизли овози керакми?
   б) Сизнинг фикрингизча, нуқтаи назарларда қачон катта фарқ юз берган?
   в) Коалицион (иттифоқ) ҳукумат кучли бўлиши мумкинми?
   г) Янги сиёсий партияларнинг пайдо бўлишини салбий ҳодиса ёки ҳукумат заифлигининг белгиси сифатида баҳолаш мумкинми?
2. Сиз ўзингизни газетага мақолалар ёзадиган журналист, деб фараз қилинг. 2006, 2010 ва 2014 йилларнинг якунлари бўйича умумий ҳисобот ёзиб, уларнинг моҳиятини тушунтиринг. Бундай кичик мақолани қандай ёзишни билмасангиз, жадвал остидаги газета мақоласининг намунаси ишингизга ёрдам бериши мумкин.

| Сайлов ўтказилган йиллар | «Альфа» партияси (овоз, %) | «Бета» партияси (овоз, %) | «Гамма» партияси (овоз, %) | Сайловдан сўнг ҳукуматни ким тузди? |
|---|---|---|---|---|
| 2002 | 95% | 5% | - | «Альфа» партиясининг ғолиб номзоди ҳукуматни тузади. |
| 2006 | 75% | 25% | - | «Альфа» партиясининг ғолиб номзоди ҳукуматни тузади. |
| 2010 | 55% | 42% | 3% | «Альфа» партиясининг ғолиб номзоди ҳукуматни тузади. |
| 2014 | 48% | 52% | - | «Бета» ва «Гамма» партиялари коалиция туздилар. «Бета» партиясининг ғолиб номзоди президент бўлади, «Гамма» партиясининг вакили – вице-президент. Улар биргаликда коалицион* ҳукумат тузадилар. |
| 2018 | 32% | 54% | 14% | «Бета» партиясининг ғолиб номзоди ҳукуматни тузади. |
| 2022 | 52% | 32% | 16% | «Альфа» партиясининг ғолиб номзоди ҳукуматни тузади. |

* *Коалицион ҳукумат – бир неча партияларнинг қўллаб-қувватлашига таянган ҳукумат.*

## Изоҳ:

Қирғизистон ва Россияда президентнинг қайсидир партияга аъзо бўлишига Конституция йўл қўймайди. Бироқ президентлик тизимидаги кўплаб мамлакатларда бундай қоида йўқ.

**НУР МАМЛАКАТИДА РЕСПУБЛИКАЧИЛАРНИНГ ҒАЛАБАСИ**

***Бу йилги президентлик сайловининг кўрсатишича, Республика мухолифчилар партияси ўзининг кенжа шериги Ижтимоий адолат партияси билан биргаликда аввалги сайловга нисбатан 20% кўп овоз олган. Аввалги сайловда Республикачилар партиясига берилган овозлар 9% га озайганини ёдга олсак, бу жуда катта ўзгаришдир. Бу йил Бирлашган партияга берилган овозлар улуши 15% га камайган, бу собиқ президентнинг номи билан боғлиқ жанжал туфайли юзага келган бўлиши мумкин. Бошқа партиялар ҳам 2% дан сайловчилар овозларини йўқотдилар, бироқ улар ҳеч қачон 6% дан кўп овоз олишган эмас. Ижтимоий адолат партияси, эҳтимол, Республикачилар партияси билан коалиция тузгани учун ғолиб бўлди. Энди унинг лидери вице-президент лавозимини эгаллаши кутиляпти. Республикачиларнинг янги президенти келаси ойда ўз маъмуриятини тузиши керак.***

**09–топшириқ. Мен нима учун шундай овоз бердим ва бу нимага олиб келиши мумкин?**

Сайловчиларнинг Жогорку Кенешга кўрсатилган ўз номзодларига қандай овоз берганлари тўғрисида билдиришни ўқиб чиқиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

***Бермет:*** Мен Айнура Молтоева учун овоз бердим. Чунки у парламент депутатлиги ойлик маошидан мактабимизга янги синф хонаси қуриб беришга ваъда қилди.

**Ойбек:** Мен Азамат учун овоз бердим, чунки у менинг тоғам ва менга ғамхўрлик қилади. Мен унга ишонаман, негаки у оиламиз аъзоси. У давлат органларига ишга жойлашишимда менга ёрдам беради.

**Саша:** Мен Азиз учун овоз бердим. Чунки унда мамлакатимизга кўплаб туристларни жалб этиш ва иқтисодиётни яхшилаш бўйича дурустгина ғоялар бор. Шунингдек, унинг юристлик тажрибаси депутатлик вазифасини янада яхшироқ бажаришга ёрдам беради.

**Бақит:** Мен Светлана учун овоз бердим, чунки у ким унга овоз берса, 100 сўмдан беришга ваъда қилган эди.

**Шаҳноза:** Мен Азиз учун овоз бердим. Чунки у бадавлат ва обрўли. Бунинг устига у Москва университетида ўқиган. Бизга у каби нималар қилиш кераклиги юзасидан фармойишлар берадиган, ғамхўрлик кўрсатадиган одамлар керак.

**Рустам:** Мен Кенеш учун овоз бердим, чунки дўстларимдан бири ва сайлов комиссиясининг баъзи аъзолари унинг жуда яхши одам эканлиги ҳамда унга овоз беришим мақсадга мувофиқлигини айтган эдилар. Умуман, мен ҳеч қачон у билан учрашган эмасман ва у ҳақда ҳеч нарса эшитган ҳам эмасман.

**Гулнура:** Мен овоз бермадим. Уларнинг ҳаммаси уюшган жиноятчиликка дахлдор. Ҳатто дастлаб улар чиройли сўзласалар-да, сайланиб олишгач, фақат ўз манфаатлари ҳақида ўйлайдилар.

**Раъно:** Мен Азамат учун овоз бердим. Умуман, ростини айтсам, у энг яхши номзод бўлганми, йўқми билмайман-у, ҳар ҳолда, ўз топшириқларининг уддасидан чиқа олмаётган ҳозирги депутатдан қутулиш имконини беради.

**Одил:** Мен ҳаммасига қарши овоз бердим. Бу беҳуда вақт ўтказиш, холос.

**Дмитрий:** Мен Эркин учун овоз бердим, чунки у шу гуруҳдагиларнинг энг яхшисидир. Менга ундан бошқа бирортаси ҳам ёқмайди.

**Айдана:** Мен Эркинга овоз бердим, чунки у – қирғиз. Сайлов округидагиларнинг кўпчилигини қирғизлар ташкил этади. Вакилимиз ҳам шу миллатдан бўлгани яхши, деб ўйлайман.

**Асанбек:** Мен Кенеш учун овоз бердим, чунки сайлов округимизда қирғизлар озчиликни ташкил этади. Мен ўйлайманки, агар биз бошқа миллат вакилини сайласак, ҳукумат вакилимизни эътиборга олмайди.

Саволлар:

1. Сизнингча, демократик тизим қандай ишлаши кераклигини ҳаммадан кўра ким яхши тушунади?
2. Сизнинг назарингизда, юқорида кўрсатилган сайловчиларнинг ҳар бири каби аҳолининг неча фоизи овоз беради? (Олинган нисбатни кўрсатиш учун думалоқ диаграмма чизишингиз ҳам мумкин. Шунингдек, бошқа баъзи тушунчаларни ҳам қўшиш мумкин, чунки баъзида одамлар ўз ҳаракатларини бир неча асослар билан изоҳлашлари мумкин).
3. Кенг тарқалган нуқтаи назарни акс эттирган жавоблардан қай бири Қирғизистонда демократик жараёнлар асосини барбод қилиши мумкин?
4. Нима учун бу нуқтаи назарлар демократияга путур етказиши мумкин, деб ўйлайсиз?
5. Агар одамлар мамлакатда демократияга путур етказадиган даражада овоз берсалар, сизнингча, бу ҳолат қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?

### 10–топшириқ. Нега шундай?

Шеригингиз билан қуйидаги саволларни муҳокама қилинг:

1. Сиз қандай овоз берган бўлар эдингиз: сизга ҳаммасидан кўра кўпроқ ёққан номзодгами ёки унинг дастури учунми?
2. Агар биз дастур учун эмас, балки шунчаки инсон учун овоз берсак, қандай муаммолар келиб чиқиши мумкин?

### 11–топшириқ. Мен учун овоз беринг!

Ўзингизни Қирғизистондаги сайлов округларидан бирининг сайловчиси деб фараз қилинг. Сиз Жогорку Кенеш депутатлигига номзодлар билан учрашувга келдингиз. Бу ерда номзодларнинг ҳар бири қисқача нутқ сўзлайди. Уларнинг сўзларини ўқиб, сўнг қуйидаги саволларга жавоб беринг (Бу ерда барча исмлар ва партияларнинг номлари тўқилган).

***Дониёр:*** Хайрли окшомингиз билан! Мен «Тўхтовсиз фаолият» партиясининг вакилиман. Шу ерда ўтирганларни иқтисодиётимизнинг аҳволи, ундаги турғунлик масаласи кизиктиради. Агарда чиндан ҳам сизларни шу масала ҳавотирга солаётган бўлса, ўйлайманки, ҳаммадан кўра кўпроқ сизларнинг манфаатларингизни мен ҳимоя кила оламан. Амалиёт ва иктисодиётдаги билимларимнинг исботи сифатида менинг бизнесдаги муваффақиятларим хизмат килади. Мен иктисодиётни кўтариш учун давлат сарф-харажатлари ва корхоналарга солинадиган солиқларни камайтиришга даъват киламан. Бундан ташқари, ўйлайманки, мамлакатимизга кўплаб билимдон тадбиркорлар керак, шу боисдан мен учун ҳаммангиз овоз беришингизни истар эдим. Иктисодий ривожланишга туртки берадиган одам – айнан мен.

***Юрий:*** Мен «Тикланиш» партиясиданман. Биз ҳисоблаймизки, мамлакатимиз аста-секин ҳалокат ёқасига кетяпти. Давлатнинг ижтимоий сиёсати ҳозир бутунлай самарасиз, халк канчалар қийналаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Таълим, соғликни сақлаш ва ҳамма ижтимоий эҳтиёжлар учун ҳаражатларни ҳеч бўлмаганда 90% га ошириш керак. Шунингдек, солик сиёсатини ҳам камбоқлар бутунлай солик тўламайдиган ҳолда қайта қуриш керак, деб ҳисоблаймиз. Партиямизнинг фикрича, ишсизлар ўртача иш ҳақи миқдори билан тенг нафақа олишлари зарур. Пировард натижада ишсизлик – уларнинг айби эмас. Ҳакконият учун, «Тикланиш» партияси номзоди учун овоз беринг!

***Олия:*** Барчангиз мени танийсиз. Мен мустақил номзодман ва ҳеч қанақа сиёсий партияга кирмайман. Атрофга бир назар ташланг… Нима учун бизнинг эҳтиёжларимизни, ҳатто тилимизни ҳам билмайдиган одам вакилимиз бўлиши керак? Ўзингизга маълумки, депутатлигимиз сифатида округимиздаги аҳволни яхшилашга жуда ҳаракат қиляпман. Бу ерда иш тобора яхшиланиб боряпти, сизларни ишонтираманки, 4 йил ичида сизлар учун яна 10 минг ишчи ўринлари ташкил килиб бераман. Кўпчилигингиз менинг саъй-ҳаракатларим туфайли ишли бўлдингиз, айримларингизнинг фарзандларингиз чўнтагимдан тўлаётган стипендияни олиб, университетда ўкияптилар. Ўз ишларим тўғрисида яна гапиришим шартми?

***Виктор:*** Мен «Реалистлар» партиясининг вакилиман ва енгил-елпи қарорларга ишонмайман. Шунингдек, мен бугун юритилаётган сиёсатни нотўғри деб ҳисоблайман, лекин шу билан бирга, маълум сарф-харажатларсиз олға силжишнинг иложини ҳам кўрмаяпман. Халк ҳеч бўлмаганда яна бироз қийинчилик тортиши керак. Шу боисдан баъзи пайтларда биз солиқларни ошириб, камбоқ ёки бой бўлишидан қатъи назар, ҳамма уларни тўлаб туришини қаттиқ талаб қилишга мажбур бўламиз. Мен, шунингдек, энг зарурларинигина қолдириб, ижтимоий эҳтиёжларга сарфланувчи маблағларни қисқартишимиз керак, деб ўйлайман. Бу давлат ролининг пасайиши ва фуқаролар масъулиятининг ошишини англатади. Ҳа, ҳақиқатан кўпчилигингизга янада қийин бўлиши турган гап. Шундай экан, қайси йўлдан боришни ўзингиз танланг.

***Мунира:*** Мен «Маънавий куч» партиясиданман. Биз ҳисоблаймизки, мамлакатимиз шунчаки тўғри маънавий қадриятларнинг йўқлигидан хароб бўляпти. Фуқароларни ўсиб бораётган жиноятчиликдан саклашимиз, мағрур халқимиз онгини заҳарлайдиган чет эл ғояларини барбод қилишимиз зарур, деб таъкидлайди партиямиз. Биз, шунингдек, барча фукароларимиз эътиқодли бўлиши керак, деб ўйлаймиз… Уларнинг ўзлари хоҳлаган динни танлашлари, лекин тўғри келганига эътиқод қилавермаслиги керак. Бизга фукароларни ҳимоя кила оладиган ва эҳтиёжларини қондиришга қодир кучли ҳукумат керак. Мен ҳисоблайманки, сиз партиямиздан муносиб номзодни танлаб оласиз.

Саволлар:

1. Олинган маълумотларга таяниб, сиз кимга овоз берар эдингиз? (Фикрингизни тушунтиришга тайёрланинг).
2. Бу учрашувда катнашган ҳар бир номзод сайловчилар тўғрисида нималарни ўйлайди?
3. Ҳар бир номзод сўзлаган нутқи билан сайловчиларда қандай хис-туйғулар уйғота олди?
4. Фараз қилайлик, номзодларнинг чиқишларидан сўнг савол-жавоб учун вақт ажратилади. Номзодларнинг ҳар бирига қандай саволлар берган бўлардингиз?
5. Ҳар бир номзоднинг нутқидан қандай заиф жойларни пайқадингиз?

### 12–топшириқ. Сайлов комиссияси.

Шеригингиз билан сайлов комиссиясининг асосий вазифалари рўйхатини тузинг. Сайлов комиссияси аъзосидан интервью олсангиз ҳам бўлади.

### 13–топшириқ. Сайлов қонунини ишлаб чиқинг.

Туман ҳокимидан ёшларнинг айрим муаммоларини ечиш учун ёшлар парламентини тузишни илтимос қилишди, дейлик. Ҳоким бу парламентнинг аъзолари ҳар бир овулдан демократик йўл билан сайланишини истайди. Гуруҳларга 3-4 тадан бўлиниб, ёшлар парламентига сайлов ўтказишнинг қоидалари ва йўл-йўрикларини ишлаб чиқинг.

> **ҲАММА БИЛИШИ КЕРАК!**
>
> *Жуфт бўлиб ишлаб, сайловларда йўл қўйилиши мумкин бўлган қонунбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи плакат тайёрланг.*

Бу машқни бажараётиб ўқув қўлланмасининг биринчи қисмидаги «Давлат ва сиёсий ҳокимият» номли бобнинг 03-топшириғини («Демократия нима?») ўқиб чиқиш мақсадга мувофиқ.

### 14–топшириқ. Бизнинг номимиздан парламентда ким вакил бўлади?

Уч-тўрттадан бўлиниб, одамларнинг сифатларини қараб чиқинг. Уларни парламентга номзод қилиб кўрсатишдаги мавқеига қараб жойлаштиринг. Агар гуруҳнинг фикрига қўшилмасангиз, бунинг сабабини тушунтиринг. Йўқ деганда, энг муҳим учта фазилатни келишиб танлашга ҳаракат қилинг.

| | Сифатлар (тавсифлар) | Муҳимлик даражаси |
|---|---|---|
| А. | Истарали одам | |
| Б. | 35 ёшдан кичик | |
| В. | Жисмонан кучли | |
| Г. | Маълумотли | |
| Д. | Ҳалол | |
| Е. | Меҳнатсевар | |
| Ж. | Сизнинг қариндошингиз | |
| З. | Бадавлат | |
| И. | Ҳокимият бошида турган олий лавозимли кишининг қариндоши | |
| К. | Бошқаларнинг фикрига қулоқ солишни биладиган киши | |
| Л. | Ҳазилни тушунадиган киши | |
| М. | Яхши воъзхон | |
| Н. | Жисмонан соғлом киши | |
| О. | Секин қарор қабул қилувчи киши | |
| П. | Баланд овозли киши | |
| Р. | Ҳарбий тажрибага эга киши | |
| С. | Ҳокимиятда ишлаш тажрибасига эга киши | |
| Т. | Хусусий корхонада ишлаш тажрибасига эга киши | |
| У. | Ундан атрофидаги одамлар қўрқадиган киши | |
| Ф. | Камбағаллар ҳақида қайғурадиган киши | |
| Х. | Аёлларнинг аҳволидан ташвишланадиган киши / аёллар масалалари билан шуғулланадиган киши | |
| Ц. | Мен гапирадиган тилда сўзлашувчи киши | |
| Ч. | Қандайдир бир масаланинг ҳамма томонларини кўриб чиқишда сабрли киши | |
| Ш. | Бошқа сифатлар | |

**15-топшириқ. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувда менинг вакилим ким?**

Шеригингиз билан Конституцияни қараб чиқиб, ота-онангиз ва қариндошларингиздан сўраб кўргач, қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Сизларнинг шаҳрингизда ёки қишлоғингизда **маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органининг** бошлиғи ким?
2. Бошқа яна қайси худудлар ва қишлоқлар сизнинг сайлов округингизга киради?
3. Бу ўринга бошқа номзодлар ҳам бўлганмиди? Кимлар?
4. Кимга овоз беришни ҳал қилиш учун сайловчилар қандай маълумотни олишганди?
5. Кимлар овоз бера олади?
6. Сайлов натижалари қандай бўлганди? (Ҳар бир номзод қанчадан овоз олган?)

---

1. **Қишлоқ кенгашидаги** сизнинг депутатларингиз кимлар (улар неча киши)?
2. Кенгаш депутатлигига яна кимлар кўрсатилганди?
3. Сайловчилар номзодларни тўғри танлаш учун керакли қандай маълумотларни олишганди?
4. Кимлар овоз бера олади?
5. Қишлоқ кенгаши ўз сессияларини қаерда ўтказади, сессиялар қандай вақт оралиғида ўтказилиб турилади?

---

1. Сизнинг сайлов округингиздаги аҳоли номидан **шаҳар кенгашига** ким вакил бўлган?
2. Бошқа яна қайси аҳоли истиқомат жойларида сизнинг сайлов участкангизнинг сайловчилари яшайди?
3. Сизнинг шаҳар кенгашингизда қанча депутат бор?
4. Бу кенгаш депутатлигига яна кимлар кўрсатилган эди?
5. Тўғри танлаш учун сайловчилар бу номзодлар ҳақида қандай маълумотларни олишганди?
6. Кимлар овоз бера олади?
7. Охирги сайловнинг натижалари қандай бўлган эди? (Ҳар бир номзод қанчадан овоз олган?)

**16-топшириқ. Сайлов бюллетенлари.**

Сайлов бюллетенлари сайловчиларга сайлаш пайтида берилади. Сайловнинг ҳар бир тури учун бошқа-бошқа бюллетенлар бўлади. Қуйида намунаси келтирилган сайлов бюллетенини қараб чиқинг. Саволларга жавоб беринг:

1. Кимлар 3-сайлов округидаги фуқароларнинг манфаатларини ёқлаб вакил бўлгиси келади?
2. Бу округда кимлар овоз беришга ҳуқуқли? Буни қандай қилиб текшира оламиз?
3. Нима учун бюллетенда сайловчининг исм-шарифи ёки сизлар таклиф қилгингиз келган бошқа номзоднинг фамилиясини ёзиш учун жой йўқ?
4. Кимга овоз берганини кўрсатиш учун сайловчи нима қилиши керак?
5. Онангиз ёки акангиз қўли бўшамай, сайлов участкасига кела олмаса нима қилиш керак?
6. Сизга бир неча номзод ёқса, нима қилишингиз керак?
7. Сизга номзодлар ёки партияларнинг бироитаси ҳам ёқмаса-чи?

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ**

Мухр

Қирғизистон Республикаси ____________________ кенгашига депутатлар сайлаш бўйича
*(кенгашнинг номи)*

2004 йил, 10 октябрь

____________________ ____________ мандатли 3-сайлов округи
*(округнинг номи)* *(мандатлар сони)*

**САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИНИ ТЎЛДИРИШ ТАРТИБИ**

Ўзингиз танлаган номзодлар фамилияси қаршисидаги бўш катакка ёки "Барча номзодларга қарши" позициясига тегишли белги ( ✓ ) қўйинг. Овоз беришингиз мумкин бўлган номзодлар сони бюллетенда кўрсатилган мандатлар сонидан бир оз кам ёки тенг бўлиши мумкин, аммо ошиқ бўлмаслиги керак.

| Депутатликка номзоднинг исм-шарифи (алфавит тартибида) | Туғилган йили | Асосий иш жойи ёки хизмат тури | Ким томонидан кўрсатилган | |
|---|---|---|---|---|
| Абасов Болотбек Кутуевич | 1958 | Фермер | Коммунистлар партияси | ☐ |
| Акунова Роза Рисбековна | 1969 | Ўқитувчи | "Менинг мамлакатим" партияси | ☐ |
| Алиева Венера Амановна | 1980 | Журналист | Қирғизистон Ёшлар партияси | ☐ |
| Алферов Александр Иванович | 1961 | Муҳаррир | "Олға, Қирғизистон!" партияси | ☐ |
| Ғаниев Фарҳод Фатихович | 1966 | Врач | Қирғизистон Социал-демократик партияси | ☐ |
| Суванбердиев Бакит Сапарович | 1955 | Корхона директори | "Ата Мекен" партияси | ☐ |
| Чувакин Максим Андреевич | 1970 | Юрист | Халқ партияси | ☐ |
| Барча номзодларга ҚАРШИ | | | | ☐ |

Сайлов бюллетенини овоз бериш жойидан ташқарига олиб чиқиш тақиқланади.

**17-топшириқ. Сайлов участкасида.**

Сайлов участкасида нима бўлганини ўқиб чиқинг. Сўнгра участка сайлов комиссиялари учун 1999 йилда чиқарилган қўлланма (шу китобнинг охирида берилган) билан танишиб, бу воқеалар Сайлов кодексини бузиш бўлиб ҳисобланадими ё йўқми эканлигини аниқланг, агар бузиш ҳисобланса, нима учун бундайлигини тушунтиринг.

1. *Участка сайлов комиссиясининг аъзоси овоз бериш кабинасига сайловчилар ўз бюллетенларига белги қўйишсин деб қаламларни қўйди.*
2. *Расмий кузатувчи ҳам, сайлов комиссиясининг аъзоси ҳам бўлмаган ҳокимият ходимларининг бири сайловнинг боришини кузатишга рухсат сўради. Участка сайлов комиссиянинг котиби бунга рухсат берди.*
3. *Участка сайлов комиссиясининг котиби бемор хотини учун овоз беришни сўраган кишига рухсат бермади.*
4. *Овоз бериш бошланмай туриб кузатувчиларнинг сайлов участкасига киришга рухсат берилмайди.*
5. *Сайлов участкаси расмий равишда ёпилишидан олдин келган одамга овоз бериш учун рухсат берилди.*
6. *Сайловчи сайлов комиссиясининг котибидан бюллетенни тўғри тўлдирганини қараб беришини илтимос қилди. Котиб уни текшириб, овоз бериш қутисига ташлаши учун сайловчига қайтиб берди.*
7. *Сайлов комиссиясининг котиби сайловчилар рўйхатига киритилмаган бир одамга овоз беришга рухсат берди.*
8. *Овоз беришга ҳеч ким келмаганлиги учун сайлов участкаси кундузги соат учда ёпилди.*
9. *Сайлов комиссиясининг котиби сайловчилар йўқ пайтда овоз бериш кабинасини текширди.*
10. *Бюллетенлар саналаётганда комиссия котиби саналмаганлари билан аралашиб кетмаслиги учун ҳар бир бюллетенга белги қўйиб чиқарди.*
11. *Бир хотин қариган отаси овоз бериши учун бир бюллетенни уйга беришларини сўради. Аммо беришгани йўқ.*
12. *Сайлов бюллетенини нотўғри тўлдирган бир киши янгисини беришларини илтимос қилди. Яроқсиз бюллетень саватга ташланди.*
13. *Сайлов комиссиясининг котиби сайлов участкаси ёпилиши олдидан ва ёпилгандан кейин қанча*

*тоза бюллетень қолганини текширишни истаган кузатувчиларга рухсат бергани йўқ.*

14. *Кимлигини айтган ҳеч қандай ҳужжати йўқ бир кишига овоз беришга рухсат беришди, чунки сайлов комиссиясининг аъзоларидан бири у билан бир мактабда ўқиган экан.*

**18-топшириқ. Оилавий овоз бериш муаммоси.**

Кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотларни сайловлардаги оилавий овоз бериш тажрибаси ташвишлантирмоқда. Бунда оиланинг бир ёки икки аъзоси бутун оила учун овоз беради. Шеригингиз билан биргаликда қуйидаги масалани муҳокама қилинг. Жавобингизни синфдаги бошқа ўқувчилар билан биргаликда муҳокама қилишга тайёр бўлинг.

1) Сизнинг фикрингизча, оилавий овоз бериш нима учун муаммо бўлиб ҳисобланади?
2) Нима учун сайловда сиз учун овоз беришларини истамасдингиз?
3) Агар сиз учун кимдир овоз берадиган бўлса, бундан келиб чиқадиган муаммоларнинг қай бирини муҳим деб биласиз?

**19-топшириқ. Сиёсий партияларни ташкил этиш.**

6-8 нафар ўқувчилардан иборат гуруҳларга бўлининг ва биргаликда ишлаган ҳолда ўзингизнинг сиёсий партиянгизни ташкил қилишга тайёрланинг. Худди ростмана сиёсий партия ташкил қилган каби сизларни қайси эътиқод ёки ғоялар бирлаштириши ҳақида ўйлаб кўринг.

Фараз қилинг: сиз яшаётган мамлакатда маълум бир сиёсий партия томонидан президентликка номзоди кўрсатилган кищи навбатдаги сайловларда ғолиб бўлган тақдирда қуйидаги тадбирларни ўтказишни режалаштирган:

- 18 ёшдан бошлаб ҳар бир шахсни ҳар йили 15 доллар миқдорида «фуқаролик солиғи» тўлашга мажбурлайдиган янги қонунни жорий этиш. Агар солиқ тўланмаса, солиқ инспекторлари унинг қийматига тенг ашёларни мусодара қилиш (давлат фойдасига ўтказиш) ҳуқуқига эгадирлар. Йиллик даромади 50000 доллардан ортган фуқаролар илгари 65 % миқдорда даромад солиғи тўлардилар, эндиликда бу солиқ 45 % га туширилди. Аҳолининг фақат бир фоизигина бундай даромад олади.
- Ерга эгадорлиги ёки қиймати 500 доллардан ортиқ бўлган компания ёки фирмаси борлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлган шахслargина сайловларда овоз бера олиши мумкинлигини назарда тутган янги қонунни жорий этиш.
- Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши худди сизнинг мамлакатингизники сингари. Лекин йил сайин ўсиб бораётган чекланишлар сони ва бизнес билан шуғулланувчиларга солинадиган солиқлар туфайли бу ривожланиш пасайиб бормоқда. Қуйидаги янги қонунни жорий этиш таклиф қилинмоқда: ҳар бир янги иш бошлаётган кишилар дастлаб ўртача йиллик даромадининг 30 % миқдорида, кейинчалик эса корхонаси даромадининг 35 % миқдорида солиқ тўлаши зарур. Лекин ўзининг дастлабки дастмояси (капитали) 400000 доллардан ортиқ бўлган корхоналар бирламчи солиқдан ва фаолиятининг дастлабки уч йили давомида эса ҳар қандай солиқдан озод этилади.
- Бу мамлакатда сиз ҳокимият тепасидаги ва бошқа партияларни танқид қила олишингиз мумкин, лекин сиз улар ҳақида асоссиз сўзлар айтсангиз, у ҳолда катта жарима тўлаб қолишингиз ҳам мумкин.

Ўз гуруҳингизда қуйидагиларни бажаринг (жавобларингизни ёзиб борувчи котиб сайлаб олинг):

1. Қайси асосий ғояларга ишонишингизни ҳал этинг.
2. Бу вазиятда сизга нималар ёкмаётганлигини ҳал этинг.
3. Муқобил сиёсатни таклиф этинг.
4. Партиянгизнинг номини ўйлаб топинг (Агар қоғоз бўлса, плакат ҳам тайёрлашингиз мумкин).
5. Партиянгизни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган юридик расмиятчиликлар рўйхатини тузинг.
6. Лидерингизни қай тартибда танлашингизни ўйлаб кўринг.
7. Лидерингизни сайланг.
8. Ўз ғояларингизни бошқаларга тарқатиш ва тушунтиришнинг режасини тузинг.
9. Бошқаларни ўз партиянгизга жалб этиш режасини тузинг.
10. Партиянгиз сайловолди кампаниясида партиялар орасидаги дебатларга қатнашяпти, деб фараз қилинг. Ҳукумат аъзоси қуйидаги маърузани қилди. Сиз ҳукумат вакилининг нуқтаи на-

зарига нима сабабдан қўшилмаслигингизни асословчи жавоб ёзишингиз зарур. Сиз нафакат танқид қилишингиз, балки ўзингизнинг муқобил режангизни ҳам тақдим этишингиз лозим. Жавобингиз 500 сўздан ортиб кетмасин.

**ҲУКУМАТ ВАКИЛИНИНГ НУТҚИ:**

Бизнинг фикримизча, қуйидаги уч таклиф биз яшаб турган ажойиб мамлакатимиз иқтисодини анча яхшилайди.

Биринчидан, янги жорий қилинган «фуқаро солиғи» давлат молиявий аҳволини анча мустаҳкамлашига ишонаверинг, чунки бу солиқлар базасини кенгайтирувчи ва давлат хазинаси даромадларини оширувчи энг адолатли усул. Бу нарса мамлакатимиздаги бадавлат фуқароларнинг янги корхоналар очиши учун кўп пулга эга бўлишини англатади. Бу эса ишчи ўринларининг кўпайишига олиб келади. Биз бу солиқни адолатли, деб ҳисоблаймиз, чунки ҳамма давлат ресурсларидан бир хил фойдаланади ва улар учун бир хил ҳақ тўлайди. Сиз бунга қўшилмайсизми?

Иккинчидан, ўтган сайловлар ўта нобарқарор ҳукуматнинг тузилишига олиб келди, деб ҳисоблаймиз ва бизга бадавлат ҳамда бойлигини кўпайтира оладиган кишиларга овоз бериш ҳуқуқини берадиган барқарор демократия зарур, деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, нафақат демократиянинг, балки монархиянинг ҳам афзалликларидан фойдаланишимиз мумкин, деб ўйлаймиз. Ҳаммамизга маълумки, кўпчилик одамлар бу сайловлар ва ҳар тўрт йилда бир алмашадиган сиёсатчилардан чарчаган. Сиз ҳам, мен ҳам мамлакатга барқарорлик зарурлигини англаб турибмиз.

Учинчидан, хусусий тадбиркорлик билан боғлиқ бўлган бефойда тажрибаларга чек қўйиш керак, деб ҳисоблаймиз. Бизга бозордаги майда-чуйда савдо керак эмас. Бизга йирик бизнес зарур. Шу сабабдан биз таклиф қилаётган янги солиқ одамларнинг янги очилаётган йирик компанияларда ишлашига имконият яратади.

Кўриб турибсизки, бизнинг ДОС партиямиз ўз ғояларини яхши ўйлаб кўрган. ДОС учун овоз беринг ва шунда сиз келажакка ишонч билан боқа оласиз!

Эътиборларингиз учун ташаккур, хонимлар ва жаноблар!

11. Ҳар бир гуруҳ ўз нутқини тақдим этиши лозим.
12. Барча гуруҳлар ўз режаларини ва сайловга номзодларини кўрсатганларидан кейин, ўқитувчи номзод бўлмаган бошқа ўқувчилар ёрдамида сайлов ўтказади.

**20–топшириқ. Фикрлаш учун саволлар.**

Икки кишидан бўлиб қуйидаги саволларга жавоб ўйланг:

Нима сабабдан баъзи мамлакатларда номзодларнинг маълумот даражаси бўйича ихтисос талаблари қўйилади-ю, бошқаларида бу талаблар йўқ? Ўз фикрингизни айтинг.

Нима сабабдан сайлов ўтказиладиган куни сайловолди ташвиқотлар тақиқланади?

Сизнинг фикрингизча, нима учун фуқаролар овоз беришдан бошқа сайлов жараёнининг барча босқичларини кўриб чиқиш имкониятларига эга бўлиши керак?

Сайловолди кампаниясини молиялаштириш бўйича қандайдир чекланишларнинг бўлмаслиги қандай хавф туғдиради?

## Овоз бериш хонасини тайёрлаш схемаси




Участка сайлов комиссияси аъзоларининг овоз бериш кунидаги вазифалари:
А – Маркировка (белги)ни текшириш учун масъул
Б – Сайловчиларнинг рўйхати учун масъул
В – Сайловчиларга бюллетень беради ва уларнинг қўлига белги қўйилиши учун масъул
Г – Сайлов участкасида тартиб сақланиши учун масъул
Д – УСК раиси ва котиби
Ж – Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари

Овоз бериш жараёнидаги олти қадам:
1 – Сайловчининг қўлига белги қўйилганлиги ёки қўйилмаганлигини текшириш
2 – Ҳужжатларни текширтириш ва рўйхатга қўл қўйиш
3 – Бюллетень олиш ва маркировка (белги қўйиш)дан ўтиш
4 – Кабинада овоз бериш
5 – Бюллетенни қутига ташлаш
6 – Сайловчининг участкадан кетиши

# XV БОБ

# Аёллар ва демократия

**Матнни ўқишдан аввалги машқлар**

**01–топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

Икки кишидан бўлиб, атамаларни таърифланг:

| Тушунча | Таърифлар |
|---|---|
| 1. Квота | а) Бир нарсага махсус, ортиқлик ҳуқуқининг берилиши. |
| 2. Имтиёз | б) Аллақайси масалани ҳал қилишга сўзсиз бировнинг рухсатини кутиб ўтирмай киришиш; янги ғоя ёки таклиф. |
| 3. Дискриминация | в) Қонун билан кафолатланган ўрин ёки улуш. |
| 4. Стереотип | г) Жинси, миллати, тили ёки эътиқодига қараб фуқаролар аллақайси гуруҳи ҳуқуқларининг чекланиши. |
| 5. Ташаббус | д) Хурофотларга асосланган эски тасаввур. |
| 6. Тенг ҳуқуқлилик | е) Инсоннинг кундалик турмушда бажарган вазифалари (функциялар). |
| 7. Феминизм | ж) Ҳуқуқлар ва имкониятларнинг тенглиги. |
| 8. Ижтимоий роллар | з) Аёл ва эркакларнинг, айниқса, жамиятдаги ўрни ва миллий маданияти билан боғлиқ тафовутларга тегишли муаммолар. |
| 9. Гендер муаммолари | и) Аёллар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги учун курашувчи ҳаракат. |



**02–топшириқ. Аёлларнинг вакиллиги.**

Қуйидаги диаграммаларда айрим мамлакатлардаги аёлларнинг ижтимоий турмушда иштирок этиши хусусида маълумот берилган. Уларда қандай тенденцияларни кўряпсиз? Қайсилари ўта фарқланиб туради? Бу масалада бой мамлакатлар ўртасида қандай умумийлик бор?

Икки кишидан бўлиб, ҳар бир диаграмма бўйича қисқа иншо (100 сўз) ёзинг.






## Ўқиш учун матн

### 1.0 Фуқаролик жамияти ва сиёсатда аёллар

> ***Миллий маданиятни асраш барча анъаналарни хеч бир ўзгаришсиз ва догматик ҳолда сақлаш дегани эмас. Барча нарса ривожланишда бўлиши керак.***
>
> *(Ч.Айтматовнинг «Новые известия» газетасига интервьюсидан, 23.10.03).*

Дунёдаги эркинлик даражаси аёлларнинг жамият ва мамлакат ҳаётида қанчалик яхши қатнашишига бевосита боғлиқ бўлади, деган фикрни кўпчилик айтиб келади.

Кўплаб халқларнинг қадимий тарихида давлатни бошқарган, саркардалик қилган ёки ўз ватанининг озодлиги учун курашган қаҳрамон аёллар бўлган. Хотин-қизларнинг демократик ҳуқуқлари XVIII асрдаги француз инқилобидан тортиб, ҳатто ундан ҳам аввалроқ, ривожлана бошлаганини кўрамиз.

Бунгача кўплаб мамлакатларда аёллар адлиявий жиҳатдан оталари ёки эрлари қарамоғида бўлиб келишган. Бу ҳол уларнинг мулкка ёки овоз беришга ҳуқуқи йўқ эканлигини англатарди.

1893 йили Янги Зеландияда дунёда биринчи бўлиб аёлларга сайловда иштирок этиш ҳуқуқи берилди. 1903 йили Буюк Британияда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий уюшмаси тузилди. У ўз фаолиятини мулк объектларини вайрон қилиш ва бошқа фуқаролик бошбошдоқликларини содир этишдан бошлагани сабабли аёллар оммавий тарзда қамоққа олинган. Турмага тушгач, улар очлик эълон қилишган. Ниҳоят, 1918 йили 30 ёшга кирган аёллар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлдилар. 1928 йилдан бошлаб эса аёллар эркаклар каби 21 ёшдан овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритдилар. АҚШда аёлларга 1920 йилдан сайлаш ҳуқуқи берилган, Францияда – 1944 йилдан, Швейцарияда эса – 1971 йилдан.

1917 йилдаги Октябрь инқилобидан сўнг Совет Россиясининг Конституцияси аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини эълон қилди. Улар 1918 йилдан сайловларда қатнаша бошладилар.

1926 йили аёлларнинг сайловда овоз бериш ҳуқуқига Ливанда, 1931 йили Шри-Ланкада, 1932 йили Таиландда, 1937 йили Филиппинда, 2002 йили эса Баҳрайнда эришилди. Африка мамлакатларининг кўпчилигида аёллар сайлов ҳуқуқини Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ва колониялар озодликка чиққан йиллари қўлга киритдилар.

Гарчи аёллар кўплаб мамлакатларнинг маданий ҳаёти, хусусан, санъат ва бошқа соҳаларда асрлар бўйи фаол иштирок этсалар-да, фақат сиёсий жараёнларга аралашиш туфайли уларнинг дунёқараши кенгайиб, анча таъсирли кучга айландилар.

Ҳозир кўплаб мамлакатларда иқтисодиётда ҳам, давлат ҳокимиятининг органларида ҳам юқори раҳбарлик лавозимларида аёлларни учратиш мумкин. Шунга қарамасдан, аёллар ҳануз меҳнат бозорида кўплаб қийинчиликларга дуч келмоқдалар: кўпинча уларга эркакларга нисбатан оз меҳнат ҳақи тўланади, эътиборга лойиқ иш берилмайди. Анъанавий тарзда арзон, паст баҳоланиб келган айрим касблар ҳамон аёлларнинг гарданида қолиб кетмоқда. Бугун кўплаб мамлакатларда аёллар лоақал қонун бўйича эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эга. Улар овоз беришлари, ишлашлари, мулкка эгалик қилишлари ва сиёсий пешқадам бўлишлари мумкин. Афсуски, қонунда ёзилган



**АУН САН СУ ЧЖИ** – Мьянманинг (собиқ Бирма) сиёсий арбоби. Онаси элчи бўлиб ишлаб турганда Ҳиндистонда ўқиб, кейин Буюк Британиянинг Оксфорд университетини битирган. Бирмага қайтиб келганида Не Вин режими билан тўқнаш келиб, мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилишини қатъийлик билан айблаб чиқади. 1988 йилнинг сентябрида давлат тўнтаришни ясаган янги хунта (қурол кучига таянган, зулмкор гуруҳ) ҳокимиятни эгаллаб олганидан кейин мухолифчи Демократия учун миллий лиганинг (ДУЛ) лидери бўлди. 1990 йилги сайловда ДУЛ парламентдаги ўринларнинг 80 %идан ортиғини қўлга киритганида хунта сайлов натижаларини тан олмай қўйди. 1991 йили Аун Сан тинчлик бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди, бироқ ҳокимият тепасида турганлар унинг бу мукофотни олиш учун чет давлатга боришига йўл қўймадилар. Аун Сан бир неча марта қўлга олиниб, қамалганда уни халқаро жамоатчилик талаби билан озодликка чиқаришга мажбур бўлишган.

нарсалар ҳар доим ҳам кундалик ҳақиқий турмушда ўз аксини топавермайди. Амалда эса, қабул қилинган қонунларга қарамасдан, бутун дунёда, хусусан, нодемократик давлатлар ёки демократия унчалик ривожланмаган мамлакатларда аёллар зўравонликдан озод бўлиш, мулкка эгалик қилиш, одил судловнинг қўллаб-қувватлаши ва билим олиш каби ҳуқуқлардан маҳрумдирлар. Шу ва бошқа тўсиқларга қарамасдан, аёллар янгилик яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг илғор сафларида бормоқдалар.

## 2.0 Аёлларни сиёсатга жалб этишнинг аҳамияти

Гарчи деярли барча мамлакатларда аёллар сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлсалар-да, уларнинг сиёсий раҳбарлик даражасига етишлари учун имконият яратиб бериш муҳимдир. Канада ва Нидерландия каби айрим мамлакатлар аёллари аллақачонлар сайловда овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритган бўлсалар-да, уларнинг номзодлари сайланувчи лавозимларга анча кейин кўрсатила бошлади. Бундан ташқари, бу сиёсий ҳуқуққа эга бўлгандан кейин ҳам баъзи мамлакатларда аёллар сайланувчи лавозимларга номзод сифатида кўрсатила бошлагунча қанча вақт ўтса, уларни сайловчилар сайлагунча яна ўшанча фурсат керак бўлди.

Қуйидаги интервьюда аллақайси мамлакат (Қирғизистондан ташқари)нинг парламентига аъзо бўлган аёл сиёсат билан шуғулланиш нима учун зарурлигини тушунтириб, сиёсатчи аёллар олдида турган баъзи муаммолар хусусида сўзлайди.

**Журналист:** Сиз мамлакатимизда аёлларнинг сиёсат билан шуғулланишининг зарурати тўғрисида ажойиб сўзларни айтдингиз. Аёллар фақатгина уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлиши кераклиги таъкидланган бизнинг миллий анъаналаримизга мувофиқ ҳаракат қилишлари зарур, деган фикрингизни тушунтириб беришингиз мумкинми?

**Парламент аъзоси:** Мен сўзни қадимий анъаналаримиз одатда жуда серҳаракат, ўзгарувчан ва атроф-муҳитга мослашувчан эканлигидан бошламоқчи эдим. Мамлакатимиз катта ва бой бўлишидан қатъи назар, у атрофимизни ўраб турган борлиқдаги ўзгаришларни тўхтатиб қўйишга қодир эмас, гарчи биз шуни истасак-да. Бу биз барча анъаналардан воз кечамиз, деган фикрни англатмайди. Гап иқтисодиёт ва умуман ҳаётнинг ўзгаришига қараб бизнинг анъаналаримизнинг ҳам янгиланишида кетяпти. Агар биз маданий анъаналаримизни сақлаб қолиш учун одамларнинг ҳуқуқларини чеклайверсак, улар ўша анъаналарни ҳурмат қилмай қўядилар.

Сизнинг «уй-рўзғор»ни тилга олганингиз жуда яхши. Агар аёлларнинг оила эҳтиёжларини яхшироқ ҳис қилишларини ёдда тутсак, улар турар жой, соғлиқни сақлаш ва таълим каби соҳалардаги муаммоларни давлат даражасида ҳал этишда иштирок этиши зарурлигини кўрамиз.

**Журналист:** Демак, сиз аёллар айнан шундай вазирликларни бошқаришлари керак, деб ҳисоблайсизми?

**Парламент аъзоси:** Мутлақо йўқ. Аёллар ҳам эркаклар каби истаган вазирликни бошқаришга қодирдирлар.

**Журналист:** Бироқ миллий мудофаа каби масалаларда аёллар нимани билиши мумкин?

**Парламент аъзоси:** Россияда мудофаа вазирининг ўринбосари – аёл. Баъзи жиҳатларини олиб қараганда, мудофаа вазирлигига эркакдан кўра аёл кўпроқ тўғри келади. Чунки у одатда оилалар учун урушнинг оқибатларини эркакка нисбатан яхшироқ тасаввур қилади, шу боисдан қандай қилиб бўлса-да, урушнинг олдини олишга ҳаракатланади. Ҳарбий тажриба хусусида тўхталадиган бўлсак, балиқчилик вазиримиз ҳеч қачон балиқчи бўлмаганлигини эслашимиз кифоя. Менимча, сиз юқори лавозимли сиёсатчилар хусусида янглиш фикрда кўринасиз. Уларнинг роли раҳбарлик қилиш ва бошқаришдан иборатдир. Агар уларга малакали маслаҳат зарур бўлса, ўз аппаратининг ходимларидан оладилар. Афсуски, баъзи аёл сиёсатчилар иқтисодиёт соҳасида ишлашга ихтисослашган бўлсалар-да, кўп ҳолларда уларни «ижтимоий» тармоқларга «суриб чиқариш»га ҳаракат қиладилар. Мен лавозимларга, миллатидан қатъи назар, лаёқатли одамлар танлаб олиниши керак, деб ўйлайман. Биз, аёллар, мамлакатимизни катта бир оиладек кўрамиз, шу боисдан фақат аёл президентлик лавозимига энг муносиб номзод бўлиб ҳисобланиши керак, деб ҳар доим айтамиз, лекин буни ҳазилга бурамиз, албатта.

Гарчи мен парламентга сайлансам-да, бироқ давлат органлари ва иқтисодиётда тайинланувчи лавозимларга номзодлар танлашда аёлларга ҳам эркаклар билан тенг имкониятлар берилишини ўта хоҳлар эдим.

**Журналист:** Бизнинг мамлакатни бир кун келиб аёл президент бошқариши мумкин, деб ўйлайсизми?

**Парламент аъзоси:** Нега бўлмасин? Беназир Бхутто мусулмон мамлакати ҳисобланган Покистонни бошқарди. Янги Зеландияда бош вазир – аёл, кўплаб вазирликларни ҳам аёллар бошқарадилар. Одамлар анъаналаримиз бундай имкониятдан фойдаланишга йўл бермайди, деб кўп айтадилар, лекин мен бунга қўшилмайман. Одамлар шунчаки тушунишлари керакки, нуктаи назарлари мос келган кишини эмас, балки энг қобилиятли, бутун халқ манфаатларини ҳимоя қила оладиган одамни сайлаш зарур.

**Журналист:** Нима деб ўйлайсиз, сиёсий ҳаётда қатнашганларида аёллар учун қандайдир ўзига хос муаммолар келиб чиқадими?

**Парламент аъзоси:** Ҳа. Кўпинча уларнинг нозик жинс вакили эканлиги эмас, балки бошқа вазиятлар билан боғлиқ муаммолар чиқиб туради. Бунинг устига, кўп мамлакатларнинг маданий анъаналарида аёл кишига уйда ўтириш тавсия этилиб, агар у ўз фикрини айтадиган бўлса, бу билан у урф-одатларни бузган бўлади. Бироқ мен муаммо фақат шундагина деб ўйламайман, чунки қаттиққўл танқидчиларнинг ўзлари компьютердан фойдаланадилар, кока-кола ичадилар ва «ноанъанавий» ҳисобланган яна кўплаб ишларни қиладилар.

Шу ўринда аёлларни олий лавозимларга қўйиш мумкин эмас, деган кўз қарашларга оид савол келиб чиқади. Бошқача айтганда, олий даражаларда аёлларга тенг имкониятлар берувчи қоидалар борлигига қарамасдан, кўпинча улар бундай лавозимларга ета олмайдилар, сабаби, бу ҳақда қарор қабул қилувчилар эркакларга келиб тўхталадилар. Афсуски, улар аёлларни эмас, балки эркакларни танлашганига доим бирон баҳона қидириб топадилар.

**Журналист:** Сиз бунга нима дейсиз, эркакларнинг ҳам вакили бўла оласизми?

**Парламент аъзоси:** Албатта. Мени ўз округимдаги сайловчилар сайлаганини ёддан чиқаряпсиз, деб ўйлайман. Ҳеч бўлмаганда уларнинг ярми – эркаклар ва улар ҳаётда нималарга эриша олганимни кўришганидан мени ёқлаб овоз беришган. Шу боисдан менинг бурчим – эркакларнинг ҳам, аёлларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилиш. Бироқ ҳозирча парламентда аёллар озчиликни ташкил этади. Парламентнинг барча аъзолари, айниқса, аёллар ҳамжамиятда овози яхши эшитилмаётганларнинг позициялари ёқланиши учун ҳаракат қилишлари керак.

### 3.0 Қирғизистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни

*Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 21-моддаси, 1-қисмида «ҳар бир одам ўзи яшайдиган давлатни бошқаришда бевосита ва эркин тарзда сайланадиган вакиллар орқали қатнашишга ҳуқуқли» деб ёзилган.*

Қирғизистонда шу пайтгача бўлиб ўтган туб сиёсий ўзгаришлар туфайли аввалгидек жамоатчилик назорати ўрнатилмасдан, анъаналарнинг таъсири сусайиб кетди. Баъзи ҳолларда эски урф-одатлар жонланиб, янгилари ҳам пайдо бўлди. Бу ўзгаришлар кўпинча оиланинг аҳволини оғирлаштириб, аёллар гарданига оғир юк бўлиб тушди.

Иқтисодиётдаги ўзгаришлар кўплаб аёлларга тадбиркорлик қобилиятларини намоён этишларига имконият яратиб берди. Натижада талайгина аёллар қатор кичик корхоналарнинг эгаси ва раҳбари бўлиб қолдилар. Иқтисодий маълумотларга қараганда, бундай фаолият мамлакатга ички ялпи маҳсулотнинг 1/3 қисмини олиб келади. Баъзи тадқиқотчиларнинг тахмин қилишларича, иқтисодий таназзул пайтидаги қийинчиликларга аёллар яхшироқ мослаша оладилар. Уларнинг бошқарувчилик ва менежерлик малакалари жамиятнинг кенгроқ тармоқларига етакчилик қилишда қўл келиши мумкин. Аёллар мамлакатнинг олий раҳбарлигида ва иқтисодий ташкилотларда ўта оз учрайди, аммо улар кам ҳақ тўланувчи лавозимдагиларнинг кўпчилигини ташкил қилади.


Аёллар дала ишларида

Жамиятдаги кўп одамлар аёлларнинг сиё-

сатда иштирок этишларини ёқтирмайди. Кўплаб сиёсий партиялар гендер масалаларига сиёсий ютуқ келтирувчи восита сифатида қарамайдилар. Шу сабабли улар аёлларни тавсия қилинаётган сиёсий дастурларга киритмайдилар ва сайловда номзод сифатида кўрсатишлари ёки партия фаоллари бўлишлари юзасидан билдирган истакларини рағбатлантирмайдилар. Бундан ташқари, кўпинча аёлларнинг сиёсий ҳаётга аралашишлари эрлари, қариндош-уруғлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва давлат маъмуриятлари томонидан қўллаб-қувватланмайди. Сайловда номзодларни кўрсатиш учун қўйилган ихтисослик талаблари ҳам айрим аёлларга сиёсий курашда иштирок этишларига халақит бериши мумкин. Агар уларда декларацияга киритиш учун ўз даромади йўқ бўлса ёки улар ота-оналарининг қизлар учун шарт эмас деганларига амал қилиб, олий маълумот ололмаган бўлсалар, шу ҳол юз бериши мумкин. 2001 йилги қишлоқ ҳокимияти бошлиқларининг сайловида номзод сифатида кўрсатилган 148 аёлнинг 35 нафари юқоридаги сабабларнинг биттаси туфайли рўйхатдан ўта олмаганлар.

Ҳатто аёллар номзод сифатида рўйхатдан ўтсалар-да, оилавий овоз беришнинг ноқонуний амалиёти туфайли уларнинг сайланиш имконияти чекланиб қолади. Бу эса аёлларнинг бюллетенлари овоз бериш қутиларига оиладаги эркаклар томонидан ташланади, демакдир. Шундай бўлса-да, аёллар сайловда уларга рақиб бўлган эркаклар устидан ғалаба қозонган пайтлар учраб туради.

Балки аёл номзодлар учун маълум квота (вакиллик улуши)ни киритиш билан бу муаммони ҳал қилса бўлар? Масалан, Жанубий Африка парламентидаги ўринларнинг 30 %и, Покистон парламентидаги ўринларнинг эса 17 %и аёл номзодлар учун ажратилган. Ҳокимият органларида аёллар сонининг кўпайиши ва сайланувчи лавозимларга улар номзодлари кўрсатилишининг ўзи яхшилик аломатидир. Бироқ аёллар ҳар қандай сайланувчи лавозимга эркаклар билан бирдек рақобатлашишга қодир бўлишлари керак. Ўшандагина сайловчилар аёлларга, уларнинг ишларига аёл деб эмас, тенг имкониятли фуқаро сифатида баҳо берадилар.

**АЁЛЛАР ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ УРФ-ОДАТЛАР**

***Қирғизистоннинг кўпгина бурчакларида, айниқса, қишлоқ жойларда кўпинча аёллар уларнинг ҳуқуқларини эркакларга нисбатан ниҳоятда тор доирада чекловчи ижтимоий урф-одатлар билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар. Умумлаштириб олганда, бу чеклашлар қуйидагиларда ифодаланади:***

***А. Куёвни танлаш (Никоҳни қариндош-уруғнинг маъқуллиги билан баъзида қизнинг розилигини олиб, баъзида эса ундан сўраб ўтирмасдан ўқийдилар; унга куёвни танлаш ҳуқуқи берилиши мумкин, бироқ шунда ҳам қизга босим ўтказилади. Кўплашиб қизни эрта турмушга чиқишга мажбур қилишади, бундай пайтда у ўқишдан қолиб кетади).***

***Б. Оилали эркакнинг бошқа аёл билан яшашига йўл қўйилиши. Иккинчи аёл алоҳида яшаши ёки эркакнинг уйида у билан бирга бўлиб, унга бола туғиб бериши мумкин (Эркакларнинг биттадан ортиқ аёлга уйланиши Марказий Осиё мамлакатларида юридик нуқтаи назардан қонунсиз ҳисобланади).***

***В. Оиланинг миқдорий таркиби бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқининг чекланганлиги (Кўп ҳолларда эрга теккан аёл нечта бола туғиш масаласида ҳал қилувчи овозга эга бўлмайди. Ҳатто онанинг ва оиладаги бошқа болаларнинг соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлганда ҳам ўғил фарзандлар кўп бўлиши учун ундан туғишни давом эттиришни талаб қиладилар).***

***Г. Оиладаги молия ишларига аралашишнинг чекланганлиги (Кўпинча, ҳатто пулни аёл ишлаб топса ҳам, уни сарфлашга келганда аёлнинг ҳуқуқи чеклаб қўйилади. Аёлларнинг молиявий жиҳатдан мустақил бўлиш имконияти ҳам оз, сабаби, урф-одатларга кўра мулк ўғил болаларга мерос қилиб қолдирилади. Натижада қонун аёллар томонида бўлишига қарамай, уларнинг мулкка бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш қийин бўлади).***

***Д. Шахсий ҳаёт дахлсизлигининг чекланиши ёки бундай ҳуқуқнинг умуман йўқлиги (Аёлларнинг юриш-туриши ҳамманинг кўз ўнгида бўлади. Аёллар эркинлиги қораланади).***

***Бундан ташқари, аёллар уй ишлари билан банд бўлиши керак, деган тушунча устунлик қилиб келмоқда. Оиладаги қисим туфайли аёллар кўпинча ташқаридан келадиган имкониятлардан маҳрум бўлмоқдалар. Аёллар ўзларига йўл очиб, имкониятлардан фойдаланган тақдирда ҳам уларнинг ютуқлари ёки мағлубиятини жинси билан боғлашга ҳаракат қиладилар. Бунинг устига бундай ҳолларда кўпинча уларнинг масъулияти эркакларникига нисбатан ортиқ бўлиб, анъанавий вазифалари ҳам ўша бўйдан қолаверади.***

*«Ҳокимиятнинг нотекис тақсимланиши эркаклар ва аёллар ўртасида ресурслар – вақт, даромад, мулкнинг тенг бўлинмаслигига олиб келади. БМТнинг тез-тез такрорланадиган статистик маълумоти бу соҳадаги ҳозирги аҳволни тўғри ифодалайди: «Аёллар дунёдаги барча ишларнинг учдан икки қисмини бажаришади, аммо улар бутун дунё даромадининг атиги ўндан бирига эга, улар Ер юзидаги саводсиз аҳолининг учдан икки қисмини ташкил қиладилар ва дунёдаги барча мулкларнинг ўндан бир қисмидан ҳам озроғига эгалик қиладилар".*

*(Мусиси, К. ва бошқ.) ПРООН ҳисоботидан, 2000 й.*

## 4.0 Гендер тенглик, иқтисодиёт ва маданият

Кўпгина иқтисодчилар агар аҳолининг қайси бир қисми камситилса, мамлакат жуда катта зиён кўради, деб ҳисоблайдилар. Чунки мамлакат ўзининг инсон ресурсларидан тўла фойдаланмаса, унинг иқтисодиёти рақобатга чидамсиз бўлади. Бутун дунёдаги аёллар эришган муваффақиятлар улар барча ишларда бўлмаса-да, кўпчилигида эркаклар билан бир хил қобилиятга эга эканлигини очиқ эътироф этади. Демак, мамлакатдаги барча ишчи кучлари ярмининг потенциал маҳоратларидан фойдаланмаслик ўта исрофгарчиликдир. Бундан ташқари, агар аҳоли бир қисмининг ҳуқуқларига тегишли аҳамият берилмаса, унда улар ўз обрў-эътиборини билмай қоладилар, бу эса уларнинг иқтисодий фойда келтиришларини пасайтиради. Бундан қуйидаги савол келиб чиқади: "Эски урф-одатларни сақлашдан катта зиён тортиб қолмаймизми ва, умуман, қандай зиёнларни мақбул деб ҳисоблаш мумкин?"

Кўп одамлар айрим урф-одатлар иқтисодий сабаблар туфайли эмас, балки инсон ҳуқуқларини сақлашдаги тенглик талабига зидлиги учун яроқсиз, деб ҳисоблаши мумкин. Аёлларнинг ҳуқуқлари эркакларники билан бирдай бўлиши керак. Бу ҳол аёллар қуйидаги масалаларда ҳам тенг ҳуқуқли бўлишлари зарурлигини билдиради: қачон бола туғиш керак, биринчи навбатда нимага пул сарфлаш лозим, қачон ва кимга турмушга чиқиш зарур. Гарчи бу айрим аёллар аҳволини бироз бўлса-да ўзгартса ҳам, агар шу шартлар тўла амалга оширилса, оила ва жамиятда ҳокимиятни тақсимлашда туб ўзгаришлар юз беришини айтиш мумкин.

Бу эса ғоялар қарама-қаршилигини келтириб чиқариши тушунарли. Агар сиз эркакни Худо устун яратган, у аёлларни бошқариши керак, бу бизнинг урф-одатларимиздан ҳам кўриниб туради десангиз, ундай фикр умумий тенг ҳуқуқлилик ғоясига бевосита зиддир. Биз ҳаммамиз шахс сифатида қайсидир нуқтаи назарни танлашимиз керак. Инсон ҳуқуқлари концепцияси ёки аёллар ҳуқуқларини диний низомлар билан асослаш мумкин бўлса-да, уларни қандай бир аниқ диний урф-одатларга ўта аралаштириб юбормаслик муҳимдир. Бу концепция барча фуқаролар сиёсий тенглигининг концепциясига асосланган ҳозирги даврдаги либерал-демократик тафаккур учун пойдевор бўлиб саналади.

Айрим кишилар агар аёллар эркаклар билан тенг имкониятлардан ҳам ортиқроғига эга бўлсалар, уларнинг оилавий турмуши бузилиши ёки барбод бўлиши мумкин, дея хавотирланадилар. Баъзи мамлакатларда эр-хотинлар хотиннинг мартабаси учун фарзанд кўрмасликка аҳд қиладилар, бошқа ҳолларда эса ўша хотинларнинг эрлари уй-рўзғор ишларининг кўп қисмини ўз зиммасига оладилар, натижада оила сақланиб қолади. Аёлнинг тўла тенг ҳуқуқлиликка эришишида эркаклар оилавий қарорлар қабул қилиш жараёнининг кечикишига кўникиши учун маълум вақт талаб этилиши шак-шубҳасиздир. Чунки бу қарорлар энди бир томонлама қабул қилинмайди, бироқ бу ерда ўзининг афзалликлари ҳам бор. Аёллар ҳуқуқлари муҳофазаланган пайтда уларнинг эркаклар билан бўлган муносабатида чин муҳаббат аввалгидан кўпроқ, ҳис-туйғулар кучлироқ бўладики, бу ҳол оиланинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир қилади. Барча жиҳатларда ўзаро ҳурматнинг юзага келиши оила табиатини ўзгартиши, шу жумладан, оилавий бирдамликни мустаҳкамлаши керак.

**ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ АЁЛЛАР**

***Албатта, айрим аёлларнинг аҳволи бутунлай бошқача бўлиши мумкин, бироқ турли манбалардан олинган сўнгги статистик маълумотлар мамлакатдаги аёлларнинг турмушини асосан тўғри ифодалайди.***

***Биринчи марта никоҳдан ўтганларнинг ўртача ёши (қайд этилмаган никоҳларни қўшмаганда): эркакларники – 25 ёш; аёлларники – 21 ёш.***

***Ўрта мактабда ўқиган ёки ўқиётган аёлларнинг салмоғи: 1992 йилда – 79 %; 2000 йилда – 51 %.***

***Жогорку Кенешда аёллар эгаллаган ўринларнинг салмоғи: 1992 йилда – 8 %; 2000 йилда – 6,7 %; 2005 йилда – 0 %.***

***Аёл губернаторлар сони – 0 %.***

***Агар эркаклар билан аёлларнинг кундалик фаолияти солиштириладиган бўлса, тадқиқотлар аёлларнинг асосан уй-рўзғор ишларига боғланиб қолганини кўрсатади. Бу ҳол уларнинг ишга жойланиши, маълумот олиш, тенг ҳуқуқлиликка эришишига бўлган имкониятларини чеклайди. Эркакларнинг фаолияти уйдан ташқарида бўлганлиги учун улар юқоридагиларнинг барчасига эришишда кўпроқ имкониятга эга.***

***Қишлоқ ва шаҳарда яшовчи аёлларнинг аҳволи ва иқтисодий шароитлари кескин фарқ қилади. Бу ҳол аёллар учун иқтисодий имкониятларнинг қишлоқ жойларга қараганда шаҳарда анча кенг эканлиги билан изоҳланади. Жамиятдаги аёлларга бўлган анъанавий қарашлар ҳам уларнинг аҳволига анча таъсир қилади.***

**ҚИРҒИЗИСТОНДАГИ ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШ**

***Аёллар – 1150***

***Эркаклар – 1770***

*(2002 йилнинг сентябрида корхоналар ва муассасаларни бир пайтнинг ўзида ўрганиш натижалари асосида)*

XV БОБ

Баъзи одамлар Қирғизистондаги аёлларнинг аҳволи миллий урф-одатларга ва, балки, диний кўз қарашларга мос келади деб уқтирадилар. Улар аёл зоти ўзгарадиган бўлса, азалий удумларга путур етади деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун аёллар аҳволининг қирғиз миллий маданиятига зиён етказмасдан ўзгаришини кутиб бўлмайди. Бошқа бировлар, айниқса аёллар, тенгсизликдан биз жабр тортаётганлигимиз учун бундай урф-одатларни сақлаш ёки сақламасликни ўзимиз ҳал қилишимиз лозим деб чиқишлари мумкин. Йўқ деганда, халқнинг ярими бу маданиятни эски, адолатсиз ва одамнинг қадр-қимматини камситувчи деб ўйласа, халқнинг умуммаданияти учун буни англашдан ортиқроқ нарса йўқдир дейишади. Нима бўлганда ҳам, биз бу муаммо бўйича сўнгги сўзни ҳеч ким айта олмайди, шу боисдан уни кенг жамоатчилик муҳокама қилиши керак деб ўйлаймиз.

**ШИРИН ЭБАДИ**

***1979 йилда Эронда юз берган Ислом инқилобига қадар Ширин Эбади шу мамлакатдаги биринчи аёл судья эди. 1975 йилдан 1979 йилгача Эбади Теҳрон шаҳар суди президенти лавозимини эгаллаб келди. 1979 йилги Ислом инқилобидан кейин у истеъфога чиқишга мажбур бўлди ва ҳозир Теҳрон университетида талабаларга дарс беради.***

***Ширин Эбади - кўплаб ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари, хусусан, қочоқлар, болалар ва аёллар ҳуқуқлари учун ҳаракатларнинг фаол аъзоси. У бола ҳуқуқи учун Ассоциациясининг ташкилотчиси ҳисобланади.***

***Эбади ўз қарашлари учун бир неча марта турмада ётиб чиққан.***

***2003 йили у «Эронда демократияни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, айниқса, аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари учун курашга қўшган ҳиссаси учун» Нобель мукофотига сазовор бўлди.***

***Нобель қўмитаси аъзолари Эбади ўзининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятида ислом ва инсоннинг асосий ҳуқуқлари ўртасида бирон-бир зиддиятни кўрмаган ҳолда ислом қонунларига амал қилишини таъкидладилар.***

**АРАВАНИ ТЕНГ ТОРТГАН ЯХШИ**

***Ўқувчи икки боланинг онаси, ҳамшира бўлиб ишлайдиган 28 ёшли Айнурадан интервью олмоқда.***

**Ўқувчи:** Сиз тиббиёт соҳасида қачондан бери ишлайсиз?

**Айнура:** Ўн йил бўлиб қолди.

**Ўқувчи:** Сизнинг иккита болангиз бор экан. Сизни ишингизда кўпроқ нима қизиқтиради: мартабага эришишми, ойлик маошингизнинг ошишими ёки чет элга боришми? Ёки сиз учун энг муҳими оилангизми?

**Айнура:** Йўқ, менинг ишимда бундай имкониятлар бўлмайди, бўлганда ҳам барибир оилани биринчи ўринга қўйган бўлардим.

**Ўқувчи:** Чақалоққа қараш учун узоқ муддатли отпускада бўлиб, яна ишга қайтганингизда кўниколмай қийналмадингизми?

**Айнура:** Ҳа, биринчи кунлари ишда ҳам, уйда ҳам анча қийналиб юрдим. Эрим ҳам дастлаб ишга қайтишимга қарши бўлган.

**Ўқувчи:** Нима учун қарши бўлган?

**Айнура:** Ишлаб кетишимга кўзи етмади. Ё болага яхши қарай олмай, ё ишни ёлчитмай қийналиб қоласан, деган. Аммо мен тез орада тўғри қилганимни исботлай олдим. Оладиган маошим йўлкирага ва электр ҳақига аранг етса-да, яхши кўрган ишим билан шуғулланаётганимдан қониқиш ҳосил қиламан. Ўзимга ишонганлигим ва кўнглим доим равшанлигидан боламга ҳам яхши қарай олишимга кўзим етади.

**Ўқувчи:** Сизнинг ишлаётганингиз қирғизларнинг аёл киши уйда ўтириши керак, деган удумига зид эмасми?

**Айнура:** Болаларимга яхши қараб, уй ишларига улгураётган бўлсам, эримга ғамхўрлик қилишни ҳам унутмасам, ишлаганимнинг нимаси ёмон. Анъаналаримизга келсак, Олай маликаси номи билан донг таратган машҳур Қурвонжон додхоҳ ёки Уркуя Салиевани эслаб кўриinг. Мен уларни бежиз тилга олмаяпман. Ҳар иккиси ҳам урф-одатларга қатъий амал қилинадиган жанубдан бўлади! Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Демак, мен улуғларимизнинг ибратини давом эттираётган бўлишим ҳам мумкин.

## 5.0 Ўзгартишларни қандай қилиб киритиш керак?

Агар биз аёлларнинг тенг ҳуқуқлиликка эришиши иқтисодий ва этик мақсадларга мувофиқ келади деган ғояга қўшилсак, унда бу мақсадга етиш учун нима қилиш кераклигини қараб чиқишимиз керак.

Бунда биринчи масала қонунлардир. Ҳақиқатан, ҳозир Қирғизистон қонунлари аёллар ҳуқуқларининг муҳофазаланишини маълум даражада таъминлай бошлади.

**ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЭРКАКЛАР ВА АЁЛЛАРГА ТЕНГ ҲУҚУҚЛАР БЕРАДИ**

***1996 йили Қирғизистон аёллар ҳуқуқлари тўғрисида халқаро конвенцияларни тасдиқладики, улар аёлларнинг камситилиши ва уларга нисбатан зўрлик қилишларини тақиқлайди, аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоялайди, никоҳга киришга розилик олиш, никоҳ ёши, никоҳни рўйхатдан ўтказиш ва онага зарур бўлган махсус ҳимоя чораларининг андозаларини белгилайди.***

***Амалдаги қонунчилик аёлларни ҳимоя қилади ва уларга кўп жиҳатларда тенг ҳуқуқ беради, масалан, мерос ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқини муҳофаза қилади, кўп хотинлиликни тақиқлайди, аёлга нисбатан зўрлик қилиш ва бутун оила учун овоз беришни ман этади.***

Шу боисдан қонунларга қандайдир бир ўзгартиш киритишдан аввал амалдаги қонунларнинг реал бажарилишини таъминлаш ўта муҳим. Қонунлар кучли қурол бўлгани билан, агар жамиятдаги кўз қарашлар ва ишонч мос келмаса, улар ниҳоятда кучсиз бўлиб қолиши мумкин. Одатда инсон ҳуқукларини бузиш уларни билмасликдан келиб чиқади. Демак, билим бериш орқали одамларнинг ўзаро муносабатларига ва феъл-атворига таъсир кўрсатиш мумкин. Бирок жамият бир куннинг ичида ўз-ўзидан янгиланиб қолмаслигини унутманг. Бу сизларнинг ҳар бирингиз якка ҳолда курашишингиз керак деганини билдирмайди: аёлларнинг тенг ҳуқуқлиликка интилишини ва турли органларда аёлларнинг вакиллари бўлишини қўллаган жамоат ташкилотлари мавжуд. Қирғизистон ҳукумати миллий гендер сиёсатини амалга ошириш учун «Аёлзот» дастури доирасида махсус маблағ ажратган.

Бирок фуқароларнинг ўзлари фикр юритиб кўриб, жамиятдаги кўринишларга нисбатан муносабатини ўзгартирсалар, қандай яхши бўларди.

**САКИН БЕГМАТОВА**

***1921 йили Оламедин туманидаги Қўйтош қишлоғида туғилган. 1938 йили 17 ёшли талаба, республика радиосининг биринчи аёл-диктори Қирғизистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи - ўша йилларнинг энг юксак мукофоти билан тақдирланади. 40-йилларнинг бошида уни Одесса шаҳридан эвакуация қилинган Фрунзе канон фабрикаси директорининг ўринбосари этиб тайинлашади. Уруш охирларида бу фабрика республиканинг йирик корхоналари сафидан ўрин олди.***

***Сакин Бегматова 1952 йилдан 1961 йилгача республика молия министрининг ўринбосари бўлиб ишлайди. Сўнгра уни Қирғизистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб тасдиқлайдилар. Бу лавозимда у 19 йил ишлади, шу билан биргаликда ўриндошлик асосида республика ташқи ишлар министри вазифасини ҳам бажарди. БМТнинг 1969 йилги XXIV Бош Ассамблеясида С.Бегматова совет делегациясига бошчилик қилди.***

***Сакин Бегматова хорижий давлатлар билан маданий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.***

***Бу ажойиб аёлнинг ҳаёти ва фаолияти тўлалигича Қирғизистоннинг иқтисодиёти ва маданиятини юксалтиришга бағишланган.***

XV БОБ

**Матнни ўқигандан кейинги машқлар:**

**03–топшириқ. Сиз кимларни биласиз?**

3-4 кишилик гуруҳда ишлаб, Қирғизистондаги таникли аёллар тўғрисида тушириб қолдирилган маълумотни тўлдиринг. Сиз ўз жамоатингиздаги шон-шухрат қозонган (ёки кенг таниш бўлган) аёлларнинг исмларини қўшишингиз мумкин.

| № | Исм-шарифи | Ким бўлган эди? | Қачон |
|---|---|---|---|
| 1 | Курвонжон додхох | Олай машкаси | XIX аср |
| 2 | Бубусора Бейшеналиева | | 1960 йиллар |
| 3 | Светлана Токомбаева | Шоира | |
| 4 | Лидия Ильина | | 1960 йиллар |
| 5 | Ольга Мануйлова | Ҳайкалтарош | |
| 6 | | | |
| 7 | | | |
| 8 | | | |
| 9 | | | |
| 10 | | | |



*Таттибубу Турсунбаева*

### 04-топшириқ. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Қуйида аёлларнинг сиёсий жараёнга жалб этилиши сабаблари тўғрисида фикрлар берилди. Шеригингиз билан бу фикрларнинг тўғри ёки тўғри эмаслигини баҳоланг.

| № | Тахминлар | Тўғри ёки нотўғри |
|---|---|---|
| 1 | Аёллар эркакларга нисбатан анча мантиқий фикр юритадилар. Улар тўғри танлай оладилар ва улардан муносиброқ раҳбарлар чиқади. | Тўғри |
| 2 | Аёллар оилага яқинроқ, шу сабабли уруш чиқаришга мойил ҳукуматни қўллаб-қувватламайдилар. | |
| 3 | Аёллар одатда эркакларга нисбатан пулни яхши ишлатадилар. Шу боисдан мамлакат иқтисодиётини яхши бошқаришлари мумкин. | Тўғри |
| 4 | Аёллар эркаклар билан тенг ақл-идрокка эга ва улар тўғри сиёсий қарорлар чиқаришлари мумкин. | Тўғри |
| 5 | Аёллар ўта ҳис-туйғули бўладилар, бизга айнан шундай пешқадамлар керак. | Тўғри |
| 6 | Овоз берувчилар қанчалик кўп бўлса, заиф ҳукумат сайланишининг эҳтимоллиги шунчалик озаяди. Шундай қилиб, аёлларнинг сайловда иштирок этишлари туфайли бундай эҳтимоллик икки марта озайиши мумкин. | |
| 7 | Аёллар ҳам одам, шу боисдан улар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишлари керак. Агар эркаклар овоз берсалар, аёллар ҳам шундай ҳуқуққа эга бўлишлари керак. | |
| 8 | Аёлларни сиёсий жараёнда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан мамлакат аҳолининг тахминан 50 фоиз имкониятларидан ажралади. | |
| 9 | Аёллар гўзалроқ бўладилар, шу боисдан телевизион янгиликларда пешқадам аёлларни кўриш ёқимли ва қизиқарлидир. | |
| 10 | Аёлларнинг сиёсий жараёнларда қатнашиши турмушнинг ҳамма жабҳаларида фаолият кўрсатишда, шунингдек, ўз ҳуқуқлари ва оилаларининг ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилишда кўмак беради. | |
| 11 | Биз аёлларнинг сиёсатга жалб этилишининг тарафдоримиз, чунки улар бошқа аёллар ҳуқуқларини эркакларга нисбатан яхшироқ ҳимоя қилишлари мумкин. | |
| 12 | Аёллар оиланинг икир-чикирларини яхши биладилар. Шу боисдан бизга соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида пешқадам аёллар керак. Эркаклар эса мудофаа ва саноат каби соҳаларни бошқаришлари мумкин. | |
| 13 | Тарихнинг гувоҳлик беришича, аёллар эл-юртга раҳбарлик қила оладилар. Эркаклар ҳозир аёлларга шундай имконият беришлари мумкин. | |
| 14 | Ҳамма аёллар кун бўйи гаплашадилар, сиёсатнинг моҳияти ҳам шунда мужассам эмасмикан. | |

### 05-топшириқ. Қирғизистондаги аёлларнинг демократик ҳуқуқлари.

Шеригингиз билан Қирғизистон Республикаси Конституциясини кўриб чиқинг ва Қирғизистондаги аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини сананг.

### 06-топшириқ. Агарда...?

Шеригингиз билан аёлларнинг сиёсий жараёнларга аралашмай қолиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини кўрсатинг.

### 07-топшириқ. У пешқадамми?

Чўлпон – 4 боланинг онаси. Уларнинг ...нг каттаси 12 ёшда, кенжаси эса 2 яшар. Болаларнинг отаси Искандар бошқа мамлакатга пул и... опгани кетган. Чўлпон пешқадам бўла оладими? Агар бўлса, шундай вазиятда қандай пешқадам ... акасини ривожлантир... олади? Бу масалани шеригингиз билан муҳокама қилинг ва фикрингизни с... ...лаги бошқа ўқувчилар... ...ан баҳам кўришга ҳозирланинг.

### 08–топшириқ. Вакиллик квоталари.

Нур мамлакатида ҳокимиятнинг сайланувчи органларида 10 фоизгина аёллар ишлайдилар. Парламент қабул қилиш учун кўраётган янги қонунда партиялардан кўрсатилувчи номзодларнинг ҳеч бўлмаганда 50 фоизи аёллар бўлиши керак, деб ёзилган. Нур давлатининг мактабларида 12 ёшгача бўлган қизлар ва 18 ёшгача болалар учун таълим мажбурий ва бепулдир.

Айрим одамлар янги қонун уларнинг номзод сифатида хохлаган кишини кўрсатиш ҳуқуқини бузади, дейишади. Бошқалар бўлса бундай қонун баъзи мамлакатларда йўқ, бизга ҳам керак эмас, шундай бўлса-да, ҳокимият органларининг сайланувчи лавозимларида аёлларнинг иштирок этиши юқори фоизларни ташкил этади, дейишади.

1. Бу ғоя тўғрисида нима деб ўйлайсиз? Шеригингиз билан бу ғояни ёқловчи ёки унга зид сабаблар (далиллар билан)ни sанаnг.
2. Бошқа қандай муқобил йўлни таклиф қила оласиз?

### 09–топшириқ. Қандай маҳорат ва билимлар керак?

Билими ва тарбиясига лойиқ аёллар турли даражадаги давлат муаммоларини ҳал қилиш учун маҳорат ва билимларга эга бўладилар. Билими ва тажрибасидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга қурби етади.

3-4 кишидан бўлиб, қуйидаги ишларни бажаринг:

1. Давлат қўмитаси оналарингиздан маслаҳат сўради, деб тасаввур қилинг.
2. Улар қайси масалаларда фойдали маълумот бериши мумкинлигини ёзинг (қуйидаги мисолларга эътибор қаратинг).
3. Нима учун бу масалалар умуммиллий аҳамиятга эга бўлиши мумкинлигини ёзинг.
4. Аёллар билан эркаклар турлича қарайдиган муаммолар бўлади. Энг яхши натижага эришиш учун қайси муаммоларни ечишга аёлларни жалб қилиш зарур?

Масалан:

- Қишлоқдаги дори-дармонларнинг нархи.
- Қайси қишлоқ хўжалик экинларини ўстириш фойдали эканлиги.

### 10–топшириқ. Тўсқинликлар.

Синфга сизлар яшайдиган жойнинг пешқадами ҳисобланган аёлни таклиф қилинг ёки ундан интервью олинг. Чақирилган одам Жогорку Кенеш депутатидан бошлаб қандайдир бир қишлоқ ташкилотининг раҳбари ёки тадбиркор аёлгача бўлиши мумкин.

Қуйидаги саволларни беринг (сизлар ўз саволларингизни қўшсангиз ҳам бўлади):

1. Қандай лавозимда ишлайсиз?
2. Лавозимингизни қандай эгаллаган эдингиз?
3. Қарорларингиз бошқа одамларга қандай таъсир этади?
4. Сизнингча, яхши раҳбар бўлиш учун нима қилиш керак?
5. Қайси масалалар билан шуғулланасиз?
6. Пешқадам эркакларга нисбатан пешқадам аёлларда қандай қийинчиликлар бўлади?
7. Сизга раҳбар сифатида қайси ҳаётий тажриба ёрдам берди?
8. Сиз уйдаги юмушларни фуқаролик вазифалар.^и-гиз билан бирга қандай қўшиб бажарасиз?
9. Эрингиз шу иш^онни бажаришда сизга қандай ёрдам беради?



**ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ ЭЛЧИ АЁЛ**

*Александра Михайловна Коллонтай генерал Домонтович оиласида туғилди. У уйда тарбия олди, бироқ Петербургдаги эрлар гимназиясини битириб етуклик аттестати олиш учун бошқа гимназистларга қараганда имтиҳонларни яхшироқ топширди. У революцион ҳаракатларнинг фаол қатнашчиси эди. 1923 йилдан бошлаб у Норвегияда, 1926 йилдан эса Мексикада мухтор ва савдо вакили бўлиб ишлади. Александра Михайловна ўзининг дипломатлик маҳоратини намоён этиб, 1927 йили Норвегияда мухтор вакил, 1930-1945 йилларда СССРнинг Швециядаги вакили, сўнгра элчиси бўлиб фаолият кўрсатади. Унинг номи афсоналар билан ўрилган. Александра Коллонтайни Совет Россиясининг энг жу^боқли аёлларидан бири, деб ҳисоблайдилар.*

Шу пешқадам аёл тўғрисида 300 сўздан иборат иншо ёзи...

### 11–топшириқ. Сизнинг навбатингиз.

Шеригингиз билан қуйидагиларга кўм... ...шиш учун нимал... ...инингизни муҳокама этинг:

1. Яшаётган жойингиздаги пешқа... ...аёлларга.
2. Турар жойингиздаги аёлларнинг дем...кратик ҳуқуқла... ...ривожлантиришга.

**12–топшириқ. Билл Сидикова.**

Компьютер дастурларини ишлаб чикиб бойиган америкалик миллиардер Билл Гейтс Қирғизистонда туғилган, деб фараз қилинг. Бу эса Қизилсув қишлоғидан бўлган Чинара Сидикова. Билл Гейтс қозонган муваффақиятларга эришиш учун Чинара қандай тўсқинликларни енгиб ўтиши керак бўлади? Қуйида берилган жадвални дафтарингизга кўчиринг (сизга кўпроқ каторлар керак бўлиши ҳам мумкин). Шеригингиз билан ишлаб, шу тўсқинликларни санаиг ва уларни муҳимлик даражасига қараб жойлаштиринг. Жадвалда дастлабки икки тўсқинлик ёзилган. Уларнинг биринчиси энг муҳими эмас. Рўйхат бўйича ишлаб бўлгач, Чинаранинг муваффақият қозонишига ёрдам бериш учун нима қилиш зарурлиги тўғрисида ўйланг. Айрим бандлар бўйича ҳеч нарса қилишнинг иложи йўқлиги тушунарли.

| Муҳимлик даражаси | Муваффақият йўлидаги тўсқинликлар | Қандай ёрдам бериш мумкин? |
|---|---|---|
| | АҚШдан ташқарида туғилган | |
| | Инглизча гаплаша олмайди | Инглиз тилини ўргатиш |
| | | |
| | | |

**13–топшириқ. Аёллар пешқадамлиги.**

Дафтарингизга таблица (қуйида берилгандек тарзда) чизинг. Сўнг 4-5 кишидан бўлиб, сизлар яшайдиган жойда аёллар раҳбарлик қиладиган ҳамма муассасаларни ёзинг. Биринчи мисол намуна сифатида берилди.

| № | Исм-шарифи | Муассаса | Лавозими |
|---|---|---|---|
| 1 | Рая Кадирова | "Халқаро толерантлик учун" жамоатчилик фонди | Президент |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| 4 | | | |
| 5 | | | |



**ҚУРВОНЖОН ДОДХОҲ**

***Қурвонжон додхоҳ, Қурвонжон Маматбай қизи (1811-1907 й.й.) – олойлик қирғизларнинг раҳбари. «Олой маликаси» номи билан маълум. Ўш ҳудудида ўрнашган мунғуш қабиласининг барги уруғидан чиққан. Биринчи эрини тан олмай, отасининг уйида уч йил ўтирган. 1832 йили Олойни бошқарган Алимбек додхоҳ билан учрашиб, унга турмушга чиқади. Алимбек додхоҳ билан 29 йил бирга яшаб, ундан 5 фарзанд кўради. 1862 йили эрини Қўқон хони саройида исёнчилар ўлдирганидан кейин Қурвонжон додхоҳ Олой бошқарувини ўз қўлига олади. 1864 йили Бухоро амири унга «додхоҳ» унвонини берган. Донишманд аёл қирғиз уруғлари ўртасида низолар келиб чиқмаслигига ўз ҳиссасини қўшди. Уларнинг бирлигини таъминлаш орқали Қўқон хонлигига қарамликдан қутулишга интилган. У бу йўналишда айниқса рус қўшинлари Фарғона водийсига кириб келганда қатъий ҳаракатлар қилди. Дастлаб Қурвонжон додхоҳ рус фуқаролигини қабул қилишни истамай болалари билан Қашғарга кўчиб кетади. Бироқ кейинчалик вужудга келган сиёсий вазиятнинг тарихий аҳамиятини тушуниб етади ва 1876 йили қирғизларнинг Россияга қўшилганини эълон қилади. Подшоҳ ҳукумати Қурвонжонга полковник унвонини берган. 1881 йилда Россия императори Қурвонжонга 300 сўм миқдорида йилига бир марта берилувчи пенсия белгилайди. 1902 йилда эса Оқпошшо додхоҳга бриллиант билан безатилган олтин занжирли олтин соат совға қилган.***

*(Қирғизистон тарихи (энг қадимги даврдан ҳозирги давргача), Бишкек, 2003 й., О.Ж.Осмонов, А.А.Асанканов)*

**14–топшириқ. Уч масала.**

Уч-тўрттадан бўлиб, қуйидаги саволларни муҳокама қилинг ва жавобларингизни ҳимоя қилишга тайёрланинг.

1. Эркак киши эски урф-одатлардан, ўзининг янглиш фикрларидан бош тортиб, аёлининг муваффақиятли ишлашига йўл қўя оладими? Ўзига нисбатан каттароқ ютуққа эришса, ўзини орияти топталгандек сезмасдан, аёли ва қизлари билан фахрлана оладими?
2. Катта ёшдаги аёллар анъаналарга тўғри келиши мумкин бўлган, бироқ имконият топса ўзлари ба-

жаришдан бош тортмайдиган ишларга қизлари ва сингилларининг боришига йўл қўя оладими?

3. Ота-оналар ўғилларининг уй ишлари туйшугини ўз зиммаларига олишини қўллаши мумкинми? Улар қизларининг қарор қабул қилишда иштирок этишини тўғри деб топишадими?

**ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ШАХСИЙ КОРХОНАЛАР, ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИ ЭГАЛАРИНИНГ ЖИНСИЙ ТАРКИБИ**

***Аёллар - 8108, 17,7%***

***Эркаклар – 37602, 82,3%***

***Шахсий корхоналарнинг эгалари асосан эркаклар эканлиги кўриниб турибди, бу эса иқтисодий ресурслар устидан эгалик қилиш ва назоратни амалга оширишда маълум даражада гендер тенгсизлик мавжудлигини ифодалайди.***

*(Миллий статистика қўмитасининг 2001 йилги маълумотлари бўйича)*

### 15–топшириқ. Келин бўлиш яхшими?

Уч-тўрттадан бўлиниб, Жамила исмли қиз дуч келган вазиятни муҳокама қилинг. Жавобларингизни далиллашга тайёрланинг.

*«Шаҳарда туғилиб ўсган Жамила олиски қишлоқдан келган, оиладаги энг кичик, олтинчи ўғил Эркинга турмушга чиқишни хоҳлайди».*

**ЖАМАЛ ТАШИБЕКОВА**

***Москва енгил саноат технология институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Бишкекдаги «Октябрь 40 йиллиги» тикувчилик фабрикасида бригадирликдан бошлаган, кейинчалик «Қирғизистон» фирмасининг бош инженери, бош директори лавозимига кўтарилган. 1980 йили у Министрлар Совети раисининг ўринбосари, Қирғизистон ССР ташқи ишлар министри этиб тайинланади, республика хотин-қизлар совети раислигига ва совет хотин-қизлари Комитети аъзолигига сайланади. Бу йилларда Ж.Ташибекова соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи базасини мустаҳкамлаш, фан, маданият ва спортни ривожлантириш учун кўп ишлар қилди. Унинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали ва ёлғиз аёллар, қаҳрамон оналар ва пенсионерларнинг турмушини яхшилаш ишига қўшган ҳиссаси бебаҳодир.***

***Жамал Ташибекова 1986 йилдан 1997 йилгача хорижий давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик жамиятлари уюшмасининг президенти бўлиб ишлади. Халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун унга Қирғизистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси ранги (мартаба) берилган. 1998 йилнинг май ойида Бишкекда Қирғизистон аёллар ташкилотларининг Федерацияси тузилиб, унга Ташибековани раис этиб сайладилар.***

# XVI БОБ

# Фуқаролик жамияти

## Матнни ўқишдан аввалги машқлар

**01–топшириқ.** **Атамалар ва таърифлар.**

Икки кишидан бўлиниб олиб, тушунчаларга мос таърифларни танланг.

| Тушунча | Таъриф |
| --- | --- |
| 1. Умумий манфаатлар | а) Фуқаролар ва ташкилотларга солиқ тўламаган ҳолда маълум эҳтиёжлар учун маблағ сарфлаш имконини берувчи юридик қоидалар. |
| 2. Солиқлардан озод қилиш | б) Бошқаларнинг манфаатлари йўлида ўз манфаатларини қурбон қилиш. |
| 3. Бир манфаат гуруҳи | в) Ҳеч қайси дин алоҳида мақомга эга бўлмаган, барча динлар тенг қараладиган ва черковдан ажратилган давлат тузуми. |
| 4. Альтруизм | г) Жамиятнинг алоҳида аъзолари эмас, балки бутун жамият манфаатдор бўлган мақсадлар борлигини эътироф қилувчи ғоя. |
| 5. Дунёвий давлат | д) Умумий мақсадларга эга бўлиб, ижтимоий сиёсатга таъсир кўрсатмоқчи бўлган одамларнинг ташкил қилинган бирлашмалари. |

## Ўқиш учун матн

Кўпчилик давлатларда одамлар ўз муаммоларини ҳукумат ҳал қилишини кутиб ўтирмай ҳаракат қилсалар, ўз мамлакатларига яхшироқ ёрдам бера олишларини тушунадилар. Ташаббусни қўлга олиш билан улар фуқаролик жамияти ҳаётида фаол қатнашадилар. Демократиянинг шиддатли ривожи ва ишлаб кетиши учун энг зарур омиллардан бири – бу фуқаролик жамиятининг фаоллиги.

Бу бобда биз қуйидагиларни қараб чиқамиз:

1. Фуқаролик жамияти таърифи.
2. Фуқаролик жамияти ва жамоатчилик бирлашмалари.
3. Фуқаролик жамияти элементлари.

### 1.0 Фуқаролик жамияти таърифи

Туғилганингиздан тортиб сизлар фуқаролик жамиятининг аъзоси ҳисобланасиз. Демак, кичкина гўдакдан тортиб президентгача барча одамлар фуқаро, деб тан олинади.

Ҳозирги даврда фуқаролик жамияти дейилганда, кўпинча оила билан давлат ўртасида турган барча жамоат гуруҳлари ва ташкилотларнинг, турли-туман институтларнинг мажмуи тушунилади.

Фаол фуқаролик жамиятида одамлар, масалан, қуйидагиларни қила оладилар:

- ўзи ва яқинларини боқиш учун пул ишлаб топадилар;
- санъат асарларини яратадилар;
- спортнинг кўпчилик иштирок этадиган турлари ва фаол дам олишнинг бошқа кўринишлари билан шуғулланадилар;

**«УМУМИЙ МАНФААТЛАР» ДЕГАНИ НИМА?**

*Бизнинг саъй-ҳаракатларимиз ҳаммага, ё бўлмаса, кўпчиликка наф келтирадиган бўлса, биз ўзимизни «умуммманфаат» йўлида хизмат қиляпмиз, деб ҳисоблай оламиз. Масалан, ҳар бир одам кўчадаги ахлатни олиб қутига ташлайдиган бўлса, буни ҳам «умумманфаат» йўлида қилинган иш дейиш мумкин, сабаби, саранжом-саришталик, тоза муҳитда яшаш ҳаммага ёқади.*

*«Умумманфаат» учун меҳнат қилиш нафақат ўзи учун, балки теварак-атрофдаги барча одамлар учун ҳам ишлаш деганидир. Шахсий манфаатларимизнинг бошқаларнинг манфаатига қарама-қарши бўлиши шарт эмас, аксинча, атрофимиздаги барча одамларнинг бахтли, бадавлат бўлгани яхши, ахир бунинг натижасида бутун мамлакатимиз гуллаб-яшнайди.*

*Умумманфаат йўлида меҳнат қиляпмиз деган айрим одамлар шунчаки бошқаларнинг номидан ҳам гапириб, ўзлари жамият учун энг керакли деб ҳисоблаган нарсаларнинг ортидан одамларни эргаштирмоқчи бўладилар. Улар жамиятга ёрдам бераётганликларига чин дилдан ишонишлари эҳтимолдан холи эмас, аммо бу нарса хато бўлиши ҳам мумкин. Охир-оқибатда уйинг учун нима ёмону, нима яхшилигини ҳар бир одамнинг ўзи ҳал қилиши керак.*

- бошқа одамларга, мисол учун, камбағалларга ёрдам беришга ҳаракат қиладилар.
- ҳукумат фаолиятини маълум бир йўналишга солиш учун жамоавий ҳаракатларни амалга оширадилар.

Бирга ишлаганда одамлар «умумий манфаатлар»ни қондиришга интиладилар, бироқ уларнинг бу ҳаракатлари ҳукуматнинг фаолият соҳасидан ташқарида бўлади. Албатта, ҳукумат ҳам барча одамларнинг манфаатлари учун доим ғамхўрлик қилиши зарур (Фуқаролик жамияти тушунчасига таъриф берганда баъзан ҳукуматга нисбатан мухолифчи бўлган ташкилотларнигина назарда тутишади. Бу нотўғри, чунки ҳукуматга нисбатан холис позицияда турувчи ташкилотлар ҳам, ҳукуматни қўллайдиганлари ҳам фуқаролик жамиятининг қисмлари саналади. Масалан, IFESнинг ташаббуси бўйича ўқувчилар тузаётган ишчи қўмиталари фуқаролик жамиятига киради. Улар кўпинча баъзи бир масалаларни ечиш, масалан, қўлида йўқларга ёрдам бериш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари билан тиғиз ҳамкорлик қиладилар).

**ҚРнинг «ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИ, АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА» ҚОНУНИ**

*Қирғизистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ, барча давлат органлари фуқароларнинг давлат, жамоатчилик ва бошқа органларга, корхона, ташкилот ва муассасаларга уларнинг фаолиятини яхшилаш юзасидан ёзма ва оғзаки равишда таклифлар киритиш, лавозимли шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқларини таъминлашлари зарур.*

*Раҳбарлар эса фуқароларнинг қабул қилиниши, таклифлари, ариза ва шикоятларининг кўриб чиқилиши учун шахсан масъулдирлар. Қонунга кўра, фуқаро ўз шикояти юзасидан қабул қилинган қарордан норози бўлса, бу қарор устидан уни қабул қилган орган ёки муассаса итоат этувчи маҳкамага, ё бўлмаса, судга мурожаат этишга ҳақлидир.*

*(Миллий демократия институтининг материалларидан, 2004 йил).*

**IFES глобал фуқаролик жамиятининг қисми сифатида**

*IFES турли давлатлар билан демократик жараёнларни ривожлантириш бўйича иш юритишига қарамасдан, бу давлатга тегишли ёки унинг назоратидаги фаолият ҳисобланмайди ва у бу ишда ўз мамлакатидаги фуқаролик жамиятининг таркибий қисми саналган сиз каби одамларга таянади.*

*IFES – халқаро нотижорат, нодавлат ташкилотдир. У кўплаб мамлакатларда фаолият кўрсатади ва турли давлатлар ҳамда хилма-хил манбалар ҳисобидан молиялаштирилади. Маблағлар одатда бепул тарқатиладиган жиҳозлар ва материаллар сотиб олиш учун сарфланади. Бундан ташқари, пуллар ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга кетади, сабаби, IFES мутахассислари кун бўйи ишлайдилар. Шунингдек, волонтёрларнинг меҳнатидан ҳам фойдаланилади.*

*IFES халқаро ташкилотининг хўжайини йўқ, унинг фаолияти фойда олишга қаратилмаган.*

Фуқаролик жамиятига тўғри таъриф бериш учун биз одамнинг ким эканлигига эмас, балки у қайси бир фаолият билан шуғулланганида кимнинг вакили бўлишига эътибор қаратишимиз керак.

Агар давлат муассасасида ишлаган одам ўзининг юмушига алоқаси йўқ ишда қатнашса (масалан, ҳукуматни жиноятчиликни озайтириш учун қатъий чоралар кўришга ундаган жамиятга қўшилса), у ҳолда бу одамнинг шу ташкилот аъзоси сифатида қилган ҳаракатлари фуқаролик жамияти фаолиятининг қисми бўлиб ҳисобланади, аммо унинг ҳукуматдаги иши бунга кирмайди.

Бу нарса ҳукумат идораларида ишлаган айрим одамлар ҳам фуқаролик жамиятига киришини англатади. Масалан, агар президент қирғиз адабиётига кўпроқ қизикса, адабиёт клубига аъзо бўла олади. Бироқ бу гуруҳдалиги пайтида президент бошқа барча аъзолар сингари оддий фуқаро бўлади, холос. Сиёсий партиялардаги муносабатларни тушуниш учун бу концепциянинг аҳамияти жуда катта. Ҳатто ҳукуматни қўллаган сиёсий партиянинг фаолиятида қатнашаётган бўлса-да, давлат хизматчиси фуқаролик жамиятининг вакили ҳисобланади. Бундай ишга одам ўз ишончи билан бориши, ихтиёридаги давлат ресурсларидан бу мақсад йўлида фойдалана олмаслиги тушунарли (Бундай қилиш ақлга сиғмайдиган иш бўларди, чунки исталган давлат хизматчиси фуқаролик гуруҳи аъзоси сифатида қонун чиқариш жараёнига таъсир этишга ҳаракат қилса, манфаатлар қарама-қаршилиги низога олиб келиши шубҳасиз).

## 2.0 Фуқаролик жамияти ва бирлашиш ҳуқуқи

Инсон ҳуқуқларининг асосийларидан бири бирлашма ва ассоциацияларни ташкил қилиб, уларда қатнашиш ҳуқуқидир. Бу биргаликда йиғилиб, ўз хоҳишига кўра гуруҳларни ташкил қилиш ҳуқуқини кўзда тутади.

Бу ҳуқуқ ҳам бошқа эркинликлар каби барча эркинликларнинг асосийси бўлган ҳар бир одамнинг яшаш ва ҳаракат қилиш ҳуқуқи билан чекланган бўлиши лозим. Мисол учун, биз бошқа одамларга зарар етказиш учун бирлашмалар ташкил қилмаслигимиз керак.

Лекин биз, масалан, қуйидаги мақсадларда бошқалар билан бирлашишимиз мумкин:

- концертлар ташкил қилиш;
- ёввойи ҳайвон ёки қушларни ҳимоя қилиш;
- жамият ҳаётини яхшилаш учун тадқиқот гуруҳларини тузиш;
- сиёсий гуруҳларни ташкил қилиш (Сиёсий партияларнинг эркинлиги – ниҳоятда муҳим ҳуқуқ, чунки сиёсий партиялар халқнинг умумий манфаатлари бўйича бирлашиш ҳуқуқини акс эттиради).

Бирлашма ёки ассоциация тузиш учун:

- Унинг иштирокчилари қандайдир умумий мақсад ва эътиқодга эга бўлиб, ўз фаолиятларини ўшалар асосида қуришлари лозим. Бундай мақсад, мисол учун, қари одамларга ёрдам кўрсатиш ёки спортнинг маълум тури билан шуғулланишдан иборат бўлиши мумкин. Мақсаднинг сиёсий бўлиши умуман шарт эмас.
- Фаолиятга барча аъзоларни жалб қилиш лозим. Бундай гуруҳнинг кучи унинг сони билан белгиланади. Бундай бирлашмада ўзаро ҳаракат қилиш жараёнида одамлар бири иккинчисида ташаббускорлик ҳиссини уйғотади. Бирлашма ўзининг ҳар бир аъзосининг умумий ишга садоқатини мустаҳкамлайди.
- Йиғилишлар ўтказиш учун қонуний ҳуқуқ бўлиши зарур (бутун давлат хавфсизлигига тажовуз туғилган фавқулодда вазиятлардагина бирлашмалар бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинадилар).
- Ўз раҳбарлари ва вакилларини сайлаб олиш ҳуқуқи бўлиши зарур.

***IFES ходимлари "Peace Building Group" (Тинчлик ўрнатиш гуруҳи) жамоатчилик фондининг ижрочи директори Индира Саткиналиевна Раимбердиевадан интервью олишган.***

– Нима учун Сиз низоларни бартараф этиш масаласига қизиқиб қолдингиз?

– Қирғизистон-Россия (Славян) университетининг халқаро муносабатлар факультетини «сиёсатшунослик» йўналиши бўйича битирганман. Иккинчи курсдан тортиб ҳар хил низоларга, айниқса, миллатлараро ва диний нифоқларнинг сабаблари билан қизиқа бошладим. Таниқли руҳшунослардан бири Ж. Бугенталь шундай деган эди: «Низо – бу бизнинг ҳаётимиздаги табиий кўриниш. Буни биз кундалик ҳаётимизда доим кузатамиз. Низога қандай муносабатда бўлишимизга яраша биз ўзимизнинг мавжудлигимизни, қандай яшаётганимизни ифодалаймиз». Диплом ишим Тожикистондаги зиддиятга бағишланган эди. Шундан бери менинг касб фаолиятим бизнинг кўп миллатли мамлакатимиз дуч келаётган низоларни изга солиш билан боғлиқ бўлиб қолди.

– Нодавлат ташкилотлар тармоғида ишлашингизга нима туртки бўлди?

– Қирғизистондаги турли миллатлар ва динлар ўртасида аҳилликни сақлаш – бу давлат билан нодавлат ташкилотларнинг биргаликда бажарадиган вазифаси. Нодавлат ташкилотлар тармоғида ишлаётганимга беш йилдан ошди. Қарийб икки йил давомида «Халқаро толерантлик учун» жамоатчилик фондининг дастур директори сифатида тожик-қирғиз чегарасига яқин жойлардаги жамоатлар билан иш олиб бордим. "Тинчлик ўрнатиш гуруҳи" эса деярли уч йилдан бери қирғиз-ўзбек чегараси яқинидаги минтақада ишлаяпти. Унинг асосий мақсади – маҳаллий жамоатларни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, шунингдек, низоларнинг олдини олиш ва тинч йўл билан ҳал қилиш. Бундан ташқари, яқин вақтларда бизнинг ташкилот ёшлар масалаларини ҳам қўлга олмоқчи.

– Оилали экансиз. Ижтимоий фаолият билан оила ташвишларини бирга тортиш Сиз учун оғирлик қилмайдими?

– Ишбилармон аёллар учун касбий ва оилавий мажбуриятларни бирдек ўринлатиш қийин. Бироқ мен ўзимнинг оналик бурчимни биринчи ўринга қўяман. Аёлнинг жамиятдаги энг муҳим вазифаси болалари ва яқин одамларига ғамхўрлик кўрсатишдан иборатдир, деб ҳисоблайман. Чунки оила жамиятнинг асосини ташкил қилади. Уйдан кўнглинг тинч бўлсагина ҳар хил касбий ва ижодий ишларни ғайрат билан олиб боришинг мумкин.

## 3.0 Фуқаролик жамиятининг элементлари

Фуқаролик жамиятининг таркибий элементларига қуйидагилар киради:

- бир манфаат, шу жумладан, ишбилармонлик бўйича гуруҳлар;
- сиёсий партиялар;
- диний гуруҳлар ва этик қадриятларни сақлашни тарғиб этувчи бошқа ташкилотлар;
- ОАВ (бунга телекўрсатув, радио, газеталар ва бошқалар киради, улар кейинги бобларда кўриб чиқилади).




*Диаграммага изоҳ: бунда барча мамлакатлардаги аҳвол кўрсатилган эмас, чунки бу нарса ҳар бир жамиятнинг қонунларига яраша бўлади.*

### 3.1 Бир манфаат гуруҳлари ва фаолият юритувчи гуруҳлар

Бир манфаат гуруҳлари–бу қандайдир умумий мақсадлар йўлида бирлашган одамларнинг ташкил қилинган гуруҳларидир. Аммо бу таърифга жиноятчи тўдалар кирмайди. Негаки, уларнинг асосий мақсади давлат ва ижтимоий бошқарув ишини яхшилаш билан боғлиқ эмас. Манфаатлар бўйича тузилган гуруҳлар сиёсий партиялардан шуниси билан фарқ қиладики, улар одатда сиёсий лавозимларга номзодларини кўрсатмайдилар ва қоидага кўра, давлат органларининг ишида бевосита иштирок этмайдилар. Бир манфаат гуруҳларининг, уларнинг баъзи функциялари қисман ўхшашиб кетса ҳам, уч турли кўриниши мавжуд:

*1) Нотижорат (нодавлат) ташкилотлар:* асосий мақсади ўз аъзоларининг молиявий бўлмаган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган гуруҳлар. Уларни кўпинча қисқа қилиб «НДТ» деб аташади. Бироқ қабул қилинаётган қонунлар мазмунига таъсир кўрсатиш мақсадида махсус тузилган лоббистлар гуруҳларидан фарқли ўлароқ, НДТлар одатда жамиятни ўз муаммолари билан таништириш ҳамда бу борада жамоатчилик акцияларини ташкил қилиш билан ўз мақсадларига эришадилар. Буларга мисол тариқасида спорт клублари ёки уруш фахрийлари, пенсионерлар ёки бевалар ассоциацияларини кўрсатиш мумкин. Баъзи НДТлар фақат ўзларининг аъзоларигагина ёрдам берадилар. Лекин баъзилари бошқа одамларга ҳам (масалан, етим болаларни қўллашга ҳаракат қилаётган НДТлар) ёрдам берадилар. НДТларнинг аъзолари жуда кўп ҳолларда кўнгиллилар ёки фаоллар сифатида (бепул) ишлайдилар. Ташкилот аъзолари билан унинг ҳақ олиб ишлайдиган ходимларини адаштирмаслик керак. Ташкилотларнинг кўп аъзолари бўлади, бироқ ҳақиқатда улар шу ташкилотларнинг ходимлари бўлиб ҳисобланмайдилар. Аммо ташкилотга аъзо бўлган одам ҳақ тўланадиган ишни бажариши ҳам мумкин.

*2) Тижорат ташкилотлари ёки компаниялар:* улар, табиийки, ўз манфаатларига эга бўлган гуруҳлардир. Бундай ташкилотларнинг асосий мақсади энг кўп миқдорда фойда олишдан иборат. Лекин бу - улар бошқа одамларнинг манфаатларига қарши ҳаракат қиладилар, дегани эмас (албатта, уларнинг рақобатчилари манфаатларини ҳисобга олмаганда). Хусусий компаниялар амалда одамларга иш жойларини таклиф қилган ҳолда товар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш билан шуғулланадилар. Бошқа бирлашмалар каби улар ҳам ўз манфаатларини оддий усул билан, масалан, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситалари орқали баён қилишлари мумкин.

Хусусий фирма ва компаниялар фуқаролик жамиятининг бир қисмини ташкил қилади. Чунки товарлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш орқали улар фақат ўзларигагина эмас, бошқа одамларга ҳам фойда келтирадилар. Одамлар бу жараёнларда бевосита иштирок этадилар ва компаниялар улар муҳтож бўлган нарсаларни биров ташқаридан аралашмаган ҳолда етказиб берадилар.

Кўпинча улар ўртасидаги келишимлар давлат органлари аралашган ҳолатлардагидан кўра натижалироқ бўлади (Агар товар ёки хизматнинг сифати ночор бўлса, давлат одатда истеъмолчиларнинг манфаатини ҳимоя қилади).

Мана шунинг учун давлат ўз фуқароларининг иқтисодий ҳаётига камроқ аралашган мамлакатлар одатда энг гуллаб-яшнаган мамлакатлар бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, давлат ҳам бизнес корхоналарига эгалик қилади, бу ҳам умумий манфаатлар учун яхшидир. Бироқ бу фуқаролик жамияти фаолиятига кирмайди.

*3) Лоббистлар гуруҳлари:* бу гуруҳлар мамлакатдаги қонунларнинг қабул қилинишига ўз аъзолари номидан таъсир ўтказиш учун махсус тузилган бир манфаат гуруҳларидир. Лоббистлар гуруҳларининг бошқа бир манфаат гуруҳидан муҳим фарқи шундаки, лоббистлар гуруҳлари кўп ҳолларда хусусий компаниялар ёки касаба ташкилотлари номидан чиқадилар ва мамлакат қонунчилигини ўз аъзолари манфаатлари йўлида ўзгартиришга интиладилар. Бундай гуруҳлар сиёсий жараёнларда, айниқса, пул билан боғлиқ масалаларда кучли таъсир ўтказиши мумкин. Лоббистлар гуруҳлари сиёсий партиялар ва уларнинг сайловларда иштирок этаётган номзодларининг фондларига пул бадалларини ўтказиб беришлари мумкин. Масалан, ҳукумат пенсия миқдорини оширишига эришиш учун бирлашган қари одамларнинг лоббистлар гуруҳи бўлиши мумкин.

Кўп мамлакатларнинг қонунчилигида сиёсий кампаниялар учун тўланган пул бадаллари ҳақида ошкора маълумот бериш талаб қилинади. Агар маълум бир қонун чиқарувчи (депутат) қандайдир манфаатдор шахслар гуруҳидан йирик ўлчамда пул олса, катта муаммо келиб чиқиши мумкин. Қонун доирасида қилинадиган бўлса, сиёсий партиялар томонидан йирик ўлчамда пул маблағлари олиниши муаммо эмас. Агар оммавий ахборот воситалари ва халқ мана шундай ҳаракатлар тўғрисида билсалар, бу нарса иқтисодий қудратга эга бўлган одамлар таъсирига тушиб қолмасликка ёрдам беради.

**Бир манфаат гуруҳларининг вазифалари**

Нормал жамиятда бир манфаат гуруҳлари, жумладан, лоббистлар гуруҳларининг бўлиши сиёсий жараёнлар учун, айниқса, ҳукумат ўз номига танқид айтилишига йўл қўймаган тақдирда зарур ва фойдалидир. Демократик жамиятнинг асосий элементи бир манфаат гуруҳи томонидан ташкил қилинган очиқ мулоқотдир. Бир манфаат гуруҳлари:



*Ўқувчилар ҳаракат қўмитаси аъзолари ўз жамоатидаги муаммоларни муҳокама қилишмоқда.*

- Давлат органлари олдида халқ вакиллари ҳисобланадилар, бу органларни халқнинг фикри, унинг аҳволи билан таништирадилар ва амалдаги қонунчиликка ўзгартишлар киритишни таклиф қиладилар.
- Жамоатчиликни тарбиялайдилар. Бир манфаат гуруҳлари жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашига муҳтождир. Шу сабабли улар ўзларининг муаммоларини сайловчилар ва давлат амалдорлари ҳамда сайланадиган органларнинг депутатлари томонидан тушунилишига интиладилар.
- Одамларга сиёсий фаолиятда иштирок этиш бўйича тажриба берадилар. Баъзида одамлар сиёсий партияларнинг аъзолари бўлиш ва қаергадир сайланишни истамайдилар. Улар бир манфаат гуруҳида ишлаш жараёнида тажриба орттириб, сиёсий ҳаётга ўзларининг ҳиссаларини қўшишлари мумкин.
- Давлат аппарати ва сиёсий арбоблар билан бирга жамият тараққиёти йўлида ишлайдилар.
- Одатда сиёсий партиялар қараб чиқиши учун зарур бўлган масалалар мавзуларини берадилар. Сиёсий арбоблар фуқароларнинг гапларига қулоқ тутишлари керак. Бир манфаат гуруҳининг овози фуқаролар ва улар томонидан сайланадиган давлат органлари вакиллари ўртасидаги мулоқотга йўл очиши мумкин.
- Давлат органлари фаолиятини кузатадилар. Демократик жараёнларнинг муҳим томони шуки, давлат органларининг фаолияти жамоатчилик назорати остида бўлади. Бир манфаат гуруҳлари, масалан, ҳукуматнинг қонунларни ҳаётга қандай татбиқ этаётганини ҳамда солиқ тўловчиларнинг пулини қандай сарфлаётганлигини назорат қилишлари мумкин.

Бир манфаат гуруҳига мисоллар ва одамларнинг уларга аъзо бўлишларининг сабаблари

- Ўз аъзоларига энг яхши меҳнат шароитлари тузилишини таъминлашга (масалан, уларнинг меҳнат хавфсизлигини оширишга) интилувчи касаба уюшмалари.
- Ўзларининг фаолиятларига таъсир кўрсатувчи умумий муаммолар (масалан, фойдани кўпайтириш масалалари)ни ҳал қилиш учун йиғиладиган ишбилармонларнинг ташкилотлари.
- Умумий манфаатларга алоқадор бўлган ҳамда ўз соҳасидаги янги иш усулларини қараб чиқиб, уларни такомиллаштириш йўллари ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш учун йиғиладиган касб эгалари (масалан, врачлар ёки ўқитувчилар)нинг гуруҳлари. Бу, масалан, беморларни даволашни яхшилаш ёки таълим бериш сифатини оширишга бағишланган масалалар бўлиши мумкин.
- Дам олиш вақтини биргаликда ўтказиш, ўзаро мулоқот қилиш, куйлаш ёки ошпазлик рецептлари билан ўртоқлашиш ҳамда бошқа қобилиятларни тарбиялаш бўйича тузиладиган ижтимоий гуруҳ ёки тўгараклар.
- Моддий томондан муҳтож бўлган беморлар, қариялар, ёшларга, шунингдек, гиёҳвандлик моддалари ёки спиртли ичимликларга тобе бўлиб қолган одамларга ёрдам берувчи хайрия ташкилотлари. Улар одамлар ҳаётига бевосита ижобий таъсир кўрсатадилар.
- Ўз аъзоларини одатдаги черков урф-одатларидан ташқари қилинадиган фаолиятга тортувчи диний гуруҳлар. Масалан, ёшларни диний асосда бирлаштириш ва маълум эътиқод тарафдорлари сафларини кенгайтириш ишлари амалга оширилади.
- Умумий масалалар, масалан, экология билан қизиқадиган фуқаролар гуруҳлари. Улар атроф-муҳитни ёқимлироқ ва хавфсизроқ қилишга эришишлари мумкин.

Бу гуруҳларнинг баъзилари мутлақо сиёсатга аралашмаганлари ҳолда, айримлари ҳақиқатан ҳам ўз олдиларига сиёсий мақсадлар қўйиб, шунга мос равишда фаолият юритадилар.

НДТларнинг фаолияти ва солиқ масалалари

Фойда олиш учун қилинаётган фаолият билан нотижорат фаолият ўртасидаги фарқни доим ҳам осонгина аниқлаш мумкин эмас. Кўп мамлакатларнинг қонунларида бирлашмаларнинг бундай икки тури ўртасидаги фарқ аниқ белгиланиб, уларга шунга яраша, турлича солиқ белгиланади.

Бу қоида бошқа одамларга ёрдам бераётган гуруҳларни солиқ тўлашдан озод қилиш учун керак. Бу нотижорат НДТларнинг мавжудлиги ижобий ҳодиса сифатида тан олинганини билдиради. Чунки улар давлат органлари ва хусусий корхоналар билан ҳамкорлик қилиб, имкониятлари йўқ одамларга хизмат кўрсатадилар, уларга ёрдам берадилар.

Масалан, хусусий компания учун пул тўлаш имкониятлари бўлмаган одамларга озиқ-овқат тарқатиш бефойда бўлган бўларди. Бироқ хайрия ташкилотлари озиқ-овқат махсулотларини мумкин бўлган энг паст нархларда таклиф қилишлари мумкин. Негаки, улар ўзлари сотиб олган озиқ-овқат ёки одамларга бериладиган иш ҳақи учун солиқ тўламайдилар. Сабаби, улардаги иш асосан бепул, кўнгиллилар томонидан бажарилади. Бироқ солиқ бўйича бундай имтиёзлар барча мамлакатларда ҳам бор, деб бўлмайди. Бундай ҳолларда ўша ташкилотларнинг фаолият кўрсатиши анча қийин бўлади.

### 3.2 Сиёсий партиялар

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг бир қисми бўлиб ҳисобланади, бироқ одатда уларнинг мақоми бошқа нодавлат ташкилотлардан фарқ қилади.

Сиёсий партияларга айрим аъзоларининг ҳукумат таркибига кириб, партия ўтказаётган сиёсатни юргизишга ҳаракат қилган одамлар бирлашадилар. Шунинг ўзи сиёсий партияларни бошқа ташкилотлардан ажратиб туради. Аммо кўзлаган мақсадларига етган тақдирда ҳам улар фуқаролик жамиятининг бир қисми бўлиб қолаверади. Чунки партия аъзоларининг кўпчилиги одатда давлат хизматида ишламайди, ҳукумат эса партия аъзоларининг кўпчилиги хохлаган нарсаларни амалга оширмаслиги ҳам мумкин.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамияти билан ҳукуматни бирлаштирган кўприк вазифасини бажаради, деса бўлади.

Қуйида бир нечта сиёсий партиялар ва уларнинг сиёсий йўналишлари келтирилган. 2004 йилнинг бошида Қирғизистонда 43 та партия рўйхатга олинган эди.

**а) Қирғизистон социал-демократик партияси (КСДП)**

Партиянинг лидери — Атамбаев Алмазбек Шаршенович. Партиянинг стратегик мақсади – республикада социалистик ва капиталистик тизимларнинг яхши жиҳатларини уйғунлаштириш орқали чинакам демократик-ҳуқуқий жамиятни қуриш.



ҚСДП қуйидагиларни ёқлайди:

- барча фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб, Қирғизистон Республикасининг мустақиллигини амалда ҳимоя қилиш;
- Қирғизистоннинг иқтисодий ва маънавий тараққиётга эришуви, жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуққа асосланган интеграцияси;
- иқтисодий ўзгаришларининг амалга оширилишига юқори даражада ёрдам берувчи барқарор сиёсий вазиятни таъминлаш;
- мулкнинг турли шакллари;
- жамиятнинг иқтисодий ишларига давлатнинг меъёрида аралашуви;
- фуқаролар ҳуқуқлари сақланишини ишончли таъминлаш;
- Қирғизистон Республикасининг МДҲ давлатлари билан бўлган иқтисодий ва сиёсий алоқаларини мустаҳкамлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни, Қирғизистон иқтисодиётининг жаҳон бозорига интеграциялашувини либераллаштириш;

Партиянинг раҳбар органлари: сиёсий кенгаш , қурултой.

**б) Қирғизистон коммунистлар партияси**

Партия Марказий ижроия қўмитасининг раиси — Бактибек Бекбоев. Партиянинг фаолияти марксча-ленинча фалсафага асосланган. Партиянинг дастурий мақсад ва топшириқлари:

- кенгашлар шаклидаги чинакам халқ ҳокимиятини ўрнатиб, унга жамият барча қатламлари вакилларини жалб қилиш;
- қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва ҳокимият барча бўғинлари мустақиллигини амалда таъминлаш;
- президентнинг ижроия ва суд ҳокимиятини шакллантиришдаги ваколатларини чеклаш;
- МДҲ мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий алоқаларни чуқурлаштириш;
- иқтисодиёт соҳасида анархиявий йўналишдаги ислоҳотларни ижтимоий йўналган режали бозор муносабатларига ўтказиш;
- қишлоқларда хўжаликнинг жамоа шаклига бош ролни топшириш;
- иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини давлат мулкига айлантириш;
- ҳокимиятнинг ҳар уч бўғинини сайлаш йўли билан ўрнатиш.

Давлат бошқаруви соҳасида эса партия бошқарувнинг парламент шаклини Қирғизистон учун энг мос деб ҳисоблайди. Партиянинг раҳбар органлари: ижроия қўмита, қурултой.

**в) «Ор-номус» партияси («Достоинство»)**

Партиянинг раиси — Кулов Феликс Шаршенбаевич. Партиянинг муҳим дастурий мақсад ва вазифалари:

- чинакам ҳуқуқий, демократик давлат тузиш ва мамлакатнинг тарихий-маданий ўзгачалигини ҳисобга олган ҳолда жамиятнинг эркин иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожланиши учун ҳақиқий шароитларни яратиш йўли билан Қирғизистон муносиб ҳаётни таъминлаш;
- инқироздан чиқиш ва Қирғизистонни Марказий Осие ҳудудининг молиявий банк марказига айланишининг шартларидан бири бўлган ишончли молиявий банк тизимини ташкил этиш;
- жамиятнинг кескин равишда бойлар ва камбағалларга ажралиб қолмаслиги учун ўрта синфдаги меҳнаткашлар сонини зарурий ҳаёт тарзи билан таъминлаш йўли орқали кўпайтириш;
- тўғри солиқ сиёсатини юргизиш орқали саноатни жонлантириш;
- асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларига давлат буюртмаси бериш орқали қишлоқ меҳнаткашларига давлат қўлловини кўрсатиш;
- давлат тузумида мамлакат президенти лавозимини ҳукумат раиси лавозими билан биргаликда бир киши олиб бориши ёки Жогорку Кенеш томонидан ижроия-бошқарувчилик ваколатлари чекланган президентнинг сайланиши;

- суд ҳокимиятини фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини яхши муҳофаза қила оладиган даражада тубдан ислоҳ қилиш.

Партиянинг раҳбар органлари: сиёсий кенгаш, партия қурултойи.

**г) Ўнг марказлашган либерал «Моя страна» («Менинг мамлакатим») партияси.**

Партиянинг лидери — Оторбаев Жоомарт Каипович. Партиянинг ҳудудий бўлимлари Ўш, Жалолобод, Норин, Иссиққўл ва Толас вилоятларида жойлашган.

Партиянинг асосий мақсад ва вазифалари:

- Қирғизистоннинг барча фуқароларини бирлаштирган, миллатнинг яшаш мақсадларини ойдинлаштирган миллий ғояни қабул қилиб амалга ошириш;
- Инсон манфаатларини, инсоннинг ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ ҳимоялашни мақсад қилган, чинакам халқ ҳокимияти ва муносиб ҳукуматни тузиш, самарали ижтимоий-иқтисодий тизимни ўрнатиш, ташаббускор ўрта синфни ривожлантириш орқали тўлақонли жамиятни шакллантириш;
- Қирғизистонда бошланган сиёсий ислоҳотларни, структуравий ўзгаришларни давом эттириб, талабга жавоб берадиган иқтисодий платформани тузиш;
- Бозор иқтисодиётини режали ривожлантириш – махсус ишлаб чиқилган концепция бўйича давлатнинг 3-5 йиллик иқтисодий режасини тузиш;
- Қулай экспорт, ташқи дунё билан алоқаларни йўлга қўйиш, бозорларни эгаллаш, фойдани қайта инвестициялашга йўналтирилган ривожланиш стратегиясини амалга ошириш.

Партиянинг раҳбар органлари: координацион кенгаш ва қурултой.

Қирғизистонда сиёсий партиялар ҳозирча оз сонли эканлиги ва тавсия этилаётган партия дастурларининг батафсил ишланган ҳужжатлари йўқлиги муносабати билан нисбатан заифдир.

## 3.3 Диний гуруҳлар ва ахлоқий қадриятларни асрашга ундаган бошқа ташкилотлар

Одамлар қадим замонлардан буён дунёда ўзларининг тушунчаларидан ташқарида бўлган, бироқ ўзларининг ҳаёти ва атрофларидаги табиатни шакллантирувчи кучлар бўлиши мумкинлигини ҳис қилардилар. Шу кучларнинг табиатига боғлиқ эътиқодлар узоқ вақтлар ўтганидан сўнг турли динларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу динларни турлича талқин қилиш одамларни яхши ва ёмон ишларга бошлаган.

Оғир вақтларда кишига таскин беришдан ташқари, дининг асосий функцияларидан бири шундаки, у инсонга одамлар ўртасидаги муносабатларни белгилаб берувчи ахлоқий тамойилларни таклиф қилади. Қонунлар амалда анъаналар, урф-одатлар ва диний таълимларга асосланган бўлиб, уларни бутун жамият тан олиши мумкинки, ўз навбатида улар бизга маънавий тамойилларимизни аниқлаб олишимизга ёрдам бер[illegible]дилар. Айниқса, қандай тартибнинг [illegible] бурий эканлиги ҳамда қайсинисини қабул[illegible] бўлмаслигини анъаналар белгилай[illegible] пайтларда бу масала жуда ўткирл[illegible] кетади.

Шундай қилиб, диний гуруҳлар ва [illegible] қадриятлар, эътиқодларни тарғиб қ[illegible] бошқа ташкилотлар фуқаролик жамияти доирасидаги маданиятни шакллантиришга кўмаклашади. Сабаби, фуқаролик [illegible]жами-



*Православ черкови.*

***Айрим халқлар ҳаётида турмушнинг диний қирралари унинг дунёвий жиҳатларидан аниқ фарқланиб туради. Ду[illegible]ёвий давлат шундайки, бундай давлатда биронта ҳам ди[illegible] бошқасига нисбатан алоҳида мақомга эга бўлмайди, улар[illegible] ҳаммаси бирдек қадрли саналади. Бундай мамла[illegible] турли динларни тутувчи кишиларнинг бир-бири [illegible] топишуви осон кечади.***

***Д[illegible] давлат одамларнинг турли гуруҳлари[illegible] ҳақиқатни биронта ҳам диний қараш ва [illegible] аҳамиятини камситмаган ҳолда турлича [illegible] ва унга турли усуллар билан топиниш имко[illegible] Бундай диний гуруҳлардаги одамлар ўзлари [illegible] ди[illegible] билган урф-одат ва эътиқодга ўзларининг қар[illegible] [illegible]ққаларга зўрлаб тиқиштирмагунларигача амал қилаве[illegible]чилари мумкин.***

ятида қандай масалалар кўтарилишини тушуниш учун диний ва этик қадриятлар билан танишиб чиқиш зарур. Мисолга олсак, 2003 йили Францияда ҳукумат одамларнинг қайси динга сиғинишини билдирувчи кийим кийишни, масалан, рўмол ўрашни тақиқламоқчи бўлган эди. Ўшанда бу қонунга мусулмонлар ҳам, насронийлар ҳам биргаликда қарши чиқишган. Тўғри, ҳукумат қонунни ўзгаришсиз қолдирди, бироқ агар кейинги сайловларгача бу масала сайловчиларнинг кўпчилиги мақсадини кўзлаб ечилмаса, ҳукумат алмаштирилиши мумкин.

Афсуски, дин маданий ҳаётнинг асосий белгиларидан бири бўлган одамлар ўртасидаги ўзаро ишончни таъминлай олмайди. Гап шундаки, биз Худога ишона олсак ҳам, бизларни алдаб қўйишлари ёки зарар етказишлари мумкин бўлган одамларга ишониш учун доим ҳам етарли асосга эга бўлмаймиз. Эътиқод ва одамлар ўртасида бир-бирига нисбатан ишонч бўлмаган ҳолатларда ўзаро душманлик ва ишончсизлик пайдо бўлади.

Ана шундай ишончнинг муҳим элементларидан бири қонуннинг устуворлиги ҳамда томонлар ўртасидаги мулоқот ва жамият муаммоларини муҳокама қилишга йўл очиб берувчи давлат тузумининг ўрнатилишидир.

### 4.0 Кучли фуқаролик жамиятини қуриш

Ривожланган фуқаролик жамияти қуйидагиларни талаб қилади:

- қонун устуворлигини ўрнатиш ва унга амал қилиш;
- барқарор ва самарали фаолият кўрсатувчи нодавлат ташкилотларнинг мавжудлиги;
- турли нуқтаи назарлар ва кишиларнинг турли тоифаларига нисбатан чидамли муносабатнинг кенг ёйилиши. Бу жамиятдаги плюрализм деб аталади;
- эркин ва мустақил ОАВнинг бўлиши;
- одамларнинг қайси бир гуруҳининг иқтисодиётда ортиқча устунлик қилишининг йўқлиги.

Фақат шу шартлар мавжуд бўлсагина одамлар биргаликда ҳаракат қилишга мойил бўладилар ва ҳукумат ваколатлари мувозанатлашуви юз беради. Бу, одатда, бошқариш сифатида ўзининг ижобий ифодасини топиб, барча фуқароларга наф келтиради.

Фуқаролик жамияти бир қисмига тазйиқ ўтказувчи ҳукумат фуқароларнинг ҳақиқий аҳволидан яхши хабардор бўлмасдан, охир-оқибатда улар билан алоқасини узиб қўяди.

## Матнни ўқиб чиққандан кейинги машқлар

**02– топшириқ. Ўзимизни ўйласак, бошқаларга ҳам ёрдам берамиз.**

Шеригингиз билан жадвалда берилган ҳаракатлар рўйхатини қараб чиқинг ва саволларга жавоб беринг. Биринчи қатор намуна учун тўлдириб қўйилган.

| № | Ҳаракатлар | Бу ҳаракат билан улар нимага эришадилар? | Бу нарса кўпчилик одамларга ва жамиятга фойдали бўладими? Нега шундайлигини тушунтириб беринг. | Сизнинг фикрингизча, бу ҳаракатни амалга оширган одам унинг оқибатларини биладими? | Бу ҳаракатлар яна қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Бир гуруҳ ёшлар гиёҳвандлик моддаларини сотмоқда | Улар пулга эга бўладилар. | Йўқ. | Эҳтимол, билмас. | Улар озодликдан маҳрум қилиниб, жамият олдида ҳурматларини йўқотишлари мумкин. |
| 2 | Бир гуруҳ одамлар камбағал оилалар учун пул тўпламоқдалар. | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | Фермерларнинг бир гуруҳи фермерликнинг янги усуллари ҳақида кўпроқ ахборот олиш учун ассоциация тузди. | | Ҳа, нега деганда, фермерлар сермаҳсулроқ ишлай бошлашлари мумкин. | | Улар бойиб кетишлари ва янги техника сотиб олишлари мумкин. |
| 4 | Дўконда газета ва журналлар сотилмоқда. | | | | |
| 5 | Қишлоқ аҳолисининг бир гуруҳи мактабнинг эшик-деразаларини бўямоқда. | | | | |
| 6 | Бир гуруҳ одамлар ёшларга қўмиз чалишни ўргатмоқда. | | | | |
| 7 | Одамларнинг бир гуруҳи сиёсий партия тузмоқда. | | | | |
| 8 | Ота қизига китоб ўқиб бермоқда. | | | | |
| 9 | Милиция қонунларнинг бажарилишини назорат қилмоқда. | | | | |
| 10 | Ўқувчилар мактаб парламентини тузмоқдалар. | | | | |
| 11 | Ёш аёл кўйлак сотиб олмоқда. | | | | |

**03–топшириқ. Фуқаролик жамияти ҳаракатда.**

Шеригингиз билан одамларнинг қуйида келтирилган фикрларини ўқиб чиқинг. Улар: «Фуқаролик жамиятининг ривожланишига қандай ҳисса қўшяпсизлар?» деган саволга жавоб беришган. Бу иш-ҳаракатларнинг қайсилари ҳақиқатан ҳам Қирғизистонда фуқаролик жамиятининг ривожланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин деб ҳисобласангиз, ажратиб кўрсатинг. Нима учун шуларни танлаганингизни тушунтириб беришга тайёрланинг.

***Нургози:*** Мен ўз машинамни юваман. Чунки у менда мавжуд бўлган энг қимматли нарса. Мен машинамни ишга бориш ҳамда дам олиш кунлари оиламни шаҳардан ташқарига олиб чиқиш учун ишлатаман.

***Асал:*** Мен деярли ҳар куни бозорда кийим сотаман. Мен рассом эдим, лекин ҳозирги ишимни маъқул кўраман. Биз ҳаммамиз оиламиз учун пул ишлашимиз керак.

***Қаҳҳор:*** Мен дўстларим билан қишлоқда ишлайман. Биз мактаб томини таъмирладик. Бу вазифамизга кирмасди, бироқ биз бу ишни эпладик. Ҳукуматнинг бу иш билан шуғулланишини кутиб нима қиламиз.

***Замира:*** Менинг фикримча, ҳукумат муассасасида ишлаш яхши намуна ҳисобланади. Мен ҳисобчиман ва доимо солиқларнинг тўланиб туришини кузатиб бораман. Бу пулларга биз, масалан, мактаблар қуришимиз ва турли ишларни бажаришимиз мумкин.

***Қудрат:*** Бизнинг шаҳарчамиздаги бир гуруҳ одам тўла бўлмаган (отаси ёки онаси йўқ) оилаларга қандай қилиб ёрдам беришни муҳокама қилиш учун тўпландик. Биз уларга озиқ-овқат ва кийим-кечакдан ёрдам беришга ҳамда серқатнов йўл бўйига дўкон ўрнатишга қарор қилдик. Бу дўконда биз ўзимизнинг баъзи маҳсулотларимизни сотамиз, бундан тушган фойдани эса тўла бўлмаган оилаларга бўлиб берамиз.

***Дилором:*** Мен болаларимга шундай дейман: «Кейин яхши иш топиш учун тиришқоқлик билан ўқинг». Шунингдек, мен уларга ҳукуматнинг ота-онамиз билан баробарлигини ҳамда унинг барча кўрсатмаларини бажаришимиз лозимлигини айтаман.

### 04–топшириқ. Ҳукумат ва фуқаро.

Қуйида одамларнинг ҳукумат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлишига доир фикрлари келтирилган. Шеригингиз билан улардан қайси бири фуқаролик жамиятининг муваффақиятли ривожланишига ёрдам бериши мумкинлигини муҳокама қилинг.

**Чўлпон:** Мамлакатимиздаги барча одамлар ҳукуматнинг уларга ёрдам бериши мумкинлигини, бироқ бунинг учун одамларнинг сабрлироқ бўлиши лозимлигини тушунишлари керак. Ҳукумат мамлакатимизни бой қилиб қўйгач, бизнинг ҳамма нарсамиз бўлади.

**Эргаш:** Биз ҳукуматни сайлаймиз ва у биз талаб қилган нарсани бажариши керак. Бироқ биз ҳам ўзимизга масъулиятни ола билишимиз лозим. Ҳатто оилада ҳам баъзида биз ўзимизга ўзимиз хизмат қилишимиз лозим.

**Муҳаббат:** Ҳукумат—фуқароларнинг яхши ҳимоячиси. У доимо нима қилиш кераклигини яхши билади. Бизларни ҳар қандай босқинчилар (душман)дан ҳимоя қила оладиган ҳукуматни сайлашимиз керак.

**Ойгул:** Ҳукумат бизга хизмат қилиши керак. Биз ундан ўзимизга зарур бўлган барча нарсани олишимиз керак. Чунки биз бунинг учун солиқ тўлаймиз. Биз жамиятга хизмат қилишимиз керак эмас. Бунинг учун ҳукумат бор. Шу билан бирга, биз ҳукуматнинг ҳаракатларини муҳокама қилиб, уни халққа ҳисобот беришга мажбур қилиш учун сиёсий томондан фаол бўлишимиз зарур.

### 05–топшириқ. Нима учун мен?

Икки кишидан бўлиб, жамиятга давлат эмас, сиз ўз дўстларингиз билан ёрдам берган ҳолатнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ўйлаб кўринг.

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| Ҳукумат<br>1.<br>2.<br>3.<br><br>Мен ва менинг дўстларим<br>1.<br>2.<br>3. | Ҳукумат<br>1.<br>2.<br>3.<br><br>Мен ва менинг дўстларим<br>1.<br>2.<br>3. |

### 06–топшириқ. Мен яшаётган жойда.

Шеригингиз билан жамият манфаати учун бажарилган (бироқ ҳукумат томонидан эмас) барча ишларни санаб ўтинг. Қуйида иккита намуна келтирилган.


*Қишлоқ водопроводи таъмирланмоқда.*

***Бизнинг қишлоғимизда***

1. Бизнинг ота-оналаримиз биргалашиб мактаб томини таъмирдан чиқардилар.
2. Ота-оналаримиз полизда йиғилган ҳосилнинг бир қисмини сотиб, унинг пулига тегирмонни ўнглаб қўйдилар.
3.
4.

### 07–топшириқ. Мен буни қила оламан!

Қуйида сиз яшаётган жойда тилга олинаётган муаммоларнинг рўйхати келтирилган. 3—4 кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда бу муаммоларни ҳал қилиш учун масъулиятни ким ўз бўйнига олиши лозимлигини ҳал қилинг, шундан кейин:

1. Бўлаётган воқеаларга асосан сиз яшаётган жойнинг аҳолиси жавобгар бўлса, сиз нима қилган бўлардингиз, шуни тушунтиринг.

2. Ўша воқеаларга қисман аҳоли ва қисман ҳукумат масъул бўлган ҳолатда сиз топшириқларни қай тарзда бўлиштиришни таклиф қилган бўлардингиз?

| № | Муаммо | Муаммони ким ҳал қилиши керак | Муаммони ҳал қилиш режаси |
|---|---|---|---|
| 1 | Ўқитувчиларга тўланаётган ҳақ етарли эмас. | Жамоат ва ҳукумат | Ҳукумат бундан буён ҳам ўша ойликни тўлайверади. Бирок ўқувчилар, масалан, сабзавотларни етиштириб, бозорда сотадилар. Олинган пул эса ўқитувчиларга бўлиб берилади. |
| 2 | Жиноятчилар хонадонларни тўнаб кетмоқдалар. | Ҳукумат | |
| 3 | Баъзи ўқувчилар ўта маст бўлгунча ичиб олмоқдалар. | | |
| 4 | Қишлоқда сув чиқарувчи насос бузилиб қолди. | | |
| 5 | Кўплаб уй ҳайвонлари касал бўлиб қолмоқда. | | |
| 6 | Сел келиб, бизнинг боғимизга зарар етказди. | | |
| 7 | Бизнинг кутубхонамиздаги китоблар жуда эски. | | |
| 8 | Пул етишмаслиги оқибатида бирорта фермер якка ҳолда янги трактор сотиб ололмайди. | | |
| 9 | Баъзи болаларнинг оёқ кийими йўқ. | | |

**08–топшириқ. Бизнинг бирлашишга бўлган ҳуқуқимиз.**

Шеригингиз билан Қирғизистон Республикаси Конституциясини караб чиқинг ва ундан сизнинг бирлашиш ҳуқуқингизни кафолатловчи моддаларни топинг.

**09–топшириқ. Ким аслида ким?**

Шеригингиз билан одамларнинг турли ҳаракатларини баён қилувчи таъкидловларни ўқинг. Ҳаракатларни улар мансуб бўлган ташкилотлар ҳаракати билан таққосланг.

Ташкилотлар тури:

Ҳукумат
Лоббистлар гуруҳи
Диний гуруҳ
Бизнес-ташкилот
Сиёсий партия
Нодавлат ташкилот

| Исм | Ташкилот | Улар нима қиладилар? |
|---|---|---|
| Қанат | | Биз ҳукуматнинг барча режаларига рози эмасмиз. Шу сабабли муаммоларни ҳал қилишнинг янги йўлини таклиф қилиш ва умумий сайловларда ўз номзодимизни кўрсатиш учун гуруҳ ташкил қилдик. Сайловлар пайтида биз энг кўп овоз олишга ҳаракат қиламиз. |
| Искандар | | Биз гуруҳ ташкил қилдик ва энг камида ойига бир марта тўпланамиз. Бизнинг мақсадимиз ёшларга анъаналаримизни ўрганишга ёрдам беришдан иборат. Биз турли хил тадбирлар, масалан, шаҳримиз тарихини яхши билган кишини аниқлаш учун танловлар ўтказамиз ва ҳоказо. |
| Марат | | Мен юк машинаси ҳайдовчисиман. Мен ҳукуматнинг транспортга нисбатан муносабатини ўзгартиришга ҳаракат қилаётган гуруҳ аъзосиман. Биз ёнувчи-мойловчи материалларга бўлган солиқларни камайтириш ҳамда йўлларнинг аҳволини яхшилаш тарафдоримиз. Биз ушбу гуруҳ аъзоси бўлганимиз учун унча катта бўлмаган миқдорда пул тўлаймиз. Бу пул шу ташкилотда ишлаётган бир одамнинг маошига кетади. |

| | | |
|---|---|---|
| Раъно | | Мен қўшиқ айтишга қизиққан одамлар гуруҳига мансубман. Биз имкони борича кўпроқ одамларни ўз концертларимизга жалб қилишга интиламиз. Бунинг учун бизга пул тўлашмайди. Ўз ижодий сафарларимиз ҳамда эълонларни чиқариш учун пулни ўзимиз тўлаймиз. |
| Ойсулув | | Менинг гуруҳим заруратга қараб йиғилади. Биз ҳукуматни ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари ва муаммоларини тушунишга мажбур қилмоқчимиз. Биз вазирликка ўқитувчиларнинг қандай муаммолари борлиги ҳамда ушбу вазиятда уларни қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида хатлар ёзамиз. |
| Озод | | Мен «Волга» русумли эски машинаси бор одамлар гуруҳига кираман. Биз ҳар уч ойда бир учрашамиз ва машиналаримиздаги муаммолар ҳақида гаплашамиз ҳамда бир-биримиз билан эҳтиёт қисмларни алмаштирамиз. Бунинг учун бизнинг ҳеч кимимизга ҳақ тўлашмайди. |
| Алмазбек | | Мен бизнинг бўлимимиздаги статистик маълумотларни ҳисоботга киритиш учун жавобгарман. Кейин биз уларни вазирликка жўнатамиз. Бу маълумот қарорлар қабул қилишда ҳукумат томонидан қўлланилади. Ўз ишим учун мен ҳақ оламан. |
| Болотбек | | Биз телевизор ва бошқа техникани сотамиз. Бизнинг мақсадимиз даромад олишдан иборат. Биз олган фойдамизни дўконимизни кенгайтиришга ва тирикчиликка сарф қиламиз. Биз ишлаган вақтимиз учун ойлик оламиз. |
| Максат | | Яқинда биз шаҳарчамизда сув таъминотини яхшилашдан манфаатдор бўлган гуруҳни ташкил қилдик. Афсуски, жиҳозлар эскириб қолганлиги сабабли бузилиб қолди. Биз пул йиғиш ва янги насослар сотиб олиш учун қўмита тузиш керак, деган қарорга келдик. |
| Зайнаб | | Биз ҳар ҳафта учрашиб, ўз ҳаётимиз ҳақида гаплашамиз ва Қуръон матнининг мазмунини муҳокама қиламиз. Одатда биз сиёсат ҳақида гапирмаймиз, бироқ баъзида ўзимиз яшаётган жойдаги аҳолига қандай ёрдам бериш мумкинлиги ҳақида ўйлаймиз. |

**10-топшириқ. Хусусий сектор билан НДТ ўртасида қандай фарқ бор?**

Жадвалда берилган таъкидловларни ўқинг ва ташкилотнинг қайси сектор (хусусий, нодавлат ёки иккаласи) га тегишли эканлигини аниқланг.

| № | Таъкидлов | Хусусий | НТД | Иккаласи |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошқарма раҳбарини сайлайди. | | | |
| 2 | Ташкилотнинг мақсади - барча одамлар ҳаётини яхшилаш. | | | |
| 3 | Ташкилотнинг даромади унинг эгалари ўртасида тақсимланади. | | | |
| 4 | Ташкилот маълум товарларни сотади. | | | |
| 5 | Ташкилотда менежер бор. | | | |
| 6 | Ташкилотда ёлланма ишчилар ишлайдилар. | | | |
| 7 | Ташкилот бир ёки бир нечта хўжайинга тегишли. | | | |
| 8 | Ташкилот товар ишлаб чиқаради. | | | |
| 9 | Ҳар қандай фойда бу ташкилотга аъзо бўлмаган одамларга хизмат кўрсатиш учун ишлатилади. | | | |

**11-топшириқ. Солиқлар.**

Шеригингиз билан қуйидаги масала устида ўйлаб кўринг. Жавобингизни синф билан муҳокама қилишга тайёрланинг.

Кўп мамлакатларда хусусий сектор давлатга фойдадан олинадиган солиқ тўлайди. Ходимлар эса маошларининг маълум фоизини солиқ сифатида тўлайдилар. Агар ташкилот нодавлат ва нотижорат ташкилот бўлиб, одамларга ёрдам бериш учун тузилган бўлса, солиқ тўлаши керакми? Унинг ходимлари солиқ тўлашлари керакми?

**12–топшириқ. Бизнинг мажбуриятларимиз.**

Шеригингиз билан қуйидаги саволни муҳокама қилинг.

Ҳокимият органлари гўёки умумий манфаатлар йўлида ҳаракат қилаётгандек бўлиб, шу вақтнинг ўзида одамларнинг ҳуқуқларини бузиб, уларнинг турмуш даражаларини пасайтириб юбораётган бўлса, фуқаро қандай йўл тутиши керак?

**13–топшириқ. Менинг жамоатимда нималар содир бўлмоқда?**

Уч-тўрт кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда рўйхатдан ўтган ёки ўтмаган маҳаллий НДТ идорасига ташриф буюринг ёки унга хат ёзинг. Шу асосда қуйидаги жадвални тўлдириб, синф олдида ушбу ахборот билан чиқишга тайёрланинг.

| № | Саволлар | Жавоблар |
|---|---|---|
| 1 | Сизнинг НДТингизнинг номи нима? | |
| 2 | Сизнинг НДТингиз қачон ташкил топган? | |
| 3 | Сиз НДТингизни рўйхатдан ўтказдингизми? Ўтказган бўлсангиз, нима учун? | |
| 4 | НДТингизнинг асосий мақсади нима? | |
| 5 | Бу мақсадга эришиш учун сиз нима қиляпсиз ёки қилишни режалаштиряпсиз? | |
| 6 | Бу топшириқларни бажариш учун сизга қандай ресурслар керак? | |
| 7 | Сизнинг ишингиздан ким фойда олади? | |
| 8 | Ўз мақсадингизга етишиш йўлида қандай муваффақиятларга эришдингиз? | |
| 9 | Сиз қандай қийинчиликларга дуч келдингиз? | |
| 10 | Нима учун бу мақсадларга давлат органларига нисбатан НДТ ёрдамида эришиш осонроқ? НДТнинг афзаллиги нимада? | |
| 11 | Сизда бошқа ходимлар борми, бўлса улар нима иш қиладилар? | |
| 12 | Ташкилотингиз аъзоларининг сони нечта? | |
| 13 | Сизнинг раҳбарларингиз қандай сайланади? | |
| 14 | Раҳбарлик таркибида қандай лавозимлар бор? | |
| 15 | Уларнинг ташкилотнинг бошқа аъзолари олдида ҳисоб бериши қандай таъминланади? | |
| 16 | Ташкилотингизда қандай қоидалар қабул қилинган? | |
| 17 | Сиз бошқа қанақа ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласиз? | |
| 18 | Бу ташкилотлар билан қандай ҳамкорлик қиласиз? | |
| 19 | Сизнинг ташкилотингизда ёшлар нима иш қила олиши мумкин? | |

# XVII боб

# Қирғизистон Республикасида нодавлат ташкилотлар (НДТ)

## Матнни ўқишдан олдин бажариладиган машқлар

**01–топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

Икки кишидан бўлиб, атамаларга мос таърифларни аниқланг.

| Тушунча | Таърифлар |
|---|---|
| 1. Нотижорат<br>2. Донор<br>3. Хайрия ишлари<br>4. Полиэтник<br>5. Поликонфессионал<br>6. Мониторинг<br>7. Фандрейзинг | а) Бир жамиятда одамларнинг турли диний бирлашмалари ўзаро муросада бўлиши мумкин бўлган ҳолат.<br>б) Лойиҳани амалга ошириш учун молиявий маблағлар излаш.<br>в) Бирор-бир жараён устидан доимий кузатишни амалга ошириш ва унинг муваффақиятлилигини баҳолаш.<br>г) Бирор тадбирга ўз ихтиёри билан пул сарфловчи шахс ёки ташкилот.<br>д) Мақсади фойда олишдан иборат бўлмаган фаолият.<br>е) Мухтожлар (ногиронлар, болалар, қариялар ва бошқалар) га беғараз ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган фаолият.<br>ж) Барча этник гуруҳларга бир хил муносабатда бўладиган кўпмиллатли жамият. |

**02–топшириқ. НДТ.**

Шеригингиз билан ўзингиз билган нодавлат ташкилотлар (НДТ)нинг рўйхатини (фаолият мақсадларини кўрсатган ҳолда) тузинг.

## Ўқиш учун матн

### 1.0 Кириш

Бу бобда НДТ (нодавлат ташкилотлар)га таъриф берилиб, улар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ҳақида ҳикоя қилинади. Сал кейинроқ рўйхатдан ўтган уч НДТ ҳамда икки жамоа туридаги ташкилотнинг иши ҳақида баён қилинади. Бобнинг охирида айрим рўйхатдан ўтган НДТларнинг номлари ва улар нима билан шуғулланиши тўғрисида қисқача маълумот берилган. Қирғизистонда минглаб нодавлат ташкилотлар мавжуд деб ҳисобланади, шу сабабли биз сизларга уларнинг бир қисминигина кўрсатиш имконига эга бўлдик. Бу улар фаолиятининг характери ҳамда ташкил қилиниш шакллари ҳақида тасаввур беради.

### 2.0 НДТ нима?

Қайсилари нодавлат ташкилот ва қайсилари бундай эмаслигини аниқлаш қийин. Айниқса, бу нарса қонунчилик бундай ташкилотларнинг фаолиятига унчалик таъсир қилмайдиган бошқа давлатларда ана шундай. Ўз номидан кўриниб турибдики, ҳукумат тизимларининг таркибига кирмаган, шу билан бирга нотижорат бўлган ҳар қандай ташкилот нодавлат ташкилот бўлиши мумкин. Бу таърифни фермерлар жамияти каби турли органлар, турли қўмита, республика жанубидаги маҳалла ва бошқа турли хил норасмий жамиятларга нисбатан ишлатиш мумкин. Агар сиз бу ташкилотлар доимий равишда фаолият кўрсатишлари керак десангиз, унда бундай ташкилотларга ҳатто оила ва спорт клубларини ҳам қўшиш мумкин. Жамиятда икки атама қўлланади: НДТ (нодавлат ташкилот) ва НТТ (нотижорат ташкилот) ва бу тушунчалар ҳозир бир хил маъно англатувчи сифатида қабул қилинади. НТТ – нотижорат ташкилот бўлиб, унинг ҳуқуқий шакллари ҚР қонунида қайд этилган, айнан шу атама жамоат ташкилотлари тўғрисида ҚР қонунида қўлланилган. НДТ – бу умумий, кўпроқ амалий, оддатдаги тушунча бўлиб, унинг шакли аниқ белгиланмаган. Бироқ у ёки бу ташкилот турларининг мақсади жамият фаровонлиги учун фаолият кўрсатишдир. Шу сабабдан кўпинча нотижорат ташкилотларни ҳам жамиятда НДТ деб аташади. Бу бобда биз ҳам но-

давлат, ҳам нотижорат ташкилотларни ифодалаш учун «НДТ» сўзини ишлатамиз.

**ЖАМОАТ НДТми?**

***Янги қонунга мувофиқ жамоат маҳаллий ўзини ўзи бошқарувини ташкил этиш ҳисобланганн ҳолда, бунинг устига нотижорат ташкилотдирки, у адлия вазирлигида эмас, балки қишлоқ, посёлка, шаҳар кенгашида унинг аъзолари аризалари асосида, умумий мажлис протоколи ва уставига мувофиқ юридик шахс мақомини олади.***

*(Жамоатлар ва уларнинг бирлашмалари тўғрисида қонун ҚР Президенти томонидан 2005 йил 21 февралда имзоланган).*

Одатда НДТлар стихияли равишда ва кўнгилли асосда пайдо бўлади. Уларни ўз жамиятининг маълум эхтиёжларини қондиришни истаган одамлар ташкил қиладилар. Одамлар фақат шахсий ташаббусларига кўра НДТга аъзо бўладилар. Бироқ штатда ишлаётган одамларнинг иши учун маълум миқдорда пул тўланиши мумкин. Маълум эхтиёжларини қондиришга мўлжалланган ва кўнгилли ташкил этилган тижорат компанияларидан фарқли ўлароқ, НДТлар ўзлари кўрсатган хизмат учун фойда олишга интилмайдилар. Бироқ НДТлар ўз олдиларига қўйилган топшириқларни бажариш учун молиявий ёрдам олишлари мумкин. Масалан, IFES ушбу китобни тайёрлаш учун пул гранти олди. Бу НДТлар давлат органларининг назорати остида экан, деган маънони билдирмайди. Агар НДТнинг аъзолари молиявий ёрдамнинг ўз ҳаракатларини чеклаб қўядиган қандайдир бир шартига кўнмасалар, унда улар бу маблағдан воз кечиб, бошқа жойдан пул излашлари мумкин.

Қонунчилик ва салоҳиятли донорларнинг талабларига кўра кўплаган НДТлар ўз ташкилотларини расмий равишда рўйхатдан ўтказадилар ва шу йўл билан жамиятда ўзларининг мавқеларини тиклашга интиладилар.

Қирғизистон Республикасидаги ҳуқуқий талаблар НДТларнинг асосий белгиларини аниқлаб беради. Бироқ қонунда таъкидланганидек, НДТлар юридик шахс мақомисиз ҳаракат қилиши мумкин. Ўшанда мактаб парламенти, қурултойлар, ҳудудий ўзини ўзи бошқарув органлари (уй ва кўча қўмиталари) ва камдан-кам йиғилиб, хеч қандай молиявий ёрдамга эга бўлмаган ҳолда жамоатнинг хаётини яхшилашга хизмат қиладиган фойдали ишларни бажараётган кичикроқ фуқаролар йиғинлари каби ташкилотлар НДТ тоифасига кириши мумкин.

Бу жуда муҳим ҳолатдир. Сабаби, бизнинг қонунга кўра сизнинг ёки сизнинг ота-оналарингизнинг бундай ташкилотлардаги фаолиятлари нодавлат ташкилотлардаги иш каби тан олинмаса ҳам, бироқ бунга ўхшаш бирлашмаларнинг ҳаммаси фуқаролик жамияти қурилишидаги асосий ғиштлар вазифасини бажарадилар. Бугунги кунда хеч ким мамлакатда ана шундай ташкилотлардан нечтаси фаолият кўрсатаётганлигини аниқ айтиб беролмайди. НДТлар билан боғлиқ бундай вазият бошқа кўплаб давлатларда ҳам учрайди. Бу ерда хеч муболағасиз айтиш мумкинки, рўйхатдан ўтган НДТ жамиятда кўпроқ таъсирга эга бўлиб, кўпчилик томонидан тан олиниб, барқарорроқ фаолият кўрсатадилар. Юридик рўйхатдан ўтиш кўпроқ имкониятлар беради.

## 2.1 Нима НДТ ҳисобланмайди?

НДТнинг халқаро миқёсда қабул қилинган таърифи етарли даражада аниқ бўлмаганлиги сабабли, қандай ташкилотлар НДТга кирмаслиги ҳақида кўпчилик одамларнинг фикрини билиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ташкилотлар рўйхатига фақат ўз аъзоларигагина фойда келтирувчи катта корхоналар, оилалар, спорт ёки бошқа ҳар қандай клублар (масалан, итларни ёқтирувчилар клуби) киради.

НДТни таъсир ўтказувчи гуруҳлар (лоббистлар гуруҳи)дан ҳам ажрата билиш керакки, улар одатда йирик корпорацияларнинг молиявий манфаатлари, масалан, солиқ бўйича имтиёзлар ва ҳатто давлат томонидан кўрсатиладиган тўғридан-тўғри молиявий ёрдам олиш кабилар йўлида маълум сиёсий таъсирларни ўтказишга интиладилар. Бундан ташқари, НДТларни давлатдаги ҳокимият учун курашадиган сиёсий партиялардан ҳам ажрата билиш керак. Бироқ баъзи давлатларда НДТлар ўз номзодларини сиёсий лавозимларга кўрсата оладилар.

## 2.2 Улар нима учун керак?

Кўпчилик одамлар барча ижтимоий хизматлар ҳукумат томонидан кўрсатилиши керак ва НДТларнинг мавжудлиги давлат органлари ишининг самарасиз эканлигидан далолат беради, деб ҳисоблайдилар. Бу фикрни биргина факт инкор этади, яъни энг бой давлатлар бўлган Япония, АҚШ ва Европада НДТлар жамият хаётида жуда фаол иштирок этадилар. Гап шундаки, бу давлатларнинг ҳукуматлари турмуш тарзини яхшилаш бўйича қарорлар маҳаллий даражада қабул қилиниши мумкин, деб тан оладилар. Сабаби, ўша маҳаллий даражада одамлар минтақанинг эхтиёжлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўладилар. Бундан ташқари, бу давлатларнинг фуқаролари биладиларки, ҳукумат томонидан ўз топшириқларининг виждонан бажарилишига ва ўрнида ҳисобот бериб турилишига эришишнинг энг яхши йўли - бу кучли ва фаол НДТ секторига эга бўлишдир.

XVII боб

**ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЙЎЛ**

*Жалолобод вилояти, Сузоқ туманидаги жами аҳолиси 7 минг киши бўлган Тошбулоқ ва Интимоқ қишлоқлари ўртасидаги 5 км масофадаги йўл бу қишлоқларни боғловчи ягона бўғин вазифасини ўтайди. Афсуски, бу ягона йўл ёмон аҳволда бўлиб, капитал таъмирлашни талаб қилар эди. Йўлнинг аянчли ҳолати туфайли бу қишлоқлар аҳолиси катта қийинчиликларга дуч келди. Йўл 15 йилдан бери таъмирланмаган эди.*

*«Ёшлар лидерлиги» нотижорат ташкилоти муаммони ҳал этишда ташаббус кўрсатди ва Жалолобод фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш марказига мурожаат этди. Бу ерда нотижорат ташкилот аъзоларига йўлни таъмирлаш бўйича лойиҳа тайёрлашда ёрдам беришди.*

*Ушбу лойиҳа қўллаб-қувватланди ва Осиё Ривожланиш банки томонидан 2500 АҚШ доллари миқдорида маблағ билан таъминланди. Бундан ташқари, «Ёшлар лидерлиги» нотижорат ташкилоти 14000 сўм ва 75000 сўм атрофида қурилиш материалларидан ҳисса қўшди. Таъмирлаш ишларини амалга оширишда жамоат ҳам, нотижорат ташкилот аъзолари ҳам фаол иштирок этдилар. Маҳаллий аҳолининг қўшган моддий ва меҳнат ҳиссаси 3000 АҚШ долларини ташкил қилди.*

*Лойиҳа ниҳоясида Интимоқ ва Тошбулоқ қишлоқларининг йўли тўла таъмирланди, шу туфайли кўчаларни озода тутишга имкон яратилди ва қишлоқ аҳолисининг турмуши анча яхшиланди.*

**ОЛҒА ВА ОЛҒА**

*Ишчи ўринларининг йўқлиги, турмуш даражасининг пастлиги, мамлакатдаги оғир ижтимоий-иқтисодий ҳолат минтақаларда ҳаёт кечиришга салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Новқат туманидаги 6 минг аҳоли яшайдиган Дўнгқишлоқда қандолатчилик цехи ишламас эди. Унинг иши молиявий маблағларнинг йўқлигидан тўхтаб қолган эди.*

*2003 йил май ойида ташкил этилган «Қалдирғоч» ўзига ўзи ёрдам кўрсатиш гуруҳининг аъзолари Новқат тумани фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш марказига ёрдам сўраб мурожаат қилдилар ва қуйидаги масалалар бўйича таълимий семинарларда қатнашдилар: кичик бизнес асослари, бизнес-режалаштириш, ўзига ўзи ёрдам бериш гуруҳининг концепцияси, ижтимоий шериклик, солиққа тортиш ва бошқалар, шунингдек, маслаҳатлар олдилар. Гуруҳ аъзолари эгаллаган билим ва кўникмалар лойиҳа, бизнес-режа ишлаб чиқишда ёрдам берди. Январь ойида улар даромад келтирувчи соҳани ривожлантириш – нон-бўлка ва қандолатчилик маҳсулотларини пишириш учун 5 ой муддатга 230 АҚШ доллари миқдорида кредит олдилар. Уни «Жамоатлар даромади» ташкилоти йилига 24 фоиз фойда кўриш ҳисобига берди. Олинган қарз 2004 йил май ойида муваффақиятли қайтарилди. «Қалдирғоч» ўзига ўзи ёрдамлашиш гуруҳининг умумий даромади 230 АҚШ долларини ташкил этди.*

*Бу тажриба гуруҳни ўз фаолиятини давом эттиришга ундади ва 2004 йил май ойида бизнес-режа ишлаб чиқиб, у минтақада чорвачиликни ривожлантиришга яна кредит олди (6 ой муддатга 800 АҚШ доллари).*

## 2.3. Қандай қонунлар НДТлар фаолиятини тартибга солади? Уларни қандай ва нега рўйхатдан ўтказиш керак?

**СИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГИЗГА...**

*Агар ташкилот рўйхатга олинган бўлса, қоидага кўра унинг номида юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига ишора қилинади, масалан, жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, сиёсий партия. Матни ўқув қўлланмасининг иловасида жойлашган қонунни ўқиб, уларнинг бир-биридан фарқи нимада эканлигини билиб олишингиз мумкин.*

Қирғизистонда 1999 йилги жамоат бирлашмалари ҳақидаги қонун (унинг матни илова қилинган) талабига кўра сиз НДТ учун банк ҳисоби очиш ёки унинг номидан пул тўплашни истасангиз, ўз ташкилотингизни рўйхатдан ўтказишингиз керак бўлади. Рўйхатдан ўтиш ташкилотингизга ҳуқуқий мақом олиш ҳамда ҳукумат томонидан ана шу мақомда тан олинишига имкон беради. Сизнинг НДТингизни рўйхатга олиш жараёни мураккаб ва қиммат бўлиб, узоққа чўзилиб кетиши мумкин. Бироқ агар сиз олдингизга қўйган мақсадларни рўйхатдан ўтмай ҳам бажаришга қурбингиз етса, у ҳолда рўйхатга олишнинг маъноси йўқ ва у нарса талаб қилинмайди.

Қирғизистонда НДТни рўйхатдан ўтказиш учун қонун бўйича унинг аъзолари (камида уч одам) НДТнинг мақсадлари ҳамда кўзда тутилган фаолият турлари, аъзолик тартиби, қарорлар қабул қилишда қатнашиш кўрсатилган уставни тайёрлашлари керак. Бундан ташқари, бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилинади. Уларнинг рўйхати ташкилотингизнинг шаклига боғлиқ бўлади. Агар сиз жамоат бирлашмаси ташкил қилишни хоҳласангиз, у ҳолда бошқа ҳужжатлар қаторида сиз жамоат бирлашмаси ташаббускорлари мажлисининг протоколлари, имзолари ва бошқарув органлари мансабдорлари кўрсатилган рўйхат (раис ёки президент, ҳисобчи, қўмита аъзоси ва бошқалар) илова қилиниши керак. Одатда бу одамлар кейинчалик НДТнинг раҳбар органлари аъзоларига айланадилар, бироқ бу шарт эмас. Аммо ўша одамлар ушбу НДТнинг назорат органига аъзо бўлишлари мумкин. НДТ аъзоларига нисбатан фуқаролик, ёш ёки билим борасида махсус талаблар қўйилмайди (ёш бўйича талаблар НДТ таъсисчиларига қўйилади). Бироқ ҳаммаси аниқ бир вазиятга ҳам боғлиқдир.

Ишлаб чиқилган устав ва зарур ҳужжатлар рўйхати Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун берилади. Агар устав бўйича ҳаммаси белгиланган талабларга жавоб берса, ташкилотингиз юридик шахсни давлат рўйхатига олиш тўғрисида гувоҳномага эга бўлади. Шундан сўнг ташкилотнинг молиявий ҳисоботлари вакти-вакти билан тегишли молиявий органлар томонидан текширилиб турилиши мумкин. Чунки сизнинг ташкилотингиз нотижорат ташкилот сифатида рўйхатдан ўтган ва бу мақом унга маълум имтиёзларни беради.

**БИРГАЛИКДА ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА**

***Асосий инфратузилма объектларини ривожлантиришнинг сустлиги ва касалликларнинг олдини олиш бўйича ахборот тарқатиш учун маблағларнинг етишмаслиги Туп туманидаги Қорачунқур, Кенгсув, Саритологой, Сантош ва Қарқира қишлоқларининг 5894 кишилик умумий аҳолиси соғлиғига салбий таъсир кўрсатади.***

***«Этнотур-Сантош» НДТ Қоракўл фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш марказига мурожаат қилди, биргаликда жамоат эҳтиёжлари ўрганиб чиқилди. Натижада асосий муаммо маҳаллий касалхонанинг ночор ишлаши ва у жойлашган бинонинг ноқулайлиги, деб топилди. НДТ аъзоларига касалхонани реконструкциялаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқишга ёрдам кўрсатилди. 3242,5 АҚШ доллари миқдоридаги ушбу лойиҳа 2003 йил июнь ойида «Сорос-Қирғизистон» фондининг «Соғлом жамоатлар» лойиҳаси доирасида қўллаб-қувватланди ва молиялаштирилди.***

***Лойиҳани муваффақиятли жорий этиш ва аҳолини бу ишга фаол жалб этиш натижасида бино тўла реконструкция қилинди: ичимлик сув ва иситиш қувурлари, канализация таъмирланди, бино томи, поллар, ойналар ва бошқалар янгиланди ҳамда алмаштирилди. Ушбу лойиҳа туфайли қишлоқ аҳолиси энди тиббий хизматга ёлчийдиган бўлди.***

## 2.4 Қандай қилиб рўйхатдан ўтган НДТлар учун молиявий ёрдам олиш мумкин?

НДТ кўплаб молия манбаларини топиш имкониятига эга. Уни аъзолик бадаллари, НДТ томонидан ташкил қилинган тадбирларга катнашиш учун тўланадиган ҳақ, хусусий шахс ёки ташкилотлар томонидан берилган маблағлар ташкил қилиши мумкин. Баъзида маълум бир лойиҳани амалга ошириш учун улар халқаро ташкилотлардан молиявий ёрдам олишлари мумкин. Кўплаб давлатларда маълум сиёсий курс ёки лойиҳани амалга ошириш учун НДТ ҳукумат томонидан молиялаштирилиши ва келажакда бу нарса кенг тарқалган ҳодисага айланиб қолиши мумкин. Ҳукуматлар бундай тактикани тез-тез қўллаб турадилар, чунки НДТлар маълум ишни камроқ харажат эвазига, кўпроқ юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда, қисқа муддатларда бажаришлари мумкин.

## 2.5 НДТларнинг кўпчилиги қандай ишлайдилар?

НДТларнинг кўпчилигида унинг раҳбарлари ва бошқа лавозим эгалари сайланадилар. НДТнинг барча аъзолари бир хил овоз бериш ҳуқуқига эгалар. Ташкилотларнинг умумий мажлислари камида йилига бир марта ўтказилиб, бу йиғилишларда НДТларнинг барча лавозим эгалари уставда белгиланган тартибда қайта сайланишлари лозим (Қоидага кўра бошқарув органлари маълум муддатга сайланади ва шу муддат ўтиши билан ёки баъзи ҳолларда муддатидан аввал қайта сайланиши мумкин. Ҳар йили қайта сайланиш ҳар доим ҳам шарт эмас). Йиғилишлар ўртасидаги жорий қарорлар раҳбар, одатда раис ёки президент томонидан қабул қилинади. Аммо барча раҳбарлик қилувчи қўмита (ёки кенгаш) доимий равишда қабул қилинган қарорлар ва бажарилган ишларни, шунингдек, ҳар қандай бюджет ёки режалардаги ўзгаришларни тасдиқлаш учун йиғилиши лозим. Кўриб турганингиздек, НДТлар парламент модели асосида ишлайдилар.

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА**

***Ўтиш даври иқтисодиёти шароитларида истеъмолчиларни сифатсиз товарлар ва хизматлар билан таъминлаш муаммоси борки, бу соғлиққа хавф солади, чунки республикада ишлаб чиқарилаётган ёки олиб келинган маҳсулот етарли даражада яхши назорат қилинмайди. «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида» 1997 йили қабул қилинган ҚР қонуни амалда ишламайди. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг кундалик бузилишлари назорат этилмайди ва тегишли қарорлар қабул қилинмайди.***

***«Қант Айкин» жамоат бирлашмаси 2002 йили Иссиқота туманида ташкил этилган бўлиб, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш мақсадида Қант фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлаш марказига мурожаат қилди. 2003 йили марказнинг маслаҳат ва техник кўмагида ташкилот «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш» лойиҳасини ишлаб чиқдики, у «Сорос-Қирғизистон» фонди томонидан 1750 АҚШ доллари миқдорида молиялаштирилди.***

***Натижада электр энергияси, оқар ва ичимлик сувлар, телефон алоқаси истеъмолчиларининг манфаатлари ҳимояланди. Қант шаҳри коммунал хўжаликлари ишидаги қонун бузилишлари устидан мониторинг ўтказилди ва канализация қувурлари тартибга келтирилди. Фаолият юрита бошлагандан бери 450 тача ариза қабул қилинди ва кўриб чиқилди ҳамда товарни алмаштириш ёки маблағларни қайтариб беришда барча аризачиларга ёрдам кўрсатилди.***

## 3.0 Баъзи рўйхатдан ўтган ва рўйхатдан ўтмаган НДТларнинг тавсифи

Бу НДТлар энг яхши ёки энг эски бўлганликлари учун эмас, балки ҳаракатдаги бошқа НДТлар ҳақида яхшироқ тасаввур бера олишлари учун танлаб олинди. Биринчи уч ташкилот қонун талабига кўра адлия органларида рўйхатдан ўтиши лозим. Кейинги икки ташкилот эса маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларида рўйхатдан ўтадилар.

***«Интербилим» халқаро маркази***

«Интербилим» 1993 йилда рўйхатдан ўтган. Марказнинг вазифаси «учинчи сектор»ни мустаҳкамлаш ва аҳолининг камроқ таъминланган ҳамда нозик қатламлари билан ишловчи НДТларнинг имкониятларини кенгайтиришдан иборат.

Марказ тренерлари томонидан турли соҳаларда дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда, масалан:

- НДТ концепцияси
- Стратегик режалаштириш
- Фандрейзинг (молия манбаларини излаш)
- НДТ менежменти
- Жамоатчилик билан алоқалар
- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва лоббистлик
- Етакчилик
- Гендер ва тараққиёт
- Молиявий менежмент ва мониторинг
- Низоларни бартараф қилиш

Марказ НДТ вакилларига ҳуқуқий масалалар, лойиҳалар тузиш, ҳамкорларни излаб топиш, ОАВ билан алоқалар ўрнатиш, баҳолаш ва мониторинг ўтказиш, ижтимоий кампаниялар ва тренинглар ўтказишда кўрсатилган барча мавзулар бўйича бепул маслаҳатлар таклиф қилади. Бундан ташқари, марказ НДТ вакилларига компьютер, нусха кўчириш ва видео хизматлари, электрон почта ва Интернет хизматини кўрсатади.

Марказнинг фаолияти кўп қиррали, у кўплаб жамоатчилик акцияларида (тадбирларида) фаол иштирок этади. Мисол учун, 1998 йилда НДТ, ОАВ, мутахассислар, фуқаролик жамияти вакиллари ва аҳолини йўл қўйилган экологик ҳуқукбузарликларга қарши ҳаракатга даъват қилди. «Қирғизистон НДТлари» номли ҳужжатли фильм яратди. 2001 йилда кўча болалари ҳақида «Инсиз қолган кушчалар» номли видеофильмни суратга олди. 2001 йилда «Интербилим» ўзининг «Олтин ҳалокат» номли фильми учун «Эиверо фильм» (Словакия) кинофестивалининг бош совринини қўлга киритди. Бу фильм Барсковундаги экологик ҳалокат ҳақида ҳикоя қилади.

***"Справедливость" («Адолат») Жалолобод вилоят ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти***

Ташкилотнинг вазифаси жамиятда бағрикенгликни ривожлантириш, қонуннинг устуворлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат.

Фаолиятидаги асосий йўналишлар:

- одамларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онгини тарбиялаш;
- минтақада қонунчиликка амал қилиш юзасидан доимий мониторинг ўтказиш;
- ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилиши масалалари бўйича доимий равишда фуқароларни қабул қилиш;
- суд жараёнларида жамоатчи ҳимоячи сифатида иштирок этиш;
- инсон ҳуқуқларига амал қилиш ва қонун устуворлиги масалалари бўйича оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш;
- миллатлараро муносабатлар ва низоларнинг дастлабки босқичида олдини олиш бўйича ҳаракатлар соҳасида этноконфессионал (миллатлараро ва динлараро) мониторинг ўтказиш.

Ташкилотга 21 юрист ва бошқа мутахассислар, турли касб эгалари киradилар. 1997 йилдан бошлаб «Справедливость» ташкилоти ҳуқуқни ҳимоя қилиш мухбирлик тармоғи, бепул юридик хизмат кўрсатиш бўйича жамоатчилик-ҳуқуқий қабулхоналарини очди. Уларнинг мижозлари ижтимоий томондан энг кам ҳимоя қилинган аҳоли қатламлари, яъни пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ишсизлар, бюджет соҳаси ходимлари, деҳқонлар, «афғончилар», «чернобилчилар»лар. Мисол учун, ногирон шахтёрларга уларнинг қонуний ҳуқуқларини тиклаш масаласида ёрдам кўрсатилган. Ташкилот юристларининг саъй-ҳаракатлари билан шахтёрлар ўзла-

рига тегишли бўлган компенсацияларни олдилар. Ташкилот аниқ фактлар ва шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда адолатни тиклаш билан шуғулланади. Шунингдек, низоларнинг дастлабки босқичида олдини олиш ҳамда йўлга солиш бўйича аниқ ҳаракатларни бажаради. Бу фаолиятнинг барчаси давлат тизимлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Ушбу ташкилот фаолиятидаги асосий йўналиш омма орасида ҳуқуқий онгни тарбиялашдан иборатдир.

***«Баястан» нодавлат ташкилоти***

НДТ 1997 йилда Норин вилоятида жамоатчилик бирлашмаси сифатида ташкил қилинган. Бу ташкилотнинг вазифаси ногирон болалар ва умуман болаларни, шунингдек, ногирон болалари бўлган аёлларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. НДТ фаолиятининг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Ногирон болаларни умумтаълим мактабларига жалб қилиш.
- «Болалар болаларга ёрдам берадилар» дастурини амалга ошириш.

НДТнинг саъй-ҳаракатлари билан Чкалов номли ўрта мактабда 1997 йилдан бошлаб «Ногирон болаларни умумтаълим мактабларига жалб қилиш» номли лойиҳа амалга оширилмоқда. 1999 йилда лойиҳа 5 мактаб ва 3 болалар боғчасига ёйилди.

2001 йилнинг январидан тортиб «Баястан» томонидан болалар ҳуқуқига бағишланган лойиҳа амалга оширилмоқдаки, қуйидагилар ўша лойиҳага киради:

1) 5, 6 ва 10-синфларда болалар ҳуқуқлари ва психологиядан дарслар ўтиш;
2) психолог ва юрист маслаҳатлари;
3) ўқитувчилар, болалар ва ота-оналар орасида болалар ҳуқуқлари бўйича савол-жавоблар ўтказиш.

Бундан ташқари, бу ерда «Ёш юрист» тўгараги ташкил қилинган. Келажакда «Баястан» «Ногирон болаларни умумтаълим мактабларига жалб қилиш» номли синов лойиҳаси тажрибасини кенгайтиришни, ногирон болалар учун реабилитация марказини ташкил қилишни, шунингдек, ушбу дастурни молиялаштириш учун ёрдамчи хўжалик тузишни режалаштирмоқда.

***«Жани турмуш» («Янги ҳаёт») жамоатчилик шаклидаги ташкилот***

Талас вилоятининг Жанитурмуш қишлоғида жамоатчилик шаклидаги ташкилот (ЖШТ) тузилган бўлиб, унинг мақсади маҳаллий муаммоларни аҳоли иштирокида ҳал қилишдан иборат. Жамоатчилик шаклидаги ташкилот аъзолари жамоатчилик йиғинида аҳоли томонидан умумий овоз бериш йўли билан сайланадилар. Ташкилотга қишлоқ тараққиёти учун кўплаб фойдали ишларни амалга оширган, кўпчилик таниган ва ҳурмат қилган одамлар сайланганлар.

Мавжуд муаммолар жамоатчилик мажлисида муҳокама қилингач, қишлоқ тараққиёти режаси ишлаб чиқилган. Энг асосий муаммо мактаб қурилиши бўлиб чиқди. Сабаби, болалар ўз уйларидан 12 чақирим нарида жойлашган қўшни қишлоқдаги мактабга бориб ўқишар эди. Айниқса, иккала қишлоқ ўртасидаги транспорт алоқаси ночор бўлганлиги сабабли қишда жуда қийин бўларди. Бу муаммони жамоатчиликнинг кучи билан ҳал қилиш керак эди. 2002 йилда қишлоқ аҳолиси мактаб қурилишини бошладилар. Бу ишда уларга Каунтерпарт Консорциум яқиндан ёрдам бериб, қурилиш бўйича харажатларнинг бир қисмини тўлаб берди. Бироқ «Жани турмуш» ва унинг алоҳида аъзолари халқаро донордан ўзлари учун пул олмадилар. Келажакда «Жани Турмуш» ЖШТнинг аъзолари йўллар ва суғориш каналларини таъмирдан чиқаришни режалаштирмоқдалар. Ишбилармонликни ривожлантириш бўйича шароитлар тузиш режалаштирилмоқда. Бу нарса олис қишлоқ аҳолисининг даромадларини кўпайтириб, турмуш шароитларини яхшилаган бўларди.

***«Қайрат» («Ғайрат») жамоатчилик шаклидаги ташкилот***

Жамоат 2001 йилнинг 6 апрелида А. Оғомбаев қишлоғи аҳолисининг умумий йиғилишида, «Қайрат» ёшлар ташаббускорлик гуруҳи базасида ташкил қилинган. Бу ташкилот қисқа вақт ичида қишлоқда катта ишларни амалга ошириб улгурган эди. Дўконнинг эски биносини ижарага олган гуруҳ аъзолари уни қисман реконструкция қилишиб, спорт клубини ташкил этдилар (тренажёр ва кураш залларини жиҳозлар билан тўлдирдилар). Бундан ташқари, бу бинода ёшлар учун оммавий-маданий тадбирлар, танловлар, дискотека ва лекциялар ўтказила бошланди.

Жамоат тузишдан мақсад қишлоқ аҳолисини ўз манфаатлари ва фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун жонлантириш, уларнинг маҳаллий ва миллий даражадаги маънавий, ижтимоий-иқтисодий муҳитга таъсир қилувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этишини таъминлашдан иборат. Биринчи мажлисда ишни энг муҳим муаммо, яъни жамоатчилик ҳаммомини капитал

таъмирдан чиқаришдан бошлашга келишиб олишди. Қишлоқ аҳолиси Каунтерпарт Консорциум ва Европа Иттифоқининг кўмагида ҳашар усули билан ҳаммомни таъмирдан чиқариб, қайтадан қурди. Шунингдек, бу ерда сартарошхона ҳам очилган.

«Қайрат» кўплаб тадбирларни ҳам ўтказади. Масалан, Талас вилоятининг Талас туманидаги Калбин қишлоқ ҳокимияти ёшларининг I курултойи ўтказилди. Ҳозирги пайтда қишлоқ аҳолисининг турмушини яхшилаш мақсадида бу ЖШТ Талас вилоятида яхши ўсадиган картошка уруғини сотиб олди ва уни А. Оғомбаев қишлоғи маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғи томонидан берилган ерга экди.

«Қайрат» жамоатчилиги қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ бўлган қуйидаги бир неча топшириқни ўз олдига қўйган:

1. Қишлоқдаги ўрта мактаб учун спорт зали қуриш.
2. Клуб биносини реконструкция қилиш ва таъмирлаш.
3. Стадион қуриш.
4. Сармояларни жалб қилиш асосида маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналар қуриш йўли билан маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун фойдали шароитларни яратиш.

**ДИНАРА ОШИРОХУНОВА, «ДЕМОКРАТИЯ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН КОАЛИЦИЯ» МИНТАҚАВИЙ ВАКИЛЛАРИНИНГ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИСИ**

***Динара 1969 йили Норинда туғилган, сўнг оиласи билан Балиқчи шаҳрига кўчиб келди. Рус тили ва адабиёти педагогика институтини тамомлагач, 4 йил мактабда ўқитувчилик қилди. Сўнг Балиқчи шаҳрида очилган «Helvetas» халқаро ташкилотининг филиалига ишга кирди.***

***1999 йили Динара Балиқчи шаҳридаги «Демократия ва фуқаролик жамияти учун коалиция» НДТнинг минтақавий вакили сифатида танлаб олинди. У семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этар, жуда кўп одамлар билан учрашар, маҳаллий кузатувчиларни ўқитар эди. Динаранинг фикрича, энг муҳими – имкон қадар кўпроқ одамларни жалб этиш, шу сабабли у одамларни жамият ҳаётида фаол иштирок этиш зарурлигига ишонтирар ва уларни қизиқтиришга ҳаракат қилар эди.***

## 4.0 Қирғизистонда рўйхатдан ўтган баъзи НДТларнинг рўйхати

Қирғизистонда 2004 йилнинг 1 мартига нисбатан 6598 рўйхатдан ўтган НДТ бор. Мамлакат мустақилликка эришгунга қадар республикада бирорта ҳам НДТ бўлмаган эди. Қуйида келтирилган схема НДТларнинг асосий гуруҳлари ва уларнинг фаолиятнинг турли соҳаларидаги иштироки фоизларини кўрсатади.




<u>**НДТлар рўйхати**</u>

**1. «Диамонд» ассоциацияси**

НДТ қуйидаги муаммолар устида ишлайди:

- Гендер тенглиги, аёлларни сиёсатга жалб қилиш.
- Аёллар устидан зўравонлик қилиш масаласидаги тадқиқотлар.



*Жусупов М., Суйундукова С., Абдрахманова А. Бишкек, 2002*

• Аёлларнинг репродуктив (тиклаш маъносида) саломатлигини ҳимоя қилиш.

• Инсон ҳуқуқлари ва аёллар ҳуқуқлари борасидаги таълим.

• Ёшлар орасида экологик таълимни ривожлантириш.

**2. «Демократия ва фуқаролик жамияти учун» НДТ коалицияси**

НДТнинг асосий вазифалари:

• Фуқаролик жамиятини қуриш.
• Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш.
• Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

**3. «Айкин» истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ассоциацияси**

НДТнинг асосий вазифаси Қирғизистон Республикасида бирлашмалар орқали фаолиятни мувофиқлаштириш ва рағбатлантириш асосида истеъмолчилар турмуш даражасини оширишга қаратилган қонунларнинг бажарилишига кўмак кўрсатиш.

**4. «Биом» атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ёшлар ҳаракати**

НДТнинг асосий мақсади аҳолини атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишга жалб қилиш, экология соҳасида оқартув фаолиятини юритиш ва маълумот олишни яхшилаш борасида кучларни бирлаштиришдан иборат.

**5. «Қирғизистон ёш юристлари»**

Унинг фаолияти асосан Қирғизистонда ҳуқуқий демократик жамият қуришга, ижтимоий, иқтисодий, маърифий ва ҳуқуқий мақсадларга эришиш, шунингдек, Қирғизистон ёш юристларининг ҳуқуқ ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашишга қаратилган.

**6. «Олға» қишлоқ аёлларининг жамоатчилик ташкилоти**

Ташкилот қишлоқ ҳудудида яшовчи аёлларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланади. Қишлоқ аёлларига маълумот ҳамда маслаҳат бериш билан бирга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатади.

**7. Оилавий врачлар гуруҳи ассоциацияси**

Фаолиятининг асосий йўналишлари:

• Биринчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатишни ислоҳ қилиш, оилавий врачлар тизимини ташкил қилиш.
• Соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришнинг янги усулларини жорий қилишда иштирок этиш.
• Врачларни қайта ўқитишда иштирок этиш.

**8. Аёлларга ёрдам кўрсатиш маркази (Бишкек)**

НДТнинг вазифаси Қирғизистонда инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги ва демократик ўзгаришларда фаол иштирок этиш орқали аёллар мавқеини мустаҳкамлашдан иборат.

**9. «Лидер» жамоатчилик ассоциацияси**

Бу ташкилотнинг асосий фаолияти ижодий салоҳиятдан фойдаланган ҳолда шахснинг ривожланиши учун шароит тузиш ва, шунингдек, турли ёшдаги одамлар орасидаги мулоқот ва уларнинг НДТ фаолиятида иштирок этишини ривожлантиришдир.

**10. Журналистлар ассоциацияси**

Ассоциациянинг асосий вазифаси журналистлар ҳуқуқини ҳимоя қилишдан иборат.

**11. Хусусий фермерлар ассоциацияси**

Асосий фаолияти фермерларни молиявий томондан қўллаб-қувватлаш, кредитлар олиш.

**12. «Аравон» хусусий фермерлар ассоциацияси**

Бу НДТ сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланади.

**13. «Жолго» хайрия фонди**

Фонднинг вазифаси лицей ва гимназиялар ташкил қилишда миллий таълимни қўллаб-қувватлаш, қишлоқлардан келган иқтидорли талабалар ҳамда етим болаларга қўллов кўрсатиш.

**14. «Аксана» болаликдан ногирон бўлганлар фукаролик ассоциацияси**
Ташкилотнинг вазифаси ногиронлар учун ижтимоий хаётнинг барча соҳаларида амалдаги тенгликка эришиш.

**15. «Бугу эне», Баликчи**
Ташкилот Қирғизистонда Бола ҳуқуқлари конвенциясига амал қилиш борасида ишлайди, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимларини ташкил қилиш билан шуғулланади, юридик маслаҳатлар бериб, етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

**16. «Кўшой ота» ёши улғайган одамлар жамияти**
Ташкилот ёши улғайган одамлар ва ёшлар билан ишлайди. Ҳар бир қишлоқда ватанпарварликни, инсонийликни тарбиялаш борасида қирғиз халқининг энг яхши анъаналарини ўрганиш бўйича, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, Манас ғоялари (етти васияти)ни тарғиб қилиш ва халққа қарши қаратилган кўринишларга қарши курашиш бўйича иш олиб боради.

## Матнни ўқигандан кейин бажариладиган машқлар

### 03–топшириқ. Конституцион кафолатлар.

Шеригингиз билан Қирғизистон Республикаси Конституциясини қараб чиқинг. Қандай қилиб фуқароларга НДТ (НТТ)лар тузиш ҳуқуқи кафолатланади, Конституция улар фаолиятининг тартибини белгилаб берадими? Бу саволни бутун синф билан муҳокама қилишга тайёрланинг.

### 04–топшириқ. Тўғрими ёки нотўғрими?

Шеригингиз билан биргаликда қуйидаги таъкидловларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқланг.

| № | Таъкидлар | Тўғри | Нотўғри |
|---|---|---|---|
| 1 | НДТлар давлат томонидан ҳал қилинмайдиган энг долзарб муаммолар билан шуғулланадилар. | | |
| 2 | НДТлар ўз фаолиятини таъминлаш учун пул ишлаб топадиган тизимларни ташкил қилиши мумкин. | | |
| 3 | НДТлар прокуратура органлари томонидан тузилиши мумкин ва давлат органлари томонидан энг асосий деб топилган масалаларда улар билан ҳамкорлик қилиши мумкин. | | |
| 4 | НДТлар ижтимоий муаммолар билан ишлашда давлат органларига қарши турадилар. | | |
| 5 | НДТлар фукароларнинг фаоллиги натижасида, уларнинг ташаббуслари ва ўзаро ёрдамларига таянган ҳолда ташкил қилинади. | | |
| 6 | НДТлар иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётган давлатлардагина мавжуд бўлади. | | |

### 05–топшириқ. Янгиликми ёки эскилик?

Шеригингиз билан НДТлар бугунги куннинг янгилигими ёки у жамиятда кўпдан бери мавжудми, деган саволни муҳокама қилинг.

### 06–топшириқ. Афзалликлар ва камчиликлар.

Шеригингиз билан давлат органлари ва НДТлар томонидан жамоатчилик муаммоларини ҳал қилишнинг афзалликлари ва камчиликларини санаб ўтинг.

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| *Давлат органлари*<br><br>*НДТ* | *Давлат органлари*<br><br>*НДТ* |

### 07–топшириқ. НДТ фаолияти соҳалари.

Шеригингиз билан Қирғизистон Республикасида НДТлар фаолиятини таҳлил қилиб ва тегишли хулосалар чиқарган ҳолда матнда берилган диаграмма (4.0 банд) асосида унча катта бўлмаган, умумлаштирилган баён ёзинг

**08-топшириқ. Улар учун рўйхатдан ўтиш зарурми?**

Шеригингиз билан қуйида кўрсатилган гуруҳларга НДТ сифатида рўйхатдан ўтишга зарурат бор ёки йўқлигини ҳал қилинг.

1. Салом! Менинг исмим – Бақит, мен мусиқа клубининг котибиман. Биз ҳар ойнинг биринчи чоршанбасида учрашамиз. Бизнинг асосий вазифамиз Фарғона водийсининг мусиқа соҳасидаги анъаналарини саклаб қолишдан иборат. Баъзида биз концертлар берамиз ва уларни ўтказиш учун бизга грантлар керак. Биз янги қўшилган иштирокчилар учун янги асбоблар сотиб олишга пул сарфлаймиз. Шунингдек, биз бу пулларни эски қўшиқларни ёзиб олиш учун ишлатамиз.
2. Менинг исмим - Гулмира. Мен қишлоғимиздаги аёллар гуруҳи аъзосиман. Гуруҳимиз ҳафтада икки марта нон ёпиш учун тўпланади. Бу нонларни биз бозорда сотамиз. Биз янги насос сотиб олиш учун пул тўплаяпмиз. Зарур бўлган маблағнинг деярли барчасини тўпладик. Насосни сотиб олгандан сўнг биз қишлоғимизда ун тортувчи тегирмон қуриш учун пул тўплаш ниятидамиз.
3. Менинг исмим - Султон. Саккиз фарзанднинг отасиман. Менинг аёлим Боткендан, ўзимиз эса Ўшда яшаймиз. Ҳар ойда биз аёлимнинг акалари билан учрашиб, байрам қиламиз. Одатда биз сиёсат ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар ҳақида гаплашамиз. Бундай тадбирларнинг харажатини кўтариш учун биз ўртада пул тўплаймиз.
4. Салом! Менинг исмим - Лена, ёшим 17 да. Мен шаҳардаги ёшлар қўмитасининг раисиман. Биз ҳар ҳафта учрашиб, концертлар, спорт кунлари, етакчилик борасида семинарлар ўтказиш каби келажак учун тузиладиган режаларимизни муҳокама қиламиз. Зарур бўлган маблағнинг бир қисмини бизга ҳокимлик берди, бошқа қисмини эса халқаро ташкилотлардан олдик. Биз ЮНЕСКОдан концертлар ўтказиш учун пул олдик. Қўмитамиз аъзоларига пул тўланмайди.
5. Менинг исмим - Каникей, мен шаҳримиздаги ёлғиз оналар ассоциациясининг аъзосиман. Биз ҳар ойда учрашувлар ўтказиб, у ерга чақирилган меҳмонлар билан саломатлик ва ўзимизнинг юридик ҳуқуқларимиз ҳақида гаплашамиз. Бизнинг пул маблағларимиз ёки банкда ҳисобимиз йўқ. Агар бизга пул керак бўлиб қолса, чой учун кетадиган харажатлар учун ўз аъзоларимиздан ёрдам сўраймиз. Баъзида биз қонунларни муҳокама қиламиз ва ташкилотимиз номидан таклиф қилинаётган қонунларга киритилиши лозим бўлган ўзгартишлар бўйича фикрларимизни ёзиб, парламентга жўнатамиз.
6. Менинг исмим - Таалай. Мен фермерлар гуруҳи аъзосиман. Биз ҳар ойда тўпланиб, фермерлик муаммолари ва уларни ҳал этиш масалаларини муҳокама қиламиз. Аъзоларимизнинг баъзилари хусусий фермаларда, баъзилари эса оилавий хўжаликларда ишлайди. Биз халқаро ташкилотга лойиҳа ёзиб, газета чиқариш учун пул олдик. Бизда газетага материаллар тайёрлаб, ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланганлиги учун биргина одам ойлик олади. Қолганлар эса, шу жумладан, раис ҳам жамоатчилик асосида ишлайдилар. Бизнинг қоидаларимиздан бирига кўра, қўмитанинг ойлик оладиган ходими қўмита аъзоси бўлолмайди.
7. Салом! Менинг исмим - Эрлан. Мен мактабимиз кенгашининг етакчисиман. Бизнинг ҳеч қандай маблағимиз йўқ. Кенгашимиз икки ҳафтада бир йиғилиб, мактабимиз ҳамда ўзимиз яшаётган жойга алоқадор масалаларни муҳокама қилади. Бизнинг жорий лойиҳамиз - мактаб орқасида футбол майдончасини қуришга ҳокимдан рухсат олиш. Биз бу ишни икки усул билан амалга оширмоқчимиз. Биринчи галда биз футбол майдонининг биз учун қандай зарурати борлигини тушунтирувчи хат ёзамиз. Шундан кейин биз ўтин тўплаб, уни қишда сотишни режалаштиряпмиз. Биз бу пулларни ўзимизнинг футбол жамоамизга спорт жиҳозлари сотиб олиш учун ишлатишга умид қиламиз.

**09-топшириқ. Бу қандай қилинади?**

Шеригингиз билан очиқ рўйхатдан ўтган НДТни ташкил қилиш жараёни схемасини чизинг.

**10-топшириқ. Бошқа ҳолатларда-чи?**

Шеригингиз билан рўйхатдан ўтмаган НДТларни ташкил қилиш жараёни схемасини чизинг.

# XVIII боб

# Жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари давлатдаги "тўртинчи ҳокимият" сифатида

## Матнни ўқишдан аввалги машқлар

**01– топшириқ. Тушунча ва таърифларни таққослаш.**

Қуйидаги атамаларга мос равишда таърифларни танланг.

| Тушунча | Таъриф |
|---|---|
| 1. Жамоатчилик фикри | а) Ахборот ва нуқтаи назарлар тарқатишнинг турли техник усуллари (масалан, телевидение). |
| 2. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) | б) Бир томонга нисбатан иккинчи томонга кўпроқ имтиёз бериш тенденцияси (мойиллиги). |
| 3. Ахборот узатиш | в) Ёлғонлиги аввалдан маълум бўлган, обрўга путур етказувчи ахборотларни кўпчилик орасида тарқатиш; бунинг учун айбдор суд жавобгарлигига тортилиб, унга жарима солиниши мумкин. |
| 4. Ахборот воситаси | г) Ҳар хил гуруҳлардаги одамларнинг жамоатчилик ҳаётидаги фактларга муносабати. |
| 5. Интернет | д) Хабарларни кенг аудиторияга тарқатиш. |
| 6. Тенденциозлик | е) Ахборот тарқатишнинг биргина технологияни қўллаб амалга ошириш усули. |
| 7. Тухмат | ж) Умумжаҳон компьютер тармоғи. |

**02– топшириқ. Ахборот олиш.**

Икки кишидан бўлиниб олиб, сиз яшаётган жамоатда ахборот олиш мумкин бўлган турли оммавий ахборот воситаларининг рўйхатини тузинг. Кейин қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а) Улар қандай оммавий ахборот воситалари органлари ҳисобланади: давлатникими ёки хусусийми?

б) Улар кимга тегишли: қирғизистонлик мулк эгаларигами ёки чет элликларгами?

в) Агар улар Қирғизистон оммавий ахборот воситалари бўлсалар, кимларга тегишли: маҳаллий органларгами ёки республика органларигами? (Яъни улар қаерда тарқатилади: фақат бир тумандами ёки бошқа жойларда ҳамми?).

## Ўқиш учун матн

Бу бобда қуйидаги масалалар қаралади:

1. Жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг ҳокимият органларига таъсири.
2. «Оммавий ахборот воситалари» нима?
3. Оммавий ахборот воситаларининг масъулияти.
4. Демократия, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари.

### 1.0 Жамоатчилик фикрини шакллантириш ва унинг ҳокимият органларига таъсири

Фуқаролар жамоатчилик ҳаётидаги ҳар хил воқеаларга нисбатан шахсий нуқтаи назарга эга бўладилар ва улар сўзсиз ҳар хил фуқароларда турлича бўлади. Ўзлари эга бўлган ахборот асосида уларнинг шахсий фикрлари шаклланади ва улар асосида ўша одамлар қарорлар қабул қиладилар. Шу сабабли одамларнинг ахборот олиш имконияти ва ўша ахборотнинг аниқ ҳамда тўла эканлиги улар қабул қилаётган қарорларнинг сифатини белгилаб беради.



Одамлар ўзлари олган ахборотни турлича талқин қиладилар. Бироқ ҳозирги жамиятнинг ўзига хос белгиси шундаки, кўплаб одамларда бир-бирига ўхшаш дунёқараш шаклланади ёки ҳеч бўлмаганда, баъзи масалалар бўйича ўзаро келишувга эришилади. Бу турли хил фарқларимизга

карамасдан, кўпчилигимизнинг умумий қадрият ва истакларимиз бир-бирига ўхшашлиги билан ўзаро боғлик. Масалан, аҳолисининг кўпчилиги солиқларнинг кўпайишини хохлайдиган жамиятни топиш нисбатан қийинроқ. Шу билан бирга, жуда оз мамлакатлардагина кўпчилик аҳоли, давлат ҳеч қандай солиқларсиз ҳам яшаши мумкин, деб ҳисоблайди. Бироқ баъзи масалаларда одамларнинг маълум гуруҳлари бошқа гуруҳларнинг фикридан ўзгачароқ дунёқарашга эга бўладилар. Масалан, шаҳар аҳолиси истироҳат боғларини бунёд қилиш учун кўпроқ пул сарфланишини исташи мумкин. Шу вақтнинг ўзида қишлоқда яшовчилар мутлақо бошқа фикрда бўлишлари мумкин.

**ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ НАМУНАСИ**

***2001 йили IFES мамлакатда ижтимоий сўров ўтказди. Бу ерда қуйидаги саволларга берилган жавобларни акс эттирувчи жадвал берилади: «Сизга маълумки, турли шаҳар ва қишлоқларнинг муаммолари турлича. Сиз ўз жамоатингиздаги қайси муаммоларни энг муҳим, деб ҳисоблайсиз?»***

| | |
|---|---|
| Ишсизлик | 30% |
| Ичимлик сувнинг йўқлиги | 22% |
| Қашшоқлик, паст турмуш даражаси | 18% |
| Электр ва газ таъминоти муаммолари | 16% |
| Қишлоқ хўжалигидаги муаммолар | 9% |
| Ижтимоий ва турмуш муаммолари | 7% |
| Шаҳар ва қишлоқнинг умумий ифлосланиши | 7% |
| Йўлларнинг ночорлиги | 6% |
| Ночор коммунал хизмат | 6% |
| Умумий иқтисодий муаммолар | 6% |
| Жиноятчилик, фоҳишабозлик | 5% |
| Суғориш учун сувнинг йўқлиги | 4% |
| Ёшлар муаммолари | 3% |
| Ночор тиббий таъминот | 3% |
| Таълим тизими муаммолари | 3% |
| Бошқалар | 11% |
| Билмайман | 9% |

Жамоатчилик фикри жамиятнинг барча аъзолари фикрларининг ўзаро қўшилиши натижаси ўлароқ шаклланади. Аммо ҳеч қачон жамиятда ҳеч қандай масала бўйича мутлақо ягона фикр бўлмайди. Аксинча, ҳар қандай мамлакатда ҳам юз бераётган воқеаларга нисбатан фикрларда ва дунёқарашларда кўплаган қарама-қаршиликларни кузатиш мумкин. Фикрлар ва дунёқараш мавжуд ахборот асосида шаклланганлиги сабабли ана шу дунёқарашга таъсир қилиш жараёнида ҳамда жамоатчилик фикрини шакллантиришдаги асосий, ҳал қилувчи роль ахборот олишни назорат қилишга, таълим тизимида қандай таълим берилаётганлигига боғлиқ бўлади. Демократик жамиятда бундай назорат алоҳида аҳамиятга эга. Чунки одамлар айнан ана шу ахборот асосида ким учун овоз бериш ҳақида қарор қабул қиладилар. Сайловлар эса жамоатчилик фикрини аниқлаш усули ҳамда унинг инъикосидир.

Агар жамоатчилик фикрини қандайдир сиёсий гуруҳ ўз мавқеини мустаҳкамлаб, бойитиш учунгина назорат қиладиган бўлса, уларнинг номақбул ҳаракатлари ҳам оқилона қилинган ҳаракат, деб кўрсатилиши мумкин. Масалан, Сталин режимининг оммавий қатағонлари ҳақидаги ахборотлар ҳатто Сталиннинг ўлимидан кейин ҳам анча вақтгача Совет Иттифоқида янгиликларни тарқатишни назорат қилувчилар томонидан инкор қилинган ёки яширин сақланган. Оқибатда одамларнинг кўпчилиги Сталин ўз мавқеига қонуний йўл билан эришган буюк одам бўлган, деган хулосага келганлар. Натижада диктатура улар учун давлатни бошқаришнинг оқилона шаклидек кўринган.

Бу нарсани тоталитар давлатларда жамоатчилик фикрини бошқарадиганлар яхши тушунадилар. Шунинг учун улар ўзларининг режимига холисона ёндошувчи жамоатчилик фикрини шакллантириш лозим бўлганда, идеологик босимнинг қудратли механизмларини яратадилар. Бу ҳолат, масалан, иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш даврида нацистлар Германиясида юз берган. Ҳатто ҳозир ҳам бир қатор давлатларда бу ҳолатни кузатиш мумкин. Тоталитар давлатларда «мияларни ювиш» жараёни болалик пайтларданоқ оила ва мактабда бошланади. Давлат барча ахборот манбаларини назорат қилади. Натижада «умумдавлат жамоатчилик фикри» шаклланиб, давлат сиёсатини барча қўллаётгандек юзаки фикр туғилади.

Аммо вақт ўтиши билан бундай тизимлар ич-ичидан тўкилади. Сабаби, собиқ АҚШ Президенти Авраам Линкольн (1809—1865) айтганидек: «Баъзи одамларни доимий равишда ёки барчани маълум вақт давомида алдаш мумкин, бироқ барча одамларни доимий равишда алдаб бўлмайди». (Бу сўзлар Жон Бартлетнинг «Линкольннинг цитаталари» китобида берилган).

### 2.0 «Оммавий ахборот воситалари» нима?

Одамлар очиқ турда ахборот оладиган манбаларни кўпинча оммавий ахборот воситалари (ОАВ) деб аташади. Оммавий ахборот воситалари қаторига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва

Интернет киради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Телевидение қуйидаги жиҳатлари билан жуда қудратли восита ҳисобланади:

1) ўзининг нисбатан арзон сарф-харажатлар билан аудиторияни кенг камраб олиши (бир марта тайёрланган дастур хоҳлаган миқдордаги қўшимча томошабинлар учун алоҳида чиқим талаб қилмайди);
2) тавсия қилинаётган кўрсатувларнинг ранг-баранглиги (янгиликлар, мусиқа, спектакллар, комедиялар, ҳужжатли дастурлар ва бошқалар);
3) томошабинлар учун визуал жозибадорлиги (баъзи одамлар ўзларида телеэкранга нисбатан барқарор эҳтиёж пайдо бўлганлигини айтадилар);
4) у томошабиндан бутунлай оз ҳаракат талаб қилади (тинглаш ва томоша қилиш, холос).

Радио ҳам телевидениега ўхшайди, бироқ у эшитувчилар диққатини ўзига тортадиган хусусиятга унчалик эга эмас. Шу билан бирга, радионинг ўзига яраша афзаллиги бор: одамлар ўз ишларини тўхтатмаган ҳолда бирор бир суҳбатни охиригача эшитишлари мумкин. Телевиденеда эса кимнингдир узоққа чўзилган нутқини охиригача кўришга кўпчиликда чидам етишмайди. Бундан ташқари, радиони уй юмушларини бажараётиб, пиёда ё машинада, ёки бошқа транспорт воситасида кетаётиб тинглаш мумкин.

Хусусий телерадио орқали нималарни бериш ҳақидаги қарор турли хил дастурларнинг оммавийлигини сўраб-суриштириш орқали аниқланиб қабул қилинади. Шу сабабли ижтимоий сўровлар шуни кўрсатадики, масалан, телевидение орқали унча қизиқ бўлмаган хабар ва янгиликлар берилаётган пайтда телетомошабинлар бошқа каналга ўтиб кетадилар. Бунда компания маълум даромадларини йўқотади. (Нега бундай бўлиши ҳақида кейинроқ тушунтириш берамиз). Бу нарса телевидение учун ўта жиддий муаммо. Сабаби, кўпчилик телетомошабинларнинг қизиқишларини сақлаб қолиш учун янгиликлар тасвирлар билан бирга берилиши ҳамда имкони борича қисқа бўлиши лозим. Лекин кўплаб муҳим воқеалар учун, масалан, янги қабул қилинган қонун ҳақидаги хабарни узатиш чоғида бу ҳақда хабар бераётган одамдан бошқа тасвир бўлмайди. Баъзида эса бирор воқеа шунчалик мураккаб бўладики, у ҳақда қисқа, 30 секундлик давр ичида тушунтириш бериш мумкин эмас. Бу нарса телевизион станцияларни ўз кўрсатувлари учун шов-шувга сабаб бўладиган сюжетларни қизиқарли тасвирлар билан бирга беришга мажбур қилади. Одатда улар одамлар ҳаётига нисбатан ҳеч қандай реал таъсирга эга бўлмайди. Шу билан бир вақтда ҳеч қандай тасвир билан безалмаган, лекин одамлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотларни одамлар томоша қилмайдилар. Мана шу сабабли телевидение кўпинча кўз билан кўриб бўлмайдиган, тушунтириш учун кўп вақт талаб қиладиган мураккаб ғояларни бериш унча тўғри келмайдиган оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Бу жуда ачинарли ҳол. Негаки, кўп ҳолларда айнан сиёсий воқеалар ана шу тоифага киради.

Газета ва журналларни ўқиш учун саводли бўлиш талаб қилинади. Бунинг устига улар телевидениега нисбатан ўзига тортадиган хусусиятга эга бўлмайдилар. Шунга қарамай, улар ҳам маълум афзалликларга эга. Чунки одамлар оғзаки айтилган гапдан кўра кўпроқ қоғозга ёзилган нарсаларнинг ҳақиқатлигига ишонадилар. Бундан ташқари, ёзилган матнни бир қанча вақтдан кейин яна ўқиб чиқиш мумкин. Бу одамга ўша мақола ҳақида фикр юритиб, ўз дунёқарашини қараб чиқиш имконини беради. Телевидение ёки радиода берилган ахборотлар бўйича эса бундай имконият йўқ. Фақат улар плёнкага ёзилиб олинмаган бўлса.

Радиода бериладиган ахборотни тайёрлаш ва узатиш унчалик қиммат эмас. Бироқ эфирга узатиш нисбатан арзон бўлгани билан телекўрсатувларни тайёрлаш анча қимматга тушади. Лекин ушбу иккала ОАВ ҳам бирдай афзалликларга эга: истеъмолчи қисман ва гоҳ-гоҳдагина ҳақ тўлайди. (Кўпинча реклама қилинган товарларни сотиб олар экансиз, сиз тўғридан-тўғри бўлмаса-да, телевидение учун ҳам ҳақ тўлайсиз). Газета ва журналларни тайёрлаб, нашр этиш нашриётлар учун етарли даражада қимматга тушади, истеъмолчидан эса кундалик молиявий харажатларни талаб қилади.

Компьютерда ўзингиз фойдаланадиган Интернетнинг кўплаб шакллари мавжуд. Аммо ахборот манбаи сифатида у газетага ўхшайди. Шу билан бирга, телевидениенинг баъзи белгиларига ҳам эга. У товушлар билан биргаликда узатиладиган ҳаракатланувчи тасвирларни ҳам бера олади. Лекин одатда сюжетлар матн билан берилади. Уларни газета каби қайта кўриш ва узоқ муддатга сақлаб қўйиш мумкин. Интернетдаги ахборотларни тайёрлаш ва тарқатиш арзонлиги, ноширлар ҳамда муҳаррирларни суд тартибида таъқиб этишнинг кўпинча иложи йўқлигидан (улар бошқа мамлакатда яшаши мумкин) бу ахборот манбаи ҳам ўз камчиликларига эга: маълумот етказиб берувчилар ўз янгиликларини мувозанатлаштириб ёритишдан манфаатдор эмаслар. Шундай бўлса

ҳам, Интернет саҳифаларида баъзан, айниқса, демократия камроқ ривожланган давлатларнинг фуқаролари учун жуда аниқ ва яхши баён қилинган хабарларни топиш мумкин. (Ҳеч қайси янгилик манбаи мутлақо объектив бўлиши мумкин эмас. Бироқ биз турли хил фикрларнинг бирдай берилишига эришишимиз мумкин. Бунинг маъноси шуки, ҳеч қандай фикрга бошқа фикрларга нисбатан ортиқча имтиёз берилмайди ва асосан барча қарама-қарши фикрлар баён қилинади).




## 3.0 Оммавий ахборот воситаларининг жавобгарлиги

Тез-тез кўтарилиб турадиган масалалардан бири қуйидагича: ўзлари тарқатган ахборот учун турли оммавий ахборот воситаларига қандайдир жавобгарлик қаралганми? Ҳаттоки энг демократик давлатларда ҳам сиёсатчилар доимий равишда ОАВда берилаётган ахборотлар мазмуни устидан назорат ўрнатишга чақирадилар. Агар улар қандайдир хабар ўзларининг обрў-эътиборига путур етказди деб ҳисобласалар, бунинг учун одатда суд орқали пул кўринишидаги компенсацияни олишга ҳаракат қиладилар.

ОАВ жавобгарлиги деганда одатда улар тарқатаётган янгилик ва ахборотларнинг ҳаққонийлиги назарда тутилади. Бироқ ҳақиқатан ҳам ОАВнинг масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлаётганликларини аниқлаш учун кўп муаммоларни қараб чиқиш талаб қилинади.

Эҳтимол, бу ерда янгиликларни тарқатишда ахборотнинг аниқлиги муҳим эмаслигини тушуниш зарурдир. Бу нарса шу билан боғлиқки, ОАВ доимо муросали қарорлар қабул қилишларига тўғри келади. Мана шу аснода муҳим деб топилган хабарларнинг бир қисми олиниб, бошқа бир қисми тушириб қолдирилади. Сабаби, ҳеч қандай ахборот воситаси барча янгиликларни тарқатиб улгурмайди. Чунки янгиликлар жуда ҳам кўп. Бундан ташқари, истеъмолчиларга, яъни сизларга ўша ахборотлар қизиқарсиз бўлиши мумкин. Масалан, Қирғизистонда яшаётган одамлар учун Тайвандаги янги ташқи ишлар вазири ким бўлганлигининг қизиғи бўлмаса керак. Бироқ ўз мамлакатида ташқи ишлар вазирининг алмашганлиги улар учун жуда қизиқ бўлиши эҳтимол. Аммо Тайванда ҳам, Қирғизистонда ҳам одамлар ракка қарши дори топилганлиги ҳақидаги хабар билан қизиқсалар керак. Шунинг учун оммавий ахборот воситалари доимо «ҳақиқатни» айтишлари мумкин, лекин шу билан бирга улар атрофда бўлаётган реал воқеаларни бузиб тасвирлайдилар, ўзлари бераётган сюжетларнинг айрим жойлари ҳақида индамай кетадилар. Масалан, собиқ СССР даврида Сталин қатағонлари ҳақида ҳеч қандай хабар айтилмаган шароитда қандай қилиб фуқаролар ўзлари яшаётган тизим ҳақида тўлақонли ахборотларни олишлари мумкин эди?

Шу сабабли ахборот истеъмолчилари сифатида биз оммавий ахборот воситаларига бизнинг ўрнимизга ҳам қандай ахборотларни бериш ёки бермаслик, берилаётган ахборотлар аниқлиги ҳақида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи учун улкан масъулият юклаймиз. Бироқ истеъмолчилар талабини тўла қондириш учун кўплаб мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг кўплаган турлари мавжуд. Одатда уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб, фақат бир қисмигина давлатга тегишлидир.

Бунинг маъноси шуки, ҳар бир муҳим ҳисобланган сиёсий кучларнинг дунёқарашларини акс эттириш учун ўз газеталари мавжуд бўлиб, улар доимо фақат биргина сиёсий позицияда турадилар. Аммо идеал ҳолатда барча нашр қилинаётган газеталарни қараб чиқсангиз, берилаётган ҳамма фикрлар билан танишишингиз мумкин. Масалан, АҚШда биз баъзи телевидение каналларининг Республикачилар партиясидан кўра кўпроқ Демократик партияни қўллашларини кўришимиз мумкин ва аксинча. Шуни тушуниш муҳимки, ҳеч қайси оммавий ахборот воситаси ҳақида у сиёсий томондан бегараз, деб айтиш мумкин эмас. Шу сабабли ҳар қандай ахборот воситаси сўзсиз қайсидир бир сиёсий нуқтаи назарни қўллашга ҳаракат қилади. Айникса, бу ҳолни газета эгаси маълум бир сиёсий партия тарафдори бўлган ҳолатда кўриш мумкин. Жуда машҳур журналлардан бири бўлган «Экономист» мутлако очиқ турда ўзининг «фикрлар журнали» эканлиги ҳақида жар солади. Аслида эса у нисбатан объектив ҳисобланади.

**Агар туҳмат жиноят деб ҳисобланса, унда журналистик суриштирувлар юритилмай қолади**

***Жогорку Кенеш Қонунчилик йиғинининг жамоат ташкилотлари ва ахборот сиёсати бўйича қўмитасининг раиси Кабай Карабеков Жиноят кодексидан туҳмат тўғрисидаги моддани олиб ташлаш кўзда тутилган қонун лойиҳасини шарҳлаб берди. К. Карабеков республикадаги ОАВнинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга бу қонун лойиҳасини депутатлар кўпроқ ёқламасликлари мумкин, дейди. Ҳозир кўплаб журналистлар инсонийлик шаъни ва обрўсини ҳимоялаш бўйича судлардаги ишларни кўриб туриб, коррупция ва амалдорларнинг бошқа нопок хатти-ҳаракатлари хусусида ҳақиқий фактларни суриштириб ёзишга шунчаки журъат этишмайди. Натижада оддий фуқаролар объектив маълумотлардан маҳрум бўладилар.***

*Антон Лимарь, «Комсомольская правда в Кыргызстане» газетаси, 2004 йил, 23 январь.*

Баъзи одамлар жавобгарлик ва сиёсий ғаразгўйлик муаммоларини ОАВни давлатлаштириш орқали ҳал қилиш мумкин, деган фикрни айтадилар. Бутун аҳоли учун очиқ бўлган турли хил оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлган шароитда баъзи давлат ахборот органларининг ҳам бўлиши мумкин. Лекин давлат ОАВнинг ҳукмронлик қилиши хавфли ҳол. Бу муаммонинг бошқа ечими сифатида ОАВга сиёсий фикрларни ҳеч бўлмаганда давлат органларига сайланмоқчи бўлган номзодларга нисбатан тенг ҳолатда беришни талаб қилишни айтиш мумкин. Бунга эришиш қийин. Бунинг устига бу қарор жуда чекланган бўлишига қарамай, бу йўналишда ҳаракатлар қилинган. Афсуски, кўплаб жуда камбоқ мамлакатларда ахборот тарқатишнинг қишлоқда яшовчи аҳоли учун жуда қимматга тушиши оқибатида улар учун биргина давлат ОАВ арзонроқ ва яқинроқ ҳисобланади. Бу жуда жиддий муаммони туғдиради. Сабаби эса, ўз-ўзидан тушунарлики, мавжуд ҳукумат ўз оммавий ахборот воситаларига фаолиятини фақат ижобий томондан кўрсатувчи хабарларни бериб, салбий ахборотларни яширишга ҳаракат қилади. Ҳукуматнинг камчиликларини тортинмай танқид қиладиган ОАВ намунаси сифатида Буюк Британиянинг давлат канали ҳисобланган «Би-Би-Си»ни айтиш мумкин.

Шу билан бирга давлат қонунчиликка киритиш таклиф қилинаётган ўзгартишлар, сайловлар ва шунга ўхшаш тижорат нуқтаи назаридан эълон қилиш бутунлай бефойда бўлган кўплаб ахборотларни тарқатишда муҳим роль ўйнайди. Тижорат фойдаси деганда биз ОАВ эгалари бўлган компаниялар учун бирор ахборотни тарқатишдан фойда олиш имкониятини назарда тутамиз. Шуни унутмангки, хусусий оммавий ахборот воситалари ўз даромадларининг катта қисмини бошқа компанияларнинг реклама ва эълонларини босишдан оладилар. Бу компаниялар одатда ўз эълонлари ва рекламалари кўпчилик одамлар учун қизиқарли бўлган оммавий кўрсатувлар жараёнида, улардан олдин ёки кейин берилишини хоҳлайдилар. Давлат жамиятга етказмоқчи бўлган баъзи ахборотлар одамлар учун унча қизиқарли бўлмаганлиги учун (шу вақтнинг ўзида улар жуда муҳим бўлиши мумкин) реклама берувчилар ўз рекламасини мана шундай ахборотлар бериладиган кўрсатувларда қўйилишини хоҳламасликлари мумкин. Чунки улар ўша ахборотни жуда кам одам кўради, деб ҳисоблайдилар. Масалан, агар ҳукумат сайлов тизимларини ислоҳ қилиш бўйича телевидение орқали баҳс ўтказмоқчи бўлса, бу мавзу қандайдир қизиқарли сериалга нисбатан жуда кам телетомошабинни ўзига тортиши мумкин. Бу ҳолда давлат ё ўз телевизион станциясига эга бўлиши керак, ёки хусусий телестанцияга ўз материалларини берганлиги учун пул тўлаши керак.

Кўпинча ҳукуматда ОАВни қонунлар асосида назорат қилиш лозимлиги ҳақида гапиришади. Баъзида ОАВ чиқишлари таъқиб остига олинади, масалан, газеталарни ёпиб, уларга қарши иш қўзғашади, фаолиятини қайта бошлашга рухсат беришмайди, бироқ одатда бунинг учун туҳмат ҳақидаги биргина қонуннинг ўзи етарли бўлади. Туҳмат ҳақидаги қонун журналист ёлғон нарсани ёзганлиги ёки радио (телевидение)да айтганлигини билган ва ўзига етказилган зарарни тасдиқлай олган кимса учун ўша журналистга нисбатан судда даъво қилиш имконини беради. Агар даъвогар судда ўзининг ҳақлигини исботлай олса, журналист (одатда ахборот органининг эгаси) унга ком-

пенсация тўлаб беришга мажбур бўлади. Қирғизистонда газетадан компенсация олиш учун бундай қонундан кўплаб давлат арбоблари, шу жумладан, собиқ Президент А. Акаев фойдаланди. Кўп мамлакатларда парламент аъзолари судга берилишидан хавфсирамай, парламент биносида хохлаган нарсаларини эркин айтиш ҳуқуқига эгадир.

Биз мувозанатлаштирилган ва холис ёритилаётган ҳукумат ёки мухолафат нуқтаи назарлари акс эттирилган ахборот билан танишмоқчи бўлсак, турли ахборот воситаларидан фойдаланишимиз мумкин. Бунга хусусий ёки чет эл ахборот каналларини ҳам қўшишимиз эҳтимол. Мана шунда биз воқеалар юзасидан холис тасаввурга эга бўлишимиз мумкин.

Натижада янгилик тарқатаётган бир манба бошқа ана шундай манба билан мувозанатлашади. Аслида кундалик турмушимиздаги шахсий масалаларда ҳам шундай бўлади, ахир одатда уйланиш ёки бирор нима сотиб олиш борасида ҳам биз бошкалар фикрини сўраймиз-ку.

Сайловларда имкони борича тўғри қарор қабул қилиш учун одамлар сиёсий дунёқарашларнинг имкони борича кўпроғи билан танишишлари лозим. Мана шундай шароитда улар имкони борича энг муносиб одамларни давлат органларига сайлаб, уларнинг ўз топшириқларини виждонан бажаришлари ҳамда бутун ваколатлари давомида ҳисоб бериб боришларига эришадилар.




## 4.0 Демократия, жамоатчилик фикри ва оммавий ахборот воситалари

Демократик давлатларда сиёсатчилар жамоатчилик фикрини инкор қила олмайдилар. Чунки у сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнига жуда кучли таъсир қилади. Жамоатчилик фикри кўпинча жамоатчилик ҳаракатларига олиб келади: одамлар сиёсий партияларга аъзо бўладилар, ҳукуматга қарши овоз берадилар, жамоат ташкилотларига аъзо бўладилар ёки уларни ташкил қиладилар, намойишларга чиқиб, иш ташлайдилар. Агар ҳукумат ўз фуқароларининг талабларига қулоқ солиб, уларга тазйиқ ўтказмаса, жамият белгиланган "чегара"дан чиқиб кетмайди. Сиёсатчилар доимий равишда жамоатчилик олдида ўз обрў-эътиборларини сақлашга ҳаракат қилишлари зарур. Ҳақиқатан, ўзининг ҳалол номини кадрлаш – бу бир масала, бошқаси эса – ҳалол бўлиб кўриниш. Бу нарса улардан баъзиларининг одамлар орасида обрў-эътибор қозониб, популизмдан фойдаланиш бўйича ўзига хос санъатни ишлаб чиқишларига олиб келади. Яъни, уларни ўз сайловчиларининг вақтинчалик истакларини ҳисобга олган ҳолда иш тутишга ўргатади.

Жамоатчилик фикрининг сиёсий арбоблар ва сиёсий тизимларга кўрсатган таъсири шунчалик

1-диаграмма

Қирғизистондаги ОАВ ҳукуматни танқид қилиш имкониятига эга бўлиши керак, деб ўйлайсизми? (ЮСАИД сўрови, 2003 йил).



кучли бўлиши мумкинки, бу нарса демократик давлатларда ҳукуматнинг бутун сиёсий йўналишини ўзгартиришга ҳам олиб келиши мумкин. Мана шунинг учун демократик давлатларда ОАВни баъзида «тўртинчи ҳокимият», деб ҳам аташади.

Демократик жамият белгиларидан бири шундаки, унда давлат жамоатчилик фикрига таъсир қилиш бўйича чекланган ҳуқуқларга эга бўлади. Демократик давлатлар келажак авлодга тарбиянинг қайси тури берилаётганини назорат қилмайди. Одамларни ноқонуний ҳаракатларга туртиш ҳоллари бундан мустасно, албатта. Шунингдек, улар хусусий оммавий ахборот воситаларида нималар ёзилиб, гапирилаётганини ҳам назорат қилмайдилар. Уларнинг ишига аралашиш фақатгина ёлғон ахборотларни тарқатиш ҳоллари исботлангач, судга мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бундан ташқари, демократик давлатларда нашриёт, телерадио ёки узатиш станцияларининг давлат томонидан назорат қилинишига йўл қўйилмайди. Одатда давлат эфирга узатиш бўйича лицензиялар бериши мумкин. Бироқ лицензиялар танлов асосида сотилади ва унга энг кўп ҳақ тўлаган компаниялар эга бўладилар. Бу лицензия сотилгач эса, уни қайтариб олиш ёки у жойдан эфирга узатилаётган ва нашр қилинаётган нарсаларни назорат қилиш қийин бўлади. Агар ҳокимият органлари бу ишларга аралашишга ҳаракат қилсалар, кейинги сайловларда улар мағлубиятга учрашлари мумкин. Негаки, сайловчилар бу ҳолатни жиддий иғво ва ўз ҳуқуқларининг бузилиши деб баҳолайдилар.

Бироқ демократик тизимнинг ўзи доим ҳам жамоатчилик фикрини бошқаришга йўл қўймайдиган омил сифатида чиқа олмайди. Одатда жуда кучли оммавий ахборот воситалари тизими эгаларининг шахсий сиёсий манфаатлари ҳам бўлади. Лекин жамоатчилик улар бераётган ахборотларнинг холисона эканлигига шубҳа қилиб қолса, унда бошқа ахборот манбаига ўтиб кетади ва бу ахборот воситалари тизимининг даромадлари камаяди. Бу тизим ўта мукаммал бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда истеъмолчиларнинг пулини олишга бўлган интилиш ОАВ эгалари учун ҳокимият органларининг тилакларига боғлиқ бўлмаган ҳолда тарқатилаётган ахборотларнинг аниқ ва тўғри бўлишини таъминловчи омил ҳисобланади.

### Матнни ўқигандан кейинги машқлар

**03–топшириқ.** **Мен яшаётган жойдаги жамоатчилик фикри.**

1. Шеригингиз билан ҳамшаҳарларингиз (ҳамқишлоқларингиз) орасида учрайдиган бир хил фикрлар (масалан, солиқларни камайтириш керак, деганга ўхшаш) ни пайдо қилувчи масалалар рўйхатини тузинг.
2. Шеригингиз билан уларнинг фикри қарама-қарши келадиган масалалар рўйхатини тузинг.
3. Шеригингиз билан ишлаб, ёшларнинг фикрлари бир-бирига тўғри келган ҳолда уларнинг нуқтаи назари катта ёшдаги аҳолиникидан фарқ қиладиган масалалар рўйхатини тузинг.
4. Ўзингиз тузган рўйхатларни бошқалар тузган рўйхатлар билан солиштиринг.




*А. Касымбеков, Р. Ишенов, А. Бектемиев. Бишкек, 2002.*

**04–топшириқ.** **«Ахборот танқислиги».**

Тасаввур қилингки, сиз ва унча катта бўлмаган қишлоқнинг барча аҳолиси қандайдир табиий офат натижасида ташқи дунёдан узилиб қолди. Сизлар дунёда бўлаётган воқеалар ҳақида ҳеч қандай ахборотга эга эмассиз. 3-4 кишидан иборат гуруҳларга бўлинган ҳолда бундай ҳолатнинг афзаллик ва камчиликларини баён қилинг. Қуйидаги жадвалда биринчи катак сиз учун намуна сифатида тўлдирилган.

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| *Қанчалик кам нарса билсангиз, шунчалик кам ташвиш тортасиз. Бу масалада инглизларда шундай мақол бор: «Янгиликлар йўқ бўлса: бунинг ўзи яхши янгилик»* | |
| | |
| | |

**05–топшириқ. Муҳимми ёки муҳим эмасми?**

Икки кишидан бўлиниб олиб, қуйида берилган сарлавҳаларга эътибор беринг. Воқеаларнинг қайси бири ўқувчиларнинг ҳаётига кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин ва қайсилари фақатгина баъзи ўқувчиларга таъсир кўрсатиши мумкин?

| № | Мақоланинг сарлавҳаси | Кўпчилик ўқувчиларга таъсир қилади | Камроқ ўқувчиларга таъсир кўрсатади |
|---|---|---|---|
| 1 | Одам йўлбарсни еб қўйди. | | |
| 2 | Ҳукумат яна солиқларнинг кўпайишини эълон қилди. | | |
| 3 | Автобус ҳалокатида 20 киши ўлди. | | |
| 4 | Сайловлар яна уч йилга қолдирилди. | | |
| 5 | Авиаҳалокат: бир аёл омон қолди. | | |
| 6 | Сайлов комиссияси яқин келажакдаги 2 йил мобайнида янги сиёсий партияларни рўйхатга олишдан бош тортмоқда. | | |
| 7 | Келаси йилда банк фоизларининг даражаси ўсиши мумкин. | | |
| 8 | БМВ машинанинг янги моделини тақдим қилмоқда. | | |
| 9 | Ёнгин йигирма километрли газ қувури магистралини ишдан чиқарди. | | |

**06–топшириқ. Сизнинг қарашларингиз.**

Шеригингиз билан яқинда бўлиб ўтган воқеаларнинг қайси бири жамиятга кўпроқ таъсир кўрсатганлигини муҳокама қилинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Бу хабарда сизни нима қизиқтириб қолди?
2. Бу ҳақда ҳамма оммавий ахборот воситалари бирдай хабар беришдими? Уларнинг хабарлари бир-биридан нимаси билан фарқ қиларди?
3. Сизнинг фикрингизча, бу воқеа ҳақидаги изоҳлар жамоатчилик фикрига қандай таъсир қилади?



*Қирғизистоннинг ҳар бир фуқароси ОАВ орқали ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга.*

**07–топшириқ. Телекўрсатувми ёки газета?**

Шеригингиз билан қандай сюжетлар телекўрсатув орқали ва қандайлари газеталар орқали яхшироқ ёритилиши мумкинлигини муҳокама қилиб, бирор қарорга келинг. Ўз жавобингизни тушунтириб беришга тайёрланинг.

| № | Сюжет | ТВ ёки газета |
|---|---|---|
| 1 | Полиция маҳкамаси олдидаги норозилик намойишлари. | |
| 2 | Резерв (захира) банки бошқармасининг раиси келаси йилда инфляция даражаси ортиб кетиши эҳтимоллигини айтди. | |
| 3 | Автобус дарахтга бориб урилди. | |
| 4 | Президент янги қоғоз фабрикасини очди. | |
| 5 | Никоҳ ва ажралиш ҳақида янги қонун киритилди. | |

**08–топшириқ. Ёритилганми ёки йўқ?**

Уч ёки тўрт кишилик гуруҳларга бўлиниб олиб, охирги икки кун ичида қандай янгиликлар ҳақида хабарлар телевидение орқали ёритилганлиги ёки газеталарда босилганлигини ўйлаб кўринг. Сўнгра шу кунларда чиққан республика газеталарини олинг. Қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Янгиликларнинг қайси сюжетлари телевидениеда қисман ёритилган ёки умуман ёритилмаган-у, газеталарда босилган?
2. Сизнинг фикрингизча, нега шундай қилинган?
3. Янгиликларнинг қайси сюжетлари телевидениеда кўрсатилган-у, газеталарда қисман ёритилган ёки умуман ёритилмаган?
4. Сизнинг фикрингизча, нега шундай қилинган?

**09–топшириқ. Жавобгарлик.**

Шеригингиз билан қуйида берилган газета мақоласи ҳамда Уланнинг бу мақолага нисбатан ёзган жавоб хатини ўқинг. Сўнгра қуйидаги саволларга жавоб беринг:

1. «Алдоқчи қўлга тушди» мақоласида нима нотўғри?
2. Мақолани ўқиб, Улан нимани ҳис қилди?
3. Сизнинг фикрингизча, Улан хати газетада босилгач, қандай ҳолатга тушган?
4. Улан ҳозир нима қилиши мумкин?
5. Сайракан мақолани эълон қилишдан олдин нима қилиши лозим эди?
6. У ҳозир нима қилиши керак?
7. Нима учун газетада эълон қилинган «Бензинга қўйилган солиқлар кўпайтирилсин» номли мақола дуруст ёзилган ҳисобланади?

## ГАЗЕТА МАТЕРИАЛЛАРИ

**1. Алдоқчи қўлга тушди**

Бугунги кунда бозорлардаги каллоблик катта муаммо ҳисобланади. Менинг дугонамнинг айтишича, гуруч сотувчилардан бири Улан Суюнбаев деган йигит гуруч солаётган пакетнинг тагига доимо бир нечта тош солиб қўяр экан. Мен ҳеч қачон ундан гуруч сотиб олмаганман. Бироқ баъзида сотувчилар шундай қилишларини биламан. Бундай нарсаларнинг олдини олиш лозим. Негаки, улар бизнинг иқтисодиётимизга зарар келтиради.

*Сайракан Асанова, журналист*

САЙРАКАНГА МАКТУБ

Мени машҳур қилиб юборганингиз учун сиздан миннатдорман. Марҳамат, бозорга келиб, харидорлардан менинг пакетларимда нималар топаётганликларини сўранг!

*Улан Суюнбаев.*

**2. Бензинга қўйилган солиқлар кўпайтирилсин**

Ҳукумат бензинга қўйилган солиқларни ошириши керак. Ҳозир кўчаларда жуда кўп қимматбаҳо автомашиналарни кўриш мумкин. Уларнинг эгалари ўзлари фойдаланаётган йўлларни таъмирлаш учун аввалгидан кўпроқ солиқ тўлаш имкониятига эгалар. Кўплаб давлатларда бу солиқлар ёқилғи нархининг 30 фоизини ташкил қилади. Бензинга қўйилган бу солиқлар махсус банк ҳисобига ўтказилиб, фақат автомобиль йўллари қурилиши ва таъмирланишига сарф қилинади.

*Рисбай Отунчиев, журналист*

### 10–топшириқ. Сиз нима деб ўйлайсиз?

Шеригингиз билан қуйидаги тасдиқларни муҳокама қилинг ва уларнинг қайсиларига маъқул, қайсиларига қаршисиз ҳамда қай даражада қарши эканлигингиз ҳақида бир қарорга келинг.

| № | Тасдиқлар | Маъқуллик ёки қаршилик даражаси |
|---|---|---|
| 1 | Барча оммавий ахборот воситалари давлатга қарашли бўлиши керак. | |
| 2 | Газета, радио ва телевидение тахмин, миш-миш ва фикрларни эмас, балки аниқ ахборотларнигина беришлари керак. | |
| 3 | Телевидениеда кўпроқ кўнгилочар дастурлар кўрсатилиб, янгиликларга камроқ эътибор берилиши керак. | |
| 4 | Ҳар бир одам газетада хоҳлаган ахборотини бериш ҳуқуқига эга. | |
| 5 | Телевидениеда томошабинларда ёқимли таассурот қолдирадиган чиройли одамларгина ишлаши керак. | |
| 6 | Ҳар бир одам газета ёки ҳар қандай бошқа ахборот манбаидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши керак. | |
| 7 | Оммавий ахборот воситалари ўта ёмон янгиликларни бермасликлари ва оптимистик ахборотларга кўпроқ эътибор беришлари лозим. | |
| 8 | Оммавий ахборот воситаларида айтилган мамлакатимиз раҳбари ҳақидаги ҳар қандай ёмон фикрлар, улар ҳақиқат бўлса ҳам, қонунсиз ҳисобланади. | |
| 9 | Ҳар қандай газетада босиладиган янгиликлар ва хабарлар ахборот вазирлигининг тасдиғидан ўтиши лозим. | |
| 10 | Журналистларни ҳеч қачон суд жавобгарлигига тортмаслик керак. | |
| 11 | Газета ва телевидениеда рекламага рухсат берилмаслиги керак. | |
| 12 | Журналистлар суд томонидан таъқиб қилинишдан қўрқмаган ҳолда, ўз ахборот манбаларини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлишлари керак. | |




Ўз жавобларингизни бутун синф билан муҳокама қилинг.

### 11–топшириқ. Сўз эркинлиги.

Шеригингиз билан қуйидаги иборанинг аҳамиятини қандай тушунишингизни ёзинг (баёнингизнинг ҳажми тахминан 100 та сўз атрофида бўлиши керак).

*«Менимча, сизнинг фикрингиз нотўғри ва мен ҳеч қачон бунга қўшилмайман. Бироқ мен сизнинг мана шу гапни айтиш ҳуқуқингизни ҳимоя қиламан».*

### 12–топшириқ. Журналистлар учун қоидалар, уларнинг ўқувчилар ва телетомошабинлар олдидаги бурчлари.

Тасаввур қилингки, сиз газеталарнинг муҳаррирлари ва янгиликлар, телевизион дастурларнинг раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда қатнашяпсиз. Уч ёки тўрт кишилик гуруҳларга бўлиниб, ўз фикрларингизга мос ҳолда қуйидагиларни ишлаб чиқинг: 1) журналистлар учун қоидалар; 2) сизларнинг ўқувчилар ва телетомошабинлар олдидаги бурчларингиз.

### 13-топшириқ. ОАВ билан ўзаро муносабатлар.

Ўзингизни судья деб тасаввур қилинг. Сиздан бош вазир ўринбосари ва телевизион станция ўртасидаги тухмат ҳақидаги иш бўйича фикрларингизни беришингизни илтимос қилишди. Шеригингиз билан ўз фикрларингизга мос ҳолда қуйидагиларни ишлаб чиқинг:

1) ҳукумат янгилик хабарларининг мазмунини назорат қилиши мумкин бўлган шароитлар;
2) ҳукуматнинг ОАВ ва халққа ахборот бериш бўйича бурчлари.

### 14-топшириқ. Давлат оммавий ахборот воситалари.

Шеригингиз билан қуйида берилган ғоялар рўйхатини ўқиб чиқинг. Бу ғояларнинг мақсади ҳокимият тепасидаги сиёсий партияга бошқа партияларга нисбатан имтиёзли шароитлар яратишга имкон бермайдиган қилиб давлат ОАВнинг ҳуқуқларини чеклашдан иборатдир. Бу ғояларнинг оқилона эканлиги ёки ҳеч қачон ишламайдиган даражада номақбул эканлигини ўзингиз учун аниқланг.

| № | Таклиф қилинган ғоялар | Маъқулмисиз? |
|---|---|---|
| 1 | Барча давлат ОАВ аъзолари сиёсий партиялар томонидан тайинланадиган кенгаш томонидан назорат қилинади. | |
| 2 | Давлат газеталарининг муҳаррирлари ва давлат телевизион каналларининг директорлари кенгаш томонидан тайинланади. Бу тайинловлар давлат органлари томонидан бекор қилиниши мумкин эмас. | |
| 3 | Ҳукумат томонидан қилинадиган ҳар қандай эълонга мухолафатнинг изоҳи берилиши лозим. | |
| 4 | Янгиликларни эълон қилиш фақат суд ҳукми билангина тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бунда ана шу тақиқлов ўзини оқлайдиган бўлиши лозим. | |
| 5 | Хабарни эълон қилишга қўйилган тақиқлов аниқ белгиланган давр мобайнида (масалан, 5 йил) кучга эга бўлиб, ўша муддатдан кейин бу хабарнинг эълон қилинишига рухсат берилиши керак. | |
| 6 | Агарда давлат ОАВнинг муҳаррир ва директорлари етарли даражада келишмасдан туриб бирор хабарни эълон қилишга рухсат бермаган бўлсалар, уларга жарима солиниши ёки озодликдан маҳрум қилинишлари мумкин. | |
| 7 | Давлат янгиликлар манбаига эга бўлиши мумкин. Лекин унинг тасарруфида матбуот уйи, полиграфия комбинати ёки телерадиоузатиш станциялари бўлмаслиги керак. | |
| 8 | Давлат ОАВ реклама беришлари мумкин эмас. | |

### 15-топшириқ. Манбалар ва объективлик.

Шеригингиз билан қуйида берилган жадвални кўздан кечиринг. Сўнгра ундаги ахборотларни таҳлил қилиб, 200 сўздан иборат қисқа ҳисобот тузинг.

Ушбу ахборотлар IFES томонидан 2001 йилда тўпланган. Одамларга иккита савол берилган эди:

1. «Мен сизларга Қирғизистонда мавжуд бўлган янгиликлар манбаларининг икки рўйхатини ўқиб бераман. Сизлардан номи аталган ҳар бир манба бўйича улардан доимий равишда, баъзида фойдаланишингиз ёки умуман фойдаланмаслигингиз ҳақида айтишингизни илтимос қиламан».
2. «Илтимос, номи аталган манбаларни янгиликларни ёритишда объектив деб ҳисоблашингиз ёки йўқлиги ҳақида айтинг».

| Ахборот манбалари | Манбалардан фойдаланиш (n/1600) | | Манбаларнинг объективлиги (n ҳар бир манба бўйича кўрсатилган) | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Доимо/ баъзида | Баъзида/ ҳеч қачон | n | ЖудаЂетарли даражада объектив | Унчалик эмас/умуман объектив эмас |
| Қирғизистон ТВ қирғиз тилида | 54 | 46 | 1082 | 53 | 39 |
| Қирғизистон ТВ рус тилида | 65 | 35 | 1276 | 58 | 36 |
| Россия Федерацияси ТВ | 74 | 26 | 1325 | 79 | 13 |
| Ўзбекистон ТВ | 24 | 76 | 484 | 60 | 27 |
| Бошқа чет эл ТВ | 5 | 95 | 121 | 49 | 22 |
| Қирғизистон радиоси қирғиз тилида | 34 | 66 | 653 | 62 | 28 |
| Қирғизистон радиоси рус тилида | 43 | 57 | 851 | 64 | 28 |
| Россия Федерацияси радиоси | 33 | 67 | 641 | 75 | 15 |
| Ўзбекистон радиоси | 16 | 84 | 305 | 27 | 25 |
| Бошқа чет эл радиостанциялари | 7 | 94 | 152 | 26 | 8 |
| Қирғизистоннинг қирғиз тилидаги газеталари | 31 | 69 | 665 | 55 | 36 |
| Қирғизистон газеталари рус тилида | 46 | 54 | 921 | 64 | 29 |
| Россия Федерацияси газеталари | 22 | 78 | 513 | 74 | 15 |
| Ўзбекистон газеталари | 3 | 97 | 81 | 56 | 30 |
| Бошқа чет эл газеталари | 2 | 97 | 63 | 43 | 24 |
| Қирғизистоннинг қирғиз тилидаги журналлари | 7 | 92 | 187 | 44 | 41 |
| Қирғизистон журналлари рус тилида | 11 | 89 | 281 | 55 | 32 |
| Россия Федерацияси журналлари | 15 | 85 | 351 | 70 | 17 |
| Ўзбекистон журналлари | 2 | 98 | 44 | 50 | 34 |
| Бошқа чет эл журналлари | 4 | 96 | 102 | 56 | 19 |



# XIX БОБ

# Коррупция

## Матнни ўқишдан аввалги машқлар

**01–топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

Икки кишидан бўлиниб олиб, қуйидаги атамаларга мос равишда таърифларни аниқланг.

| Тушунча | Таъриф |
|---|---|
| 1. Коррупция | а) Хизмат мансабидан фойдаланиб, «ўзининг» одамлари ва қариндошларини қўллаш, уларга хомийлик қилиш. |
| 2. Пора | б) Белгиланган қоида ва тартибларни бузиш, хизмат мансабидан ўзининг шахсий мақсадлари йўлида ноқонуний йўл билан фойдаланиш. |
| 3. Ўғирлик | в) Маданий ўзгачаликлар орқали белгиланадиган фикрлаш тарзи, оламни англаш. |
| 4. Непотизм, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик | г) Уруғларга бўлиниш, бир уруғ, этник гурух вакилларига имтиёзлар бериш. |
| | д) Парламент томонидан тайинланадиган шахс бўлиб, йирик давлат ва хусусий муассасалар билан ўзаро судлашувларда юрист каби алоҳида фуқароларнинг манфаатини кўзлайди. Бу одам юрист бўлмаслиги ҳам мумкин, бироқ унинг штатида юрист ишлайди. |
| 5. Трайбализм | е) Ишончни суиистеъмол қилиш ва бошқаларга тегишли бўлган мулкни ўзлаштириб олиш. |
| 6. Бюрократизм | ж) Маълум шахсга қандайдир ноқонуний ишни амалга оширганлиги учун тўловчининг манфаати йўлида бериладиган ҳақ. |
| 7. Менталитет | з) Жамиятни иерархик (хизмат юзасидан бўйсуниш даражаси) усулдаги аввал қабул қилинган тартибларга мувофиқ ҳаракат қилувчи бошқарув тизими. |
| 8. Омбудсмен | |

**02–топшириқ. Бу ҳақда гаплашиб оламиз.**

Шеригингиз билан қуйидаги матнни ўқинг ва муаммони муҳокама қилинг.

> «Ҳеч бўлмаганда баъзиларимиз бизнинг ўзимиз ёки яқинларимиздан бирортаси ана шундай ҳаракатларда иштирок этаётганлигини билганимиз ёки англаганимиз сабабли ҳам коррупция жуда нозик мавзу ҳисобланади. Бу ҳодисани тушунишимиз учун биз муҳокамани шундай ташкил қилишимиз лозимки, бунда хеч бир одам ўзини айнан уни танқид қилаётгандек ҳис қилмасин».

Муаммо: коррупция мавзусини муҳокама қилиш учун қандай қоидаларни қабул қилиш лозим?

## Ўқиш учун матн

Бу бобда коррупцияга таъриф берилиб, унинг тарқалиш оқибатлари кўрсатилган. Қуйида коррупция кўламларини қисқартиришнинг йўллари таклиф қилинади.

### 1.0 Коррупция нима?

Чамаси, коррупция ҳар қандай жамиятда ҳам бўлади. Бироқ баъзи давлатларда у бошқаларига нисбатан кенгроқ тарқалган бўлади. Коррупция жуда ҳам мураккаб ҳодиса бўлиб, бу давлат аппарати тузилишидаги оддийгина «камчилик» эмас. Одатда коррупцияни ресурсларни ёки ўзининг хизмат лавозимини шахсий манфаатлари йўлида суиистеъмол қилиш, деб таърифлашади. Кўпинча коррупция чекланган сондаги кишиларнинг маълум бир хизмат турини кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда пайдо бўладики, бунда бошқалар ўша кишининг ихтиёрига тобе бўлиб қоладилар. Коррупция ноқонуний бўлганлиги сабабли доимо унга одатда пора кўринишидаги яширин битимлар эргашиб юради. Коррупция, порахўрнинг фикрича, унга ўхшаш одамларнинг барчаси худди ўша ўлчамда пора талаб қиладилар, деб ўйлаганлиги сабабли, ҳатто ўша одам бирор соҳада монополист бўлмаган ҳолатда ҳам юзага келиши мумкин.

Коррупция доимий равишда қонунга зид бўлишига қарамай, барча ноқонуний ҳаракатлар ҳам коррупция қаторига киравермайди. Агар кимдир сизнинг уйингизга кириб, бирор нарсангизни ўғирлаб кетса, бу қонунга зид, лекин коррупцияга мисол бўла олмайди. Гап шундаки, ушбу жиноятни содир қилиш учун ўғри жамиятда ўзи эгаллаб турган қандайдир масъул лавозимидан фойдаланмаган.

**Қирғизистон фуқароларининг фикрича, коррупция нима?**

*2000 йилда ПРООН томонидан 300 кишини сўров қилиш натижасидан*




Одатда коррупция пора билан боғлиқ бўлади, лекин доим эмас. Масалан, давлат ёки хусусий ташкилотнинг ходими ўз ташкилотида бирор нарсани ўғирлаб сотадиган бўлса, бу ерда пора белгилари кўринмайди. Лекин ўша ходим ўз хизмат лавозимига кўра бирон бир хизмат турини кўрсатганлиги учун шахсан унга ҳақ тўлашни талаб қилса, бу бир вақтнинг ўзида ҳам порахўрлик, ҳам коррупция бўлади. (Эътибор берингки, совғалар топшириш кишини сотиб олиш деган гап эмас. Негаки, кишини сотиб олишнинг мақсади қандайдир бир фойда олишдан иборат бўлади. Кўп давлатларда бундай ҳодисаларнинг олдини олиш учун хизмат ходимларига совға топширишнинг қатъий қоидалари қўлланади. Бу қоидалар хизмат ходимларини ўша совғани олишдан бош тортишга ёки уни ҳамманинг кўзи олдида олишга мажбур қилади).

**КОРРУПЦИЯНИНГ ЭНГ ЁМОН КЎРИНИШЛАРИ**

***Бу шунда намоён бўладики, юқори мартабали амалдорлар ва сиёсий лидерлар кўпинча маълум ишларни бажариш учун давлат буюртмаларини тендер эълон қилмасдан, адолатли танловсиз дўстлари ёки оила аъзоларига берадилар. Ёки улар «ўз одамлари»ни содир этган жиноятлари учун суд таъқибидан ҳимоя қилишлари ҳам мумкин. Бу фавқулодда катта зарар етказади, чунки улар буни бошқа аҳоли учун меъёрдек белгилашлари мумкин, одамларнинг амалдаги қонунчилик ва суд тизимига бўлган ишончини камайтиради ёки барбод этади. Бу шундай ҳолатга олиб келиши эҳтимолки, одамлар адолатли судга фақат судьяларни сотиб олиш йўли билангина эришиш мумкин, деб ишонадилар. Бу бутунлай нотўғридир!***

Баъзи ҳаракатларни адолатсиз деб баҳолаш мумкин бўлишига қарамай, ноқонуний ёки коррупцияга мисол сифатида талқин қилиш мумкин эмас. Масалан, маълум бир товарни етказиб берувчи ёки маълум хизматларни кўрсатувчи қандайдир бир фирма нархларни икки баробар кўтаришга қарор қилган ҳолда, бошқа фирмаларга ўша товарни сотиш ёки хизматларни кўрсатишга тўсқинлик қилмаса, у ҳолда бу ноқонуний ҳаракатга ҳам, коррупцияга ҳам кирмайди.

***Сўровда қатнашганларнинг учдан икки қисми билдирган фикрга кўра, кўпчилик одамлар порани юраги жизиллаб, катта ички қарама-қаршилик билан берадилар.***

*2000 йилда ПРООН томонидан ўтказилган сўров.*

Қандайдир лоббистлар гуруҳи (масалан, ишлаб чиқариш компанияларининг раҳбарлари, пенсионерлар ёки қишлоқ хўжалиги ходимлари) маълум бир қонуннинг қабул қилинишидан манфаатдор бўлганлиги сабабли парламент депутатларини ўша қонунни қабул қилиш зарурлигига ишонтириш учун ҳаракатлар қиладиган бўлса, бу коррупциядек кўриниши мумкин. Лекин ҳозир бундай ҳаракатлар қонуний ва очиқ (жамоатчилик учун очиқ) бўлиб, коррупцияга кирмайди. Агар депутатларга ўша қонунни қабул қилиш учун овозларни сотиб олиш мақсадида пора таклиф қилинса, бунда ўша ҳаракатлар коррупцияга айланади.

Коррупция бир томон ўзи талаб қилиб ёки бошқа томон таклиф қилган порани олиб, иккинчи томон ўзи порани таклиф қилиб ёки ундан талаб қилинганда пора беришга рози бўлсагина мумкин бўлади. Лекин шуни ёдда тутиш керакки, жуда оғир иқтисодий аҳвол одамларнинг баъзиларини мураккаб шароитлар таъсирида пора талаб қилишга, иккинчи томонни пора беришга мажбур қилади.

Масалан, давлат муассасаси ходимининг фарзанди оғриб колса-ю, унинг ойлик маоши даволаш учун тўланадиган ҳаққа етмаса, ўша ходим фуқаролардан ўзи кўрсатган хизмат учун унча катта бўлмаган миқдорда пора талаб қилиши мумкин. Унда порахўр ҳам, пора берувчи ҳам қонунни бузишади. Бундай ҳолатда содир этилган жиноятнинг қанчалик жиддий эканлиги ва кимнинг айбдорлигини аниқлаш жуда мушкул бўлади. Айниқса, атрофдаги барча одамлар худди шундай йўл тутганда, қолаверса, бойроқ одамлар ёки каттароқ мавқега эга бўлган одамлар бу ишга бораётганлигини ҳамма кўриб турганда, коррупциянинг бу кўриниши муроса қилиш мумкин бўлган ишдай кўринади. Пайдо бўлган вазиятдан чиқиб кетишнинг бошқа йўли йўқ эканлиги (аслида, кўпинча шундай ҳам бўлади) маълум бўлгач, бу ўша одамларни янада кўпроқ оқлаши эҳтимол.

## 2.0 Коррупция кимни ўз домига тортади?

Коррупция билан боғлиқ амалларнинг ташаббускори сифатида давлат органларининг ходимларигина эмас, балки тиббиёт ва таълим муассасалари ҳамда хусусий компанияларнинг ходимлари ҳам чиқиши мумкин.

**МАНСАБДОРЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАШ**

***2005 йил бошида Қирғизистонда мансабдорлар даромадларини декларациялаш ва эълон қилиш тўғрисида қонун кучга кирди. Унда давлат хизматчилари (Президент лавозимидан бошлаб)нинг ҳаракатдаги ва кўчмас мулклари тўғрисида маълумотни декларациялаш ҳамда эълон қилишнинг зарурати кўрсатилган, шунингдек, махфий маълумотни ошкор қилиш учун масъулият ҳам белгиланган. Декларация ҚР Давлат хизмати ишлари бўйича агентлигига тақдим этилади. Бунда давлат мансабдорлари нафақат ўзларининг шахсий, балки яқин оила аъзоларининг ҳам даромадлари ва мулкларини халққа маълум қилишлари шарт.***

Ҳаттоки масжид ва черковларнинг диний арбоблари ҳам коррупцияга аралашган бўлишлари мумкин. Ўрта аср Европа адабиётида шундай одамлар ҳақида ҳикоялар борки, уларга кўра баъзи руҳонийлар гуноҳларини кечиришини сўраб келган одамларга шундай жавоб берардилар: «Менинг ваъзларимни эшитиб нима киласан, ундан кўра ҳақимни бер, мен сенга олдиндан бир ойгача Яратганнинг номидан гуноҳларингни кечадиган қилиб бераман. Мана шу вақтнинг ичида сен тоза қалб билан гуноҳлар қилишда давом этишинг мумкин». Бу мисол коррупциянинг энг кенг тарқалган бир белгисини кўрсатадики, унга кўра пора берувчилар бирон нарсага рухсат олиш учун эмас, балки қўшимча қулайликлар учун ҳақ тўлаганларида бу гуноҳ кечиримлироқдай кўринади. Кўпгина давлатларда баъзи амалдорлар, уларга унча катта бўлмаган пулни тўлаб қўйсангиз, бюрократик амалларнинг тезроқ бажарилиши мумкин эканлигини айтишади.

## 3.0 Коррупцияни нима пайдо қилади?

Одатда одам қўлга тушиб қолиши ва жазоланиши эҳтимоллигини, ўша жазонинг қанчалик қаттиқ бўлиши ва бошқача ҳаракат қилганда оладиган фойдадан қай даражада кўпроқ фойда олиш мумкинлигини ҳисоблаб кўргачгина, коррупцияга аралашиш ёки аралашмаслик ҳақида қарор қабул қилади.




Кўпчилик одамлар кундалик турмушнинг ҳар хил томонлари давлат томонидан қаттиқ назорат қилинган мамлакатларда коррупциянинг кенг тарқалиш эҳтимоли кўпроқ, деб ҳисоблайдилар. Давлат органлари фуқароларга маълум бир фаолият турлари билан шуғулланишга рухсат берувчи ваколатларга эга бўлганда (масалан,

савдо қилиш ёки автобус минишга лицензия олиш) хизмат аҳволини суиистеъмол қилиш ҳамда порахўрлик учун имкониятлар туғилади. Лекин шундай бўлса ҳам, давлат фаолиятнинг бу турлари устидан назоратни қўлида сақлаб қолиши лозим. Негаки, акс ҳолда фуқароларнинг тинчлиги хавф остида қолиши мумкин (мисол учун ҳайдовчилик гувоҳномасисиз автомобиль ҳайдашга рухсат берилса).

*2004 йил май ойида ҚР Прокуратураси томонидан 284 мансабдор шахс хизмат лавозимини суиистеъмол қилганлиги ва порахўрлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Мансаб жиноятлари учун жавобгарликка тортилганлар орасида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг 80 га яқин ходими бор.*

*(АКИpress, 14.05. 2004)*

Бундай ҳолатлар одатда сайланадиган сиёсатчилар ва тайинланадиган амалдорлар ўртасида, шунингдек, ҳукумат ва суд ҳокимиятлари ўртасидаги ваколатлар аниқ кўрсатилмаган ҳолларда юзага келади. Ана шунда коррупция ҳолатларини аниқлаш ва бунинг учун жазолаш қийинроқ кечади. Жамоатчилик фикри ҳамда матбуот ана шундай салбий кўринишларни танқид қилиш имкониятига эга бўлмаган авторитар ва тоталитар режимларга эга бўлган давлатларда сиёсий коррупция кенгроқ тарқалишининг сабаби ҳам ана шунда.

**КОРРУПЦИЯ ХОҲЛАГАН ЕРДА БЎЛИШИ МУМКИН, ЛЕКИН УНИ ТЎХТАТИШ КЕРАК!**

*2003 йили АҚШ Олимпия қўмитасининг Халқаро Олимпия қўмитасига тақдим этган ҳисоботида «барча даражаларда» асосли ислоҳот ўтказиш таклифи баён қилинган эди. Бунга 2002 йилги қишки Олимпия ўйинларини ўтказиш учун Солт-Лейк-Сити шаҳри танланиши муносабати билан юзага келган коррупцияга боғлиқ жанжал сабаб бўлди.*

*Ҳисоботда Олимпиадани ўзида ўтказмоқчи бўлган шаҳарларнинг Халқаро Олимпия қўмитаси аъзолари овозларини сотиб олишга қизиқтирувчи «совға бериш амалиёти» қораланган.*

*Ҳисоботда айтилишича, ўйинларга таклиф қилувчи шаҳарлар Олимпия қўмитаси аъзоларига ҳеч қандай қимматбаҳо нарсаларни бермасликлари керак. Бундан ташқари, ҳисоботда кўпчилик қарорлар овоз бериш йўли билан қабул қилиниши, кўпроқ текширувлар ўтказилиши, молиявий ҳужжатлар эълон қилиниши, йўл харажатлари марказлашган ҳолда тўланиши юзасидан ислоҳотлар ўтказиш таклиф этилган.*

*Халқаро Олимпия қўмитасининг кўплаб аъзолари лавозимларидан маҳрум бўлдилар. «Шармандали рўйхат»га Чили, Самоа, Мали, Судан, Конго, Эквадор давлатларининг вакиллари киритилди.*

*Масалан, Чилининг Халқаро Олимпия қўмитасидаги вакили билар эдики, ариза берган қўмита бошлиғи Чилининг Сантьяго яқинидаги Пирк шаҳрининг мэрига қўллаб-қувватлагани учун ҳақ тўлаган.*

*Самоанинг вакилини эса хотини Олимпия ўйинларини Солт-Лейк-Ситида ўтказиш учун ҳаракат қилган гуруҳ аъзосидан 30000 АҚШ доллари миқдорида ссуда олганлиги аниқлангач, Олимпия қўмитасидан ҳайдашни тавсия қилишган. Кейинроқ бу пуллар қайтариб олинган.*

*Малининг вакили ўз ўғлининг Юта университетида билим олиши учун ёрдам сифатида Солт-Лейк-Сити ташкилий қўмитасига 97000 доллардан ортиқ миқдорда пул тўлашга «онгли равишда» рухсат берган.*

*Суданнинг вакили ўзи ва ўғли учун Солт-Лейк-Сити қўмитасидан 25000 доллар олганлиги маълум бўлиб қолди.*

*Конго Республикасининг вакили Солт-Лейк-Сити қўмитасидан «шахсий манфаатларига ишлатиш учун катта миқдорда пул» олиш, шунингдек, бепул тиббий хизмат ва хоҳлаганча саёҳат қилиш имкониятига эга бўлишга очиқдан-очиқ рози бўлган. Эквадор вакили 1992 – 1995 йиллар мобайнида шахсий эҳтиёжлари учун 19000 доллар молиявий ёрдам олган. Бундан ташқари, унга Солт-Лейк-Ситига қатнашга йўл харажатлари учун пул тўлаб берилган.*

*Шу муносабат билан бошқа мамлакатлардаги шаҳарлар илгари Олимпия ўйинларини ўтказиш ҳуқуқини қандай қўлга киритган эканлар, деган савол туғилади.*

## 4.0 Коррупциянинг тарихдаги ўрни

Коррупция даражаси фуқаро билан давлат тизимлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характерига боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, коррупция фуқаролик жамияти назорати остида бўлмаган ва мустақил ишлаган давлат тизимларида пайдо бўлиб, тарқалади. Мисол учун айтадиган бўлсак, классик ёки анъанавий монархия ҳукмронлик қилган ўрта аср давлатлари тизимларида коррупциянинг олдини олиш мумкин бўлмаган. Шу билан бирга у давлат сиёсати шаклларидан бири сифатида қабул қилинган. Бир неча юз йилликлар давомида Шарқий Осиёнинг зўравонлик режимларида (Эрон шоҳлиги, Марказий Осиё хонликлари ва амирликлари, Жануби-Шарқий Осиёнинг баъзи давлатлари ҳамда турк империясида) олий ҳукмдор одатда маҳаллий давлат маъмуриятлари лавозимларини сотар эди. Бу лавозимларни кўпроқ ҳақ берган одамлар оларди. Бундай лавозимни сотиб олган одам ўша лавозимга эга бўлгач, сарф қилган харажатларини тиклаб олишини олдиндан биларди. Негаки, ўша лавозимга ўтиргач, у пора олиш ва маҳаллий аҳолини талаш имкониятларига эга бўлиб қоларди. Бошқача қилиб айтганда, коррупция юқори ҳокимият, маҳаллий ҳокимият ҳамда оддий одамлар ўртасидаги муносабатларда томир отган.

Юз йилликлар мобайнида давом этган муносабатларнинг бундай кўриниши қуйироқ табақадаги аҳоли вакилларининг юқори табақалардагиларга шахсий тобелигининг иерархик тизимига асосланган бўлиб, тенгликнинг хеч қандай шаклларини ривожлантиришга хизмат қилмасди. Ўшанда одамлар бу муносабатларнинг қандайдир бошқача бўлишини хаёлларига ҳам келтирмасдилар. Шу сабабли улар буни оддий ҳол, деб қабул қилишарди.

Олий ҳукмдор одатда маҳаллий амалдорлар ўзларига кўпроқ нарса олишга интилиб, олий ҳукмдор ҳокимиятига хавф туғдирадиган даражада қаттиқ норозилик ҳамда ғалаёнлар бўлиб кетиш хавфи туғилгандагина ўз амалдорларининг ишларига аралашар эди.

Давлат тизимлари демократлаштириш йўлида ривожланиб боргач, монархия давлатларида коррупциянинг ўта юқори даражаси оддий ҳол сифатида қаралмайдиган бўлиб қолди. Бу савдо ва саноатнинг ўсиши ҳамда хусусий мулкнинг мустаҳкамланиши, қироллар, олий ва маҳаллий ҳукмдорларга тобе бўлмаган одамларнинг янги синфи пайдо бўлиши билан юзага келди.

Лекин саноат ёки савдо капитали ривожланишини таъминловчи ёки тўхтатиб қолувчи назорат-бошқарув механизмлари монархик ҳокимият қўлларида сақланиб қоларди. Шу сабабли эркин ва мустақил мулк эгалари ўз ишларининг бир маромда юриб туришлари учун сиёсий ҳокимиятга эга бўлган одамлар билан яхши муносабатларни сақлаб қолишга интилардилар.

Давлат ҳокимиятининг янги, парламент шакли тикланиб, қонуннинг барча нарсадан устунлиги қоидасига амал қилина бошлагач, одамларнинг турли табақалари орасидаги муносабатлар шундай ўзгариб кетдики, натижада ҳар бир фуқаро энди бошқаларга тобе бўлмаган, тенг ҳуқуқли одам ҳисоблана бошлади. Энди одамларнинг маълум ҳуқуқлари бўлиб, улар ўша ҳуқуқларнинг бажарилишини илтимос қилмас, балки талаб қилар эдилар. Давлат лавозимини эгаллаб турган одам энди фуқароларга уларнинг ҳуқуқларини амалга оширишга имкон берувчи ходим вазифасини бажара бошлади. Одамлар ўз ҳуқуқларини кўпроқ англай бошлагач, коррупцияга нисбатан сабр-бардош камайиб борди ва энди уни жиноят деб ҳисоблай бошладилар.

**Ҳаракатларнинг йўл қўйилиши ёки қораланиши (фоиз)**

**Савол:** ***Сиз нима деб ўйлайсиз, қуйидагилар йўл қўйилиши мумкин бўлган ҳолатларми ёки қораланиши зарурми?*** *(ПРООН сўрови, 2002 йил).*

| | Бемалол йўл қўйилиши мумкин | Умуман олганда, йўл қўйилиши мумкин | Умуман олганда, қораланиши лозим | Мутлақо қораланиши лозим | Жавоб беришга қийналаман |
|---|---|---|---|---|---|
| Қариндош, таниш ёки танишларининг фарзандларини таниш-билишлик билан, одатдаги амалларни четлаб ўтган ҳолда ишга, институтга, яхшироқ касалхона ёки мактабга жойлаштириш. | 26 | 27 | 26 | 16 | 5 |
| Хизмат пиллапоясидан кўтарилиб бориш учун алоқалар ва таниш-билишлардан фойдаланиш. | 22 | 29 | 27 | 17 | 5 |
| Врач ёки ўқитувчи учун – ўз мижозлари ёки ўқувчиларининг ота-оналаридан совға олиш. | 22 | 33 | 24 | 16 | 5 |
| Сизга кўрсатган хизмати учун «керакли» одамни рози қилиш (масалан, гул, конфет, коньяк олиб келиш орқали). | 28 | 43 | 16 | 7 | 5 |
| Ўз муаммоларингизни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин бўлган одам билан биргаликда истеъмол қилинган тушлик ёки ичимликнинг пулини тўлаш. | 22 | 39 | 22 | 11 | 6 |
| Ўз муаммосини ижобий ҳал қилиш ёки уни ҳал қилишни тезлатиш учун амалдорга пора бериш. | 14 | 25 | 33 | 22 | 7 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Қандайдир шахсий муаммони ечиш эмас, ўз ташкилоти ёки фирманинг манфаатлари йўлида пора бериш. | 15 | 27 | 30 | 18 | 8 |
| Қандайдир ишни «бости-бости» қилиб юбориш ёки бирор нохуш масала ва бюрократик амалларни четлаб ўтиш учун пул бериш. | 13 | 23 | 31 | 24 | 9 |
| Кўрсатилган хизмат учун бошқа соҳада (иш юритишнинг одатдаги тартибини четлаб ўтган ҳолда) шунга ўхшаш хизмат кўрсатиш. | 10 | 26 | 32 | 19 | 13 |
| Солиқ тўламаслик. | 8 | 13 | 31 | 40 | 7 |
| Порахўр ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан хабар бериш. | 24 | 27 | 18 | 15 | 15 |

### 5.0 Сиёсат ва ҳокимиятга таъсир этувчи криминал тузилишлар




А. Турдукожоева, Л. Жуматаева, Э. Гапирова, А. Мурапалиева, Г. Капибекова. Жалолобод вилояти, 3-ўрин, 2003.

Давлат ҳокимиятининг «криминал тузилишлар» деб аталувчи, яъни жиноий ташкилот ва гуруҳлар қўлларига олган бошқарув шакли энг даҳшатли ва жирканч бўлса керак. Ғаразли мақсадларга эришиш учун давлат ҳокимияти энг кучли восита ҳисобланади. Бундай шароитларда жиноий гуруҳлар пора олиш, товламачилик, давлат бюджетини бошқариш, ташкилот ва оддий фуқароларни шантаж қилиш кабилар учун кенг имкониятларга эга бўладилар.

Давлат ва унинг фуқаролари ҳуқуқи учун хавф туғдирган яна бир нарса қариндош-уруғчилик ёки маҳаллийчилик асосида давлат ҳокимиятининг гуруҳбозлар қўлига ўтиб кетишидир. Бундай гуруҳларнинг бошқаруви криминал тузилишлар бошқарувига ўхшайди. Бундай бошқарув шахсий мустақиллик эмас, балки давлат манфаатларидан тубдан фарқ қилувчи манфаатлар тизимига асосланган бўлади. Мана шунинг учун Италия мафиясининг дастлабки бирлашмалари ўзларини оила деб атаганлар.

Давлат тизими бир оиладан келиб чиққан ва бир-бирига тобе бўлган одамлардан иборат бўлса, унда бир-бири билан боғлиқ бўлган одамлар ҳамда қариндошларининг манфаатлари биринчи ўринга чиқиб, давлат манфаатлари иккинчи даражали бўлиб қолади. Уларнинг эгаллаган мавқелари ўша одамларнинг тор доирадаги, корпоратив манфаатларини амалга ошириш воситаси сифатида қараладиган бўлиб қолади. Бундай тизимда одамлар «ўзининг» одамлари ёки «бегоналарга» бўлиниб қоладики, бу бўлиниш фуқаролик тамойилларига асосланмайди. Одам жиноийлашган амалдорлар кўзи олдида «ўзиники» эканлигини тан олгачгина, у амалдаги иерархияда эгаллаб турган лавозимига қараб баъзи ҳуқуқларни қўлга киритади. Бундай тизимда одам ўз лавозимига ҳеч қачон қобилиятлари ва билимлари асосида тайинланмайди.

### 6.0 Коррупция нимага олиб келади?

Ривожланаётган давлатлар устидан ўтказилган тадқиқотларда коррупция ижобий иқтисодий функцияларни бажаради, деб таъкидланади. Гўёки у ишбилармонларга бюрократик тўсиқларни енгиб ўтиб, сармоялар, турли янгиликлар киритиш ва бошқарув тажрибаларини ривожлантиришни рағбатлантиради. Бундай фикрлар, айниқса, коррупция иш ва юриш-туришнинг меъёрига айланиб қолган ҳолларда ҳақиқатга тўғри келмайди.

Коррупциянинг кенг тарқалиши самарасиз иқтисодиётга ҳамда қашшоқликка олиб келиши мумкин, чунки:

- Ишбилармонлар ўзларининг товарлари ёки кўрсатган хизматлари учун тўланадиган ҳаққа порага бериладиган пулни ҳам кўшиб ҳисоблайдилар. Акс ҳолда улар ҳеч қандай фойда олмайдилар. Шу сабабли улар ишлаб чиқариш харажатларини ошириб юборадилар. Натижада уларнинг товарлари коррупция камроқ ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган худди шунга ўхшаш товарларга нисбатан қимматроқ бўлиб, рақобатбардошлигини йўқотади.
- Коррупциядан тушган даромад кўпроқ сармоялар учун эмас, балки шахсий истеъмол учун фойдаланилади. (Бу шуни билдирадики, қонунсиз топилган даромад янги бинолар ва заводлар қуришга эмас, балки қайтариб олиш қийин бўлган нарсалар, масалан, таътил, кийим-кечак ва бошқаларга сарфланади).
- Коррупция дадил ишлаётган ишбилармонлар учун эмас, балки яхшироқ сиёсий алоқаларга эга бўлган одамлар учун қулайдир. Одатда энг юқори ишлаб чиқаришни таъминлаб, катта истеъдодга эга бўлган, дадил ҳаракат қилаётган ишбилармонлар ўзларининг қобилиятлари муносиб равишда баҳоланадиган бошқа давлатларга чиқиб кетишга ҳаракат қиладилар. Ўз давлатида қолганлар эса билим даражаларини оширишга қизиқмайдилар, биладиларки, уларни қилган меҳнатлари ёки қобилиятларига қараб баҳоламайдилар.
- Коррупция хизмат кўрсатиш нархининг ошишига олиб келади ва кўпинча унинг сифатини пасайтириб юборади. Мисол учун, амалдор берилган аризага асосан ҳужжатларни расмийлаштириш учун икки ҳафта талаб қилинишини билади. Бироқ мижозга пора берилмаса, ариза икки ой давомида қаралмай ётиши мумкинлигини айтади. Бошқача айтганда, сиз ўзингизга кўрсатилаётган хизматнинг яхшиланган сифати учун эмас, сизга шундоқ ҳам кўрсатилиши лозим бўлган хизмат учун пора берасиз.
- Коррупция одамларнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаради. Шу сабабли улар қонунни унчалик менсимайдилар ёки солиқларни истамайроқ тўлайдилар. Бу эса ойлик, пенсия каби тўловлар бўйича қарзларнинг ўсиб кетишига олиб келиши мумкин. Натижада йиғилган солиқларнинг етишмаслиги туфайли давлат ходимларнинг ойлик маошларини вақтида тўлаб беролмай қоладики, оқибатда улар яна коррупциянинг даромадларига тобе бўлиб қоладилар.

**КИМ ТЎЛАЙДИ?**

***Қаҳвахона бекасига электр энергияси учун катта миқдорда пул тўлашга ҳужжат келтириб беришди. Аёл электр таъминоти тизимида ишлайдиган бир одамга мурожаат қилганда, у пора эвазига электр ҳисоблагичи аввалгидан озроқ ёзадиган қилиб бераман, дейди. Аёл бунга рози бўлади, энди унинг даромади кўпая бошлайди, чунки туни билан электр чироғи ўчмайди. Орадан бир неча ой ўтгач, ўша ҳудуддаги уйлар, бизнес биноларини электр қуввати билан таъминлаётган линияда ҳалокат юз беради. Катта зарар кўрган энергетика компанияси линияни тузатишга бир ҳафта овора бўлди.***

Коррупция сиёсатда хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Сиёсий коррупция нодемократик давлатларда кенгроқ тарқалган бўлишига қарамай, у кўпроқ демократик давлатда хавфлироқдир. Чунки у демократия асосида ётган икки муҳим тамойилни, фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги ва сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг очиқ-ойдинлигини йўққа чиқаради. Пора олишлар оқибатида талаб қилинаётган пулни беришга тайёр турган одамлар учун давлат ресурслари "қўл узатса етгудай" бўлиб қолади. Бундай ҳолат коррупцияга аралашмаган фуқароларда одам «фойдали шахсий алоқалар»га эга бўлгандагина инсон ҳисобланади, деган фикрни пайдо қилади.

Коррупция тарқалган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари саховатпешаликка айланиб қолади. Коррупция кен-

**ҲУШЁРЛИК ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛАРИ – КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХАВФЛИ КУЧ**

***Коррупция кенг тарқалган ҳодисага айланганда жамоатчилик бунга «ҳақиқатни тиклаш» гуруҳларини тузиш билан жавоб қилади. Фуқаролар гуруҳларга бирлашиб, кўчаларга чиқадилар ва ўзлари атрофда содир этилаётган жиноятларни тўхтатишга ҳаракат қиладилар. Эҳтимол, яхши ният билан ташланган бундай қадамларни ёқтириш, тушуниш мумкин, бироқ кўпинча бу саъй-ҳаракатлар қонун доирасидан чиқиб кетади, яъни улар қонун бўйича ўзларининг ҳақи бўлмаган ишларни бажаришади.***

***Бунга мисол тариқасида 2004 йили Перуда бўлган воқеани айтиш мумкин. Ўшанда бир тўп оломон мэр хонадонига бостириб кириб, уни коррупцияда айблаб, калтаклаб ўлдирган эди. Бу ҳеч қандай суд аралашувисиз рўй берган, демак, мэрнинг ўзини оқлашга ҳеч қандай имконияти бўлмаган.***

***Муаммо очиқ-ойдин кўриниб турибди: шахс ҳукмронлиги қонун устуворлигини йўққа чиқарганда ўта жирканч ва адолатсиз усуллар ҳамда воситалар қўлланади.***

***Биз нима қила оламиз? Албатта, биринчи навбатда фуқаро сифатида ҳукуматдан коррупцияга қарши маълум чоралар кўришни талаб қилишимиз керак, акс ҳолда сайловларда унга қарши овоз беришимиз зарур. Агар фуқаролар сайлов жараёнига коррупция аралашганини ҳис қилсалар, унда ўзлари кузатувчиликни ташкил қилишлари керак.***

чалик кенг тарқалган бўлса, фуқароларга шунчалик сиёсий ҳомий зарур бўлади ва улар ана шу ҳомийлик учун шунчалик катта хохиш билан пул тўлашга рози бўладилар.

Коррупция жамиятнинг кенгроқ қатламларини қоплаб бориб, ўша жамиятдаги маънавий асосларни яксон қилиши мумкин. Сабаби, коррупциялашган давлат тартиблари одамларнинг бутун авлодларини дунёга келтирадики, улар:

а) кўр-кўрона итоатгўй бўлиб қоладилар;
б) кўп ҳолларда кўрсатган ташаббускорликлари учун жазо оладилар;
в) бошқаларга камроқ ишонадилар;
г) ўзларининг қандайдир ҳуқуқлари бор эканлигини ўйламайдилар.

Ўз навбатида бу одамлар жамоатидаги бошқа одамларга ёки оиласидагиларга нисбатан худди шундай муносабатда бўладилар.

Одатда коррупция бундай жамиятда вабодек ҳаракат қилади: у юқумли дард каби аҳолининг барча қатламларига тарқалади. Бу ҳол кўпинча сиз қандайдир мутлако қонуний ҳаракат аклга тўғри келадиган маълум вақт оралиғида бажарилишини истасангиз ҳам, коррупцияга муқобил ҳеч қандай тизим йўқ бўлган ҳолатларда юзага келади. Бу жуда ҳам хавфли, негаки, юқори даражали лавозим эгалари уларни ҳеч қачон коррупцияда айблаб, қўлга туширишлари мумкин эмаслигини яхши биладилар. Сабаби, уларни коррупцияда айблаши мумкин бўлган одамлар тор доирада бўлса ҳам, коррупцияда етарлича айбдор ҳисобланадилар. Кўпчиликнинг гапига қараганда, бундай жамият ҳалокатга маҳкум. Чунки коррупция бу нарсага аралашмаган одамларга ҳам катта таъсир ўтказиши мумкин. Ахир уларнинг кундалик турмушлари учун зарур бўлган харажатлар миқдори ортиб боради ва шу вақтнинг ўзида ўз мамлакатидан фахрланиш учун сабаблар тобора камайиб боради. Шундай қилиб, эртами-кеч улардан коррупцияга аралашган ҳолда фаолият юритишни талаб қиладилар.

### 7.0 Коррупцияни қисқартириш учун нима қилиш мумкин?

Жуда каттиқ қонунлар қабул қилинганлигига қарамасдан, коррупция яшашда давом этмоқда. Лекин айнан жамиятга давлат органлари устидан назорат ўрнатишга имкон берувчи демократия ва ҳуқуқий механизмларнинг ривожланиши коррупцияни жиловлаб туришни таъминлайди.

Бу нарса эркин оммавий ахборот воситалари ва расмий мавкеларига қарамай, коррупцияга аралашган фуқароларнинг ўч олишидан қўрқмасдан жазолай оладиган мустақил суд тизими бўлишини тақозо қилади. Шунингдек, коррупция йўли билан олинадиган фойдаларни қисқартириш ва бунинг учун кетадиган харажатларни ошириш мумкин. Масалан, турли мамлакатларда қонунлар коррупция учун жуда қаттиқ жазо белгилайди. Бироқ шу билан бирга бюрократик расмиятларни соддалаштириб, баъзиларни ҳисобга олмаганда, деярли барча фаолият турлари учун рухсат олиш заруратини йўққа чиқариш билан бу мамлакатларда коррупциянинг яшаб қолиши учун имкониятлар камайтирилган.

Коррупцияга қарши курашишнинг бошқа усуллари ҳам бор. Масалан, давлат ходимлари ва хусусий ишбилармонлар фаолиятининг кодексини қабул қилиб, коррупциянинг «ахлоқий харажатларини» ошириш (бу синфингизда қабул қилинган «олтин қоидалар»га озгина ўхшаб кетади). Айтайлик, давлат аппарати ходимларини ишга тайинлашда ишбилармонлик ва ахлоқий сифатларга кўпроқ эътибор берилиб, давлат хизматида ишлаш учун фахрланиш туйғуси шакллантирилади. Кўплаб мамлакатларда фаолиятнинг турли соҳаларида (масалан, банк тизими ёки соғлиқни сақлаш соҳасида) омбудсменлар

**Коррупцияга қарши курашишни нимадан бошлаш керак? (аҳоли)**

*(ПРООНнинг сўровидан, 2000 й.)*



ишлайдилар. Алоҳида одамларнинг ҳуқуқлари поймол этилган ҳолатларда омбудсменлар уларга адолатни тиклашда ёрдам берадилар.

*Фуқаролар ва юридик шахслар раҳбарлари қилаётган ишларида жиноят аломатлари ва таъмагирлик бўлмаган давлат хизматчиларига қонунсиз равишда моддий рағбат, совғалар берса, уларга имтиёз яратса ёки хизмат кўрсатса, Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортиладилар.*

*(«Коррупция билан курашиш тўғрисида» ҚР қонунидан, 2003 йил).*

Бу воситалар коррупцияни таг-туги билан йўқотиб юбормаса ҳам, коррупциянинг демократия ҳамда миллий иқтисодиётга хавф туғдирадиган даражада ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун етарли бўлади.

Биз ўзимизни коррупцияга аралашган ишларга тортиш учун қилинган тазйиққа қарамасдан, фуқаролар сифатида бу ҳодиса тўғрисидаги фикрларимизни доимо очиқ-ойдин айтишимиз мумкин. Коррупциянинг оқибатларини билмаслик ва сукут сақлаш коррупция устуворлигини таъминловчи икки асосий омиллардир.

## Матнни ўқигандан кейинги машқлар

### 03-топшириқ. Коррупциянинг таърифи.

Қуйидаги вазиятларни қараб чиқинг. Икки кишидан бўлиниб олган ҳолда қуйида кўрсатилган вазиятларнинг коррупция, коррупция ва сотиб олиш, шунчаки ноқонуний ҳаракатлар ёки бўлмаса коррупция ҳам, ноқонуний ҳам, нотўғри ҳаракатлар ҳам эмаслиги ҳақида хулоса чиқаринг. Ўз хулосаларингизни тушунтириб беришга тайёрланинг.

| № | Вазиятлар | Бу нима |
|---|---|---|
| 1 | Йигитнинг оиласи бир қизнинг оиласига ўша қизнинг бу йигитга турмушга чиқишга рози бўлиши учун маълум миқдорда пул тўлаб туради. Қиз бу ҳақда билмайди. | Сотиб олиш, лекин коррупция эмас |
| 2 | Давлат органи раҳбари ўзининг хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда университет ўқитувчиларини ўз қизининг имтиҳонда оладиган баҳоларини юқорилатиб қўйишга мажбур қилади. | |
| 3 | Компания танловда қатнашиш учун пудратчи сифатида ариза беради ва танловда енгиб чиққандан сўнг бу компаниянинг ғалабаси ҳақида қарор қабул қилган танлов комиссияси раисининг курортда дам олиши учун йўлланма ҳақини тўлаб беради. | |
| 4 | Маълум бир миллат вакилларига солиқ тўламасликка рухсат берувчи қонун қабул қилинади. | |
| 5 | Давлат амалдори ўзининг қариндошларига бепул хат жўнатиш учун ўз ташкилотининг муҳри босилган почта конвертларидан фойдаланади. | |
| 6 | Давлат амалдори ўз ташкилотига акасининг қизини ҳисобчи лавозимига ишга жойлаштиради. Бу иш жойининг бўш эканлиги ҳақида кенг хабар берилмаган. Бироқ Рената (амалдорнинг жияни) жуда кучли ҳисобчи. | |
| 7 | Доктор даволаниб бўлиб касалхонадан чиқиб кетаётган мижозидан бир қути шоколад конфетларини олди. | |
| 8 | Унча катта бўлмаган ҳақ учун мактаб ўқувчиларини қишлоқ кўчаларини тозалашга мажбур қилишади. | |
| 9 | Ходим ўз компаниясининг товарларини ўғирлаб, уларни бозорда сотади. | |
| 10 | Вазирликнинг бўлими лицензия бериш учун янги тўловлар киритилганлигини эълон қилади. Бу эълон газетада босилади. | |
| 11 | Кенгаш депутатлигига номзод сайловчига ўзига овоз берса, уни давлат муассасасига ишга жойлаштириб қўйишини айтади. | |

### 04-топшириқ. Сиз нима қилган бўлардингиз? Сиз кимсиз?

Қуйида бир неча вазият баён қилинган. Уларнинг кўпчилиги коррупцияга мисол бўла олмайди. Лекин уларнинг барчасида қарор қабул қилишдан олдин сиз ўзингизнинг ахлоқий тамойилларингиз ҳақида ўйлаб кўришингиз талаб қилинади.

Ҳар бир ўқувчи берилган вазиятни ўқиб чиқиб, бу вазият ўзининг ҳаётида юз берганида қандай йўл тутиши мумкинлиги ҳақида бир қарорга келиши лозим. Шундан кейин ўқувчилардан бири бошқалар

(«судьялар»)га қарама-қарши ўтирган ҳолда, ўзининг ҳақиқатни гапириши ёки алдамоқчи эканлиги ҳақида яширин ҳолатда қоғозга ёзади. Бу қоғоз варағи гуруҳ ўтирган столнинг ўртасига уни ҳеч ким ўқиёлмайдиган қилиб жойлаштирилади (масалан, китобнинг тагига). Шундан сўнг ўша ўқувчи берилган вазиятда қандай йўл тутиши ҳақида гапириб беради. Бу ҳолда унинг гапираётган гапи рост ёки ёлғон бўлиши (ўзи қоғозга ёзган қарорига нисбатан) мумкин. Гуруҳнинг бошқа аъзолари унинг қанчалик тўғри гапираётганлигини аниқлашлари керак (ҳар бир «судья» ўзининг шахсий фикрини айтади). Шундан сўнг боягн қоғоз очилиб, гуруҳ аъзолари уни ўқийдилар ва бояги ўқувчи ҳақиқатда нима қилиши мумкинлигини биладилар. Шундан сўнг ўша ўқувчи бошқа «судьялар» билан бирга ўтириб, унинг ўрнини гуруҳнинг бошқа аъзоси эгаллайди. Мана шундай тартибда навбат билан ҳар бир ўқувчи ёрдамида барча вазиятларни таҳлил қилиб чиқиш керак.

**Вазиятлар:**

1. Сиз ичида 50 доллар пули ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган ҳамённи топиб олдингиз. Сиз ҳамённинг эгасини танимайсиз, бироқ ҳайдовчилик гувоҳномасида унинг кўшни шаҳарда яшаши кўрсатилган. Сиз нима қиласиз?
2. Сиз плейер сотиб олдингиз. Унинг кафолат муддати бир ой. Уч кундан сўнг сиз уни ерга тушириб юборасиз. У бузилиб қолади, лекин ташқи кўринишида ҳеч нарсаси бузилмаган. Сиз уни ўзингиз сотиб олган магазинга олиб борасиз. У ерга боргач, плейерни ерга тушириб юборганлигингизни тан оласизми?
3. Кучли сел келиши оқибатида сиз яшаб турган жойдаги бир қатор қишлоқларнинг аҳолиси бутун мулкидан маҳрум бўлдилар. Давлат органларининг вакиллари жабр тортган қишлоқлар аҳолисини баландроқда жойлашган бошқа қишлоққа кўчирмоқдалар. Халқаро ташкилот сизнинг қишлоғингиздаги барча оилага озиқ-овқат, пул ва баъзи қурилиш материалларини тарқатмоқда. Сиз баландроқда жойлашганлиги учун сел оқибатида жабр тортмаган ёлғиз уйда яшайсиз. Гуманитар (инсон муаммолари билан шуғулланадиган) ташкилот ходими сизнинг оилангизга пул, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат таклиф қилса, қандай йўл тутасиз?
4. Ўқув йилининг охирида мактабда битириш имтиҳонлари ўтмоқда. Агар сиз имтиҳонларни муваффақиятли топширсангиз, бошқа давлатга бориб ўқиш имкониятига эга бўласиз. Имтиҳон бошланишидан икки кун олдин ўқувчилардан бири сизга имтиҳон савол ва жавобларининг ноқонуний йўл билан тайёрланган нусхаларини таклиф қилади. Сиз нима қиласиз?
5. Сизнинг амакингиз Мурод ака давлат муассасаларининг бирида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Кунлардан бир куни у сизларнинг уйингизга келиб, ўзининг ойлик маоши ошганлиги ва шанба куни сизни ва амакиваччаларингизни Москвага олиб бориб келмоқчи эканлигини айтади. Ўша куни кечқурун сизнинг дўстингиз Одил амакисининг ўғли Бахтнинг гиёҳвандлик моддаларини ортиқча истеъмол қилиши оқибатида қаттиқ хасталаниб ётганини айтади. Гиёҳвандлик моддаларини қаердан олдинг, деган саволга Одил давлат муассасасининг қандайдир бўлимида ишлайдиган Мурод исмли кишидан сотиб олганлигини айтади. Гап амакингиз ҳақида кетаётганлигини тушунасиз.
6. Сиз мактабни тугатдингиз ва иш излаяпсиз. Сиз бир муассасага ишга жойланиш учун суҳбатга келасиз. Бир ҳафтадан сўнг сизга ишга олинганлигингиз тўғрисида айтишади. Ишга чиққанингиздан кейин иккинчи куни сиз билан суҳбат ўтказган одам келиб дейди: «Сен мен сабаб бўлиб ишга жойлашганлигингни тушунасан-ку, тўғрими?» Сиз жавоб берасиз: «Ҳа, албатта». Шунда у дейди: «Бундай ҳолларда бу ерда қабул қилинган одатга кўра, биринчи ойлик маошингни менга беришинг керак бўлади». Сиз нима қиласиз?
7. Сизнинг автомашинангиз бор-у, унинг радиоприёмниги йўқ. Сиз дўконга бориб, радиоприёмникнинг қиммат туришини кўргач, уни олмасликка қарор қиласиз. Бир неча кун ўтгач, нотаниш бир одам келиб, сизга ўзининг ҳақиқий нархининг ўн фоизи миқдоридаги пулга янги автомобиль радиоприёмнигини сотиб олишни таклиф қилади. Сиз приёмникнинг ўғирланган бўлиши мумкинлигини тушунасиз. Нима қилиш керак?

### 05-топшириқ. Берувчи айбдорми ёки олувчими?

Шеригингиз билан қуйидаги вазиятларни ўқиб чиқинг. Тасаввур қилингки, сиз янги қонун ишлаб чиқараётган парламент депутатисиз. Сиз қуйидаги саволни муҳокама қилишингиз керак: «Биз кимни кўпроқ жазолашимиз керак–порахўрними ёки пора берувчинними?»

1. Бир аёл яшайдиган уй ёниб кетди ва ёнғинда унинг барча ҳужжатлари куйиб кетди. У янги ҳужжатларини олиш учун жўнайди. Паспорт столида ишловчи аёл янги паспортни расмийлаштириш учун камида уч ой кетишини айтади. Кайфияти бузилган аёл нима учун бунча кўп вақт кетишини сўрайди. Паспортчи аёл паспорт столида иш жуда кўплиги, лекин ходимларнинг етишмаслигини айтади. Кейин у агар шахсан ўзига қўшимча ҳақ тўлаб

буни паспорт столи бошлиғига айтмаса, паспортни навбатсиз, бир ҳафтадан кейин бериши мумкинлигини айтади. Аёл паспортчи ходимга талаб қилинган пулни беради.

2. Бир аёл ўзининг шахсий кичик бизнеси билан шуғулланишни хоҳлайди. У ишни очиш учун бир нечта лицензия олиши керак бўлади. Аёл лицензиялар берувчи бошкармага телефон қилиб, бошқарма бошлиғи билан учрашиш ҳақида келишиб олади. Суҳбат давомида аёл бошлиқнинг ўғли касал эканлигини билади. У бошлиққа агарда унга керак бўлган барча рухсатномаларни расмийлаштириб берса, унинг ўғлини даволаш учун кетадиган барча харажатларни тўлашини айтади.

**06–топшириқ.** **Коррупциянинг оқибатлари.**

Қуйида кўрсатилган каби бир коррупция ҳолатининг барча оқибатларини кўрсатувчи схемани чизинг. Шунингдек, схемада коррупциянинг сизнинг оилангиз, ўзингиз, сиз яшаётган жойдаги одамлар ва бутун Қирғизистон фуқароларига таъсир қиладиган оқибатларини ҳам кўрсатинг.

*Ёш йигит туман давлат маъмуриятига келиб, тегишли бўлимда кўчада савдо қилиш учун зарур бўлган рухсатномани олиш учун нима қилиш лозимлигини сўрайди. Котиба аёл бунинг учун 200 сўм миқдорида давлат пошлинасини (йиғимини) тўлаш лозимлигини, лекин уни олиш учун 8 ой кетишини айтади. Суҳбат давомида маълум бўладики, улар қариндош эканлар. Шунда котиба одатда давлат пошлинасига қўшиб 100 сўм тўланса, лицензияни бир ҳафтада расмийлаштириш мумкинлигини айтади. Бироқ улар қариндош бўлганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш шарт эмаслигини билдиради.*

**07–топшириқ** **Бу қаерда юз бермоқда? Аҳволни қандай ўнглаш мумкин?**

Агар фаол равишда кураш олиб борилмаса, коррупция ҳар қандай касб ва ҳар қандай давлатда ҳам учраши мумкин. Шеригингиз билан қуйида кўрсатилган лавозимларни ўрганиб, уларга тегишли бўлган топшириқларни баён қилинг. Кейин ўша лавозимларни қандай суиистеъмол қилиш мумкинлиги ва коррупцияга йўл қўймаслик учун қандай қонунлар қабул қилиш лозимлигини тушунтиринг (баъзи жавоблар намуна учун жадвалга киритилган). (Ёдингизда бўлсинки, одам масъул лавозимни эгаллаган бўлса, бу коррупцияга берилганлик, дегани эмас).

| № | Лавозимлар | Мажбуриятлар | Мумкин бўлган коррупция ҳолатлари | Қандай қилиб коррупциянинг олдини олиш мумкин |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Судья | Қонун бузилганми ёки йўқлигини аниқлаш | | |
| 2 | Врач | Тиббий ёрдам кўрсатиш | | |
| 3 | Фермер | | Ерларни суғориш учун навбатсиз сув олиш мақсадида пора бериш | |
| 4 | Ўқитувчи | | | |
| 5 | Новвойхона эгаси | | | |
| 6 | Кенгаш депутати | | | |
| 7 | НДТ ташкилотчиси | | | |
| 8 | Университет девонининг котиби | | | |
| 9 | Милиционер | | | |

**08–топшириқ.** **Кимни айблаш керак?**

Шеригингиз билан қуйидаги саволни муҳокама қилинг:

*«Коррупция давлат аппаратининг айбими ёки унинг учун жамиятнинг кенг қатламлари жавобгарми?»*



Энди ўз фикрингизга асосланиб, улар орасидаги жавобгарликни бўлиштиринг.

| № | Одамлар ёки ташкилотлар | Ҳаммадан кўпроқ жавобгар | Қисман жавобгар | Жавобгар эмас |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳукуматимиз раҳбарлари | | | |
| 2 | Бой одамлар | | | |
| 3 | Сиёсатчилар | | | |
| 4 | Ишбилармонлар | | | |
| 5 | Коррупция курбонлари | | | |
| 6 | Бизнинг ота-оналаримиз | | | |
| 7 | Менинг дўстларим | | | |
| 8 | Мен | | | |

**09–топшириқ. Бу нарса қонимизда борми?**

Тўрт кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлаб, қуйида кўрсатилган турли хил фикрларни муҳокама қилинг. Уларнинг қайси бири сизнинг шахсий фикрларингизга яқинроқ эканлигини аниқланг.

***Икром:*** Коррупция кундалик ҳаётимизнинг бир қисмини ташкил қилади. Бу ерда биз ҳеч нарса қила олмаслигимизни тан олишимиз керак. Бойлар доимо коррупцияга аралашган бўладилар, камбағаллар эса улардан намуна олишга ҳаракат қиладилар. Нима бўлганда ҳам, амалдорни сотиб олиш ёки пора бериш зарур бўлган ҳаракатларни бажаришни тезлаштириш усули бўлиб, ишбилармонларга ўз ишларини тезроқ битиришга ёрдам беради.

***Малика:*** Коррупция Марказий Осиё халқлари менталитетининг бир бўлагини ташкил қилади. Коррупцияга қарши курашадиган баъзи одамлар бўлса ҳам, унга қарши кураш бекорга куч сарфлаш, демакдир. Келинг, ҳаётга реалроқ қарайлик: биз коррупция жараёнига аралашмасак, яшай олмаймиз. Балки мулкдор одамлар жуда бойиб кетгач, уларнинг бойлигидан бир қисми бизларга ҳам тегар. Менинг фикримча, одамлардан оз-оздан пул олиб туриш мумкин, сабаби, ҳамма шундай қилади.

***Омон:*** Коррупцияни мен ўзини ўзи ишонтириш, деб атайман. Коррупцияга аралашган амалдорлар, айниқса, юқори лавозимларни эгаллаганлар, бизларни ана шу нарсага ишонишга мажбур қилмоқчи бўладилар. Агар биз бу нарсани албатта бўлиши лозим бўлган нарса деб ҳисобласак, унда ҳамма коррупционер бўлиб кетади. Менинг фикримча, коррупция ҳар қандай жамиятда ҳам бор. Лекин баъзи жойларда уларга муросасиз муносабатда бўладилар ва одатда коррупцияга аралашганларни қаттиқ жавобгарликка тортадилар.

***Эркиной:*** Бу нарса менталитетимизнинг бирор бўлагини ташкил қиладими, йўқми, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Бундан ташқари, коррупция мамлакатда қанчалик кўламда ёйилганлиги ва қандай даражада намоён бўлаётганлиги ҳам муҳим эмас, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ёмон нарса. Коррупцияга аралашганларнинг ҳаммасини бирдай жазолаш керак. Коррупцияга аралашган амалдорлар ҳам, хусусий компанияларнинг коррупцияга аралашган ходимлари ҳам бирдай. Улар миллий иқтисодиётни тубанликка тортмоқдалар. Шунинг учун улар террорчиларга тенглаштирилиши лозим. Одатда одамлар ширин кўринган нарсаларга қарши тура олишлари ва бошқа одамларнинг ғайриқонуний ҳаракатларига яраша муносабатда бўлишлари керак. Менинг фикримча, ўз миллати билан фахрланган одамлардан ҳеч қайсиниси бундан бошқача йўл тутолмайди.

**10–топшириқ. Нима ўзгаради?**

Тўрт кишилик гуруҳларга бўлинган ҳолда ишлаб, ушбу тақдим этилган маълумотни ўқинг.

*2002 йили АКСЕЛС ташкилоти Қирғизистонда «Таълим ва ўқитиш усулларини баҳолаш маркази» (ТЎУБМ) мустақил тест ташкилотини тузди. Бу ташкилот ҚР Таълим вазирлигининг буюртмаси бўйича республика олий ўқув юртларига кириш учун мактаб ўқувчиларининг умумреспублика тест синовларини ўтказади. Бундай тест синовларидан мақсад – келгусида ўқишни давом эттирувчи энг қобилиятли абитуриентларни танлаб олиш ва уларга олий ўқув юртларида бепул ўқиш имкониятини бериш.*

ТЎУБМнинг фаолияти қандай натижа бериши ва бу марказ ҳалол ҳамда адолатли ишлаши учун қайси жиҳатларга аҳамият бериш зарурлигини муҳокама қилинг.

# XX БОБ

# Глобал муаммолар ва бутун дунё фуқароси

**Матнни ўқишдан аввалги машқлар**

**01-топшириқ. Атамалар ва таърифлар.**

| Тушунча | Таъриф |
|---|---|
| 1. Глобаллашув | а) Сиёсий далилланган хавф-хатар ёки зўравонликнинг энг сўнгги шаклларини қўллаш натижасида тинч аҳолининг қурбон бўлиши. |
| 2. Террорчилик | б) Вайронли тўнтариш, фалокат (табиатда, жамиятда). |
| 3. Фундаментализм | в) Бутун сайёра миқёсида жисмоний шахслар, корхоналар, институтлар ва бозорлар ўртасида ўзаро ҳаракатларнинг мураккаб мажмуаси. |
| 4. Экстремизм | г) Маълум таълимотларнинг илк ғоялари, тамойиллари, қадриятларига эргашишни тарғиб қилувчи ижтимоий, мафкуравий, диний ҳаракатлар. |
| 5. Катаклизм | д) Энг сўнгги нуқтаи назарлар ва чора-тадбирларга эргашиш. |

**Ўқиш учун матн**

**Кириш**

Бу бобда бутун дунёда катта баҳсларга сабаб бўлаётган ва шу билан бирга ёшларга жуда қизиқарли бўлган мавзулар муҳокама этилади. Ушбу ўқув қўлланмасининг муаллифлар жамоаси ўз ишида доим бетараф мавқени эгаллашга ҳаракат қилади. Бу бобнинг мавзусини кўрарканмиз, биз яна ўз принципларимизга содиқ қолишга ҳаракат қиламиз. Айнан шу сабабли сиз бу ерда кўрмоқчи бўлган барча муаммолар муҳокама қилинмайди. Ҳатто юзага келган саволларга сизни тўла қониқтирадиган жавобни топа олмаслигингиз ҳам эҳтимол, чунки кўплаб ҳолатларда шунчаки жавоб бериш мумкин бўлмайди.

Эҳтимол миянгизга ўзингизни «бутун дунё фуқароси» деб ҳисоблаш келмагандир, негаки ҳозир сиз ўз мамлакатингизнинг фуқароси бўлишни ўрганяпсиз. Бу бобнинг мақсади – бутун дунё шу кунларда дуч келган масалаларни билиб олишда ёрдамлашиш. Бунда илк қадам уларни тушунишдан бошланади. Глобал фуқаролик атама сифатида аниқ таърифга эга эмас, бироқ бу тушунча шундай фикрни англатадики, ким бўлишдан қатъи назар, ҳар биримизнинг ҳаракатимиз нафақат ватандошларимиз, балки бошқа барча мамлакатлар аҳолисига ҳам таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, қайси миллат, дин ва бошқа гуруҳга мансуб бўлишдан қатъи назар, дунёдаги барча одамлар маҳаллий, миллий ва глобал муаммоларга нисбатан ўз роли тўғрисида ўйлаши керак. Келинг, глобаллашув нима эканлиги ва у бошқа тушунчалар билан қандай боғланганлигини кўриб чиқайлик.

## 1.0 Глобаллашув

Таърифлардан бири шундай изоҳланади: «Бирор нарсанинг глобал ёки дунё миқёсида яратилиши ё амалда қўлланиши». Глобаллашув товарлар, одамлар ёки ғояларнинг бир мамлакат ва маданиятдан бошқасига тез ва арзон ўтиб туришига шароит яратувчи янги технологиялар ривожланишининг натижасидир. *(Бундан икки юз йил илгари Марказий Осиёдан юборилган хат, масалан, Канадага бир неча ой ўтганда етиб бориши мумкин эди. Ҳозир эса электрон хатни дунёнинг хоҳлаган нуқтасига кўз очиб юмгунча, деярли бепул етказиш мумкин).* Глобаллашув масалалари умуман ҳозирги иқтисодиёт ва маданиятни ўз ичига олган замонавий жамиятда юз бераётган структуравий ўзгаришларга боғлиқдир. Бироқ ғоялар, товарлар ва бошқа нарсаларнинг бир юртдан иккинчисига енгил кўчиб ўтиши кўп жиҳатдан фойдали бўлса-да, бу кўринишнинг салбий томони ҳам бор. Масалан, бойроқ мамлакатларда гиёҳвандлик моддаларини қонунсиз истеъмол қилишга бўлган эҳтиёж шу нарсага олиб келдики, натижада Марказий Осиёдаги кўплаб мамлакатлар зўрма-зўраки гиёҳвандлик моддалари савдосига тортила бошладилар. Бундан ташқари, бу мамлакатларда жиноятчилик ва гиёҳвандликка берилиш даражаси авж олиб, жамият саломатлиги билан боғлиқ муаммолар, масалан, ВИЧ/СПИД касаллиги кучаймоқда.

Глобал иқтисодиёт жаҳон мамлакатлари халқ хўжаликларининг юксак даражадаги ўзаро

алоқадорлиги билан тавсифланади, шунингдек, бу шундай бир маконки, унда бутун дунё мамлакатлари ўртасида ўзаро савдо-сотиқ олиб борилади. Бу тушунча билан боғлиқ асосий ғоя товарларни ҳукумат томонидан жорий этилган импорт (ташқаридан мол киритиш) солиғидан халос этувчи «эркин савдо»ни англатади. «Эркин савдо»ни ёқловчилар арзон маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки ўртача имкониятлари мавжуд мамлакатлар товар ишлаб чиқаришлари ва бошқаларга нисбатан арзонроқ нархларда бўлак жойларда сотишлари мумкин, деб айтадилар. Бошқача айтганда, арзон меҳнат ва оз сарф-харажат билан яшаш имконияти мавжуд камбағал мамлакатлар учун «эркин савдо» фойдали бўлади, деб ҳисоблайдилар. Шу сабабли бундай мамлакатлар арзон товар ишлаб чиқара олганликлари учун бойроқ давлатларга экспорт қилиш (товар олиб чиқиб сотиш)га интилишлари керак. Бу фақат бир томондан тўғри, чунки ҳозирги даврда кўп давлатлар бож солиғини ошириш орқали импортга йўл бермаяптилар. Бунинг устига эркин савдо туфайли ҳукуматда коррупцияни камайтириш ва бизнес юритиш сарф-харажатларини енгиллаштиришга кўпроқ шароит пайдо бўлади.

Бироқ бу фикрга қарши чиқувчилар ҳам кўп. Улар эркин савдо юритилганда бой мамлакатлар кўпроқ ютуққа эга бўлади, дейишади. Чунки улар:

1) сифати паст, деган баҳона билан ташқаридан товар олиб келишни тақиқлашлари мумкин;
2) камбағалроқ мамлакатларга кўпроқ товар сотиб, катта даромад топишлари мумкин (чунки импорт солиғи йўқ бўлса, бу товарларнинг сотилиши қулай бўлади);
3) кўпинча якка шахслар ёки бой мамлакатларга тегишли бўлган энг йирик компанияларнинг маҳсулотлари «масштаб эффекти»*га мувофиқ оз сарф-харажат билан ишлаб чиқарилади. Бу эса худди шундай маҳсулотни бир оз қиммат баҳода ишлаб чиқарган маҳаллий кичик компанияларни банкротга олиб келади. Шундай қилиб, энг йирик компанияларнинг рақобатчилари озаяди ва улар ўз товарларини аввалгидан қимматроқ сотиш имкониятига эга бўладилар.

Бундан ташқари, камбағалроқ мамлакатларнинг асосий даромади импорт солиғидан тушаётганлиги сабабли эркин савдога ўтгач, улар бу даромаддан маҳрум бўлади, деган фикр ҳам айтиляпти. Бундай нуқтаи назарни ёқловчилар маҳаллий саноатни импортга солиқ солиш орқали ҳимоялаш керак, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги пайтда Жаҳон Савдо Ташкилоти (ЖСТ, бунга бизнинг давлатимиз ҳам аъзо бўлган) эркин савдони қўллаб-қувватлаб, шу вақтнинг ўзида турли мамлакатларнинг маҳаллий саноатларини ҳимоялашга йўл очиш билан бунинг салбий таъсирини камайтиришга ҳаракат қиляпти. Шу мақсадда кўрилаётган чора-тадбирлар етарли ёки етарсиз эканлиги тўғрисидаги масала ҳозирча узил-кесил ҳал бўлгани йўқ. Иш топиш ва товарларнинг нархига келсак, бундай масалалар бизнинг турмуш тарзимизга бевосита таъсир этиши аниқ.

Товарлар ва ғояларнинг эркин алмашуви бир гуруҳ давлатлар ёки якка мамлакат маданиятининг маҳаллий маданиятга салбий таъсир этишига сабаб бўлмайдими, деган савол ҳам келиб чиқади. Кўп одамлар буни хохламайдилар, чунки улар ҳукмрон маданият маҳаллий маданиятни барбод қилади, деб ҳисоблайдилар. Турли ташкилотларнинг маълумотларига мувофиқ, кўп тиллар йўқ бўлиб кетиш даражасида, қисман бу инглиз тилининг ҳукмронлиги оқибатида юзага келган. Бу ҳолатнинг асосий сабабларидан бири – инглиз тили ҳукмронлик қилган оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение, шунингдек, мусиқа ва Интернетнинг глобаллашишидир. Унинг барча жиҳатлари етказган таъсири туфайли шундай бўляптими ёки йўқ - бу ҳозирча мунозарали масалалигича қоляпти.

Бундан ҳам жиддий баҳсли бир масала бор: биз маданий жиҳатлардан қайсиларининг йўқолиб кетишига йўл қўйсак бўлади? Маҳаллий маданият қадриятларини сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш зарур? Демократия йўлида ривожланиб, самарали бошқарилувчи иқтисодиётни барпо қилаётган давлатлар ўз маданиятининг ўзгачалигини сақлаб, ривожлантириб кета олиши тушунарли. Шу вақтнинг ўзида бундай давлат бошқа мамлакатлар билан ўзаро алоқалар ўрната олади. Бир маданият ичида ҳам яхши ўзгаришлар юз бериши мумкин, бироқ айрим одамлар бунга ҳам қаршилик қилаверадилар. Кўпинча бундай ўзгаришлар авлодлар алмашган пайтда юз беради. Масалан, Совет Иттифоқи қулагандан кейинги авлодлар вакиллари ҳисобланган сизлар дуч келаётган улкан ўзгаришларни кўп мамлакатлар халқлари ҳеч қачон бошдан кечирган эмас.

Ташқи ва ички таъсир этувчи кучлар билан шундай зўр ингиланиш юз бераётган пайтда жамият ва шахснинг танлаш эркинлигини сақлаш жуда қийин, хатто баъзида мумкин ҳам эмас.



*«Масштаб эффекти» - товар ишлаб чиқаришнинг кўлами ортганда ўша маҳсулот ҳар донасининг таннархи пасайиши демакдир.

## 2.0 Дин ва глобаллашув

Бу масалаларнинг ўзаро тиғиз боғланганлиги дин ва диний урф-одатлардаги ўзгаришларда ҳам пайқалади, чунки бу кўпинча бир маданият билан бошқа маданиятнинг тўқнашуви орқали рўй беради. Кўп одамлар маданият ва дин ажралмас деб тушунадилар, шу сабабли нафақат дин, балки диний урф-одатларнинг ўзгаришини ҳам улар маданиятдан четлаш, деб англайдилар. Бироқ бошқалар динга эътиқод ва танлаш эркинлигини ҳар кимнинг шахсий иши, деб ҳисоблайдилар. Бу масала турли жамоатларда яна узоқ муддатгача мунозара учун мавзу сифатида қолиши аниқ.

## 3.0 Глобаллашув ва миграция

Глобаллашув натижасида одамлар кўпинча транспорт воситаларининг такомиллашуви туфайли бир мамлакатдан иккинчисига борган сари осон кўчишга имконият топадилар. Одамлар кўплаб сабабларга кўра кўчиб юрадилар. Улар одатда кўпроқ иш ҳақи олиш ва ёки яхшироқ яшаш учун бошқа юртларга борадилар. Бунинг натижасида Буюк Британия каби мамлакатлар аҳолисининг кўп қисмини бошқа юртлардан келиб қолганлар ташкил қилади. Келгиндилар маданиятининг таъсири шунчалар кучли бўлганлигидан бугунги британ маданиятини уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Масалан, илк бор Ҳиндистонда пайдо бўлган чой ичиш анъанаси ёки овқатга «кари» қўшиш одати ҳозир британияликларга хос бўлиб қолди.

**БУ СЎЗНИ ЭШИТГАН БЎЛСАНГИЗ КЕРАК?**

***Фундаментализм.** Бу сўз диннинг фундаменти (пойдевори), яъни дастлабки қонун-қоидаларини қаттиқ туриб ёқлаш, деган маънони билдиради. «Фундаментализм» - бу инглизча сўз бўлиб, 1920 йили Америка Қўшма Штатларида либерализм ва атеизм(худосизлик)га қарши уюштирилган ҳаракатга шундай тавсиф берилган. Фундаментализм ҳам сиёсий, ҳам диний мақсадларга эга бўлиб, унинг тарафдорлари бутун жамият турмуш тарзини ўзгартиришга ҳаракат қилганлар. «Фундаменталист»лар деб маълум насронийлик оқимлари шубҳасиз тўғри ва ҳаётда ҳамма қарорларни қабул қилишда уларга таяниш мумкин, деб ишонувчиларни атаганлар. Бугун ҳам шу сўз билан айрим насронийлар, бунинг устига нафақат насронийлар, балки бутун динларнинг баъзи вакилларини ҳам ифодалашяпти. Фундаменталистлар сафига кирувчи одамларни гоҳида энг сўнгги чораларни қўлловчиларнинг тарафдорлари деб ҳисоблайдилар, бироқ ўз мақсадларига эришиш учун фундаменталистлар террорга жуда камдан-кам мурожаат этадилар.*

**БУГУНГИ ҚУЛЛИК**

*Москва ички ишлар бошқармаси ходимлари қирғизистонлик тўрт нафар ёш аёлларни тутқунликдан озод қилдилар. Маълум бўлишича, уларни озиқ-овқат дўконларидан бирининг омборидан топишган.*

*Аёлларни товарни тушириш ва биноларни тозалаш бўйича энг ифлос ишларни бажаришга мажбурлашган. Кейинги пайтда уларга умуман пул тўлашмай, ўзларини дўкондан ташқарига чиқармай қўйишган эди. Улар ўша ернинг ўзида, омборда яшардилар. Бундан ташқари, Қирғизистон фуқароларини вақти-вақти билан калтаклаб туришган. Аёллар қамоқда ва амалдаги қулликда икки йилдан ортиқроқ бўлишган.*

*(Бишкек, 15 июль, «Кабар»).*

Марказий Осиёда ҳам шунга ўхшаш шароит юзага келди. Масалан, жуда кўп одамлар Қирғизистондан Россия ва Қозоғистонга иш излаб кетишяпти.

Миграция (аҳолининг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши) оқимлари кўпинча «қабул қилувчи» мамлакатлар учун фойдалидир, чунки келгиндилар мамлакат маданиятининг ранг-баранглигини бойитади, шунингдек, ишчи кучлари етишмаслигига барҳам беради, бундан ташқари, баъзида улар капитал олиб келиши ҳам мумкин. Бироқ янги мигрантлар маълум қийинчиликлар ҳам туғдиришади, чунки кўпинча уларнинг маданий урф-одатлари, масалан, дини ва тили маҳаллий халқникидан фарқ қилади ва ҳатто маҳаллий маданият ва тил билан улар ўртасида низо юзага келиши ҳам мумкин. Яна янги мигрантлар бегона давлатдаги бошқарув, интизом ва бошқа тизимларни билмаганликларидан кўп оворагарчиликларга дуч келадилар. Келгиндилар билан маҳаллий аҳоли бир-бири тўғрисида нотўғри фикрда эканлиги ҳам вазиятни оғирлаштиради. Айниқса, ишчи ўринларини тортиб олишяпти, деб мигрантларни ёмон кўрадиганлар ҳам бўлади. (Бироқ бутунлай иқтисодий кўламда улар ишчи ўринларини эгаллагандан кўра кўпроқ яратишлари аниқ).

Одамларнинг осон кўчиб юришининг бир ёмон томони одам савдоси билан боғлиқлигидир. Уларни ўғирлаб ёки алдаб чет мамлакатларга ишчи кучи сифатида олиб кетадилар. Манзилга етиб боргач, улар бутунлай бошқа манзарани кўрадилар. Масалан, бугунги кунда Марказий Осиёдан яхши ишга жойлаштираман, деб алдаб ёки ўғирлаб олиб бориб йигитларни қулликка, қизларни эса фоҳишаликка сотиб юборувчилар кўпайди.

Бошқа ҳолларда мигрантлар тўғридан-тўғри қулликка сотилиб, ниҳоятда оғир шароитларда ҳақ олмасдан ишлайдилар.

## 4.0 Дунё миқёсида атроф–муҳитни ҳимоялаш

Атроф-муҳит табиат ва инсон қўллари билан яратилган нарсалардан иборатдир. Ҳеч ким ифлос, сассиқ ахлатлар орасида яшагиси, заҳарланган сувдан истеъмол қилгиси келмайди. Бирок миллионлаб одамлар иложсизликдан шундай аҳволда кун кечиришяпти.

Одамларнинг хатти-ҳаракатлари, баъзида табиий катаклизмлар Чернобиль фалокати ёки Тинч океани шимолида рўй берган цунамидек атроф-муҳитга йирик миқёсда жиддий зарар етказиши мумкин. Гоҳида эса бунинг акси – кўчаларда йиғиштирилмай чириб кетган ахлат каби унчалик катта бўлмаслиги ҳам мумкин. Бирок шундай кичик масалалар ҳам тўпланиб, натижада атроф-муҳит, одамларнинг яшаш тарзига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Фақат кейинги 30 йил мобайнида бутун дунё мамлакатлари атроф-муҳит муаммоларига жиддий эътибор карата бошладилар. Табиат ифлосланиши ва инсон хатти-ҳаракати билан боғлиқ бошқа муаммоларни чексиз равишда ҳал эта олмаслигини одамлар тушунадилар. Биз атроф-муҳитни аёвсиз бузиб фойдаланса бўлаверадиган бекор бойлик сифатида эмас, балки сақланиши учун ўзимиз ғамхўрлик кўрсатиб, яшаётган ўз уйимиздек кўришимиз керак.

Атроф-муҳит муаммолари табиат бойликларидан ҳаддан зиёд фойдаланиш (масалан, агар ҳамма дарахтлар кесилиб, ўрнига янги кўчатлар ўтказилмаса, бу тупроқнинг ювилишига олиб келади, кейинроқ эса – кўчкиларга), тозаликка риоя қилмаслик, пластик халталарни дуч келган ерга ташлашдан келиб чиқади. Фавкулодда ифлосланишга Ҳиндистоннинг Бхопал шаҳридаги аккумулятор заводида заҳарли газ чиқиб кетиши натижасида минглаб одамлар ва ҳайвонлар ҳалок бўлган фалокатни мисол келтириш мумкин.

Атроф-муҳит доим ўзгариб туради. Бунга бизнинг яхши-ёмон барча ишларимиз ҳам анча таъсир кўрсатиши мумкин. Шундай қилиб, табиат доим ҳимояга муҳтож. Шу сабабли биз ҳар биримиз ва бутун жамиятимиз ҳамда мамлакатимиз миқёсида атроф-муҳитга қандай таъсир етказаётганимизни ўйлашимиз керак. Табиатга шафқатсиз зиён етказишни тўхтатмасак, ўзимиз азобини тортиб, келажак авлодларнинг ҳам уволига қолишимиз аниқ. Биз яна шуни эсда тутишимиз керакки, атроф-муҳитга етказилган зарар давлат чегараларини ҳам, ерга эгалик қилиш сарҳадларини ҳам билмайди. Экологик муаммоларнинг бундай хусусияти (чегарасизлиги) уларнинг ҳал этилишини қийинлаштиради, чунки тегишли чора-тадбирлар қабул қилиш учун бир неча мамлакат ягона фикрга келиб, биргаликда иш тутишлари керак бўлади.

**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗАЛАШ МУАММОЛАРИ**

*Қирғизистоннинг Мойлисув шаҳридаги яхши кўмилмай қолган заҳарли моддаларнинг қолдиқлари атроф-муҳитга узоқ вақт моддий зарар етказиши маълум. Илгари, республика мустақилликка эришмасдан аввал бу ерда уран рудаси қазиб олинар эди. Совет ҳокимияти йиллари 2 млн. тоннадан ортиқ уран қолдиқлари эллаб-сеплаб Мойлисув шаҳри яқинидаги 23 омбор ва 13 ўрага кўмиб қўйилган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китоб қилишларича, Мойлисув атрофида тез-тез юз бераётган кўчки ёки зилзилалар уран қолдиқлари сақланаётган омбор ва ўраларни ювиб ёки остин-устун қилиб дарёга суриб тушириб юбориши натижасида Марказий Осиёда глобал радиоактив ифлосланиш юз бериши мумкин. Бу узоқ вақтга чўзиладиган муаммодир, чунки радиоактив материаллар шу ҳолатда узоқ давр мобайнида қолади, гарчи ҳукумат шу муаммони ҳал этишга ҳаракат қилаётган бўлса-да, уларни зарарсизлантириш қийин.*

*Марказий Осиёда бундан ҳам жиддийроқ, ўрнини тўлдириб бўлмас ва узоқ муддатли талафотларга мисол бўлиб Орол денгизи муаммоси турибди. Ўтмиш тарихда сув етишмаслиги туфайли йирик миқдорда пахта тайёрлаш йўлга қўйилмаган эди. Совет даврида инсон табиат ҳодисаларига аралашиши натижасида дарё ўзанлари пахтазорларни суғориш учун буриб юборилди. Шу сувдан, албатта, шу минтақанинг ўсиб бораётган аҳолиси ҳам фойдаланди. Натижада асосий дарёлар ҳисобланган Амударё ва Сирдарёдан денгизга қуйиладиган сув ҳажми қисқарди ва денгизнинг катта қисми қуриб қолди. Буларнинг ҳаммаси кўплаб оқибатларга олиб келди ва вазиятни мураккаблаштирди. Қандайдир чора-тадбирлар кўриш янада қийин, чунки деҳқонлар бир кечада пахта етиштиришни тарк этишларига умидвор ҳам бўла олмаймиз. Бунинг устига одамлар, табиийки, истеъмол қилиш ва фаолиятнинг бошқа турлари билан шуғулланиш учун сувга ташнадирлар.*

**ОДАМЛАР БИРЛАШАДИЛАР – СЕМИПАЛАТИНСК ВА НЕВАДА**

*Эҳтимол, сиз табиатни муҳофазалаш учун миллий миқёсда ҳеч нарса қилиб бўлмайди, деб ўйларсиз. 1989 йили қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонов Семипалатинск полигонида ядро қуролларини синашни тўхтатиш учун миллий ҳаракатни бошқарган. Шу кунгача аҳоли ўртасида ўша синовлар оқибатида келиб чиққан радиоактив ифлосланиш туфайли аҳоли саломатлигида кўп муаммолар кузатиляпти. Ҳаракатни миллионлаб одамлар қўллаб-қувватладиларки, бу ҳукуматни синовларни тўхтатиш ва шу жойдаги атроф-муҳитни тартибга келтиришга кўндирди. Ҳаракат қатнашчилари АҚШнинг Невада штати фуқаролари билан бирга ишладилар, чунки бу ҳудудда ҳам худди шунга ўхшаш муаммолар бор эди.*

**ГЛОБАЛ ИСИШ**

*Кўп олимлар ёқилғи (масалан, ўтин-кўмир ва бензин)ни ишлатишдан атмосферада кўмир кислотаси газининг кўпайиб кетишини, натижада дунёда иқлим исиб бораётганлигини далиллайдилар. Бунинг оқибатида музликлар эриб, денгизлар сатҳи кўтарилиб боряпти, дейишади улар. 2005 йил 15 мартда «Кабар» агентлиги маълум қилганидек, америкалик геолог Лонни Томпсон яқин вақтларда нафақат Килиманжаро, балки Ҳимолай, Альп, Анд тоғлари ва Тиёншон тоғ тизмалари ҳам тўла қор қатламларидан маҳрум бўлади, деб эслатади.*

*Агар Олатоғ ва Тиёншон музликлари шу илдамликда бундан кейин ҳам эрийверса, Қозоғистон ва Қирғизистон глобал исишнинг қурбонига айланишлари мумкин.*

*Гарчи кўпчилик одамлар ушбу хулосаларга қўшилишмаса-да, шундай бўлишига қарамай, агар одамлар ҳақ бўлишса, унда муаммо глобал ва чўзилувчан тавсифга эга бўлади. Мана унинг оқибатларидан бири: Марказий Осиёда яшовчи ва уйини ўтин-кўмир билан иситувчи оила Тинч океани оролларида истиқомат қилувчи оила уйларининг сув остида қолишига имкон яратиб беради. Бунга Женевада машинасини ҳайдаб кетаётган миллионер ҳам шундай таъсир кўрсатиши мумкин.*

## 5.0 Зўравонлик йўли билан амалга оширилган ўзгаришлар

Бу бўлимда биз сиёсий ислоҳотлар олиб бориш учун демократик меъёрларни бекор қилувчи ноқонуний усулларни қўлловчилар туфайли пайдо бўладиган муаммоларни муҳокама қиламиз. Кўпинча бунга экстремизм кирадики, уни қуйидагича изоҳлаш мумкин: «Сиёсий мақсадларга эришиш учун жамият томонидан белгиланган ижтимоий ва сиёсий меъёрларга зид келувчи хоҳлаган усулларни қўллаш». Экстремизмнинг йўллари кўп, уларнинг айримлари қонуний ва тажовузсиз бажарилиши мумкин, лекин одамларни террорга ундовчи бошқа усуллар ҳам бор.

## 5.1 Террорчилик. Бу нима?

«Террор» сўзи инглизчадан таржима қилинганда «даҳшат» маъносини англатади. Ҳақиқатан, бу ҳолат одамни босиб турувчи кучли қўрқинч билан ифодаланади. Луғатларнинг бирида террорчиликка қуйидагича таъриф берилади: «Жамоатчилик ёки ҳукуматга кўпинча ўзларининг сиёсий, мафкуравий мақсадларига тўғри келган талабларини бажаришга мажбурлаш учун якка шахс ёки уюшган гуруҳнинг ноқонуний куч ишлатиши ёки зўравонлик, дўқ-пўписа қилиши».

Афсуски, кўплаб «расмий» таърифлар берилишига қарамай (шу жумладан, юқорида келтирилган), бу тушунчани қисқача ва аниқ изоҳлашнинг иложи йўқ. Гап шундаки, террорчиликнинг бирорта таърифга тўғри келмайдиган турлари бўлади. (БМТ ҳам бу сўзга таъриф берган эмас). Шу сабабли кимни террорчи, қандай хатти-ҳаракатни террорчилик деб аташга келганда кўпинча ҳар ким ҳар хил фикр билдиради. Қуйидаги тушунчалардан фойдаланилганда, у янада мураккаблашади:

1. Кибертеррорчилик (бошқа одамлар ёки ташкилотларнинг компьютерларини бузиш ёки маълумотларини йўқ қилиш йўли билан иқтисодиётга зарар етказиш мақсадида компьютерлардан фойдаланиш).
2. Наркотеррорчилик (гиёҳвандлик моддалари, масалан, героин ишлаб чиқариш ёки уни сотишдан тушган даромаднинг «террорчилик ишлари»га сарфланиши).
3. Экотеррорчилик (табиат ва атроф-муҳитга нисбатан ҳукумат ёки қайсидир ташкилотнинг сиёсатини ўзгартириш учун одамларнинг террорчиликка боришга мажбур бўлиши).
4. Давлат томонидан молиялаштирилган террорчилик (бошқа мамлакатлар фуқаролари ёки ташкилотларига қарши террорчилик ишларини олиб бориш учун ҳукумат томонидан айрим одамлар ёки гуруҳларга молия ажратилиши).

Террорчиликнинг булардан бошқа турлари ҳам бор.

## СИЗНИНГ САВОЛЛАРИНГИЗ

### ТЕРРОРЧИЛИК КАМ УЧРАЙДИГАН ЯНГИ ҲОДИСАМИ?

*Йўқ. Эрамизнинг I асрида Фаластинда сикарийлар деб номланган уюшган секта фаолият кўрсатган. Унинг аъзолари Рим ҳукмронлигига қарши кураш олиб бориб, римликлар ва уларга кўмаклашганликда айбланган фаластинликларни қирганлар. VII асрда Ҳиндистонда «Бўғувчилар» сектаси аъзолари одамларни бўғиб ўлдириш йўли билан қурбонликлар қилишган. XI асрда Яқин Шарқдаги мусулмонларнинг исмоилийлар оқимидан ажралиб чиққан шиалар сектаси террорчилик ҳаракатлари қилганлиги учун «Ассосинлар» деб аталганлар.*

*«Террорчилик» («терроризм») сўзи илк бор Францияда террор ҳукмронлик қилган 1793-1794 йиллари тилга олинган. Дастлаб «сотқин»ларни йўқ қилишга мунтазам ҳаракат қилган террорчиларнинг лидерлари террорни озодликни ҳимоя қилишнинг энг яхши усули сифатида мақтаишган. Бироқ француз инқилоби мағлубиятга учрагач, тез орада давлат зўравонлигини шу сўз билан атай бошладилар, террор ташаббускорлари эса ўлимга маҳкум этилдилар.*

*XIX асрда террорчиликнинг замонавий шаклларини Россияда подшоҳга қарши чиққан «Халқ эрки» каби ташкилотлар мисолида кўрамиз. Бунинг устига, 1914 йили серб экстремисти томонидан Австрия эрцгерцоги Франс Фердинанднинг ўлдирилиши Биринчи жаҳон урушининг бошланишига сабаб бўлди. Ҳатто террорчиликнинг бизга анча таниш, кўпинча видеокамерада суратга олинувчи тури биринчи марта Фаластинни озод қилиш Халқ фронти 1968 йили йўловчилар самолётини гаровга олганда пайдо бўлган.*

### БАЪЗИ ДИНЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИГИНА ТЕРРОРЧИ БЎЛАДИМИ?

*Йўқ. Насронийлик, бутпарастлик, ислом, ҳиндуликка эътиқод қилувчи террорчилар бор. Изланадиган бўлсак, барча динлар вакиллари қайсидир пайтда террорга алоқадор бўлиб чиқади. Бироқ айрим террорчилар ҳеч қайси динга эътиқод қилмай, бутунлай бошқа муддаоларни кўзлаётганини билиб қўйиш керак. Масалан, АҚШда «Унабомбер» деган сохта номга эга бўлган одам янги технологияларни ёмон кўрганлиги сабабли террорчилик ҳаракати қилган. Шимолий Кореянинг террорчи агентлари мамлакат президентини ўлдирмоқчи бўлганларида фақат сиёсий мақсаднигина кўзлаганлар.*

### АГАР ТЕРРОРЧИЛАР МЕН ЭЪТИҚОД ҚИЛГАН ДИНГА СИҒИНСАЛАР, МЕНИНГ ДИНИМ ТЕРРОРГА ЙЎЛ ҚЎЙГАН БЎЛАДИМИ?

*Бутун дунё диний лидерлари террорчиликни қоралайдилар. Ҳатто жамият тузилиши масаласида айрим нуқтаи назарлари террорчиларники билан мос келган диний арбоблар ҳам буни бутунлай нотўғри қадам, деб ҳисоблайдилар. Барча динларнинг муқаддас китобларида зўравонлик гуноҳи азим сифатида қораланади.*

*Афсуски, хоҳлаган дин вакиллари баъзида даҳшатли жиноятларга қўл урадилар. Шунга қарамасдан, биз бир бузуқи ўғрилик қилса, одам ўлдирса ёки террорчилик содир этса, бунинг учун бутунлай динни айбламаслигимиз керак. Дин террорчиликка асос бўла олмайди.*

### АГАР КЎПЧИЛИК ОДАМЛАР ТЕРРОРЧИЛАР ҚЎЙГАН ТАЛАБЛАРНИ ТЎҒРИ ДЕБ, ЛЕКИН ТЕРРОРЧИЛИК УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМАСАЛАР, ТЕРРОРЧИЛИК ЛЕГИТИМЛИ БЎЛАДИМИ?

*Мутлақо йўқ. Чунки:*

1. *Террорчиларнинг жамият тузилиши тўғрисидаги фикрларига кўпчилик маъқул бўлишини қандай билиб оламиз? Террорчилар ўзларининг нуқтаи назарларини одамлар қанчалар қўллаб-қувватлашини билиш учун референдум ўтказар эдими?*
2. *Жамиятдаги турмушнинг сифати ўша жамиятнинг қандай тузилганига боғлиқ бўлади, яъни «адолатли жамият»ни террор орқали қуриб бўлмайди.*

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАМАЙДИГАН ЗОЛИМ ҲУКУМАТГА ҚАРШИ ТЕРРОРЧИЛИК СОДИР ЭТИШ МУМКИНМИ?

*Йўқ. Сабаби, террорни қўллаганлар:*

*1) қонунчиликка эришиш имкониятларини ўзлари қўлдан бой берадилар; 2) ўзлари айблаётган ҳукумат каби инсон ҳуқуқларини бузадилар; 3) бошқа одамларни террорчилик ҳаракатларига ундайдилар.*

### АГАР МАМЛАКАТ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ САФИДА ХИЗМАТ ЎТАЁТГАН ОДАМЛАР КОМАНДИРНИНГ БУЙРУҒИГА БИНОАН КУЧ ИШЛАТСАЛАР, УЛАРНИ ТЕРРОРЧИЛАР ДЕБ АТАШ МУМКИНМИ?

*Йўқ. Сабаби, мамлакат қуролли кучлари одатда бошқа армияга қарши урушга киради. Ўз ҳукуматининг буйруғини бажарганлиги учун уларнинг ҳаракатлари қайсидир маънода қонуний ҳисобланади.*

### ТЕРРОРЧИЛИКНИ ФАҚАТГИНА ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР БОШҚА МАМЛАКАТЛАР ФУҚАРОЛАРИГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАЙДИЛАРМИ?

*Йўқ. Масалан, Америка фуқароси Тимоти Маквей 1995 йили Оклахома-Ситида федерал маъмурият биносини портлатиб, 168 кишининг ўлимига сабабчи бўлди. Шимолий Ирландияда одамлар асосан ўз мамлакати фуқароларини ўлдириб, террорчилик актлари содир этадилар.*

**ТЕРРОРЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?**

*Хукумат ва халқаро агентликлар бир-бири билан маълумот алмашиб, кўпинча ушланган террорчиларни судга тортиш учун ўз мамлакатларига ўтказиб берадилар. Улар террорчиларни қўлга олиш ёки молиявий манбаларини йўқ қилиш мақсадида бир-бирига маблағ, жиҳозлардан ёрдам бериб, мутахассисларини биргаликда операцияларда иштирок этишга шароит яратиб беришлари мумкин. Кўпинча террорчилар жиноят йўли билан, масалан, гиёҳвандлик моддаларини сотиш орқали олинган маблағлардан фойдаланадилар. Бироқ баъзида террорчилик ҳаракатларини ҳукумат ёки хусусий фондлар ҳам молиялаштирган пайтлар бўлади.*

*Фуқаро сифатида ҳар биримиз террорчиликни ўзгаришларни амалга ошириш учун қўллашга тўғри келмай қолган йўл деб билишимиз, бошқаларга ҳам бунинг оқибатлари тўғрисида айтаверишимиз керак. Шунингдек, фуқаролар бизнинг жамиятимизда адлиявий ва демократик меъёрларга риоя этилиши ҳамда миллати, дини ёки жинсидан қатъи назар, барча одамлар ҳуқуқларининг муҳофазаланиши учун қатъий талаб қўйишлари мумкин.*

**ТЕРРОРЧИЛАР ШУНЧАКИ ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШНИ КЎЗЛАГАН ОДДИЙ ОДАМЛАРМИ?**

*Йўқ. Террорчилар турли ижтимоий-иқтисодий қатламлардан чиқиши мумкин. Масалан, энг йирик террорчи сифатида танилган Усома бин Ладен жуда ҳам бой оилада туғилиб ўсган. Бироқ кўпинча террорчилар ўз мақсадларига эришиш учун жамиятнинг энг камбағал қатламларининг қўлловига эга бўлишга ҳаракат қиладилар.*

## 5.2 Террорчилик билан боғлиқ асосий тушунчалар

- Барча фуқаролар қатнашган демократик сайловлар – бу ҳокимиятга қайси гуруҳ ёки айрим одамлар келиши керак деган масала бўйича низони куч ишлатмай ечиш йўли. Террорчилик эса худди ўша баҳсни зўравонлик билан ҳал этишни кўзлайди, одамлар бунга мажбурий йўл билан қатнашадилар. Агар террорчилик ғалаба қозонса, золим ҳокимият ўрнатилиши эҳтимоли кўпроқ бўлади.
- Террорчилик глобал муаммо бўлиб ҳисобланади, чунки унинг тарқалиши қулай ва ташқаридан молиялаштирилиши мумкин.
- Террорчилик одатда оддий одамлар учун хавф-хатар олиб келиб, уларни яшашга бўлган ҳуқуқидан маҳрум этади.
- Террорчилар ўзларига халал берган одоб-ахлоқ меъёрларига қарши чиқиб, буни турли баҳоналар, «буюк мақсадлар» ёки «иймон» деган сўзлар билан оқлашга ҳаракат қиладилар.
- Кўпинча террорчиликни масъул шахсларни қўрқитиб, улар ўзларининг ёки бошқа одамларнинг манфаатларига қарши қарорлар қабул қилишлари учун қўлланадилар.
- Террорчилар кўпинча одамлар эътиборини қаратиш учун террорчилик ҳаракатларини бажаришади, шу сабабли ўз чора-тадбирларини олдиндан режалаштириб қўядилар.
- Сиёсий мақсадларни кўзлаган террорчилар ўзлари хоҳлаган ўзгаришларни ҳозир ёки келажакда амалга оширишга фаолият кўрсатаётган сиёсий тузумлар имкон бермайди, деб ҳисоблайдилар.
- Мамлакат қонунлари ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари, конвенцияларга мос келмаганлиги сабабли террорчилик ҳаракатлари доим ноқонуний деб ҳисобланади.
- Террорчилар одамларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлмаса-да, кўпинча эл бизни қўллайди ёки биздан рози бўлади, деб айтадилар.
- Террорчилар ўрнатишни таклиф қилган муқобил сиёсий тизим кўпинча ҳокимиятни монополиялаштириш ва кўпчиликни бошқаришдан четлаштиришга ҳаракат қилувчи экстремистик сиёсатдан иборат бўлади.
- Агар террорчилар сиёсий ҳокимиятни босиб олсалар, унда уларнинг рақиблари ҳам худди шундай йўл билан ҳокимиятни тортиб олса бўлар экан, деган ўйга борадилар... Хуллас, зўравонлик ҳаракатлари давом этаверади.
- Террорчилар ўзларини баъзи пайтлардагина террорчимиз деб атайдилар, аслида эса «эркинлик курашчилари», «Худога хизмат қилувчилар»миз ва ҳоказо деб ҳисоблайдилар. (1993 йили АҚШнинг Техас штатида Дэвид Кореш ўзи аъзо бўлган сектанинг барча аъзолари ўтирган бинога ўт қўйиб юборганда Худонинг буйруғини бажардим, деб ўйлаган).
- Қонунга зид келса-да, куч ишлатилмаган ҳаракатлар террорчилик деб аталмайди. Масалан, агар бир гуруҳ фуқаролар куч ишлатмай, тинч юришга чиқсалар, ҳатто ҳукумат буни ноқонуний деб эълон қилса-да, бу террорчиликка кирмайди. Чунки норозилик билдириш билан намойишчилар инсоннинг асосий ҳуқуқларига хавф етказмайдилар. Аксинча, сиёсий мақсадда қилинган зўравонликнинг барча турлари террорчилик деб аталмайди. Террорчилик-

нинг таърифи сиёсатга шунчалик аралашиб кетганлиги сабабли доим террорчиликни ким ёки нима содир этиши юзасидан бахс-мунозара бўлади.

- Сиёсий низоларнинг олдини олишда музокаралар ва воситачилик ҳам ёрдам беради. Кўплаб гуруҳларни зўравонлик йўлидан воз кечиш ва музокаралар орқали демократик жараёнга иштирок этишга кўндириш мумкин. Масалан, Шимолий Ирландиядаги «Шин Фейн» партияси хатарли қадамдан шундай бош тортган эди.

**ИНТЕРПОЛ**

*Халқаро жиноий полиция ташкилоти (Интерпол) 1923 йили турли мамлакатлар полицияларининг бир-бирига ёрдам бериши учун тузилган эди. Интерполнинг штаб-квартираси Франциянинг Лион шаҳрида жойлашган.*

*Интерпол қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:*

*жиноятчиларни излаб топиш; бедарак йўқолган одамларни излаб топиш; ўғирланган қимматбаҳо мулкни излаб топиш; жиноят (наркобизнес, таъмагирлик, контрабанда, рэкет, сохта пул ишлаб чиқариш, ноқонуний ишлар) билан боғлиқ даромадларни қонунлаштиришга тўсиқ қўйиш.*

*1997 йили Қирғизистонда Интерполнинг Миллий марказий бюроси (ММБ) тузилган.*

*Чет мамлакатларнинг ҳуқуқни ҳимоялаш ташкилотлари билан Интерполнинг ҳамкорлиги ММБ орқалигина юритилади. Қирғизистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматининг турли жиноятларни очиш ва тергов қилиш бўйича сўров ва талаблари ҳамда топшириқлари шундай бажарилади.*

### 6.0 Глобал муаммолар ва мен

Глобал муаммолар жуда кўп. Бизга фақат ўз қишлоғимиз ёки мамлакатимизнинг муаммоларигина тегишли бўлади, десак қаттиқ янглишамиз, чунки биз ҳаммамиз бутун дунё фуқаролари ҳисобланамиз. Глобал муаммоларни чегараларни ёпиш ёки ташқи дунё билан алоқаларни узиш орқали ҳал қилиб бўлмайди.

Биз кўп нарсаларни билиб, онгли фуқаролар сифатида бундай муаммоларни ҳал этиш йўлларини топиш ва қулай усуллар ишлаб чиқишда ҳукуматга кўмак кўрсатишимиз керак.

*2003 йил 8 майда Ўшда пул алмашиш шохобчаларининг бирида бомба портлади. Натижада ўша ерда ишлайдиган бир киши ҳалок бўлди. Портлаш халқаро бузғунчи ташкилотнинг аъзолари томонидан тайёрланиб, амалга оширилган эди. Хавфсизлик кучларининг таъкидлашича, ўша ташкилот аъзолари 9 май, Ғалаба куни яна бир терактни, энди Бишкекда содир этмоқчи бўлганлар. Террорчиларнинг шум ниятлари амалга ошганда Айний кўчасидаги 68 квартирали каттакон бинонинг кули кўкка совурилар эди.*

### Матнни ўқишдан кейинги машқлар

**02–топшириқ. Менинг мамлакатимдаги глобаллашув.**

Шеригингиз билан ишлаб, мамлакатингизда кейинги 10 йил ичида пайдо бўлган ва сизнингча: 1) оилангиз ёки жамиятингиз турмушининг яхшиланишига шароит яратган беш тушунча ёки маҳсулот тури; 2) турмушимизнинг ночорлашиб кетишига сабаб бўлган (балки маҳаллий маданиятга салбий таъсир кўрсатганлигидан шундай деб ўйларсизлар) беш тушунчанинг рўйхатини тузинг. Сиз айрим тушунчалар ёки маҳсулот турлари турмушимизнинг қайсидир жиҳатини яхшилаб, шу вақтнинг ўзида бошқа жиҳатини ночор аҳволга солаётганлигини ҳам пайқашингиз мумкин. (Қуйида мисоллар келтирилди).

| Маҳсулот ёки тушунча | Турмушни яхшилади | Маҳсулот ёки тушунча | Қийинчиликлар пайдо қилди |
|---|---|---|---|
| Кондиционерли «Тойота» автомашинаси | Ёзда минишга қулай | Кондиционерли «Тойота» автомашинаси. | Эхтиёт қисмлар топилмайди, қиммат, чунки бензинни кўп истеъмол қилади. |

**03–топшириқ. Энг яхшиларини олиш ва бошқаларидан воз кечиш керак.**

Шеригингиз билан ишлаб, оила аъзоларингиз билан Ғарбий Европадаги мамлакатлардан бирига кўчиб борганингизни фараз қилинг. (Масалан, Голландияга. Бу кичик, лекин аҳолиси кўп, бой мамлакат бўлиб, мусулмонлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Гарчи аҳолининг кўпчилик қисми насронийлар бўлса-да, улар орасида диний урф-одатларга амал қилмайдиган, ҳатто динга ишонмайдиганлар ҳам кўплаб топилади).

1. Ёшлар вакили сифатида сиз ўз маданиятингизнинг қайси хусусиятларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган бўлар эдингиз? Масалан, она тилингизни унутмаслик.
2. Сизнингча, «ғарб» маданияти ва Голландия маданиятининг қайси жиҳатларини янги кўчиб борган ёшлар ўзлаштириб олсалар бўлади? Масалан, уяли телефонлардан фойдаланиш.
3. Чет эллик сифатида сиз ўзга юртда ўз маданиятингизни сақлаб қолиш учун нима қила олар эдингиз?

**04–топшириқ. Стереотиплар.**

Ҳаммамизда стереотип (кимдир ёки нимадир ҳақида шаклланган ўзгармас нуқтаи назар)лар бор. Агар биз уларга ўта ишониб юборсак, улар муаммо келтириб чиқариши мумкин.

1. Шеригингиз билан ишлаб, америкаликлар билан боғлиқ стереотипли фикрлар рўйхатини тузинг. Масалан: «Мен ўйлайманки, барча америкаликларнинг шахсий автомашиналари бор».
2. Бу стереотипни ёдга олган ҳолда сиз бирорта америкалик билан учрашиб қолсангиз, унга қандай муносабатда бўлишингизни ўйланг.
3. Агар у одам ҳақиқатан сиз ўйлагандек бўлиб чиқмаса, қандай оқибат юзага келишини ўйлаб кўринг.

Сўнг сизнинг мамлакатингиз аҳолиси тўғрисида америкаликларнинг қандай стереотиплари бўлиши мумкин эканлигини ўйланг. Агар имкони бўлса, америкаликдан шулар тўғрисида айтиб беришни илтимос қилинг. Агар сизнинг стереотипларингиз янглиш бўлиб чиқса, қандай муаммолар юзага келишини ўйланг. Буни жадвал шаклида ёзсангиз ҳам бўлади.

| Стереотиплар | Стереотипни ёдга олган ҳолда якка шахсларга муносабат | Оқибатлари (агар ўша одам бундай стереотипга лойиқ келмаса) |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**05–топшириқ. Дунё бозори ва мен.**

Шеригингиз билан ишлаб, глобаллашувнинг сизнинг мамлакатингиздаги кичик бизнес корхонасига етказган афзалликлари ва камчиликларини санаңг.

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| | |
| | |
| | |
| | |

**06–топшириқ. Сотилувчи меҳнат.**

Қуйида айрим ўқувчиларнинг бир савол теварагидаги ўй-фикрлари келтирилди. Уларни шеригингиз билан муҳокама қилиб, ўзингизга мос келган фикрни танланг. Агар ҳеч қайсиниси тўғри келмаса, унда ўз фикрингизни ёзинг. Ўз нуқтаи назарингизни тушунтириб беришга тайёр бўлинг.

*«Иш излаб ва бошқа сабабларга кўра чет элларга кетаётган одамларда ватанпарварлик ҳисси борми?»*

***Аҳмад:*** Менимча, ҳукумат одамларнинг бошқа мамлакатга кетишига рухсат бермаслиги керак. Мамлакатимиз ҳисобидан уларга билим берилса, уларнинг фойдасини бошқалар кўрадими? Ватанини ташлаб кетганларни ватанпарвар деб аташ мумкинми? Улар бола-чақасини боқишдан қочган беорларга ўхшайдилар.

***Раъно:*** Мен бунга қўшилмайман, биз ёш болалар эмасмиз. Агар одамлар кетаётган бўлсалар, бунга ўз фуқаролари учун ғамхўрлик қилиш мажбуриятини олган ҳукумат жавобгардир. Бунинг устига чет элга бориб яшаётганлар уйларига пул жўнатиб турадилар, ватанига янги касб-ҳунар эгалари бўлиб қайтадилар.

***Хуршид:*** Ҳа, агар қайтиб келсалар, лекин келмай қўйсалар-чи? Кетаётганларга агар беш йилда қайтиб келмасангиз, фуқароликдан маҳрум бўласизлар, деб эслатиш керак. Шунингдек, мен чет элларда ишлаётганларни ўз мамлакатига даромад солиғини тўлаб туришга мажбурлаш керак, деб ўйлайман.

**Гавҳар:** Унда икки томонлама солиқ тўлайдиларми? Улар зиён тортадилар, чунки қонун бўйича солиққа ишлаб топганидан кўпроқ пул тўлаши керак бўлади. Мен бунга қаршиман. Биз чет элларга борганда бошқа маданиятларни ўзлаштириш, билимимизни ошириш имкониятига эга бўлишимизни ҳам ўйлашимиз керак. Менимча, мамлакатимизни чет эллик мутахассислар ҳавас қилиб келадиган ҳолатда ривожлантириб, ажойиб диёрга айлантиришимиз керак.

**07-топшириқ. Мен яшаётган жойдаги атроф–муҳит муаммолари.**

Уч ёки тўрт кишилик гуруҳларда ишлаб, сиз яшаётган жойдаги атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар рўйхатини тузинг. Уларни ҳал этиш учун нима қилиш зарурлигини ёзинг. Ахлатларни йиғиштириб қўйиш билангина муаммони ҳал этиш мумкин эмаслигини ёдингизда тутинг. Муаммони ҳал этиш - барқарор ва адолатли йўл билан унинг такроран пайдо бўлиши эхтимолининг олдини олиш демакдир.

**08-топшириқ. Сув – ҳаёт булоғи.**

Шеригингиз билан қуйидаги саволларга жавоб изланг:

1. Жамиятимизда сувдан қандай фойдаланишимиз тўғрисида рўйхат тузинг.
2. Оилангиз бир кунда неча литр сув истеъмол қилади?
3. Биз фойдаланадиган сувнинг манбаи қаерда? (Бизга сув қаердан келади?)
4. Дарёнинг устки қисмида сувни ифлослантирадиган қандай манбалар мавжуд?
5. Сувни ифлослантириш билан ерни нимага "тўйдирамиз"?
6. Сувни ифлосланишдан сақлаш учун нималарни қўллашимиз керак?
7. Сувни ифлосламаслик ва исроф қилмаслик учун нима қилишимиз керак?

**МАҲАЛЛИЙ АТРОФ-МУҲИТ... ЎТА КАТТА КЕТИБ ЮБОРМАДИКМИ? СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ?**

***Ирландияда ҳукумат целлофан халталардан фойдаланганлик учун юқори даражадаги солиқлар жорий қилган эди. Шу сабабли ҳозир одамлар уларни ишлатмайдилар ва шу йўл билан атроф-муҳитни ифлос қилмайдилар.***

***Сингапурда резина сақич чайнаш тақиқланган. Ирландияда эса ким резина сақич чайнаса, ундан солиқ ундирилади, тушган маблағ сақични йўқ қилувчиларнинг ойлик маошларига қўшиб берилади!***

***Янги Зеландияда жамоат жойлари, хусусан, ресторанлар ва жамоатчилик истироҳат боғларида тамаки чекиш қонунга хилоф ҳисобланади.***

**09-топшириқ. Таърифсиз иш.**

Шеригингиз билан ишлаб, террорчиликка оид аниқ таъриф берилмаганлиги туфайли юзага келадиган қийинчиликларни муҳокама қилинг. Ишни тўғри йўналтириш учун коррупцияни таърифлашнинг қийинчиликлари ҳақида берилган материални эслаш фойдали бўлади (бу ҳақда биз юқорида ҳикоя қилганмиз).

**10-топшириқ. Бу тушунчага нималар кирмайди?**

Шеригингиз билан ишлаб, нима учун куч ишлатмай қаршилик билдириш «террорчилик» деб аталмаслигини тушунтиришга тайёрланинг. Бу икки ҳолатни аралаштириб юборишнинг нимаси хавфли?

**11-топшириқ. Куч ишлатиб ислоҳот юритиш.**

Француз инқилоби даврида сиёсий восита сифатида кўпинча террор қўлланган. Шеригингиз билан ишлаб, агар ислоҳотлар ўтказиш учун террордан фойдаланилса, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни муҳокама қилиб, рўйхат тузинг.

**12-топшириқ. Нима учун биз?**

Баъзида жамиятни куч билан ўзгартишни кўзлаган ташкилотлар зўравонлик ишларига ёшларни ёллашади. Сизнингча, нима учун шундай қилишади?

**13-топшириқ. Глобал ва маҳаллий муаммоларни таҳлил қилиш.**

Кўп вақтларда глобал муаммоларга дуч келганда ўзимизни чорасиз сезамиз. Шундай бўлса-да, агар кўпчилик бирлашса, зўр ишларни битириш мумкин. Илк қадамлардан бири юз бераётган воқеаларни таҳлил қила олишдан иборат бўлади. Муаммони тўғри тушуниш учун жуда муҳим бир неча умумий саволга жавоб топиш зарур.

Гуруҳларга бўлинган ҳолда муаммоларнинг юзага келишига қараб, жавоб излашимиз керак бўлган саволларнинг рўйхатини тузинг. Масалан:

- Воқеага кимлар жалб қилинган?
- Воқеа қачон бўлган?

**14–топшириқ. Бизнинг қўшнилар.**

Фараз қилингки, бошқа мамлакатдан бир оила кўчиб келиб, сизларга қўшни бўлди.

1. Сиз энг аввал нималарга эътибор берар эдингиз?
2. У одамларга нисбатан сизнинг қандай стереотипларингиз бўлиши мумкин?
3. Сизнинг уларга нисбатан муносабатингиз қандай шарт-шароитларга боғлиқ бўлар эди?
4. Сизнингча, улар билан алоқа ўрнатиш жамоат учун зарурми? Агар зарур бўлса, нега?

**15–топшириқ. ОАВнинг глобаллашуви.**

Шеригингиз билан ишлаб, ОАВнинг глобаллашувининг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатишга ҳаракат қилинг.

| Афзалликлари | Камчиликлари |
|---|---|
| 1. Турли мамлакатлардаги янги ихтиролар тўғрисида билиб олиш мумкин. | 1. Текшириш қийин бўлган ёлғон мишмишларни атайлаб тарқатишлари мумкин (масалан, Интернет орқали). |
| 2. | 2. |
| 3. | 3. |

**16–топшириқ. Бу қанчалик тўғри?**

Бу бобда террорчилик йўли билан қурилган жамиятда фуқароларнинг ҳаёти хавф остида бўлади, дейилади. Нега? Сиз бунга қўшиласизми? Жавобингизни далиллаб, кичик (300 сўздан ошмаган) иншо ёзинг.

# XXI БОБ

# Фаол фуқаро бўлиш



## Матнни ўқишдан аввалги машқлар

**01–топшириқ.** **Ким ҳал этиши керак?**

Икки кишидан бўлиб, қуйида берилган саволларга эътиборингизни қаратинг. Сизнинг назарингизда қайси одам ёки одамларнинг гуруҳи берилган саволларнинг ҳар бири бўйича энг яхши қарор қабул қила олиши мумкинлигини танланг. Сиз бир аниқ одам ёки одамлар гуруҳини қанча хоҳласангиз, ўшанча танлай оласиз.

| Саволлар | Ким яхшироқ ҳал қилиши мумкин? |
|---|---|
| 1. Мен тушки овқатга нимани танлашим керак?<br>2. Бизнинг янги уй қандай катталикда бўлиши керак?<br>3. Боғимизга нима ўтқазиш керак?<br>4. Мен мактабни қачон тамомлашим ва ишлай бошлашим керак?<br>5. Ноннинг нархи қанча бўлиши керак?<br>6. Қачон ҳосилни йиғиштириш керак?<br>7. Соат нечада ўриндан туриш керак?<br>8. Биз қандай китобларни ўқишимиз керак?<br>9. Дўконда нималар сотилиши керак?<br>10. Қишлоғимиз (шаҳримиз)ни қандай ободонлаштириш мумкин?<br>11. Янги йўл қаердан ўтишини ким ҳал қилиши керак?<br>12. Йиғилишлар ва байрамлар ўтказиш учун янги клубни ким ташкил этиши ва қуриши керак? | а) Мен.<br>б) Дўстларим ва мен.<br>в) Дўстларим, мен ва ота-онам.<br>г) Дўстларим, мен, оилам ва қишлоқ (шаҳар)нинг бошқа фуқаролари.<br>д) Ота-онам, бироқ мен эмас.<br>е) Менинг бутун оилам.<br>ж) Қишлоқ ҳукумати бошлиғи.<br>з) Бутун қишлоқ кенгаши.<br>и) Фақат қишлоқ (шаҳар)нинг эркаклари.<br>к) Кенгаш депутатлари.<br>л) Айрим тадбиркорлар.<br>м) Ҳокимият. |

## Ўқиш учун матн

Биз бу бобда фуқаролик фаолиятининг уч жиҳатини кўриб чиқамиз:

1. Нега фуқаролик ҳаракатларида қатнашиш керак?
2. Қандай қилиб фуқаролик фаоллигини кўрсата оламиз?
3. Иштирок этишнинг турлари.

### 1.0 Нега иштирок этиш керак?

> *САБР ВА СУКУТ – бошингга тушган кулфатни енга олишда буюк сифатлардир, чунки сенинг изтиробинг бошқаларга ғам-ташвиш келтирмасин. Бироқ яқин кишингнинг ғуссасини кўриб туриб сукут сақлаш – қўрқоқлик ва хоинликнинг худди ўзи.*
>
> *(Қодир Ўмурқулов, «Асрнинг хайрли тонги»).*

Ҳаракат ҳаёт моҳиятини англатади. Ҳаракатнинг сабаби бўлиб бирор нарсага эришиш ёки бизда йўқ бўлган нарсага интилиш зарурати ҳисобланади. Ҳаракат қилиш учун инсон бўшанг эмас, фаол бўлиши керак.

Бўшанглик аллакимга бўйсуниш ва одамни ким биландир ёки қандайдир бир бошқа нарса билан етакланишини билдиради. Шу нуқтаи назардан олганда, албатта, фаоллик бўшангликдан кўра афзалроқдир. Бировга тобе бўлгандан кўра вазиятни ўзингиз назоратга олганингиз яхши-ку.

Инсоннинг ҳар доим, бир томондан, ўзининг танлови ва хоҳиши бўйича ҳаракат маъносидаги фаоллик, иккинчи томондан, бўшанглик (ёки ҳаракатсизлик)нинг бирини танлаб олиш имконияти бўлади. Бўшанг одамлар ўз тақдирига эгалик қила олмайдилар, уларни кимлардир етаклайдилар.

Албатта, биз кўпинча бизнинг ўрнимизга бошқалар қарор қабул қилишларини афзал кўрамиз. Докторнинг соғлиғимизни яхшилаш учун қандайдир одатларимизни ташлаш кераклиги тўғрисидаги маслаҳати бизга ёқади. Бироқ кўп ҳолларда биз ҳаммамиз ҳам қарор қабул қилишда қатнашишни хоҳлаймиз. Биз бошқа мутахассислар фикрини сўраймиз ва ахборотнинг қўшимча манбаларини

излаймиз. Кўпинча ушбу қарорга алоқадор одам уни ишлаб чиқиш жараёнида қатнашганда ўша қарор сифати бир қадар яхши бўлади.

Бу, айниқса, демократик сиёсий тизимларда аҳамиятли, чунки у ерларда охирги сўзни фуқаро айтиши керак. Демократия давлат фуқаролари ўта фаол бўлган шароитлардагина кучга киради, чунки бу фаоллик овоз бериш билангина чекланмаслиги керак.

Ҳар бир одам жамият равнақига ўз ҳиссасини қўшишга қодир. Сизнинг жамоатингизга барчасидан аввал молиявий маблағлар кераклек туюлади, лекин унга сизнинг вақтингиз ва маҳоратингиз ҳам талаб этилади.

Одатда одамлар ўзларининг ижтимоий фаоллигининг унча юқори эмаслигини турлича тушунтирадилар.

*«Менинг алоҳида истеъдодим йўқ».*

Бундай гапни тез-тез эшитамиз ва у ҳақиқатта баъзидагина тўғри келади. Бошқа одамлар билан вақт ўтказиш ёки болаларга ёрдам бериш учун фақат яхши кўриш ва ғамхўрлик керак. Жамоатчилик асосида ишлашга осонгина ўрганиш мумкин.

*«Менинг вақтим йўқ».*

Сизнинг ихтиёрингизда бошқа одамлардаги каби суткасига 24 соат вақтингиз бор. Наҳотки, сиз шу вақтнинг ҳаммасини ўзингизга ва ўз жамоатингизга ёрдам беришдан кўра ҳам муҳимроқ ишларга сарфлайсиз?

*«Мен уятчанман ва одамларга зўрға қўшиламан».*

Қалбимиз тубига қулоқ тутсак, ҳаммамиз ўта уятчанмиз. Уятчанлик – инсонга хос табиий хусусият. Фаоллар ва улар ёрдам бераётганлар орасида ҳам очиққўнгиллик, иноқлик ва тушуниш мавжуд. Бу ерда чинакам жамоатчилик ҳисси ҳукмронлик қилади, бу эса сизга уятчанликни енгишга ёрдам беради.

*«Менда маблағ етишмайди».*

Кўплаб одамларда ортиқча пул йўқ, бироқ сизда бой инсоний заҳира, куч-қувват ва ғоялар бор.

*«Ҳар ким ўз кўмачига кул тортади».*

Бу ҳар кимнинг оиласи тўла берилиб ишлашга муҳтож эканлиги ва эҳтимол, пул етишмаётганлигидан далолат беради. Албатта, биринчи навбатда биз оиламизга ғамхўрлик қилишимиз керак. Дастлаб диққат-эътибор ва куч-қувватимизни ҳаммадан кўра кимни яхши кўрсак, ўшанга беришимиз зарур. Ҳақиқатан, баъзида оиламиз моддий ёрдамга ўта муҳтож бўлади. Бироқ оилаларимизнинг турмуш даражаси кўпинча жамоатимизнинг фаолиятига яраша бўлади. Агар жамоат аҳил яшаб меҳнат қилса, у одатда бир одам ёки оила қила олмайдиган ишларни бажариб, одамлар турмуш даражасини яхшилаб олади. Бунга сиз худудий ўзини ўзи бошқарув органи қўмитасида шунчаки фаоллик кўрсатиш ёки фаол умуммиллий сиёсий ташкилот аъзоси бўлиш билан эришишингиз мумкин.

*«Мен нимадан бошлашни билмайман».*

Ҳаётингиз учун нима муҳим ва уни қандай яхшилашингиз мумкинлигини таҳлил қилинг. Жамоат фаоллигининг турли шаклларига бўлган манфаатдорлик одамга катта қониқиш, қувонч бахш этади ва ишни енгиллаштиради. Сиз ўз жамоангиз ва жамоатингизга разм солишингиз керак. Жамоатингизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган одамлар билан суҳбатлашинг ва кейинги бўлимни ўқинг.

**ФАОЛ РАДИО: ТАШАББУСНИ ҚЎЛГА ОЛИШ – 1**



*Бугун биз Ўш шаҳридаги «Олтин мақсад» бирлашган ёшлар уюшмасининг президенти Алишер Мамажонов билан суҳбатлашамиз.*

***– Алишер, сизлар нима билан шуғулланяпсизлар?***

***– Биз Фарғона водийси талабаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият кўрсатамиз. Биз Ўш ва Андижонда мониторинг ва жамоатчилик кампанияларини ўтказдик. Гап шундаки, университет, институт, академия ва бошқа олий ўқув юртларининг тижорат бўлимларига ўқишга кирган талабалар шартномаларга қўл қўйишлари керакки, уларда талабалар ва таълим муассасаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган. Биз хизмат кўрсатиш бўйича шартнома моделини ишлаб чиқдик. Махсус плакатлар тайёрладик ва жамоатчилик кампанияларини ўтказдик. Дастлаб ишни талабаларни ўшандай плакатлар тайёрлашга жалб этишдан бошладик. Сўнг шартнома модели тўғрисида ахборот тарқатиш билан шуғулландик. Шу билан бирга биз буни одатда талабалар жам бўладиган жойларда бажаришга ҳаракат қилдик. Шартнома модели Қирғизистон Республикаси Таълим вазирлиги томонидан қабул қилинди, энди барча олий ўқув юртларидан шу моделни қўллаш талаб этилади.***

***– Нега шу акцияни зарур, деб ҳисоблайсиз?***

***– Ташкилотимизнинг мақсади – турли муаммолар (миграция, фуқаролик таълими, талабалар ҳуқуқлари, айниқса, одам савдоси)ни ҳал этишда кўмаклашиш. Шу сабабли биз Фарғона водийси, хусусан, Ўш, Андижон, Фарғона шаҳарлари талабаларининг ҳуқуқлари соҳасида изланишлар олиб бориш билан шуғулландик ва шундай хулосага келдикки, ўқиш учун пул тўлаш шартларининг бажарилишида талабаларнинг ҳуқуқлари атайлаб бузиляпти. Талабалар ва олий ўқув юртлари шартномани имзолаётганда уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари аниқ кўрсатилмаса, талабаларнинг ҳуқуқларини осонгина поймол қилиш мумкин. Бундан ташқари, баъзи талабалар ўқишга 17 ёшда кирадилар, бироқ қонунга мувофиқ 18 ёшга тўлган талабаларгина шартномага қўл қўйишлари керак. Ана ўшандагина шартнома ҳақиқий ҳисобланади. Акс ҳолда у адлиявий кучга эга бўлмайди. 70 фоиз ҳолларда шартномани талабанинг розилигисиз ўзгартиш мумкин эди. Ўқиш учун тўланадиган ҳақ йил сайин ортиб боряпти, лекин бу шартномалар матнида ҳеч тилга олинмайди. Бундан ташқари, талабалардан ўқиш учун белгиланган миқдордаги тўловдан ташқари пул тўплашади. Айрим талабаларни ўқишдан қонунсиз ҳайдашган.***

***– Сизнинг акциянгизда кимлар қатнашди?***

***– Уюшма аъзолари тадқиқот, мониторинг, жамоатчилик кампаниялари ўтказишди, плакатлар безашди, шунингдек, бошқа талабалар, уюшма волонтёрлари қатнашдилар.***

***– Бунга бошқа одамлар қандай муносабатда бўлдилар?***

***– Дастлаб олий ўқув юртларининг маъмуриятлари бу акцияга қатъий қарши чиқишди, талабалар ўқишдан ҳайдалиб кетишдан қўрқишар эди. Ишнинг бошланишида фақат 700 талаба қатнашган эди, бироқ кейин улар сони 2500 гача етди. Кейинроқ маъмуриятлар ўз муносабатларини ўзгартишди ва тез орада ўқув муассасаларининг 80-90 фоизи ишимизни қўллаб-қувватладилар.***

***– Иш учун қандай ресурслар талаб этилди?***

***– Евроосиё фонди бизни қўллаб-қувватлади (уюшма лойиҳа режасини ишлади ва фондга юборди), инсон ресурслари – талабалар, волонтёрлар жалб этилдилар.***

***– Келажак режаларингиз қандай?***

***– Келгусида қуйидаги ишларни режалаштиряпмиз: биринчиси, қишлоқ ёшлари вакилларини фаоллаштириш ва жамоат ишларига жалб этиш. Биз ўйлаймизки, қишлоқда бу катта муаммо, чунки улар мавжуд масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этишмайди. Мен ўтган йилдан бери, Душанбеда ёшлар конгрессида қатнашганимдан сўнг шу ғоя устида жиддий ўйлана бошладим. Энди мен қишлоқларда ёшлар ҳаракатини ташкил қилишни хоҳлайман. Шунингдек, биз ёш сайловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида ишлаш, Қирғизистон Республикасида сайлов тартиблари тўғрисида ахборот тарқатишга аҳд қилдик. Ўқишлар чоғида биз қандай қилиб кўплаб ёшлар одам савдосининг қурбонига айланаётгани ҳақида айтиб берамиз ва шу вазиятга тушмаслик учун нима қилиш кераклигини тушунтирамиз.***

## 2.0 Биз ижтимоий фаолликни қандай кўрсата оламиз?

Пул билан садақа бериш хайриянинг суст кўриниши ҳисобланади. У мурувват соҳибидан унчалик ҳаракат талаб қилмайди ва бундай садақа юқори баҳоланади, чунки бошқалар учун хайрли ишларни бажаришга имкон яратади. Эҳсон эгаси берганининг эвазига бирор нарса олиши мумкин. Масалан, агар кимдир кутубхона қуришда ёрдам берса, у бино пештоқида ўз фамилиясини кўриб, хурсанд бўлиши мумкин.

Шунингдек, фаол хайрия ҳам борки, у хусусий тадбиркорлик иштирокини англатади. Масалан, ёшлар жамоат фаоллари сифатида камбағалларга ёрдам кўрсатадилар, ўзларининг бирор нарса-

ларини берадилар. Эхтимол, уларнинг камбағаллар билан бўлишадиган пуллари йўқдир, лекин уларда вақт ва куч-қувват бор. Бироқ ижтимоий фаолликнинг бундай кўринишини одам ўзи танлаши керак. Одамларга иштирок этишлари учун маълум тазйиқ кўрсатиладиган ишни ихтиёрий деб атаб бўлмайди. Аслида, кўнгилли ижтимоий фаоллик ёрдам берилаётган одамларга ҳам, фаолнинг ўзига ҳам фойда келтиради, чунки бундай танишув чоғида шаклланаётган шахсий муносабатлар ўта муҳимдир.

Кўп ҳолларда одамлар ижтимоий фаолликни кўрсатадилар, чунки улар кўзланган мақсадга интилувчан бўлишни ва ўзларининг керакли эканлигини билишни хоҳлайдилар. Одатда қандайдир жамоат ишларида қатнашадиган пенсионерларнинг соғлиғи бундай ишларга аралашмайдиганларга нисбатан мустаҳкамроқ бўлади ва узоқроқ умр кўрадилар.

Кўпинча ҳатто ўз бизнесини юритиш ҳам жамоатимизни қўллаб-қувватлашнинг бир усули эканлиги унутилади. Бизнесингиз туфайли янги хизматлар ва маҳсулотлар яралиши мумкин, бу эса одатда нарх-наволарнинг арзонлашиши ва янги иш ўринларининг пайдо бўлишига олиб келади.

Баъзилар кўплаб одамлар, асосан, кўпроқ пул топишгагина қизиқадилар, хайрия ишлари – айрим кишиларнинггина қисмати, деб ўйлайдилар, бироқ бундай эмас.

## 3.0 Иштирок этишнинг турлари

### *3.1 Сиёсий ишларда қатнашиш*

Демократик давлат фуқаросининг энг муҳим фуқаролик бурчи – сиёсий тадбирлар, ҳеч бўлмаганда овоз беришда иштирок этиш. Кўплаб мамлакатларда овоз бериш ҳуқуқи учун узоқ йиллар курашишга тўғри келган. Бугунги кунда кўплаб давлатларда барча фуқаролар (одатда 18 ёшдан), миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, овоз бериш ҳуқуқига эга.

**МЕН ХОҲЛАЙМАН,**
**БУ МЕНИНГ ҚЎЛИМДАН КЕЛАДИ...**

***Фаол бўлиш сен хоҳлаган нарса тўғрисида билдириш, қиладиган ишинг ва ҳаракатингни аниқ айтиш демакдир. Фаол бўлиш – бу бошқа одамлар қилиши керак бўлган нарса тўғрисида айтиш, дегани эмас.***

Овоз бериш билан сиёсий фаолиятнинг бошқа турлари ўртасида ўзаро алоқалар доим ҳам тўғри келавермайди. Овоз беришдан ташқари, сиёсий фаолиятда иштирок этишнинг кўплаб бошқа усуллари бор:

- сиёсий кампанияларда иштирок этиш;
- ўз жамоатининг фаолиятида қатнашиш;
- маълум гуруҳлар ёки ташкилотларнинг, шу жумладан, сиёсий партиянинг фаолиятида иштирок этиш.

### *3.2 Сиёсий кампаниялар (тарғибот, ташвиқот ишлари)*

Бу сиёсий номзод ёки сиёсий партияларга ёрдам бериш юзасидан кўнгилли бепул ишлаш демакдир. Сиёсий партияга унинг аъзоси бўлмасдан ҳам кўмак кўрсатиш мумкин. Масалан:

- ўз қўшниларига варақалар ва бошқа ахборотномаларни тарқатиш;
- ўз квартираси ёки уйини йиғилишлар учун бериш;
- турли ерлардаги йиғилишлар ва оммавий митингларда қатнашиш;
- мурожаатномага қўл қўйиш;
- сиёсий партияга кириш;
- сайланувчи сиёсий лавозимга номзод бўлиш.

Сайловда қандайдир бир сиёсий партиядан, хусусан, у яккаҳокимликка мухолиф бўлган вақтда, номзодликка тайёр туриш одамдан кучли ирода ва қатъият талаб қилади. У озроқ бўлса-да, ўзи учун ҳам, унинг кампаниясини қўллаб-қувватлаганлар учун ҳам зарур. Бироқ бу одамлар ўша ишнинг ёқловчилари бўлишлари ва уларнинг номзоди илгари сураётган ғояларни тушунишлари керак.

**ФАОЛ РАДИО: ТАШАББУСНИ ҚЎЛГА ОЛИШ – 2**



*Биз учрашувга Ўш вилояти Ўзган туманининг Куршоб қишлоғидаги Тантаров номли 14-ўрта мактаб 11-синф ўқувчиси Жамила Нуркулованi таклиф этдик. У «Либерти» ўқувчилар ҳаракат қўмитаси(ЎҲҚ)нинг президентидир.*

*– Жамила, қандай акциялар ўтказдингиз?*

***– Мен иккита лойиҳа бўйича ташаббус кўтардим. Улардан бирининг мақсади – кам таъминланган оилалар болаларига ёрдам бериш. Лекин ҳаммасидан ҳам мен иккинчи тадбир билан фахрланаман. Тадбирда биз яқинда қўшни қишлоқда ташкил этилган жамоатдаги мактаб ўқувчиларига кўмаклашган эдик. Ўтган йили улар кўчкидан жабрланган эдилар. Бизнинг «Либерти» ЎҲҚ бу тадбирни ёнма-ён жойлашган уч мактаб маъмурияти, қишлоқ ҳукумати ва мактабимиз ота-оналар қўмитасининг ёрдами билан ташкил этди. Масалан, молиявий маблағлар кўпайди, улар туфайли ўша мактаб ўқувчиларига кийим-кечак, озиқ-овқат ва янги йилга совғалар сотиб олдик.***

*– Нега сиз шу акцияни зарур, деб ҳисобладингиз?*

***– Бир куни биз укам билан кўчкидан жабрланганлар томонидан қурилган бизга яқин янги қишлоқ ёнидан ўтаётган эдик. Мен кўчки натижасида ҳалок бўлганларнинг бевалари қандай қийинчилик билан янги уйлар қураётганини, шунингдек, ота ёки онасидан жудо бўлган ё бутунлай етим қолган болаларни кўрдим. Кейинроқ мен улар ўқийдиган мактабга бордим ва уларнинг сўзларини эшитиб, ларзага келдим. Уларнинг кўпчилигида мактабга кийиб борадиган яхшироқ кийими ҳам йўқ эди. Ўшанда декабрь ойи эди, баъзи болаларнинг эса қишки кийими йўқ. Шундай қилиб, мен ўша қишлоқ болаларига кийим-кечак олиб бориб бериш ва аҳолига концерт қўйиш учун хайрия тадбирини ўтказиш ташаббусини кўтардим. Бу ғояни ЎҲҚ аъзолари билан баҳам кўрдим ва улар фикримни қўллаб-қувватладилар.***

*– Акциянгизда кимлар иштирок этдилар?*

***– Куршоб қишлоқ ҳукумати, уч мактаб, маҳаллий милиция, мактабимиз парламенти ва, албатта, бизнинг ЎҲҚ бу тадбирларда қатнашдилар.***

*– Бунга бошқа одамларнинг муносабати қандай бўлди?*

***– Аввалига қишлоқ ҳукуматининг амалдорлари бизни қишлоқ ҳукумати бошлиғи ҳузурига яқин йўлатишмади. Уларнинг гапига қараганда, қишлоқ ҳукумати жабр кўрганлар учун барча зарур ёрдамларни беряпти, кимдан бўлишидан қатъи назар, қўшимча мададга эҳтиёж йўқ, айниқса мактаб ўқувчиларидан. Биз қишлоқ ҳукуматига уч мартадан ортиқ бордик ва ниҳоят, бир куни эрталаб ҳукумат бошлиғи билан гаплашишга эришдик. Бизнинг ғоя унга қаттиқ таъсир қилди ва у ташаббусимизни қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Улар ҳам шундай тадбир ўтказмоқчи бўлишгани, бироқ буни амалга ошириш учун етарли миқдордаги одамлар йўқлигини айтган. Шу суҳбат туфайли биз келгусида бошқа амалдорлар билан ҳам ҳамкорликда ишлай бошладик. Мактабда эса бир ўқитувчи ҳатто ўқишдан оғишмаслик, болаларни ишимизга жалб этмасликни илтимос қилди. Унинг фикрича, ЎҲҚ фақат мактаб ҳудудидаги лойиҳалар билангина шуғулланиши керак. У тадбирларга беҳуда вақт сарфламасдан, яхшиси унинг фанидан бўладиган имтиҳонга тайёрланишимиз зарурлигини ҳам айтди. Лекин мактаб директори – ажойиб инсон, биз унга ғоямизни айтганимизда дарҳол қўллаб-қувватлади. Шундан сўнг ўқитувчилар билан ҳеч қандай муаммо юзага келмади. Бошқа мактаблар маъмурияtlари бизга ёрдам беришни хоҳламадилар. Улар бунингсиз ҳам бошқа ишлар билан бошлари ғовлаб ётганини рўкач қилдилар. Бироқ рус мактабининг директори бизга кийим тўплашда жуда катта ёрдам берди. Ўша болалар ўқийдиган мактаб маъмурияти бизга моддий-техник таъминотдан кўмаклашди. Кейинроқ, тадбир бўлиб ўтгач, ҳамма унинг натижасидан мамнун эди: бу акциялар ҳақиқатан болаларга ёрдам берди. Туман таълим бўлими мудири ҳам концертга таклиф этилган эди, лекин кела олмади. Кейинроқ хат ёзиб, тадбирда қатнаша олмагани учун узр сўради.***

*– Ишга қандай ресурслар талаб этилди?*

***– Аввало биз маҳаллий амалдорлар ва мактаб маъмуриятининг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлдик. Биз уларнинг ёрдамини олдик. Сўнг улар болаларга совға учун пул ажратишди. Бизнинг ЎҲҚ аъзолари ўқув-ёзув қуроллари, шунингдек, 5-синф ўқувчилари концерт берган залнинг безаклари учун пул тўпладилар. Мен ўйлайманки, дастурни тайёрлашда уларга синф раҳбарлари ёрдам берган бўлса керак.***

*– Келгуси режаларингиз қандай?*

***– Мен 11-синфда ўқийман. Бу йил университетга ўқишга киришни режалаштиряпман. Мен ЎҲҚни ташкил этиб, узоқ вақт унинг президенти бўлиб қололмасам-да, болаларимизга ёрдамлашмасдан, баъзи масалаларда уларга маслаҳат бермасдан яшашим қийин бўлади. Яқинда биз ЎҲҚга сайлов ўтказдик. Умидворманки, ЎҲҚнинг янги сайланган аъзолари ўз вазифасини виждонан бажарадилар. Мен ўйлайманки, агар Бишкек ёки Ўшдаги университетга ўқишга кириб олсам яхши эди, чунки бу катта шаҳарларда менда ЎҲҚ учун молиявий маблағлар топишга кўпроқ имкониятлар пайдо бўлади.***

*– Қайси мутахассислик бўйича билим олмоқчисиз?*

***– Мен Қирғиз-Славян университетининг халқаро муносабатлар бўлимига ўқишга кирмоқчиман. Келгусида ижтимоий ҳуқуқни ҳимоялаш соҳасида ишлашни хоҳлайман.***

### 3.3 Маҳаллий жамоатдаги фаолият

Кўплаб одамлар учун мамлакат миқёсидаги сиёсий фаолият кундалик турмушдан бутунлай ажралиб қолгандек туюлади. Улар ўзларининг кундалик турмушида таъмирталаб бўлган йўлларни, йиғиштириш ва ўз вақтида ташиб кетиш зарур бўлган ахлатларни ва саранжом-саришта тутиш керак бўлган уйларни кўрадилар. Кўплаб қийинчиликлар маҳаллий даражада келиб чиқади. Уларни кўпинча маҳаллий даражада ҳал қилиш мумкин. Шу боисдан кўплаб мамлакатларда фуқаролар ўз тумани ёки маҳаллий жамоати миқёсида ўта фаоллик кўрсатадилар.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг турли шакллари фуқароларнинг иштирок этиши учун ҳар хил имкониятларни беради. Баъзида сайланувчи ёки тайинланувчи маҳаллий мансабдор шахслар одамлар билан мулоқот қилишга алоҳида қизиқишларини кўрсатадилар. Одамларнинг ҳам маҳаллий ҳокимият билан музокаралар бошлаш учун кўплаб усуллари бор. Уларда қуйидаги имкониятлар мавжуд:

**ИШНИ ШУНДАН БОШЛА:**
**БИЗНИ ЎРАБ ТУРГАН МУҲИТ**

***Биз ҳал қилишимиз керак бўлган муаммолардан бири бизни ўраб турган муҳитни ҳимоялашдан иборатдир. Бу нафақат миллий боғлар, шунингдек, биз яшаётган жойларни ҳимоялашни ҳам билдиради. Одатда биз амалга оширадиган энг содда ҳаракат қуйидагилардан иборат:***

***1.Рухсат берилмаган жойга ахлат ташламаслик.***

***2.Ташланган нарсани қайта олиш.***

***3.Ўзига қарашни бошқаларга ўргатиш.***

***4.Маданий жамиятда одат тусига кирган тарзда керак бўлмаган пластик идиш ва бошқа ахлатлардан қутулиш.***



*Бу бизнинг ажойиб Сўнқўлми? Табиат гўзаллигидан таъсирланиб, ўзингиздан яхши из қолдиринг.*

- мансабдор шахсларга хат ёзиш;
- маҳаллий муаммони ҳал қилишнинг мумкин бўлган йўллари тўғрисида масалани муҳокама этиш учун гуруҳ тузиш;
- шу гуруҳ билан мансабдор шахслар ва маҳаллий сайланувчи ҳокимият органлари вакилларининг учрашувига бориш;
- ўша маҳаллий муаммони муҳокама қилиш мақсадида парламент депутатлари билан учрашиш учун пойтахтга бориш;
- ариза бериш ёки ўзининг позициясини оммавий ахборот воситаларида баён қилиш йўли билан муаммога расмий шахслар эътиборини қаратиш ва ҳоказолар.

### 3.4 Маълум гуруҳ ёки ташкилот таркибидаги фаолият

Баъзида муаммо маҳаллий жамоатга эмас, якка шахсга тегишли бўлади. Бу ундан бошқа ҳеч кимда бундай қийинчиликлар йўқ, дегани эмас. Балки сиз бошқа қишлоқ ёки шаҳарда бундай масалага дуч келган одамни топарсиз. Шу муаммони ҳал этиш устида бирга ишлаб, сиз давлат органлари ёки хусусий компаниялар вакилларини кўплаб одамларнинг маълум чоралар кўриш керак бўлган масалалари бор эканлигини тушунишга мажбурлай оласиз.

Албатта, сизнинг аниқ масалаларингиз шикоят ёки сиёсатга тегишли бўлмаслиги ҳам мумкин. Сиз ўз туманингиздаги экологияни яхшилаш бўйича ташаббус кўтаришингиз ёки одамларни жипслаштирадиган турли ишлар учун шунчаки уларни уюштиришингиз мумкин. Ёшлар кўпинча қуйидаги тадбирларни ўтказадилар:

- ёшлар гуруҳларини табиатга ёки бошқа жойларга олиб чиқиш;
- хавфсизликни таъминлаш усулларини ўрганиш ва биринчи ёрдам кўрсатиш;
- маданий анъаналар ва урф-одатларни бажариш қоидаларини ўрганиш;
- экологик гуруҳлар тузиш;
- спорт тадбирларини ташкил этиш;
- умумий ҳовлини ободонлаштириш;
- жамоат аъзолари соғлиғини сақлаш тўғрисида ғамхўрлик ва ҳоказолар.

Бу фаолият турларининг ҳаммаси қониқиш пайдо қилади ва маърифий хусусиятга эга, шунингдек, одамларни аниқ масалалар бўйича жипслаштиради.

**ФАОЛ РАДИО: ТАШАББУСНИ ҚЎЛГА ОЛИШ – 3**

*Эътиборингизга Иссиққўл вилоятининг Туп туманидаги Ўйтол қишлоғида тузилган «Тўлқин» жамоат ташкилоти раиси Канибек Мукамбетов билан бўлган суҳбатни ҳавола этамиз.*

***– Канибек, ҳозир нима иш билан шуғулланяпсизлар?***

***– Биз қишлоқ жамоати ҳаётида иштирок этишимиз заруратини ҳис қилиб, ўз жамоат ташкилотимизни энг аввало ўзимиз ва одамларга муҳим муаммоларни ҳал этишда ёрдамлашиш учун туздик. Қишлоқ ҳукумати бошлиғи ва ПРООН дастури волонтёрлари билан биргаликда клубни реконструкциялаш ва ахборот маркази ташкил этиш учун кредит олишга лойиҳа ёздик. Маданий-ахборот маркази очилган кундан бошлаб қишлоқ ёшлари учун маданий-оммавий тадбирлар тайёрлаш билан шуғулланяпмиз. Дискотека, суҳбат кечалари ўтказяпмизки, улар кўпинча хусусий ва умумий муаммоларимизни муҳокама қилиш бўйича баҳс ва мунозараларга айланиб кетади. Бундан ташқари, ўзимизнинг маҳаллий ривожланиш фондининг иқтисодий лойиҳасини ютиб олдик ва ҳозир режа асосида отларни боқяпмиз. Бир неча отни сотдик ва олинган даромадни фаолиятимизни кенгайтиришга сарфладик. Йил охирида биз қарздан қутулишимиз ва жамоатимиз аъзоларининг турмуш даражасини кўтариш мақсадида бошлаган ишимизни давом эттиришимиз керак. Қўшни қишлоқлар ёшлари бизнинг фаолиятимиз мевасини кўриб, маслаҳатга кела бошладилар. Улар ҳам жамоатлар тузиш, келгусида ягона ёшлар жамоатлари ассоциациясини ташкил этиш ва қишлоқларимизни ривожлантириш устида биргаликда ишлашга қарор қилдилар.***

***– Нима учун бу ишни зарур, деб ўйлайсиз?***

***– Жамиятимиз кўп касалликлардан жабр тортяпти: гиёҳвандлик, ичкиликбозлик муаммолари, ахлоқ, нафосат, дид тўғрисида оддий тушунчаларнинг ҳам йўқлиги, бадиий адабиётни оз ўқиймиз, ўз фикримизни билдириш учун меъёрий бўлмаган сўзлар заҳирасидан фойдаланамиз. Қишлоқ ёшлари вазиятни яхши томонга ўзгартиш ва соғлом жамиятда яшаш учун овоз берадилар. Агар биз ўзимизни ўзимиз ўнгласак, келгуси авлод, табиийки, ортимиздан юришга ва олға босишга ҳаракат қилади.***

***– Бу чора-тадбирларингизда кимлар қатнашдилар?***

***– «Биз дунёни ўзгартамиз, у эса бизни» (биз шундай деб атадик) лойиҳасини амалга оширишда жуда кўпчилик: қариялар, катта ёшдаги аҳоли, ёшлар, шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари, қишлоқ ҳокимияти ва маҳаллий кенгаш, қўйингки, ким бу ишдан манфаатдор бўлса, барчаси иштирок этяпти. Иш қийин кетяпти, ахир одам ҳар доим ҳам ўзини, ўз одатларини ўнглашга қодир бўла олмайди. Бунинг учун биз одамларни қизиқтиришимиз, қандайдир фойдали иш билан банд этишимиз керак.***

***– Бунга бошқа одамлар қандай муносабатда бўлдилар?***

***– Катталар бизнинг суҳбатларимизни асосан ўз фарзандларидан эшитдилар. Дастлаб улар фақат арoқ ичиш ва тамаки чекиш учун тўпланишади деб бизнинг оммавий тадбирларимизга қарши чиқишди, лекин кейин тинчланишди. Қишлоғимизда ишлаётган баъзи педагоглар эса бизни қизиқтирган мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказишни таклиф қилишди.***

***– Ишингиз учун қандай ресурслар талаб этилди?***

***– Клубимизни реконструкциялаш учун маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бўйича ПРООН дастуридан грант олдик, бундан ташқари, қишлоқ ҳукумати ва туман давлат маъмурияти бизни қўллаб-қувватлади. Гарчи қиш пайтида анча совуқ бўлса-да, жамоатимизнинг барча аъзолари қурилиш ишларини олиб боришдаги малака ва кўникмаларига таянган ҳолда меҳнат қилдилар. Етмай қолган материалларни уйларидан олиб келдилар. Яқин атрофда яшайдиган бувижонларимиз бизга тушлик овқат олиб келиб турдилар ва ишимиздан миннатдор бўлдилар. Ростини айтганда, ресурсларимиз етарли эмас. Мавзулар асосида дискотека ўтказиш учун совринларга пул керак, дискотека аппаратураси, компьютерлар, янги бадиий адабиётлар сотиб олинса, бутун мамлакат, бутун дунё ёшлари билан алоқалар ўрнатилса яхши бўлар эди.***

***– Келажак режаларингиз қандай?***

***– Ҳар бир қишлоқ фуқароси хоҳлаган ахборотни Интернет-клуб кўмагида олиши, семинарлар ўтказишга алоҳида тренинг синфини жиҳозлаш учун келгусида маданий-ахборот марказини такомиллаштиришни режалаштиряпмиз. Биз тил ўрганишимиз учун Тинчлик Корпусига инглиз тилида сўзлашадиган волонтёр (ўз ихтиёри билан ҳақ олмасдан ишлайдиган одам) юборишни илтимос қилиб мурожаат этдик. Ўйлаймизки, ўзини ўзи бошқарув тизимидаги бундай ҳамкорлик намунали бўлиши учун биз қишлоқ ҳокимияти билан янада тиғиз алоқа боғлашимиз керак.***

### 4.0 Қандай қилиб фаол фуқаро бўлиш мумкин?

Агар сизнинг фукаролик фаоллигингиз кўпрок фойда олиб келишини хоҳласангиз, куйидаги коидаларга амал килинг:

1. Ўзингизнинг талаб-эҳтиёжларингизда изчил бўлинг. Ўзаро боғланмаган икки талабни бирданига қўйиш оркали муаммони чалкаштирманг.
2. Ўз аризаларингизни ёзма равишда беринг ва уларга ёзма жавоблар талаб килинг; учрашувлар ва йиғилишлар протоколларини тузинг.
3. Сиз таклиф килган барча ишларга нисбатан бошқа одамларнинг таклифларини кабул қилишга тайёр бўлинг.

4. Ҳеч қачон мулоқот ва муҳокамадан бош тортманг.
5. Имкон қадар доим ўзаро келишув билан қарор қабул қилишга ҳаракатланинг, бу барча иштирокчиларга ўзларининг қадр-қимматини сақлашга имкон беради.
6. Фикрингизга қўшилмаганларга ҳар доим ҳурмат бажо келтиринг, бироқ улардан шахсни эмас, масалани муҳокама этишни талаб қилинг.
7. Агар барча ишлар ҳали келишилмаган бўлса, сизнинг гуруҳ ёки ташкилотингизни бошқалар таништиришларига йўл берманг.
8. Ўз ишингизни баён қилиш ва сизнинг нуқтаи назарингизни эълон қилиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланинг.
9. Ҳеч қачон зўравонликка чақирманг.
10. Эришилган битимларга риоя қилинг ва бажарилиши мумкин бўлмаганларни қилишга ваъда берманг.
11. Сиз ўзингиз бажаришга тайёр бўлмаган нарсаларни бошқалардан талаб қилманг.
12. Муаммоингизга алоқадор қонунларни билинг.
13. Демократик жамиятнинг фуқароси сифатида сизнинг ҳаракатларингиз ҳуқуққа асосланган бўлишига интилинг.
14. Агар сиз молиявий ресурслардан фойдаланмоқчи бўлсангиз, уларнинг пухта ҳисобини юритинг.
15. Сиз шунчаки хайр-садақа сўраманг, бу маблағларни қандайдир хизмат кўрсатиш ( масалан, машина ювиш ёки бошқа юмуш бажариш) йўли билан ишлаб топинг.

Шундай қилиб, сиз ўз маҳаллий жамоатингиз учун нима қилмоқни истайсиз?

**ФИКРИМИЗНИ СЎЗСИЗ ИФОДАЛАЙ ОЛАМИЗМИ?**

***Агар лидер бўлишни истасангиз, ёдингизда бўлсин: фаҳм-фаросатли одам биз бирор гап айтмасдан аввал хулқимиздан кўп нарсани билиб олиши мумкин. Бу ҳаракатларнинг айримлари, масалан, жилмайишни шундоқ ҳам тушуниш мумкин. Бироқ кўзга унча ташланмайдиган, ҳатто одам ўзи эътибор бермайдиган, англамайдиган ҳаракатлар ҳам бўлади. Мулоқотнинг бундай ноогзаки шаклини «гавда тили» деб аташимиз мумкин. Марказий Осиёда одамлар бир-бирлари билан учрашганда кўпинча қўлларини кўксига қўйиб, таъзим қиладилар. Кўпинча одамлар буни ҳурмат маъносида ва саломлашиш шаклида қабул қиладилар.***

***Биз бошқа одамларнинг мақомига яраша турли ҳаракатлар қиламиз. Суратга қаранг. Иккита катта ёшдаги одам ўзлари эгаллаган мақомни болага қандай кўрсатяптилар?***

1. ***Катталар юқорида ўтирадилар.***
2. ***Уларни стол ажратиб турибди. (Бу уларнинг бадавлат эканлигини билдириши мумкин).***
3. ***Улар қўл бериб саломлашгани йўқ.***
4. ***Катталар – расмий кийимда.***
5. ***Катталар боланинг олдига эмас, балки бола катталарнинг олдига келиб ўтиради.***



***Мақомга ишора қилишнинг яна бошқа усуллари бор:***

1. ***Ҳокимият эгасининг кўзига тик боқмаслик.***
2. ***Ўриндиқларни бошқалар сиз билан юзма-юз ўтирадиган ҳолда жойлаштириш.***
3. ***Куч-қудратни англатиши мумкин бўлган бошқа нарсалар (масалан, телефон)нинг мавжудлиги.***
4. ***Овоз кучайтиргич (мегафон)дан фойдаланиш.***

***Қай даражада кучли эканлигингизни кўрсатувчи яна бошқа кўплаб усуллар бор. Марказий Осиёда таомни алоҳида (устухон билан) тортиш, қўл бериб кўришиш, бир-бирининг тилида сўзлашиш, иш тақсимлаш орқали ҳам кишининг мақомини фарқлаш мумкин.***

***Шундай қилиб, агар сиз бошқаларнинг ҳурмати ва ишончига сазовор бўлай десангиз, «гавда тили»ни ўрганишингиз керак. Гап шундаки, агар сиз бошқаларни ҳурмат қилишингиз ва соғлом фикрлашингизни намойиш этсангиз ва мақомингиз юқори эканлигини кўрсатмасликка ҳаракат қилсангиз, янада кўпроқ ҳурмат ва ишончга сазовор бўласиз.***

## Матнни ўқигандан кейинги машқлар

### 02–топшириқ. Нима учун?

Шеригингиз билан нима учун жамиятда фаол бўлиш кераклигини тушунтириб, юз сўздан ошмаган кўламда баён ёзинг ёки шу ғояни шарҳловчи плакат ёхуд телевизион эълон тайёрланг.

### 03–топшириқ. Фаолми ёки йўқ?

Кўп одамлар ўз мамлакатининг фукаролари фукаролик жамияти фаолиятида унчалик фаол қатнашмайди, деб ҳисоблайдилар. Уч-тўрттадан бўлиб гуруҳларга бўлиниб, қуйидагиларни муҳокама этинг ва ҳал қилинг:

1. Мамлакатингиз фукаролари етарли даражада фаолми?
2. Ўзингиз фаолмисиз?
3. Ҳаракатларингизнинг аҳамияти борми?
4. Ҳаракатларингизни қандай қилиб янада самаралироқ қилиш мумкин?
5. Жамоатингизнинг аъзолари фукаролик жамияти ишларида анча фаол қатнашиш учун нима қилиши мумкин?
6. Бизни фукаролик фаоллигига мажбурлаш керакми?
7. Бунинг қандай камчиликлари бор?
8. Фуқаролик жамияти ишларига одамларнинг анча кўпроқ қатнашишининг қандай афзалликлари ёки камчиликлари бор?

Жавобларингизни синфдошларингиз билан муҳокама қилишга тайёрланинг.

### 04–топшириқ. Менинг жамоатимда.

Шеригингиз билан жамоатингиз ҳаётида фаол, бироқ давлат органлари ходимлари сифатида эмас, фукаро сифатида иштирок этган одамларни аниқланг. Улар билан учрашишни келишиб олинг ва улардан ушбуларни сўранг:

1. Улар кимлар? (Фамилияси ва ҳоказолар).
2. Улар жамоат манфаати йўлида нима ишлар қиладилар?
3. Қолган вақтда улар нима қиладилар? (Уларнинг она/врач сифатидаги доимий мажбуриятлари бор).
4. Нима учун улар жамоат фаолияти билан шуғулланишни зарур деб ҳисоблайдилар?
5. Уларнинг фикрича, бу жамоатга қандай фойда олиб келади?
6. Уларга жамоат фаолияти билан шуғулланиш ёқадими? Нима учун?
7. Улар яна нима қилишни ўргандилар?
8. Жамоат фаолияти натижасида улар қандай сарф-харажатлар қиладилар? (Шахсий вақтни сарфлаш ва ҳоказолар).
9. Агарда бошидан бошлаш насиб этса, улар шу иш билан шуғулланишар эдими?

### 05–топшириқ. Ўзим ҳақимда нима айта оламан?

Шеригингиз билан сизнинг барча маҳоратингиз ва имкониятларингизни сананг. Агар сиз ўзингизда ҳеч нарса йўқ деб ўйласангиз, ғоя олиш учун қуйида келтирилган рўйхатга қаранг.

| | |
|---|---|
| *Ҳайвон боқа оламан.* | *Шанба кунлари кечаси бўш вақтим бор.* |
| *Машинкада боса оламан.* | *Математикани яхши биламан.* |
| *Почтани етказа оламан.* | *Менинг кичкина эшагим бор.* |
| *Қўшиқ айта оламан.* | *Ҳазилни яхши кўраман.* |

### 06–топшириқ. Мен нима қилишим керак?

Сизнинг жамоатингиз дуч келиши мумкин бўлган муаммолар рўйхатига қаранг. Улар ичидан ҳал этилишида сиз қатнашишингиз мумкин бўлганларини белгиланг ва бу вақтда сиз шахсан нима қила олишингизни кўрсатинг.

| № | Муаммо | Мен бирор нарса қила оламанми? | Мен нима қила оламан? |
|---|---|---|---|
| 1 | Кўчалар лой. | ✓ | Ҳафтасига бир марта дўстларим билан тўпланиб тартибга келтирамиз. Одамлар атрофни ифлос қилмасликлари учун газетага хат ёзаман. |
| 2 | Мактабимизда ўқийдиган айрим ёш болаларнинг пойабзали йўқ. | | |
| 3 | Баъзи синфларимиздан чакка ўтади. | | |
| 4 | Айрим оилаларда озиқ-овқат етишмайди. | | |
| 5 | Баъзи ёшлар зерикишини айтиб, муаммо пайдо қиладилар. | | |
| 6 | Қишлоқдаги айрим одамларнинг уйи сув тошқинида бузилган. | | |
| 7 | Баъзи ўқувчилар драма ва комедияга қизиқадилар. Бироқ электр чироғини тез-тез ўчириб туришлари туфайли телевизор орқали кўнгилочар дастурларни кўра олмаймиз. | | |
| 8 | Ўқитувчимиз ишга жойлашиш учун шаҳарга кўчиб кетишга тайёрланяпти, чунки у ерда кўп ҳақ тўлашади. Лекин ўқитувчининг кеттиси йўқ, у бизга ҳам ёқади. | | |
| 9 | Йўллар ёмон аҳволда, бироқ бу йил йўлларни таъмирлаш учун ишчиларга тўлагани ҳокимиятда етарли пул йўқ. | | |
| 10 | Одамларда жабрдийдаларга биринчи ёрдамни қандай кўрсатиш тўғрисида етарли билим йўқ. | | |

**07–топшириқ. Бошқа одамларни жалб қилиш.**

Тасаввур қилингки, шаҳар орқали дарё оқиб ўтади, лекин аҳоли ахлат ташлаб, уни ифлослантирад. Дарё ифлосланишига барҳам бериш мақсадида одамлар эътиборини шу муаммога қаратишни хоҳлайси. Шеригингиз билан шу муаммони ҳал этишда одамларни қандай қизиқтиришнинг усулларини санаг.

**08–топшириқ. Нима қилмоқ керак?**

Уч-тўрт киши бўлиб гуруҳларга бўлинган ҳолда қуйида берилган муаммолар рўйхатини кўринг. Сў ҳаракатлар рўйхатидан ҳар бир муаммони ҳал қилиш учун тегишли чора-тадбирларни танланг. Улар ўзингиз бажармоқчи бўлган тартибда жойлаштиринг. Агар сиз яна бир нарса қилиш керак, деб ҳисо ласангиз, уни ўз рўйхатингизга қўшиб қўйинг.

Муаммолар:

1. Мактабимизда китоблар етишмайди.
2. Шаҳримизда умуман дам оладиган жой йўқ.
3. Машиналар қишлоғимиз орқали жуда катта тезликда юрадилар.
4. Қишлоғимиздаги кўп уйларга сув қувурлари тортилган эмас.
5. СИЗНИНГ МУАММОИНГИЗ: қандайдир бир аниқ муаммони эсланг.

Чора-тадбирлар рўйхати:

1. Ҳокимият ёки бошқа маҳаллий ҳокимият органига муаммони баён этиб хат ёзиш.
2. Ушбу муаммони ҳал этиш учун бирор нарса қилмоқчи бўлган дўстлар билан маслаҳатлашиш.
3. Биров бир нарсани бошламагунча ҳеч нарса қилмай кутиб туриш.
4. Муаммо ёки масала нимадан иборат эканлигини аниқлаш.
5. Бу муаммони ҳал этиш учун фуқаролар қўмитасини тузиш.
6. Ушбу муаммони ҳал этишни ҳокимиятдан, кенгашдан ёки маҳалладан илтимос қилиш.
7. Сайланувчи лавозимларга номзод бўлиш.
8. Бу муаммони ҳал этишда сизга нима халақит берганини аниқлаш.
9. Ушбу муаммо тўғрисида маҳаллий газетага хат ёзиш.

10. Бу муаммони хал этиш учун кандай воситалар кераклигини аниклаш.
11. Бошка одамлардан хам шу муаммо безовта килиш-килмаслигини сўраш.
12. Ушбу муаммони хал этиш учун ўзингизда кандай воситалар борлигини аниклаш.
13. Бу муаммони хал этиш режасини тузиш.
14. Ушбу муаммо бўйича энг яхши карор кабул килиш учун кимларни жалб этиш кераклигини хал этиш.
15. Хокимиятдан ва хоказодан кимнидир кўмиталарингизга таклиф килиш.
16. Ушбу муаммони хал этиш учун нима килиш кераклигини бошка одамлардан сўраш.
17. Бу муаммони хал этиш учун махаллий хокимият органларида кандай воситалар борлигини аниклаш.
18. Муаммо ва сиз таклиф килган карорни баён этиш учун хокимият рахбари ва хоказолар билан учрашиш.
19. Муаммо бўйича карор кабул килиш жараёнида катнашиш учун кенгашдан ва хоказолардан рухсат сўраш.
20. Карорнинг мукобил йўлларини ўйлаб топишга харакат килиш.
21. Муаммони хал этиш учун пул ёки моддий маблаг кўшиш илтимоси билан хат ёзиш ва уни кишлокнинг барча фукароларига таркатиш.
22. Хеч нарса килмаслик ва бу муаммо хал этилмай колаверишини тан олиш.

**09–топшириқ. Сиз қандай фикрдасиз?**

Айрим мамлакатларда анъанага кўра алохида карорлар кабул килиш учун факат маълум кишиларнинг иштирок этиши талаб килинади. Масалан, оналар тушликка нима тайёрлашни биладилар, лекин кандай машина сотиб олишни хал кила олмайдилар. Шеригингиз билан бирга куйидаги билдирувни ёклаб ёки унга карши далиллар билан 300 сўзгача бўлган хажмда фикр-мулохазангизни баён килинг.

*«Анъанавий нуқтаи назарлар бизга қарорлар қабул қилишда қатнашишимизда халақит беришига йўл қўймаймиз»*

**10–топшириқ. Рўйхатта олинмаган нодавлат ташкилот (НДТ)лар тузиш.**

Ушбу машкда сиз рўйхатта олинмаган НДТ тузишни режалаштирасиз ва унинг фаолият турларини белгилайсиз.

**Рўйхатга олинмаган НДТ максадлари:**

1. Вилоятда соғликни саклаш бўйича жамоат кампаниясини ўтказиш.
2. Бу масалада бошка махаллий ташкилотларга ўз ролини англашга кўмаклашиш.
3. Бу масалага хукуматнинг эътиборини кўпрок каратиш.

Киргизистон бой мамлакат бўлмаса-да, хайриятки, унинг хукумати гиёхвандлик муаммосига жиддий муносабат билдиради.

Бошкача вазиятни тасаввур килиб кўринг. Бу машкни бажариш учун сиз ўзингизни Нур мамлакатида яшаётгандек хис килинги, унинг хукумати бу муаммога етарлича эътибор бермайди. Сизнинг ташкилотингиз ушбу муаммонинг жиддийлиги ва уни хал килишга ёрдам бериш зарурлигига хукуматни ишонтириши керак.

***Нурдаги гиёҳвандлик тарихи***

*Бундан бир ой аввал дўстларингиздан бири гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилишдан ўлган эди. Сиз ана шундай моддалар истеъмол қиладиган яна бир неча кишини танийсиз. Ўтган йили Нурда врачлардан бири айтдики, унинг фикрича, гиёҳвандлик моддаларидан 500 киши ўлган. Минглаб одамлар (ҳеч ким аниқ сонини айтиб бера олмайди) гиёҳвандликка берилиб, ишлаш ва ўқишдан маҳрум бўлганлар.*

*Ҳукумат эса бундан ҳам муҳимроқ масалалар бор, бу маълумотларни одамлар шунчаки кўпиртириб юборяптилар, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир ҳукумат реал иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечиряпти. Телевидениега берган интервьюсида соғлиқни сақлаш вазири Зинт хоним вазирлик бу муаммонинг мавжудлигини эътироф этса-да, пировард натижада ҳукумат фукаролар фаол киришмагунларича муаммони ҳал этишдаги барча қилинган саъй-ҳаракатлар ҳеч қандай самара бермайди, деб таъкидлайди.*

*Сизлар томондаги кўплаб одамлар бу муаммонинг жиддийлигини тушунадилар, бироқ сиз улар билан суҳбатлашсангиз, бу муаммолар бошкаларники, деб ҳисоблайдилар.*

***Биринчи босқич: НДТ тузиш***

1. Сиз НДТ тузиш учун йиғилиш чакирасиз. Ушбу йиғилишда сиз куйидаги масалаларни кўриб чиқишингиз келади:

- НДТнинг номи.
- Ташкилотнинг максади.
- НДТнинг хажми.
- Ташкилотнинг тузилиши.
- Гурухда карорнинг кабул килиниши.
- НДТ тўғрисида конунлар.
- Ташкилотингиз ва сиз килмокчи бўлган ишлар тўғрисида одамларга ахборот бериш.

2. Сиз гурух тузиб, унга ном бериб ва юқорида саналган масалаларнинг барчасини ҳал этиб бўлгач, катта қоғозга ўша маълумотларнинг ҳаммасини ёзинг. Сиз келгусидаги барча йиғилишларнинг протоколини тузиш учун НДТнинг котиби сифатида кимнидир тайинлашингиз мумкин.

**ГИЁҲВАНДЛИК МОДДАЛАРИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАРАРИ ТЎҒРИСИДА**

***Қуйида Марказий Осиёда кўпроқ истеъмол қилинадиган гиёҳвандлик моддалари хусусида сўзлаймиз. Алкоголь ва тамаки чекишдан ташқари буларнинг барчаси Қирғизистонда ноқонунийдир.***

***1. Сигареталар таркибига кирадиган никотин қон босимини оширib, юрак уришини тезлаштиради. Кўплаб одамлар сигарета чекишни «хотиржамлик» ҳиссини уйғотувчи восита сифатида баҳолашади. Аслида никотинга берилган одам учун бу ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас. Сигарета чекиш кўп мамлакатларда наркологик касаллик ва ўпка саратони хасталигидан ўлим билан якунланувчи ҳолдир.***

***2. Алкоголь пиво, вино ва арақ каби ичимликлар таркибига киради. Бу депрессант, тинчлантирувчи восита бўлиб, мия билан марказий асаб тизими фаолиятини бузади. Алкоголь диққат-эътиборни бир жойга жамлаш, ҳаракатни тўғри йўналтиришга халақит беради ва фавқулодда вазиятларга жавоб қайтариш хусусиятини секинлаштиради. Тўғри, одам озроқ миқдорда истеъмол қилганда у кўнглини кўтариб, хафаликни вақтинча ёддан чиқариши мумкин. Бироқ алкоголь истеъмол қилиш кўплаб мамлакатларда ўлим билан якун топувчи ҳолатлар ичида иккинчи ўринни эгаллайди. Қирғизистонда эса бу ўлимнинг энг кўп тарқалган сабабларидан бирига айланган.***

***3. Марихуана ёввойи нашадан тайёрланади. Россияда «анаша» деб аталувчи бу депрессант (маълум руҳий ҳолатга солувчи) алкоголга ўхшайди, бироқ одамнинг руҳиятига таъсир қилади. Узоқ муддат ва катта миқдорда истеъмол қилиш баъзида руҳий хасталиклар ҳамда ўпка фаолиятининг бузилишига олиб келади.***

***4. Амфетамин «стимулятор» деб аталиб, марказий асаб тизими фаолиятига туртки беради. Амфетаминлар ахборотни миядан танага ва танадан мияга етказиб беришни тезлаштиради. Бу моддаларнинг кўпчилиги хусусий лабораторияларда тайёрланиб, ноқонуний сотилади. Бу стимуляторни узоқ муддат истеъмол қилиш юрак касаллигини келтириб чиқаради ёки уни кучайтириб юборади. Бундан ташқари, бу моддага берилиш жиддий руҳий хасталиклар, хусусан, «амфетамин психози» деган ном билан машҳур бўлган касалликка дучор қилади.***

***5. ЛСД – галлюцинация пайдо қилувчи модда. «Руҳий ҳолат яратувчи гиёҳвандлик моддалари» сифатида машҳур бўлган галлюциногенлар одамнинг дунёни англашини янглиштиради. ЛСДдан ташқари, бошқа галлюциногенлар ҳам қўзиқоринлар ва фенсиклидин (PCP) таркибига киради. Галлюциногенларни истеъмол қилиш жиддий руҳий касалликлар келтириб чиқариши мумкин.***

***6. Героин – бу «опиат» деб аталиб, кўкноридан тайёрланади. Героин истеъмол қилишнинг асосий салбий жиҳати шундан иборатки, одам унга кўникиб қолиши натижасида меъёрдан ортиқча истеъмол қилиш хавфи кучаяди. Героинга одам ўта берилиб кетади, шу сабабли у жуда хавфлидир. Унга одатланган одамлар «кайфнинг юқори чўққиси»га етиш учун кўпроқ миқдорда истеъмол қилишга интилаверадилар. Истеъмол миқдорининг ортиши билан ўлим хавфи яқинлашаверади.***

***Иккинчи босқич: фаолиятнинг ўсиши***

1. Тасаввур қилингки, сиз 6 ой мобайнида муаммо устида иш олиб борасиз. Бу вақтнинг ичида маҳаллий кенгашлар ва Жогорку Кенешга сайловлар бўлиб ўтади.

2. Давлат ва маҳаллий даражаларда ушбу муаммо бўйича сиёсий мунозаралар, ташаббускорлик акциялари ўтказишни режалаштиринг. Чора-тадбирлар режасини тузинг ва қуйидагиларни ёдга олган ҳолда сизга қанча пул кераклигини ҳал қилинг:

- очиқ митинглар;
- бюллетень чиқариш;
- плакатлар ишлаб чиқиш ва чоп этиш;
- кўчма театр труппасини тузиш;
- сиёсатчилар билан учрашиш;
- нуқтаи назарларини аниқлаш учун маҳаллий бизнесменлар билан учрашиш;
- гиёҳвандлик моддаларини тахминий маҳаллий тарқатувчилар билан учрашиш;
- маҳаллий ва халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш;
- фаолият учун ҳақ тўлаш;
- маҳаллий ОАВларни жалб этишнинг йўллари.

3. Сиз ўз кампанияларини қандай ўтказиш тўғрисида айтиб бериш учун синфга соғлиқни сақлаш ходими ёки кампаниянинг хоҳлаган ташкилотчи-фаолини таклиф этишингиз мумкин.

4. Синфга маҳаллий журналистни таклиф этиб, у билан ташкилотингизни жамоатчиликка қандай ҳолда яхшилаб таништириш кераклиги тўғрисида суҳбатлашишингиз мумкин.

**Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик туткунлари**

*(Расмий маълумот)*

| Республика минтақалари | Ичкиликбозликка берилганлар | | | Гиёҳвандликка берилганлар | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | *2001 й.* | *2002 й.* | *2003 й.* | *2001 й.* | *2002 й.* | *2003 й.* |
| Республика бўйича | 20473 | 22315 | 24267/3 | 5043/24 | 5591 | 6327/9 |
| Бишкек шаҳри | 7501 | 9178 | 10701 | 2214/16 | 2353 | 2644/3 |
| Чуй вилояти | 4623 | 4722 | 4964/2 | 1273/4 | 1511 | 1669/2 |
| Толас вилояти | 709 | 719 | 700 | 104 | 103 | 93 |
| Иссиккўл вилояти | 1308 | 1317 | 1278 | 172 | 188 | 196/2 |
| Норин вилояти | 667 | 659 | 687 | 9 | 8 | 5 |
| Ўш вилояти | 3156 | 3258 | 1338 | 915/3 | 1061 | 326/1 |
| Ўш шаҳри | 1865 | 1996 | 2156 | 668/3 | 791 | 967/1 |
| Боткен вилояти | 643 | 652 | 632 | 110 | 115 | 125 |
| Жалолобод шаҳри | 1866 | 1810 | 1811 | 246/1 | 252 | 302 |

**11–топшириқ.** **Доно фикрлар.**

Шеригингиз билан қуйидаги фикрларни муҳокама қилинг. Ҳаммасидан кўра кўпроқ ёққанини танлаб олинг. Тақдим этилган ғояларни ижодий ишлаб, ўз фикрларингизни қўшган ҳолда фуқаролар учун шиор ёзинг. Кейин овоз бериш йўли билан синфда энг яхши шиорни танланг.

*«Бекор юргунча, бекор ишла».* **(Қирғиз халқ мақоли).**

*«Жон чекмасанг, жонона қайда,*
*Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда».* **(Ўзбек халқ мақоли).**

*«Яқин бўлса кўнгил, узоқ ер яқин,*
*Кўнгилдир яқинлик вафосига ин.*
*Бўлар шарқ билан ғарб йўли бир қадам,*
*Вафо-ла ўталса яқинлик ҳақин».* **(Юсуф Хос Ҳожиб).**

*«Ёмон одам белгиси — ўз ғамини ўзи ер, Яхши одам белгиси — эл ғами деб куюнар».* **(Тўктағул).**

*«Ўзини вазифасини билмасликка олиш ва сезмаслик, шу вақтнинг ўзида барча ҳуқуқларини талаб қилиш – бу ҳайвонликдан бошқа нарса эмас».* **(Ф. М. Достоевский).**

*«Умумий манфаатларга хизмат қилиш, сўзсиз, кўнгил эҳтиёжи, бахтга эришишнинг шарти бўлиши керак».* **(А. П. Чехов).**

*«Қадимдан бой мамлакат деб табиати гўзал юртлар саналса, эндиликда бадавлат ўлка деб одамлари ўта тадбиркор мамлакат ҳисобланади».* **(Г. Бокль).**

*«Хуллас, инсон ўзлигини англаши, сунъийлик ва билимсизликка қарши туриши, фаол ижодий ишни ва болаликдан берилган қобилиятларини ривожлантириши керак».* **(Ч. Айтматов).**



*М.Чипшайло, А.Муслимова, В.Литвиненко.*
*Бишкек, 2002.*

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
## ЖАМОАТЛАР ВА УЛАРНИНГ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*Бишкек шаҳри, Ҳукумат Уйи, 2005 йил 21 февраль, №36*

**I БЎЛИМ. УМУМИЙ НИЗОМЛАР**
**II БЎЛИМ. ЖАМОАТНИ ТУЗИШ, АЪЗОЛИК ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ**
**III БЎЛИМ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ**
**IV БЎЛИМ. ЯКУНИЙ НИЗОМЛАР**

Ушбу Қонун кишлоклар, посёлкалар ва шаҳарларда жамоатлар ва уларнинг бирлашмаларини тузиш ва фаолиятининг тартиби, тамойилларини аниклайди, шунингдек, уларнинг давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, юридик ва хусусий шахслар билан бўлган муносабатларини мувофиклаштиради ҳамда Қирғизистон Республикасида ижтимоий сафарбарликни амалга ошириш учун ҳуқуқий ва ташкилий асосларини тузиш, жамоатлар ва уларнинг бирлашмаларига ўзини ўзи бошқарувга давлат кафолатини беришга йўналтирилган.

### I бўлим. УМУМИЙ НИЗОМЛАР

**1-модда. Асосий тушунчалар ва атамалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги тушунчалар ва атамалар қўлланади:

*жамоат* – маҳаллий аҳамиятдаги ишларни биргаликда ва жавобгарлигини ўз зиммасига олиб ҳал қилиш учун бир кўча, маҳалла ёки бошка ҳудудий тузилишдаги кишлок ё шаҳар ҳудудида яшаётган маҳаллий жамоатлар аъзоларининг ихтиёрий бирлашмасини англатувчи маҳаллий ўзини ўзи бошқарувни ташкил этишнинг шакли;

*жамоат бирлашмалари* – ўз фаолиятини мувофиклаштириш, умумий манфаатларни ҳимоялаш ва англатиш, биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва умумий вазифалар ҳамда муаммоларни ҳал этиш мақсадида ассоциация (бирлашма)лар шаклида жамоатлар томонидан ташкил этилувчи ихтиёрий тузилма;

*жамоат раиси* – жамоат уставига мувофик унинг аъзолари томонидан сайланган киши;

*жамоат устави* – жамоат ташкилотлари аъзолари томонидан ишлаб чиқилган ва кабул қилинган ҳамда кишлок, посёлка, шаҳар кенгашларида рўйхатдан ўтган, жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиклаштирувчи жамоатнинг асосий ҳужжати;

*жамоат аъзоларининг умумий мажлиси* – жамоат бошқарувининг олий органи;

*жамоат мулки* – жамоатга тегишли бўлган, жамоат ихтиёри ва назоратидаги, жамоат ва маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг даромад олиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини кондиришнинг манбаи бўлиб хизмат қиладиган жамоат мулки (нақд пул ва табиий ҳолича);

*ижтимоий сафарбарлик* – ўзларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини қондириш, бир-бирига ўзаро ёрдамлашиш, камбағалликдан чиқиш, ўзида мавжуд бўлган ва яна бошка ресурслардан фойдаланган ҳолда ўзининг ривожланишини тезлаштириш ва уларнинг яшаш тарзига бевосита таъсир этувчи қарорларни кабул қилиш жараёнига аҳолини фаол иштирок эттириш мақсадида ўзининг турли хусусий ташкилотларига маҳаллий фукароларнинг бирлашиш жараёни;

*уй хўжалиги* – турар жойда бирга яшовчи, ўзларининг маблағларини тўла ёки қисман қўшиб, хўжаликни биргаликда юритиш оркали ўзларининг рўзғорини зарур бўлган нарсалар билан таъминлаган икки ва ундан ортик одамлардан иборат гуруҳ.

Изоҳ: бу одамлар кариндошлик ёки никоҳ муносабатлари билан алоқадор бўлиши мумкин ёхуд кариндошлик томонидан алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин.

Уй хўжалиги турар жойда яшовчи, ўз рўзғорини зарур бўлган барча нарсалар билан таъминлаган бир кишидан иборат бўлиши хам эҳтимол;

*маҳаллий ривожланиш фонди* – жамоатлар томонидан тузилган ва жамоатлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг ҳиссалари, ташкилотлар ва халқаро донорлар, ихтиёрий ҳомийларнинг бадаллари ҳисобига тузилган жамоат фонди.

**2-модда. Жамоат фаолиятининг асосий мақсадлари**

- маҳаллий аҳамиятдаги ишларни биргаликда ва жавобгарлигини ўз зиммасига олиб ҳал этиш учун жамоат аъзоларида бир ҳамжамиятга хос бўлиш ҳиссини ривожлантириш;
- жамоат ва маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий эҳтиёжларини кондириш;
- жамоат аъзоларини жамоат ва маҳаллий ҳамжамият ишини бошқаришга қатнашишга ундаш;
- жамоат аъзоларига ўзаро ёрдам кўрсатиш;
- ижтимоий сафарбарлик бўйича аҳолининг фаоллигини ошириш.



**3-модда. Жамоатни тузиш ва фаолиятининг тамойиллари**

Жамоат фаолияти қуйидаги тамойилларда амалга оширилади:

- қонунчилик ва ижтимоий адолат;

- ихтиёрий аъзолик;
- демократия, ошкоралик, очиқлик ва жамоатчилик фикрини эътиборга олиш;
- ижтимоий-жамоатчилик, экологик, турар жой ва жамоат аъзоларининг манфаатларини кўзлайдиган ҳамда бошқа муаммоларни ҳал этишда кўпчилик билан ҳамжиҳатлик, эркин муҳокама юритиш;
- иқтисодий ва хўжалик мустақиллиги асосида ўзини ўзи аниқлаш, мувофиқлаштириш ва ўзини ўзи молиялаштириш;
- уй хўжалигида тенг ваколатни таъминлаш;
- жамоат аъзолари манфаатларининг умумийлиги;
- турар жойи бўйича юртдошлик.

**4-модда. Жамоатнинг мустақиллиги**

1. Жамоат ўз фаолиятини ушбу Қонун, Қирғизистон Республикасининг қонунлари, яна бошқа меъёрий ҳуқуқий актлар ва жамоат устави билан белгиланган ҳуқуқ доирасида мустақил уюштиради ва амалга оширади.

2. Жамоат Қирғизистон Республикаси давлат бошқарув органлари, шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, улар ҳам томонлар ўзларига шундай мажбуриятларни ихтиёрий қабул қилган вақтларни ҳисобга олмаганда, жамоатлар ва жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

**5-модда. Жамоатнинг ҳуқуқий мақоми**

1. Жамоат фаолиятини ҳуқуқий мувофиқлаштириш Қирғизистон Республикаси Конституцияси, "Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ва маҳаллий давлат маъмуриятлари тўғрисида" Қирғизистон Республикаси Қонуни, ушбу Қонун, Қирғизистон Республикасининг яна бошқа меъёрий ҳуқуқий актлари, шунингдек, маҳаллий ҳамжамият ва жамоат уставлари асосида амалга оширилади.

2. Жамоат тижорат ташкилоти эмас.

3. Жамоат ўз аъзоларининг аризалари, умумий мажлисининг протоколи ва устави асосида уни қишлоқ, посёлка, шаҳар кенгашлари рўйхатга олгандан бошлаб юридик шахс мақомини олади.

4. Жамоат ушбу Қонун ва Қирғизистон Республикаси қонунларига зид келмаган, жамоат уставига мувофиқ унга тегишли бўлган молия маблағлари, ҳаракатдаги ва кўчмас мулкларига эгалик қилади, фойдаланади ва назорат этади.

5. Жамоат мулкни сотиб олиш, жамоат ихтиёридаги мулкни ижарага бериш, фойдаланиш, қайта бериш, гаровга қўйиш, сотиб ўтказиш, маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатиш, жамоат фаолияти билан боғлиқ ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, ўз мақсадлари ва мажбуриятларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган яна бошқа ваколатларни амалга оширишга ҳуқуқли.

## II бўлим. ЖАМОАТНИ ТУЗИШ, АЪЗОЛИК ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИ

**6-модда. Жамоат таъсисчилари**

1. 10 дан кам бўлмаган уй хўжалигининг аъзолари жамоатнинг таъсисчилари бўлиб саналадилар, улар ихтиёрий асосда бирлашадилар.

2. Жамоат таъсисчилари умумий мажлисда:
   - жамоат фаолиятини мувофиқлаштирувчи уставни қабул қилади;
   - жамоат раисини сайлайдилар.

**7-модда. Жамоат устави**

1. Устав жамоатнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати ҳисобланади.

2. Жамоат устави қуйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

- жамоатнинг тўла ва қисқартирилган номи;
- жамоат аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида низом;
- жамоат аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш (чиқариш) шартлари ва тартиби;
- жамоатга кириш ва аъзолик ҳақининг белгиланган ни оз миқдори ва уларни тўлашнинг тартиби ва шартлари;
- жамоат раисининг ваколатлари, шу ҳамда мажбуриятлари тўғрисида низом;
- жамоат бошқарув органлари томонидан қарорларни қабул қилиш тартиби;
- жамоат фаолиятининг регламенти;
- жамоат раисини сайлаш ва лавозимидан бўшатиш тартиби;
- жамоат маблағларини тузиш ва улардан фойдаланиш тартиби;
- жамоат уставига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш тартиби;
- жамоат фаолияти ҳисоб-китоби, аудитининг тартиби;
- жамоат фаолиятини тўхтатиш (қайта уюштириш ва тарқатиб юбориш) шартлари;
- Қирғизистон Республикаси қонунларига зид келмаган жамоат фаолиятининг хусусиятлари билан боғлиқ бошқа низомлар.

3. Жамоат раҳбарияти жамоат ҳар бир аъзосига жамоат уставига киритилувчи барча ўзгартишлар ва тўлдиришлар тўғрисида улар қабул қилингунча бир ой аввал билдиришга мажбур.

4. Жамоат устави умумий мажлисда иштирок этган таъсисчиларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

**8-модда. Жамоатнинг номи**

1. Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ жамоат ўз уставида ва бошқа таъсис ҳужжатларида кўрсатилган номинигина қўллай олади.

2. Тегишли ҳудудда илгари тузилган жамоат номи билан уларнинг жойлашиши жиҳатидан бир хил ёки ўхшаш белгилардан номлар қатори фойдаланишга йўл берилмайди.

**9-модда. Жамоат аъзолари ва уларнинг ҳуқуқлари**

1. Жамоат уставига мувофиқ маҳаллий ҳамжамиятнинг тегишли ҳудудида доимий яшаган, аъзолик бадалларини тўлаган, жамоат билан ўзаро манфаатлари бўйича боғланган, бир уй хўжалигининг манфаатини англатувчи шахс жамоатнинг аъзоси бўлиши мумкин.

2. Жамоат уставига мувофиқ жамоатга аъзо бўлиш ва ундан чиқиш ихтиёрий ҳисобланади.

3. Жамоат аъзолари жамоат мулкидан бирдек фойдалана оладилар.

4. Жамоат аъзоси устав низомлари ва меъёрларига риоя қилмаганлиги ва / ёки талабларидек бажармаганлиги учун чиқариб юборилиши мумкин.

5. Жамоат аъзосини аъзоликдан чиқариш унга 30 кун аввал маълум қилиниши ва жамоатнинг умумий йиғилишида чиқиб сўзлаш ҳуқуқи берилгандан кейингина амалга оширилиши мумкин.

Жамоат аъзоси уни чиқариш тўғрисидаги умумий йиғилишнинг қарорига маъқул бўлмаганда, қарор Қирғизистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

**10-модда. Жамоатнинг давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан қўллаб-қувватланиши**

1. Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари:

- жамоатни тузиш ва унинг ривожланишига зарур бўлган ҳуқуқий, ташкилий шароитларни яратиш;
- жамоатни тузиш ва ривожлантириш, унинг ўзини ўзи бошқарув ҳуқуқларини амалга ошириш учун сармоялар, грантлар ва микрокредитлар жалб этишда кўмаклашадилар.

2. Жамоат манфаатларига тегишли масалалар бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари жамоат ташкилотлари билан маслаҳатлашадилар.

3. Жамоат манфаатларига тегишли масалалар бўйича давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига юборилувчи расмий мурожаатлар Қирғизистон Республикаси қонунларига мувофиқ мажбуран кўрилиши шарт.

**11-модда. Жамоатларнинг вазифалари**

Жамоатлар:

- давлат ҳокимиятлари ва ўзини ўзи бошқарув органларида ўз аъзоларининг манфаатларини ифодалайдилар;
- жамоатлар фаолиятига тегишли масалалар муҳокама қилинганда маҳаллий кенгашларнинг ишларида маслаҳат бериш ҳуқуқи билан қатнашади;
- маҳаллий кенгашлар, уларнинг ижрочи-бошқарув органлари ва маҳаллий давлат маъмуриятининг жамоатлар фаолияти масалалари бўйича қарорларини бажаришда кўмаклашади;
- қишлоқ ҳукумати ва маҳаллий кенгашларнинг режалаштириш, ҳудудларни ободонлаштириш, ижтимоий-маданий, маиший ва хўжалик объектларини қуриш масалалари бўйича фаолиятида қатнашади;
- жамоатлар уставининг мақсадлари ва мажбуриятларига мувофиқ яна бошқа чора-тадбирларни амалга оширади.

**12-модда. Жамоатнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

1. Жамоат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- молия-кредит муассасаларида ҳисоблар очиш;
- тегишли маҳаллий кенгашлар, уларнинг ижрочи-бошқарув органлари, маҳаллий давлат маъмуриятлари, шунингдек, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, кооперативлар, жамоатлар ва бошқа хўжалик субъектлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қилиш;
- ўз ҳудудларини ободонлаштириш бўйича ишларни бажариш, уларнинг турар жой фонди ва ижтимоий-маданий, маиший ва хўжалик объектларини қуриш ва таъмирлашга йўналтирилган молия ресурслари ва бошқа манбалардан фойдаланган ҳолда қурилишга буюртмачи сифатида чиқиш;
- жамоат мулки бўлган бинолар, қурилмалар, турар жойга мос эмас иморатларни ижарага бериш;
- жамоат мақсадлари ва мажбуриятларини амалга ошириш учун халқаро донор ташкилотларнинг маблағлари ва сармояларини жалб этиш.

2. Жамоат ўзи қабул қилган қарорларнинг қонунийлиги учун жавобгардир.

**13-модда. Жамоатнинг умумий йиғилиши**

1. Жамоатнинг олий органи унинг умумий йиғилиши хисобланади. Умумий йиғилишни ўтказиш тартиби ва вактини белгилаш жамоат уставида аникланади.

2. Янгидан уюштирилган жамоатнинг биринчи умумий йиғилишини жамоат тузиш бўйича ташаббускор гурух аъзоларидан бири очади.

3. Жамоат биринчи йиғилишининг кун тартибига раисни сайлаш, жамоат уставини ишлаб чикиш ва кабул килиш хамда жамоат фаолиятини мувофиклаштирувчи яна бошка масалалар киритилади.

4. Умумий йиғилишда карор жамоат аъзоларининг камида учдан икки кисми катнашганда оддий кўпчилик овоз билан кабул килинади.

**14-модда. Жамоат умумий йиғилишининг ҳуқуқ доиралари**

Умумий йиғилишнинг хукук доираларига куйидаги масалалар киради:

- жамоат уставига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш;
- жамоат фаолиятининг имтиёзли йўналишлари, унинг мулкидан фойдаланиш тартибини аниклаш;
- жамоат аъзолигига кабул килиш ва чикариш (агар уставда бошкача белгиланмаса);
- жамоат раисини сайлаш ва уни лавозимидан бўшатиш;
- жамоат фаолияти тўғрисида йиллик хисобот ва йиллик балансни тасдиклаш;
- жамоатнинг бошка юридик шахслар фаолиятида иштирок этиш масалалари;
- жамоатни ўзгартиб кайта тузиш ва таркатиб юбориш;
- заём ва кредит олиш;
- жамоат уставида кўзда тутилган яна бошка масалалар.

**15-модда. Жамоат раиси**

1. Жамоат раиси унинг биринчи умумий йиғилишида жамоат аъзолари орасидан умумий йиғилишда катнашувчи аъзолар кўпчилигининг карори бўйича очик ёки ёпик овоз бериш оркали сайланади.

2. Жамоат раиси жамоат хужжатларини тузади ва уларни кишлок, посёлка, шахар кенгашларида рўйхатдан ўтказади.

3. Жамоат раиси ваколатларининг муддати жамоат уставида белгиланади.

**16-модда. Жамоат мулки**

1. Жамоат мулкига куйидагилар киради:

- харакатдаги ва кўчмас мулклар;
- ўз маблағлари.

2. Жамоат мулкини тузиш, фойдаланиш, ижалик килиш ва бошкариш тартиби жамоат уставида аникланади.

**17-модда. Жамоатнинг молиявий-иқтисодий асоси ва мулки**

1. Жамоатнинг молиявий асосини кириш ва аъзолик бадаллари, жамоат мулкидан фойдаланишдан тушган маблағлар, хомийлик ёрдамлари, Қирғизистон Республикаси, шунингдек, чет эл юридик ва хусусий шахсларининг ихтиёрий хиссалари, грантлар, шунингдек, заём, кредит ва яна бошка молиявий ресурслар ташкил этади.

Кириш ва аъзолик бадалларининг микдори жамоатлар аъзоларининг умумий йиғилиши карори билан аникланади.

2. Жамоатнинг иктисодий асоси ва мулки бўлиб у томонидан курилган ёки сотиб олинган объектлар, шунингдек, юридик ва хусусий шахслар тарафидан унга ўтказиб берилган объектлар саналади.

Жамоатнинг маблағлари ўша худудда яшаётган ахолининг ижтимоий-иктисодий ахволини яхшилаш ва ободонлаштириш максадларида жамоат аъзолари томонидан сарфланади.

3. Қирғизистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган холатларни кўшмаганда, махаллий хокимият ва махаллий ўзини ўзи бошкарув органлари жамоатларнинг молиявий-иктисодий фаолиятига аралашишига йўл кўйилмайди.

## III бўлим. ЖАМОАТЛАР БИРЛАШМАЛАРИ

**18-модда. Жамоатлар ассоциация (бирлашма)лари**

1. Жамоатлар фаолиятини мувофиклаштириш, манфаатларини химоялаш ва ифодалаш, кўшма лойихаларни амалга ошириш ва яна бошка вазифалар хамда муаммоларни хал килиш максадида ихтиёрий равишда ассоциацияларга бирлаша оладилар.

Жамоатлар ассоциацияси нотижорат ташкилот бўлиб хисобланади.

2. Ассоциация махаллий кенгашларда рўйхатга олинган даврдан бошлаб юридик шахс макомини олади. Ассоциация аъзолари ўз мустакиллиги ва юридик шахс хукукларини саклаб коладилар.

3. Ассоциация ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ассоциациянинг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича ассоциациянинг таъсис хужжатларида кўзда тутилган микдор ва тартибда субсидиявий жавобгар бўладилар.

4. Жамоатлар ассоциациясини тузиш ва фаолиятининг, унга аъзолик ва ундан чиқишнинг тартиби ушбу Қонунга мувофиқ қабул қилинган унинг устави билан мувофиқлаштирилади.

5. Жамоатлар ассоциацияси халқаро донор ташкилотлар, банклар ва молия-кредит муассасаларининг маблағлари, бюджет маблағлари, шунингдек, юридик ва хусусий шахсларнинг ихтиёрий ҳиссалари ҳамда хайрияларидан фойдалана оладилар.

6. Жамоатлар ассоциациясига жамоат аъзолари оддий кўпчилигининг розилиги билан жамоатлар уставларига мувофик ҳуқуқий доирасига кирувчи масалалар бўйича уларнинг ваколатлари ўтказиб берилиши мумкин.

7. Ассоциациянинг уставида қуйидагилар қайд этилиши шарт:

- ассоциациянинг тўла ва қисқартирилган номи;
- ассоциация аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида низомлар;
- ассоциация аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш тартиби ва шартлари;
- ассоциацияга кириш ва аъзолик бадалининг энг оз миқдорини белгилаш, уларни тўлаш тартиби ва шартлари;
- ассоциация раисининг ваколатлари ва мажбуриятлари тўғрисида низом;
- ассоциациянинг бошқарув органлари томонидан қарор қабул қилиш тартиби;
- ассоциация фаолиятининг регламенти;
- ассоциация раисини сайлаш ва бўшатиш тартиби;
- ассоциация маблағини тўплаш ва уларни сарфлаш тартиби;
- ассоциация уставига ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш тартиби;
- ассоциация фаолиятининг аудити, ҳисобини олиш тартиби;
- ассоциация фаолиятини тўхтатиш (қайта ташкил этиш ва тарқатиб юбориш) шартлари;
- Қирғизистон Республикаси қонунларига зид келмаган ассоциациянинг хусусиятлари билан боғлиқ бошқа низомлар.

**19-модда. Маҳаллий ривожланиш фондини тузиш ва унинг фаолияти**

1. Ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш, маҳаллий хамжамият аъзоларининг турмуш фаровонлигини ошириш учун бирлашган жамоатлар ихтиёрий равишда нотижорат ташкилот - юридик шахс бўлиб саналган маҳаллий ривожланиш фондини ташкил этадилар.

2. Маҳаллий ривожланиш фондини тузиш ва уни бекор қилиш тартиби, унинг маблағларини тузиш ва уларни бериш шартлари маҳаллий ривожланиш фондининг устави билан мувофиқлаштирилади, у адлия органларида рўйхатга олинади.

3. Таъсисчиларнинг умумий йиғилишида маҳаллий ривожланиш фондининг уставига мувофиқ фонд бошқаруви сайланади.

4. Маҳаллий ривожланиш фондига ҳисса сифатида жамоатларнинг ихтиёрий пул ўтказишлари, хусусий ва юридик шахслар, халқаро донорлар, нодавлат ва бошқа ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдамларини аташ мумкин.

5. Маҳаллий ривожланиш фондидан маблағларни бериш белгиланган навбат тартибида, очиқлик ва ошкоралик шартларида маҳаллий ривожланиш фондининг бошқаруви томонидан юритилади.

6. Уставда белгиланган ва Қирғизистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари маҳаллий ривожланиш фондининг фаолиятига унинг юридик мақоми, мақсади ва мазмунини ўзгартишга олиб келувчи, қандай бўлишидан қатъи назар, ташқи аралашувларга йўл қўйилмайди.

## IV бўлим. ЯКУНИЙ НИЗОМЛАР

**20-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириш тартиби**

1. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

2. Қирғизистон Республикасининг Ҳукумати, маҳаллий давлат маъмуриятлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ўз қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсинлар.

*Қирғизистон Республикасининг Президенти А. АКАЕВ.*
*Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг*
*Қонунчилик йиғини томонидан*
*2004 йил 27 декабрда қабул қилинган.*

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ
## НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

*Бишкек шаҳри, Ҳукумат Уйи, 1999 йил 15 октябрь, № 111*

**I БОБ. УМУМИЙ НИЗОМЛАР**
**II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ**
**III БОБ. ЖАМҒАРМАЛАР**
**IV БОБ. МУАССАСАЛАР**
**V БОБ. ЯКУНИЙ НИЗОМЛАР**

### I БОБ. УМУМИЙ НИЗОМЛАР

**1-модда. Ушбу Қонунни мувофиқлаштирувчи жиҳатлар**

Мазкур Қонун нотижорат ташкилотлар, хусусан, Қирғизистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи чет эл нотижорат ташкилотларини ташкил этиш, уларнинг иш юритиши, қайта тузилиши ва бекор қилиниши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштиради. Ушбу Қонуннинг ҳаракати жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва муассасалар шаклида тузилган нотижорат ташкилотларга татбиқ этилади. Мазкур Қонун макоми, тузилиш тартиби ва иш принциплари Қирғизистон Республикасининг айрим қонунлари билан мувофиқлаштирилувчи сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ва ширкатларга татбиқ этилмайди.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

*Нотижорат ташкилотлар* – манфаатлар умумийлиги асосида маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларини ўз аъзолари ва (ёки) бутун жамият манфаатлари учун татбиқ этишга жисмоний ва (ёки) юридик шахслар тарафидан тузилган, улар учун фойда кўриш ишининг асосий мақсади бўлиб саналмаган, топилган фойда эса аъзолар, таъсисчилар ва мансабдор шахслар ўртасида тақсимланмайдиган кўнгилли, мустақил бошқариладиган ташкилот. Юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтиш жойи ва жисмоний шахсларнинг турар жойи ҳамда фуқаролигидан қатъи назар, юридик ёки фаолиятга лаёқатли жисмоний шахслар нотижорат ташкилотларининг таъсисчилари бўлиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлар аъзолари бўлиб, юридик шахсларнинг рўйхатдан ўтиш жойи ва жисмоний шахсларнинг турар жойи ҳамда фуқаролигидан қатъи назар, юридик ёки жисмоний шахслар ҳисобланадилар.

*Нотижорат фаолият* – мустақил юридик шахсни тузиш билан ёки тузмасдан ва фойда кўришни асосий мақсад қилмаган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан якка ёхуд биргаликда амалга ошириладиган иш. Юридик шахсни тузмасдан юритилувчи нотижорат фаолиятнинг ҳар бир иштирокчиси учинчи тарафга зарар келтирган пайтда унинг ўрнини қоплаш бўйича қонунларга мувофиқ жавобгарликка тортилади.

*Жамоат бирлашмаси* – маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун манфаатлар умумийлиги асосида бирлашган фуқароларнинг кўнгилли бирлашмаси.

*Жамғарма* – кўнгилли мулк бадаллари асосида ва ижтимоий, хайрия, маданий, таълимий ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан уюштирилган аъзоликсиз ташкилот.

*Муассаса* – бошқарувчилик ижтимоий-маданий ёки нотижорат йўналишдаги бошқа топшириқларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан тузилган, тўла ёки қисман ўша мулк эгаси томонидан молиялаштирилувчи ташкилот.

*Нотижорат ташкилотнинг мулки* — нотижорат ташкилотнинг хоҳлаган мулки, унинг мулкий ва мулксиз ҳуқуқлари, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятдан топган даромади, шунингдек, унинг фаолияти тўғрисида тижорат маълумотлари.

**3-модда. Нотижорат ташкилотлар тўғрисида қонунлар**

Нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий аҳволи, уларни тузиш, фаолиятининг қайта қурилиши ва бекор қилинишининг тартиби Қирғизистон Республикаси Конституциясига асосланади ва Қирғизистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, ушбу Қонун, Қирғизистон Республикасининг бошқа қонунлари ва ҳуқуқий-меъёрий актлар, Қирғизистон Республикаси эътироф этган ва ратификациялаган халқаро актлар ва шартномалар билан мувофиқлаштирилади.

**4-модда. Нотижорат ташкилотларни тузиш ва улар фаолиятининг тамойиллари**

Барча нотижорат ташкилотлар ихтиёрийлик, мустақил ўзини ўзи бошқарув, қонунчилик, ошкоралик ва очиқлик асосида тузиладилар ва фаолият кўрсатадилар. Фуқаронинг нотижорат ташкилот фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг чекланиши учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Нотижорат ташкилотнинг штатли ходимларига меҳнат, ижтимоий таъминот ва тиббий суғурта тўғрисида Қирғизистон Республикасининг Қонунлари татбиқ этилади.

**5-модда. Давлат ва нотижорат ташкилотлар**

Давлат нотижорат ташкилотларга уларнинг устав топшириқларини бажариши учун шароитларига кафолат беради. Давлат органлари ва мансабдор шахслар Қирғизистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига мувофиқ нотижорат ташкилотлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг муҳофазасини таъминлаш билан уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдилар. Давлат қўллови нотижорат ташкилотларнинг айрим ижтимоий фойдали дастурларини мақсадли молиялаштириш шаклида, шунингдек, қонунчилик тақиқламаган бошқа турларда кўрсатилиши мумкин. Давлат органлари ёки мансабдор шахсларининг нотижорат ташкилотлар фаолиятига аралашиши, бунинг баробарида нотижорат ташкилотларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар ишига аралашиши ман этилади, қонун йўл қўйган ҳоллар бундан мустасно.

**6-модда. Нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқий аҳволи ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари**

Нотижорат ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан юридик шахс ҳуқуқига эга бўладилар. Нотижорат ташкилотлар юридик шахсни ташкил этиб ёки ташкил этмасдан жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва муассасалар шаклида тузилиши мумкин.

**7-модда. Нотижорат ташкилотлар ва (ёки) тижорат юридик шахсларнинг ассоциация (уюшма)лари**

Нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, умумий манфаатларга вакиллик қилиш ва уларни ҳимоялаш мақсадида ўзаро шартнома бўйича нотижорат ташкилотлар ассоциациялар ёки уюшмалар шаклидаги бирлашмалар тузиши мумкин. Ассоциация (уюшма)ларга ушбу қонуннинг умумий низомлари, шунингдек, жамоа бирлашмаларини мувофиқлаштирувчи низомлар татбиқ этилади.

**8-модда. Нотижорат ташкилотларнинг филиаллари ва ваколатчилиги**

Нотижорат ташкилотлар қонунчилик асосида Қирғизистон Республикаси ҳудудида ва чет элларда филиаллар тузиши ҳамда ваколатчилигини очиши мумкин. Нотижорат ташкилотларнинг филиаллари ва ваколатчилиги юридик шахс бўлиб ҳисобланмайдилар, уларни тузган ташкилотлар мулкининг улушини оладилар ва улар тасдиқлаган низом асосида ҳаракат қиладилар. Филиал ёки ваколатчиликнинг мулки алоҳида балансда ва уларни тузган нотижорат ташкилотлар балансида ҳисобда туради. Филиал (ваколатчилик) раҳбари нотижорат ташкилот томонидан тайинланади ва ўша ташкилот вакиллик органининг ишончномаси асосида ҳаракат қилади. Филиал (ваколатчилик) ўз фаолиятини уни тузган ташкилот номидан амалга оширади. Филиал (ваколатчилик)нинг иши учун масъулият уни тузган ташкилот зиммасига юкланади.

**9-модда. Нотижорат ташкилотларни рўйхатга олиш**

Нотижорат ташкилотларни рўйхатга олиш Қирғизистон Республикасининг «Юридик шахсларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида» Қонунига мувофиқ амалга оширилади.

**10-модда. Нотижорат ташкилотнинг устави**

Нотижорат ташкилот устави талабларининг бажарилиши ташкилотнинг ўзи, унинг таъсисчилари, аъзолари (жамоат бирлашмалари) учун, мансабдор шахслар ва раҳбар органлар учун мажбурийдир.

Нотижорат ташкилот уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- ташкилотнинг номи ва қисқартма оти, юридик манзили;
- фаолиятининг предмети ва мақсади, фаолиятини бошқарувнинг тартиби;
- бошқарув ва назорат органлари, тафтиш органлари, уларнинг ҳуқуқ доираси, сайлаш ва чақириб олиш тартиби, шунингдек, мансабдор шахсларнинг масъулияти;
- ҳуқуқлари ва топшириқлари, ташкилот аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқариш (жамоат бирлашмаси учун) тартиби;
- ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тартиби, қайта ташкил этиш ва бекор қилиш тартиби;
- бекор қилинган пайтда мулкни тақсимлаш тартиби;
- жамғармалар ва муассасалар учун, ташкилотдан ёрдам олувчи одамлар доираси чекланмаган пайтларни назарда тутмаганда, ташкилотдан кўмак олувчи одамлар доираси;
- агар кўзда тутилган бўлса, ташкилот фаолиятининг муддати.

Устав ушбу Қонунга зид келмаган бошқа низомларни ҳам қамраб олиши мумкин. Агар устав низоми ушбу Қонун низомларига қарама-қарши келса, унда Қонун низомларига амал қилинади. Ташкилот уставига ўзгартишлар ва тўлдиришлар унинг юқори бошқарув органининг қарорига мувофиқ киритилади.

**11-модда. Нотижорат ташкилотнинг юридик манзили, номи ва рамзий белгилари**



Нотижорат ташкилот ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ифодаловчи номига эга бўлади. Номи белгиланган тартибда рўйхатга олинган ташкилот ундан фақат ўзигина фойдаланишга ҳақлидир. Нотижорат ташкилотнинг юридик манзили унинг бошқарув органи жойлашган маскан бўйича аниқланади. Ташкилотнинг юридик манзили жисмоний шахс – ижрочилик бошқарув органи раҳбарларининг турар жойи бўйича бўлиши

ҳам мумкин. Юридик манзил ўзгартилган пайтда нотижорат ташкилотнинг юқори органи юридик манзил ўзгарган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмасдан рўйхатга олувчи органларни хабардор қилиши керак. Нотижорат ташкилотнинг рамзи сифатида байроғи, эмблемаси, байроқчаси ва бошқа белгилари бўлиши мумкин. Ташкилотнинг рамзи Қирғизистон Республикасининг давлат символикаси, чет мамлакатлар, шунингдек, илгари рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг рамзий белгилари билан мос тушмаслиги шарт.

**12-модда. Нотижорат ташкилотнинг фаолияти**

Нотижорат ташкилот қонун томонидан тақиқланмаган, ташкилот уставида аниқланган мақсадлар ва топшириқларга, дастурий ҳужжатлар ҳамда бошқа актларга зид келмаган фаолиятнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишга ҳақлидир. Нотижорат ташкилот хўжалик, шу жумладан, ишлаб чиқариш фаолияти билан топилган фойдани таъсисчилар, аъзолар, мансабдорлар ва бошқарув органларининг бошқа ходимлари, аъзолари ўртасида тақсимламасдан шуғулланишга ҳақлидир. Бундай фаолият, агар улар ташкилотнинг мақсадлари ва топшириқларига зид келмаса, товар ишлаб чиқариш ва сотиш, ҳақ тўлаш йўли билан иш бажариш, хизмат кўрсатиш ва тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турларини ўз ичига олиши мумкин. Нотижорат ташкилотлар фаолиятининг баъзи турларини чеклаш қонун томонидангина белгиланиши мумкин. Қонун томонидан белгиланган пайтларда фаолиятнинг айрим турлари лицензия ёки махсус рухсат бўлгандагина амалга оширилади.

**13-модда. Манфаатлар ихтилофи**

Нотижорат ташкилот ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ташкилотнинг мулкдан фойдаланиш билан боғлиқ битимлари манфаатлар ихтилофининг юзага келишини тахмин қилади. Нотижорат ташкилотнинг мансабдорлари, раҳбар органларининг аъзолари, шунингдек, ташкилот билан ўз муносабатларининг кучи туфайли ташкилот томонидан ўз мулкларининг бошқарилишига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлган, ўз ташкилоти билан шахсан ёки вакил орқали битимлар тузувчи томонлар манфаатдор шахслар бўлиб саналадилар. Агар нотижорат ташкилотнинг манфаатдор шахслари ўз қариндошлари, шунингдек, қарз берувчилар билан битимлар тузса ҳам манфаатлар ихтилофи пайдо бўлиши мумкин.

**14-модда. Манфаатлар ихтилофини ҳал этиш**

Манфаатлар ихтилофи тахмин қилинган битим нотижорат ташкилотнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланиши керак. Манфаатдор шахс ташкилотнинг ваколатли органини шундай битим тузиш тўғрисида у тузгунга қадар хабардор қилиши зарур. Агар битим ваколатли орган томонидан тасдиқланмаса, мансабдор шахс манфаатлар ихтилофи мавжуд ҳолда тузилган битим натижасида нотижорат ташкилот кўрган барча зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича жавобгарликка тортилиши керак. Зарарнинг ўрнини қоплашга қўшимча шундай манфаатдор шахс бундай битим тузиш натижасида у шахс томонидан олинган барча даромадни нотижорат ташкилотга қайтариб бериши керак. Агар зарар бир неча манфаатдор шахслар ҳаракати натижасида пайдо бўлса, улар нотижорат ташкилот олдида бирдамлик масъулиятини ўз зиммаларига олишлари керак.

**15-модда. Давлат органларининг масъулияти**

Нотижорат ташкилотлар фаолиятини чеклашларга кўмаклашувчи шароитлар яратилишига йўл қўйган давлат органлари амалдаги қонунчилик асосида жавобгарликка тортиладилар.

**16-модда. Нотижорат ташкилотни қайта тузиш ва бекор қилиш**

Нотижорат ташкилот Қирғизистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Қирғизистон Республикасининг ушбу Қонуни ва бошқа қонунлари томонидан кўрилган тартибда қайта тузилиши ва бекор қилиниши мумкин. Қарз берувчиларнинг талаблари қондирилгандан сўнг қолган мулк бекор қилиш комиссияси ёки ташкилот уставига мувофиқ бекор қилиш тўғрисидаги қарор бўйича тақсимланади.

**17-модда. Нотижорат ташкилотнинг очиқлиги**

Нотижорат ташкилотларга келувчи тушумларнинг тузилмаси тўғрисида ва ташкилот мулкининг миқдори билан таркиби хусусида маълумотлар амалдаги қонунчилик асосида давлат органларига тақдим этилади.

## II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

**18-модда. Умумий низомлар**

Жамоат бирлашмалари ўз мақсадига мувофиқ хўжалик, шу жумладан, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга. Жамоат бирлашмаларининг аъзолари шу бирлашмалар томонидан шахсий ихтиёрига берилган мулкка бўлган ҳуқуқни сақлаб олмайдилар.

**19-модда. Жамоат бирлашмасини тузиш**

Жамоат бирлашмаси 3 нафардан кам бўлмаган лаёқатли жисмоний шахс ташаббуси билан номаълум ва маълум муддатга ташкил этилади. Жамоат бирлашмасининг таъсисчилари таъсис мажлиси (конференция) чақирадилар, унда жамоат бирлашмасини тузиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, унинг уставини тасдиқлаш

билан раҳбар ва тафтиш-назорат органлари ташкил этилади. Жамоат бирлашмалари ўзларининг уюшмалари, ассоциациялари ва бошқа бирлашмаларини тузиши мумкин.

**20-модда. Жамоат бирлашмасининг умумий мажлиси**

Жамоат бирлашмасининг олий органи бўлиб унинг барча аъзоларидан ташкил топган умумий мажлис ҳисобланади. Агар қарор қабул қилишда унинг аъзоларининг учдан биридан кам эмас қисми қатнашса, жамоат бирлашмасида 100 дан зиёд аъзо бўлган ҳолатларда эса шулардан 25 дан кам эмас аъзоси иштирок этса, умумий мажлис кворумга, яъни мажлис қарорини қонуний деб топиш учун лозим бўлган кўпчиликка эга бўлади.

Қуйидаги масалалар фақат умумий мажлиснинг ҳуқуқ доирасини ташкил этади:

- уставга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш;
- жамоат бирлашмаси фаолиятининг имтиёзли йўналишларини аниқлаш, унинг мулкидан фойдаланиш тартиби;
- жамоат бирлашмасига аъзоликка қабул қилиш ва ундан чиқариш (агар уставда бошқача қаралмаса);
- бошқарув органларини ташкил этиш тартиби;
- фаолият тўғрисида йиллик ҳисобот ва йиллик балансни тасдиқлаш;
- филиаллар ва ваколатчиликлар ташкил этиш тўғрисида қарор;
- бошқа юридик шахсларнинг фаолиятдаги иштироки;
- қайта тузиш ва бекор қилиш;
- устав томонидан жамоат бирлашмаси бошқа органларининг ҳуқуқ доирасига киритилганидан ташқари бошқа тегишли масалалар.

Жамоат бирлашмаси умумий мажлис йиғилишларини ўтказиш йўли билан ва аъзоларининг ёзма сўровлари асосида қарор қабул қилади. Умумий мажлис йиғилишлари ва ёзма сўров ўтказиш тартиблари устав томонидан мувофиқлаштирилади.

**21-модда. Жамоат бирлашмасининг бошқа бошқарув органлари**

Жамоат бирлашмаси бошқа бошқарув органларини тузиши мумкин. Бошқарувнинг бундай органларини тузиш ва фаолиятининг ваколатлари, тартиби жамоат бирлашмасининг устави томонидан мувофиқлаштирилади.

## III БОБ. ЖАМҒАРМАЛАР

**22-модда. Умумий низомлар**

Таъсисчилар (таъсисчи) томонидан жамғармага берилган моллар жамғарманинг мулки ҳисобланади. Таъсисчилар ўзлари тузган жамғарманинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, жамғарма эса ўз таъсисчиларининг мажбуриятлари бўйича масъул эмас. Жамғарма мулкдан жамғарма уставида кўзда тутилган мақсадларда фойдаланади.

**23-модда. Жамғармани ташкил этиш**

Жамғарма бир ва ундан ортиқ ҳуқуқий лаёқатли жисмоний ёки (ва) юридик шахслар томонидан номаълум ёки маълум муддатга ташкил этилиши мумкин. Таъсисчи (таъсисчилар) ҳуқуқи таъсисчи (таъсисчилар)нинг ҳуқуқий ворисларига ўтмайди. Жамғарма таъсис этилгандан кейин мулкни жамғармага ўтказиб берган шахс таъсисчининг ҳуқуқига эга бўлмайди.

**24-модда. Нотариал тасдиқланган васиятнома асосида жамғармани ташкил этиш**

Жамғарма ушбу Қонуннинг 9-моддаси низомларига мувофиқ уни ташкил этиш тўғрисида қарор ва бошқа ҳужжатларни ўз ичига олган нотариал тасдиқланган васиятнома асосида тузилиши мумкин. Агар васиятнома жамғармани рўйхатга олиш учун ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни рўйхатдан ўтказиш учун ваколат берилган давлат органига бериши шарт бўлган махсус ижрочини аниқламаса, васиятномани расмийлаштирган нотариал идора васиятномани бажариш учун ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижрочини тайинлаши керак. Агар васиятномадаги жамғармани тузиш тўғрисидаги қарор ушбу Қонуннинг 25-моддаси талабларига мос келмаса, васиятнома бўйича ижрочи, агар бу зарур бўлса, жамғарманинг Бошқарув ва Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаши ва жамғармани тузиш бўйича васиятномада аниқланмаган бошқа шартларни аниқлаши мумкин. Бошқарув ва Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлагунга қадар васиятнома ижрочиси жамғармани тузиш тўғрисидаги қарордан келиб чиқувчи ҳуқуқларга ва жамғарма уставига мувофиқ жамғармага берилган мулкни бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Агар васиятномада бошқача белгиланмаган бўлса, васиятнома ижрочиси васиятнома топшириғини амалга оширилиш билан боғлиқ зарур сарф-харажатлар йиғиндисига тенг миқдорда товон пули талаб қилиш ҳуқуқига эга. Васиятнома ижрочисининг ваколатлари жамғарма рўйхатдан ўтгандан сўнг ёки уни рўйхатга олишнинг иложи бўлмаганда тўхтатилади.



**25-модда. Жамғармани ташкил этиш тўғрисида қарор**

Жамғарма таъсисчи (таъсисчилар) қарори бўйича ташкил этилади ва у қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак:

- жамғарманинг номи, юридик манзили;
- таъсисчилар – жисмоний шахсларнинг фамилиялари, исм-шарифлари, туғилган йили, манзили, уй ва хизмат телефонлари, шунингдек, юридик шахсларнинг номи, юридик манзили, давлат рўйхатининг ўрни, санаси ва рақами ҳамда алоқа телефонлари кўрсатилган рўйхат;
- таъсисчилар жамғармага ўтказиб берадиган мулкнинг пул ва (ёки) бошқа турдаги умумий нархи ҳамда уни ўтказиб бериш тартиби;
- жамғарма уставини тасдиқлаш тўғрисида;
- жамғарма Бошқаруви ва Кузатув кенгаши аъзоларининг номлари ҳамда манзиллари.

Барча таъсисчилар жамғармани таъсис этиш тўғрисидаги қарорга қўл қўйишлари ва уларни нотариал тасдиқлашлари керак.

## 26-модда. Жамғарма Бошқаруви

Жамғарма бошқарувчи ва вакиллик қилувчи Бошқарувга эга. Жамғарма Бошқаруви бир ва ундан ортиқ аъзолар – ҳуқуқий лаёқатли жисмоний шахслардан иборат бўлиши мумкин. Жамғармани бошқариш жараёнида Бошқарув жамғарманинг Кузатув кенгашининг қонуний фармойишларини бажариши керак. Агар жамғарма ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланса, ҳеч бўлмаганда ҳар 6 ойда, агар жамғарма бундай ишларни бажармаса, йил сайин Кузатув кенгашининг эътиборига жамғарманинг устав ва молиявий фаолияти тўғрисида ёзма ҳисобот бериб туриши керак. Жамғарма Бошқаруви талабларга биноан жамғарманинг Кузатув кенгаши аъзолари, таъсисчиларга жамғармани бошқариш бўйича хоҳлаган маълумотларни бериши, агар устав томонидан бошқача қаралмаса, унинг фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиши керак. Жамғарма Бошқаруви жамғарманинг моддий ва молиявий аҳволига раҳна солаётган ҳар қандай қўрқинч тўғрисида ёки шундай хатарни юзага келтириши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар хусусида жамғарманинг Кузатув кенгашини тўхтовсиз хабардор қилиб туриши керак. Жамғарма Бошқарувининг ваколатлари жамғарма уставида аниқланиши керак. Агар мажлисда аъзоларининг ярмидан кам эмас қисми қатнашса, жамғарма Бошқаруви кворум – мажлис қарорини қонуний деб топиш учун лозим бўлган кўпчиликка эга бўлади.

## 27-модда. Аъзоларни тайинлаш, алмаштириш ва чақириб олиш

Жамғарма Бошқаруви, жамғарма Бошқарувининг аъзолари жамғарма Кузатув кенгашининг қарори билан тайинланади. Жамғарма Бошқаруви аъзоларининг таркибидаги ўзгаришлар, уларни тайинлаш ва чақириб олиш уставда кўрилган тартибда жамғарма Кузатув кенгашининг қарори билан амалга оширилади. Агар жамғарма устави ва Кузатув кенгашининг қарорида кўзда тутилмаган бўлса, жамғарма Бошқарувининг аъзолари ўз топшириқларини учинчи шахсларга ўтказиб бера олмайдилар. Жамғарма бошқарувининг аъзоси ўз топшириқларини доимий ёки давомли (6 ойдан ортиқ) бажаришга имкони бўлмаган пайтда жамғарма Кузатув кенгаши уставга мувофиқ жамғарма Бошқарувининг янги аъзосини вақтинча тайинлаши мумкин. Жамғарма Бошқарувининг вақтли аъзосининг ваколатлари жамғарма Бошқаруви дастлабки аъзосининг ўз топшириқларини бажаришга имконият пайдо бўлган пайтгача ёки жамғарма Кузатув кенгаши жамғарма Бошқарувининг доимий аъзосини тайинлагунича давом этади. Агар уставда бошқача қаралмаган бўлса, жамғарма Кузатув кенгаши жамғарма Бошқарувининг аъзосини, сабаблардан қатъи назар, хоҳлаган пайтда чақириб олиши мумкин.

## 28-модда. Жамғарманинг Кузатув кенгаши

Жамғарманинг Кузатув кенгаши жамғарма фаолиятини, унинг бошқарув органлари томонидан қарорлар қабул қилинишини, жамғарма маблағларининг ишлатилишини, жамғарма тарафидан қонунлар ва уставга риоя этилишини назорат қилади. Жамғарманинг Кузатув кенгаши ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади. Жамғарманинг Кузатув кенгашини ташкил этиш ва фаолиятининг тартиби таъсисчилар томонидан тасдиқланган жамғарма устави билан аниқланади. Жамғарманинг Кузатув кенгаши жамғарма фаолияти устидан ички назоратни амалга оширади. Агар аъзоларининг ярми мажлисда қатнашса, жамғарма Кузатув кенгашининг мажлиси кворумга эга бўлади.

Жамғарма Кузатув кенгашининг ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- жамғарма фаолияти ва унинг фаолият йўналишлари ҳамда сиёсати устидан назорат қилиш;
- уставга ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш;
- жамғармани қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамғарма Бошқаруви аъзоларини тайинлаш ва чақириб олиш;
- жамғарма Бошқарувининг нархи устав томонидан белгиланганидан юқори битимларни тузиш, шунингдек, устав тарафидан белгиланган мулкнинг айрим турлари бўйича битимлар тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;
- манфаатлар ихтилофи тахмин қилинган битимларни тасдиқлаш;
- жамғарма Бошқаруви томонидан тайёрланган жамғарма фаолияти тўғрисида йиллик ҳисоботни тасдиқлаш;
- жамғарма Бошқарувининг тижорат корхоналарида иштирок этиш ёки иштирокни бас қилиш тўғрисида қарорларини тасдиқлаш;
- уставга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Жамғарма Кузатув кенгашининг ушбу моддада санаб ўтилган ҳуқуқ доирасидаги масалаларни кўшган ҳолда жамғарма фаолиятининг хоҳлаган масалаларининг ечими устав томонидан жамғарма таъсисчиларининг ҳуқуқ доирасига ўтказилиши мумкин. Агар устав томонидан бошқача фикр кўзда тутилмаган бўлса, таъсисчи (ҳамфикр таъсисчилар) жамғарма Кузатув кенгашининг хоҳлаган қарорига вето (тақиқлаш) қўйиш ҳуқуқига эга. Агар тасдиқлаш заруратидан келиб чиққан битимни тузишни тўхтатиш натижасида жамғармага маълум зарар келтирилса, ушбу модда 4-қисмининг 6-ва 7-абзацларида санаб ўтилган битимларнинг жамғарма Кузатув кенгаши томонидан олдиндан тасдиқланиши талаб қилинмайди. Жамғармани бекор қилиш тўғрисида қарор манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларининг аризаси бўйича суд томонидан қабул қилинади. Жамғарма Кузатув кенгаши жамғарманинг барча ҳужжатларини текширишга ва аудитор текшируви юритишга, жамғарма мулкининг мавжудлиги ва фаолиятининг ушбу Қонун билан уставга мос келишини текширишга ҳақлидир. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси жамғарма Бошқарувидан жамғарма фаолияти бўйича маълумот беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Жамғарма Кузатув кенгаши жамғарманинг Бошқарувидан жамғарма фаолияти тўғрисида хоҳлаган маълумотни, шу жумладан, фаолият хусусида ҳисобот ва баланс ҳисоботи беришни талаб қилишга ҳақлидир. Жамғарма Кузатув кенгаши баҳсларда ва жамғарма Бошқаруви аъзолари билан битимларда жамғарма вакили бўлиши керак. Жамғарма Кузатув кенгаши ушбу Қонун ва жамғарма устави томонидан белгиланган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

**29-модда. Жамғарма Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш, уларни алмаштириш, чақириб олиш**

Агар уставда аъзолар сони кўпроқ бўлиши кўзда тутилмаган бўлса, жамғарма Кузатув кенгаши таркибида 3 аъзо бўлиши керак. Ҳуқуқий лаёқатли жисмоний шахслар жамғарма Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин. Жамғарма Бошқаруви рўйхатга олиш органларига жамғарма Кузатув кенгаши аъзоларининг рўйхатини беради. Жамғарма Кузатув кенгаши таркибида ўзгаришлар бўлган пайтда жамғарма Бошқаруви рўйхатга олиш органларига ўша ўзгаришлар тўғрисида маълумотни 7 кун ичида бериши керак. Жамғарма Кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ва чақириб олиш йўл-йўриғи уставда белгиланиши зарур. Жамғарма Кузатув кенгашининг аъзоси соғлиғи туфайли жамғарма Кузатув кенгашининг фаолиятида иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган ёки жамғарма манфаатларига маълум даражада зарар етказган пайтда таъсисчи (таъсисчилар)нинг, жамғарма Кузатув кенгаши томонидан унинг аъзоларининг талаби бўйича ёки ўз ташаббуси билан чақириб олиниши мумкин.

## IV БОБ. МУАССАСАЛАР

**30-модда. Умумий низомлар**

Муассаса мулки Қирғизистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ тезкор бошқарув ҳуқуқи билан унга мустаҳкамлаб берилган. Муассаса унинг ихтиёридаги мажбуриятларга пул маблағлари билан жавоб беради. Уларнинг етишмаслиги натижасида муассасанинг топшириқлари бўйича субсидияли масъулиятни унинг мулк эгаси тортади.

**31-модда. Муассасани ташкил этиш**

Муассаса бир ёки ундан ортиқ ҳуқуқий лаёқатли жисмоний ёхуд (ва) юридик шахслар томонидан номаълум ёки маълум муддатга ташкил этилади.

**32-модда. Муассасани ташкил этиш тўғрисида қарор**

Муассаса мулк эгаси (мулк эгалари)нинг қарори бўйича тузилиб, ушбу маълумотларни ўз ичига олади:

- муассасанинг номи, юридик манзили;
- мулк эгаси – жисмоний шахсларининг фамилияси, исм-шарифи, туғилган йили, манзили, уй ва хизмат телефони кўрсатилган рўйхат, шунингдек, таъсисчилар – юридик шахслар номи, юридик манзили, давлат рўйхатининг ўрни, санаси ва рақами ҳамда алоқа телефонлари кўрсатилган рўйхат;
- мулк эгаси (мулк эгалари) муассасага ўтказиб берадиган мулкнинг пул ва (ёки) бошқа турдаги умумий нархи ва уни ўтказиб бериш тартиби;
- муассаса уставини тасдиқлаш тўғрисида қарор;
- муассаса Бошқаруви ва Кузатув кенгаши аъзоларининг номлари ва манзиллари.

Барча мулк эгалари муассасани ташкил этиш тўғрисидаги қарорга қўл қўйишлари ва уларни нотариал тасдиқлан ўтказиши керак.

**33-модда. Муассасанинг бошқарув органлари**

Муассаса бошқарув органларининг тузилмаси, уни ташкил этиш ва фаолиятининг тартиби, шунингдек, ваколатлари мулк эгаси (мулк эгалари) томонидан муассаса уставида белгиланади.

**34-модда. Муассасанинг мулк эгаси (мулк эгалари) билан ўзаро муносабатлари**

Муассаса ўз фаолиятини устави ва Қирғизистон Республикасининг Фуқаролик кодексига мувофиқ амалга оширади. Мулк эгасининг ҳуқуқлари уни қабул қилувчиларга ўтказиб берилиши мумкин. Муассаса тузилгандан сўнг унга мулкни ўтказиб берувчи шахс муассаса мулки эгасининг ҳуқуқларига эга бўлмайди.

## V БОБ. ЯКУНИЙ НИЗОМЛАР

**35-модда. Халқаро конвенциялар ва шартномалар**

Агар ушбу Қонуннинг низомлари халқаро конвенциялар, халқаро ва икки томонлама шартномалар билан бошқача мувофиқлаштирилса, унда тегишли халқаро конвенциялар, халқаро ва икки томонлама шартномаларнинг низомлари қўлланилади.

**36-модда. Меъёрий ҳуқуқий актларни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш тўғрисида**

Қирғизистон Республикасининг Ҳукумати ўзининг меъёрий ҳуқуқий актларини ушбу Қонунга мослаштирсин.

**37-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши тўғрисида**

Ушбу Қонун эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради («Эркин Тоо», 1999 йил 3 ноябрь, №86).

**38-модда. Илгари қабул қилинган ҳуқуқий актлар ўз кучини йўқотди, деб ҳисоблаш тўғрисида**

Ушбу Қонун кучга кирган кундан бошлаб қуйидаги ҳужжатлар ўз кучини йўқотди, деб ҳисоблансин:

- Қирғизистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида» Қонуни (Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №3, 111-бет).
- Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида Қирғизистон Республикасининг Қонунини қўлланишга киритиш ҳақида» қарори (Қирғизистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, №3, 112-бет).

**39-модда. Ушбу Қонунни қўлланишга киритиш туфайли нотижорат ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш**

Ушбу Қонун кучга киргунга қадар рўйхатдан ўтган нотижорат ташкилотлар ушбу Қонунга мувофиқ у кучга кирган кундан бошлаб бир йил ичида қайта рўйхатдан ўтишлари мумкин.

**40-модда. Нотижорат ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ**

Ушбу Қонунга мувофиқ нотижорат ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш бепул амалга оширилади.

*Қирғизистон Республикасининг Президенти А. АКАЕВ.*
*Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг*
*Қонунчилик йиғини томонидан*
*1999 йил 1 октябрда қабул қилинган.*

II ИЛОВА

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МУНИЦИПАЛИТЕТ (МУНИЦИПАЛ ҲУДУД)НИНГ ТАХМИНИЙ УСТАВИ

Ҳар бир муниципалитетнинг ўз устави бўлиши керак. Уни маҳаллий ҳамжамият мустақил ишлаб чиққач, халқ курултойи қабул қилади ва маҳаллий кенгаш тасдиқлайди.

Муниципалитетнинг устави – бу маҳаллий ҳамжамиятнинг энг юқори ҳуқуқий акти. У маҳаллий ҳамжамиятнинг бошқа ҳуқуқий актларидан юқори турадиган адлиявий аҳамиятга эга.

Муниципалитетнинг устави қонунларда кўзда тутилган тартибда мажбурий равишда адлия органларида рўйхатга олиниши шарт. Муниципалитетнинг уставини рўйхатга олмасликка унинг Қирғизистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид келганлиги асос бўлиши мумкин. Уставни давлат рўйхатидан ўтказмаслик билан боғлиқ масалаларда фуқаролар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари судга мурожаат этишлари мумкин.

Муниципалитет уставининг ушбу намунасидан Қирғизистон Республикасидаги бошқа муниципалитетлар уставларини ишлаб чиқиш учун фойдаланиш мумкин. Уставда маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг тузилишини жойларда шарт-шароитларга яраша ўзгартилган турли вариантлари ёритилиши мумкин.

**________ маҳаллий ҳамжамияти вакилларининг курултойида 200… йил «___» ________да қабул қилинган.**

**__________ қишлоқ (посёлка) кенгашининг №… қарори билан 200… йил «___» ________да тасдиқланган.**

**________ муниципалитетининг Устави**
**________ - 200__**

Биз, __________ муниципалитетининг маҳаллий жамоатчилиги вакиллари, орамизда бузилмас бирлик, иттифоқлик, жамоат тартиби ва осойишталикни ўрнатиш, қишлоқда маиший турмуш шароитларини яхшилаш, ҳар бир оила ва фуқаронинг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни кўзлаб ушбу мустақил бошқарув ҳамжамияти (қишлоқ жамоати)ни тузиш билан жамоат турмушининг муқаддас қоидаларини белгиловчи мазкур Уставни қишлоқ ҳаётининг асосий қонуни сифатида қабул қиламиз.

Олдимизга қўйилган муқаддас мажбуриятларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, биз энг аввало умумбашарий иймон талаблари, ҳудудимизда яшовчи барча миллат вакилларининг асл урф-одатларини ўзида мужассам этган саховатли Манас бобомизнинг қуйидаги етти васиятини муқаддас билиб, уларни фаровон турмуш қуришда асосий қурол ва восита сифатида қўллаймиз:

1. Эл-юртнинг ажралмас яхлитлиги ва бир ёқадан бош, бир енгдан қўл чиқарувчи бирдамлиги.
2. Миллатлараро иттифоқлик, дўстлик ва ҳамкорлик.
3. Миллий ор-номус ва ватанпарварлик.
4. Баракали меҳнат, илғор касб-ҳунар ва билим орқали фаровонлик ва мўл-кўлчилик сари.
5. Инсонпарварлик, саховатпешалик, бағрикенглик.
6. Табиат билан хушмуомала бўлиш.
7. Қирғиз давлатчилигини мустаҳкамлаш ва уни кўз қорачиғидек ҳимоялаш.

### I. УМУМИЙ НИЗОМЛАР

1. __________ муниципалитетининг Устави - бу маҳаллий ҳамжамиятнинг бошқа ҳуқуқий актларига нисбатан юқори адлиявий кучга эга бўлган ва Қирғизистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунлари асосида қабул қилинган меъёрий ҳуқуқий акт.

2. __________ муниципалитетида ҳокимиятнинг манбаи бўлиб ушбу муниципалитетнинг турғунлари саналадилар. Улар ўз ҳокимиятини бевосита ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари орқали амалга оширадилар.

3. Ушбу Устав маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, уларнинг амалдорлари фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, __________ муниципалитетидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ҳуқуқий-ташкилий, иқтисодий, мулкий, молиявий асосларини ўрнатади.

4. Устав низомлари __________ муниципалитетида жойлашган ёки фаолият юритаётган барча юридик шахслар, шунингдек, якка фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари томонидан бажарилиши шарт.

5. __________ маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг меъёрий-ҳуқуқий актлари ушбу Устав низомларига зид келмаслиги керак.

6. Ушбу Устав Қирғизистон Республикаси қонунлари билан чегаралари аниқланган __________ муниципалитетидагина ўз кучига эга.

### II. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

Ушбу Уставда қуйидаги тушунчалар ва атамалар қўлланади:

*маҳаллий ҳамжамият* – __________ муниципалитетида доимий яшовчи ва маҳаллий аҳамиятга эга муаммоларни ўз ваколатли, ижрочилик-бошқарув ва бошқа органлари орқали ўз жавобгарлиги остида ҳал этиш

учун умумий манфаатлари бўйича бирлашган аҳоли;

*маҳаллий ҳамжамият аъзоси* - ________ муниципалитетида доимий яшовчи ва ўзаро мажбуриятлари бўйича маҳаллий ҳамжамият билан боғланган фуқаро;

*муниципалитет* – маҳаллий ўзини ўзи бошқарув амалга ошириладиган маъмурий-ҳудудий бирлик;

*маҳаллий аҳамиятга эга ишлар* – маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан ________ муниципалитетининг аҳолиси турмушини таъминлайдиган, ушбу Уставда Қирғизистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқ аниқланган муаммолар;

*маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари* - маҳаллий аҳамиятга эга ишларни ўз жавобгарлиги остида ҳал этиш учун аҳоли тарафидан тузилган вакиллик, ижрочилик-бошқарув ва бошқа органлар;

*маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг вакиллик органи* - тегишли маъмурий-ҳудудий бирликнинг аҳолиси томонидан бевосита сайланувчи депутатлардан иборат ва маҳаллий аҳамиятдаги ишларни ҳал этишга ваколат берилган маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг коллегиал органи - ________ қишлоқ кенгаши;

*маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ижрочилик-бошқарув органи* - ________ қишлоқ кенгашининг қарорлари, шунингдек, давлат томонидан берилган ваколатларни тайёрлаш ва бошқаришни таъминлаш учун тузилган, ________ муниципалитетида ижрочилик ҳокимиятини амалга оширувчи орган - ________ қишлоқ ҳукумати;

*маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи* ________ муниципалитетидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари тизимидаги, аҳоли томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан сайланган мансабдор шахс;

*қурултой* – умумий манфаатларни билдирувчи муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида маҳаллий ҳамжамият вакилларининг йиғилиши;

*давлат томонидан берилган ваколатлар* – маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан ________ муниципалитетида амалга оширилувчи алоҳида давлат ваколатлари;

*ташаббускор гуруҳ* – ушбу Уставга мувофиқ қурултой ёки фуқаролар йиғини ўтказиш ташаббусини кўтарадиган маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг гуруҳи;

*фуқаролар йиғини* – маҳаллий аҳамиятдаги ишларни бошқаришда маҳаллий ҳамжамият аъзолари иштирокининг тўғридан-тўғри шакли;

*муниципал мулк* -________ маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари қарамоғида турган, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг даромад олувчи манба сифатида хизмат қилувчи ва Қирғизистон Республикаси қонунларига мувофиқ маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг вазифаларини амалга оширишга зарур бўлган маҳаллий ҳамжамиятнинг мулки;

*муниципал хизмат* – мутахассислик ва ҳақ тўлаш асосида маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг вакиллик ва ижрочилик-бошқарув ҳамда бошқа органларидаги фуқароларнинг фаолияти;

*маҳаллий бюджет* - ________ муниципалитети маҳаллий ҳамжамиятининг бюджети, уларнинг тузилиши, тасдиқланиши ва бажарилишини маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари амалга оширадилар;

*жамоат ташкилоти* – маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг маънавий, ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида манфаатлар умумийлиги асосида якка шахслар томонидан тузилган, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизимига кирувчи ихтиёрий ўзини ўзи бошқарувчи ташкилот;

*маҳаллий ривожланиш фонди* – жамоат ташкилотлари томонидан тузилган ва жамоат ташкилотлари ва улар бирлашмаларининг ҳиссалари, қишлоқ ҳукумати, ҳомийлар, ташкилотлар ва халқаро донорларнинг ихтиёрий асосдаги бадаллари ҳисобига тузилувчи жамоатчилик фонди.

## III. ________ МУНИЦИПАЛИТЕТИНИНГ ҲУДУДИ ВА ЧЕГАРАЛАРИ

1. ________ муниципалитетининг ҳудуди муниципал ерлар ва бошқа қонун доирасида ўтказиб берилладиган маҳаллий ўзини ўзи бошқарув участкаларини ўз ичига олади.
2. ________ муниципалитети ҳудудининг чегаралари ушбу ҳудудда яшаётган аҳолининг қонун билан аниқланган тартибда ўй-фикрини ҳисобга олмасдан ўзгартирилмаслиги шарт.

## IV. МАҲАЛЛИЙ ҲАМЖАМИЯТ АЪЗОЛИГИГА КИРИШ ВА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1. ________ муниципалитетида доимий яшовчи ва маҳаллий ҳамжамият билан ўзаро мажбуриятлар орқали боғланган, ушбу Устав манфаатларини бажаришга сафарбар этилган Қирғизистон Республикасининг фуқароси маҳаллий ҳамжамиятнинг аъзоси бўлиб саналади.
2. Маҳаллий ҳамжамиятнинг ҳудудида яшамаган, бироқ ушбу ҳудудда кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқи мавжуд бўлган, маҳаллий бюджетга солиқ тўлаган ва ўзининг маҳаллий ҳамжамияти ишларида қатнашишни хоҳлаган Қирғизистон Республикасининг фуқароси ҳам маҳаллий ҳамжамиятнинг аъзоси бўла олади.
3. Доимий яшаш учун бошқа юртдан кўчиб келган Қирғизистон Республикасининг фуқаролари ва чет элдан кўчиб келган Қирғизистон Республикасининг фуқаролигини олган одамлар шахсий аризаси асосида маҳаллий ҳамжамиятнинг аъзолигига қабул қилинадилар.
4. Қирғизистон Республикасининг фуқароси қуйидаги ҳолларда маҳаллий ҳамжамият аъзолигидан чиқади:

- Қирғизистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганда;

- унинг ўлганлиги ёки бедарак йўколганлиги тўғрисида суд карори конуний кучга кирганда;
- вафот этганда;
- ўзининг шахсий аризасига кўра (ушбу худудда доимий яшамаган фукаролар учун).

## V. МАҲАЛЛИЙ ҲАМЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ

1. Маҳаллий ҳамжамият аъзоси куйидаги хукукларга эга:
- маҳаллий аҳамиятдаги ишларни бошкаришда катнашиш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига сайлаш ва сайланиш;
- маҳаллий хамжамиятнинг турмуш муаммолари бўйича тўғридан-тўғри ёки ўзи маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига сайлаган вакиллари оркали таклифлар киритиш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари белгилаган имтиёзлар, шунингдек, маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг биргаликдаги кучлари билан яратган барча мўл-кўлчиликлар, муниципал мулк ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари хизматларидан фойдаланиш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига уларнинг хукук доирасига тегишли бўлган барча масалалар бўйича мурожаат этиш ва кўйилган масала бўйича жавоб талаб килиш;
- маҳаллий хамжамият аъзоларининг курултойлари, йиғинлари ва мажлисларига, кишлок кенгашининг очик сессияларига катнашиш, уларда муҳокама килинган масалалар бўйича ўзининг ўй-фикрини эркин айтиш ва таклифларини киритиш;
- ушбу Уставда таъкидланган ҳуқуқлар бузилганда оксоколлар суди, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошка органларига, давлат хукукни ҳимоялаш ва суд органларига мурожаат этиш;
- маҳаллий ҳамжамият аъзолигидан эркин чикиш;
- Қирғизистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида, шунингдек, ушбу Уставда кўрилган барча ҳуқуқлардан фойдаланиш.

2. Маҳаллий хамжамият аъзолари куйидаги бурчларга эга:
- Қирғизистон Республикаси Конституцияси ва конунлари, ушбу Уставни бажариш ва унга мустаҳкам риоя килиш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари, оксоколлар судининг қонун ва ушбу Уставга қарама-қарши келмаган карорларини бажариш;
- ҳамжамиятнинг ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан конун доирасида белгиланган соликлар ва йиғимларнинг барча турларини кечиктирмай ўз вактида тўлаш;
- маҳаллий ҳамжамиятнинг маиший турмуш шароитларини яхшилашга йўналтирилган барча ижтимоий фойдали ишларида катнашиш, уларни амалга ошириш бўйича тасдикланган шартлар ва меъёрларни мажбуран бажариш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг конун доирасида ва ушбу Устав асосида кабул қилинган карорларини бажариш;
- муниципал мулкни тузиш ва уни ривожлантиришга ўз хиссасини кўшиш, улардан самарали фойдаланиш ва саклаш;
- конунбузарликларнинг барча кўринишлари, хамжамиятнинг моддий бойликлари ва одоб-ахлокка беэътибор бўлганларга нисбатан муросасизлик билан муносабатда бўлиш;
- бизни ўраб турган табиат (атроф-муҳит)га ғамхўрлик ва саранжомлик билан муомалада бўлиш, ўрмон, боғ ва бошка ўсимликлар, жониворларга шафкатсизлик килганлар билан кураш, тарихий, маданий ва табиий ёдгорликларни кўриклаш;
- турар жой биноларини куриш коидаларига риоя килиш, уйлар, уларнинг якин атрофларидан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги, санитария ва ветеринария коидаларига тўғри риоя этилишига кўмаклашиш;
- маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг биргаликдаги ер, сув ва бошка табиий бойликлари, муниципал мулкларидан самарали фойдаланиш.

Алоҳида бурч ва фарзлар:
- фарзандга ғамхўрлик килиш, уни тўғри тарбиялаш, оила куришига шароит яратиб бериш – ҳар бир ота-онанинг бурчи;
- оила куришда конун ва ушбу Уставга қарама-қарши келган киз олиб кочиш каби урф-одатлардан бош тортиш ;
- ота-оналарга ғамхўрлик килиш – меҳнатга яроқли балоғатга етган ҳар бир фарзанднинг бурчи;
- маҳаллий хамжамиятнинг ҳар бир аъзосига инсонпарварлик ва бағрикенглик билан муомалада бўлиш, етимлар ва боқувчисидан айрилган, шунингдек, каровчиси йўк кексалар, ногиронлар, меҳнатга яроксизларга ғамхўрлик кўрсатиш ва бокиш – бутун ҳамжамиятнинг мукаддас фарзи;
- ҳар бир миллатнинг шаъни ва урф-одатларини ҳурмат килиш, миллатлараро иттифоқлик, тинчлик, бирдамликни мустаҳкамлаш ____________ муниципалитетида яшовчи ҳар бир миллат вакилларининг бурчидир.

## VI. __________ МУНИЦИПАЛИТЕТИ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВИНИНГ АСОСИЙ НИЗОМЛАРИ, ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТИЗИМЛАРИ

1. __________ муниципалитети ўзини ўзи бошқаруви – бу маҳаллий ҳамжамиятнинг қонун ва ушбу Устав доирасида ва ўз жавобгарлиги остида ҳамда аҳолининг фаровон яшаши учун муниципалитетнинг маиший турмуши барча жабҳаларини бошқаришга бўлган ҳуқуқи. Бу ҳуқуқ қишлоқ кенгаши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи орқали, шунингдек, бевосита қурултойлар, фуқароларнинг йиғинлари, конференцияларини ўтказиш билан ва қонун доирасида қайд этилган бошқа шакллар орқали амалга оширилади.

2. __________ муниципалитетининг маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизимини:
- вакиллик органи - қишлоқ кенгаши;
- ижрочилик-бошқарув органи - қишлоқ ҳукумати;
- жамоат ўзини ўзи бошқарув кенгашлари;
- оқсоқоллар судлари, жамоат тартибини сақлаш кўнгиллилари;
- маҳаллий моддий-молиявий бойликлардан фойдаланиш бўйича назорат гуруҳи;
- ош тортиш, тўйлар ўтказиш, муниципалитетда урф-одатларни мувофиқлаштириш комиссияси;
- жамоат ташкилотлари ва аҳоли томонидан тузилган бошқа органлар;
- шунингдек, фуқаролар йиғинлари ва мажлислари ташкил этадилар.

3. __________ муниципалитетида маҳаллий ўзини ўзи бошқарув қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:
- Қирғизистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, ушбу Устав қоидаларига __________ муниципалитетида мустаҳкам риоя этиш ва уларни аниқ бажариш;
- маҳаллий муаммоларни ҳал этишда ҳамжамиятнинг ўзини ўзи таъминлаши, молиялаштириши ва мувофиқлаштириши;
- маҳаллий ҳамжамият аъзолигига эркин, ўз ихтиёри билан кириш ва чиқишни таъминлаш;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари фаолиятининг ҳамжамият аъзолари томонидан назоратга олиниши ва уларнинг аҳоли олдидаги жавобгарлиги;
- қишлоқ кенгаши депутатлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг ёпиқ ва тўғридан-тўғри сайланиши;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув вакиллик ва ижрочилик-бошқарув органларининг ваколатлари ва бурчларининг аниқ чегараланиши;
- маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларининг ҳимояланиши;
- ижтимоий адолатнинг сақланиши;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг ишидаги ахборот эркинлиги, очиқлик, муниципалитетдаги жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари билан тиғиз алоқада бўлиш;
- маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг маҳаллий аҳамиятдаги барча масалаларни муҳокама этишда ўз таклифларини киритиш орқали фикр билдириш эркинлиги;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг маҳаллий аҳамиятдаги ишларни ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасида мустақил ҳал эта олиши, қабул қилинган қарорларнинг асосли эканлиги ва қонунийлиги бўйича ҳамжамият ва давлат олдидаги жавобгарлиги.

## VII. __________ МУНИЦИПАЛИТЕТИ МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ БУРЧЛАРИ

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари бажариши шарт бўлган асосий масалалар:
- __________ муниципалитетининг Уставини қабул қилиш ва унга ўзгартиш киритиш, унинг бажарилишини назоратга олиш;
- муниципал инфратузилмани таъминлаш ва ривожлантириш;
- қишлоқ маиший турмушини таъминлаш тизимининг ишлаши ва ривожланиши, аҳолига ижтимоий ва маданий хизматлар кўрсатишни уюштириш;
- муниципалитетнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни бажариш;
- муниципал мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш;
- маҳаллий бюджетни тузиш ва уни бажариш муаммолари;
- соғлиқни сақлаш, маданият, мактабгача, мактаб ва касб таълими бериш тизимларини ривожлантиришга тегишли шароитлар яратиш;
- хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес равнақига кўмаклашувчи шароитлар ту[illegible];
- турар жой ва муни[illegible]тириш;
- муниципалитетни [illegible]
- муниципал ерла[illegible]и фойдаланиш;
- маиший турму[illegible] кўрсатиш;
- маҳаллий ҳамж[illegible] тарихий ва маданий анъаналари, урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш, шунингдек, ула[illegible]и ўтказиш тартибини мувофиқлаштириш;

- жисмоний тарбия, спорт ва туризмни ривожлантириш;
- жамоат тартибини сақлаш;
- қонунларга мувофиқ маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказиб берилган бошқа масалалар.

## VIII. __________ ҚИШЛОҚ КЕНГАШИ

1. __________ қишлоқ кенгаши __________ муниципалитетининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви вакиллик органи бўлиб саналади ва ҳудудда яшовчи фуқаролар томонидан ҳаммага бирдек, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз билан тўрт йиллик муддатга сайланади.

2. __________ қишлоқ кенгаши депутатлардан иборат бўлади.

2.1. Қишлоқ кенгаши депутати бўлиб __________ муниципалитетида охирги икки йилдан бери яшаб келаётган 20 ёшга тўлган Қирғизистон Республикасининг фуқароси ҳаммага бирдек, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз билан тўрт йиллик муддатга сайланади.

2.2. Қишлоқ кенгаши депутатини сайлаш тартиби Қирғизистон Республикаси қонунлари билан аниқланади.

2.3. Қишлоқ кенгаши депутатининг ваколатлари кенгаш биринчи сессиясининг очилиш кунидан бошланади ва кейинги чақириқ қишлоқ кенгаши биринчи сессиясининг очилиш куни тугайди.

3. Қишлоқ кенгаши фаолиятининг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли – бу қишлоқ кенгашининг сессияси. Қишлоқ кенгашининг сессияси барча депутатларнинг 2/3 қисми қатнашгандагина ўтказилиши шарт. Қишлоқ кенгашининг белгиланган муддатларда бўладиган сессияларидан бошқа навбатдан ташқари сессиялари ҳам ўтказилиши мумкин. Сессияни чақириш ва ўтказиш тартиби қишлоқ кенгашининг регламенти билан аниқланади.

4. Қишлоқ кенгаши ҳал қиладиган масалаларни олдиндан кўриш ва тайёрлаш учун, шунингдек, қишлоқ кенгашининг қарорларини амалга ошириш, уни назоратга олишда қатнашиш учун қишлоқ кенгаши доимий ва вақтинчалик комиссиялар тузади.

5. __________ қишлоқ кенгаши:

- ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш дастурларини тасдиқлайди ва уларнинг ижросини назорат қилади;
- маҳаллий бюджет ва унинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботни тасдиқлайди, шунингдек, бюджетнинг бажарилиши ва бюджетдан ташқари фондлардан фойдаланишнинг бориши ҳақида маълумотларни тинглайди;
- Қирғизистон Республикасининг қонунларида қайд этилган маҳаллий солиқлар, йиғимлар ва тўловларни киритади;
- маҳаллий ҳамжамиятнинг муниципал мулкини бошқаришнинг тартибини белгилайди, ундан фойдаланишни назорат қилади;
- кенгаш регламентини қабул қилади;
- қонунларда белгиланган ҳолларда депутатларнинг ваколатларини муддатидан аввал тўхтатади;
- маҳаллий ҳамжамият аъзолари курултойининг таклифи билан __________ муниципалитетининг Уставини тасдиқлайди;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг фаолиятини назорат қилади;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг ўринбосарини тайинлашга розилик беради;
- депутатлар умумий сонининг камида 2/3 кўпчилик овози билан __________ маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви бошлиғига ишонч кўрсатмаганлигини билдиради;
- __________ муниципалитетидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизимига кирувчи жамоат ташкилотлари ва жамоат кенгашларининг низомларини тасдиқлайди;
- қишлоқ кенгашининг доимий ва вақтинчалик комиссияларини тузади, уларнинг низомлари ва иш режаларини тасдиқлайди;
- муниципал мулк ерларини ижарага бериш тартибини Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ тасдиқлайди;
- муниципалитетда ош тортиш, тўйлар, марҳумларни дафн этиш ва бошқа халқ анъаналари ва урф-одатлари билан боғлиқ чора-тадбирларни ўтказишнинг тартибини мувофиқлаштиради;
- қонунларга мувофиқ бошқа масалаларни сессияда ҳал қилади.

6. Қишлоқ кенгашининг ўз тасарруфидаги масалалар бўйича қарорлари сайланган депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Кенгаш қарорлари тўхтам шаклида чиқарилади ва унга кенгашнинг раиси қўл қўяди.

7. Қишлоқ кенгаши томонидан ўзининг ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлар __________ муниципалитетида яшовчи барча фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг ҳудудий органлари, шунингдек, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида мажбуран бажарилади.

8. __________ қишлоқ кенгашининг раиси шу вақтнинг ўзида маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг тегишли ижрочилик-бошқарув органи етакчиси бўлиб ҳисобланади.

## IX. ____________ ҚИШЛОҚ ҲУКУМАТИ

____________ муниципалитетидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ижрочилик ҳокимиятини маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи ва қишлоқ ҳукумати амалга оширади.

1. ____________ муниципал худудидаги маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи аҳоли томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри овоз бериш орқали сайланган сайланувчи мансабдор шахс, шунингдек, ________ қишлоқ ҳукуматининг бошлиғи бўлиб ҳисобланади.

2. ______________ қишлоқ ҳукумати – маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг ижрочилик-бошқарув органи - ______________ қишлоқ кенгашининг қарорлари, шунингдек, давлат томонидан берилган ваколатларни тайёрлаш ва бажаришни таъминлаш учун тузилган ______________ муниципалитетида ижрочилик ҳокимиятини амалга оширувчи орган.

3. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи бўлиб Қирғизистон Республикасининг 25 ёшга тўлган фуқароси ҳаммага бирдек, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз билан тўрт йиллик муддатга сайланади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғи ваколатларининг муддати сайловларнинг якунлари тасдиқланган кундан бошланиб, янги сайланган маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи хизматга келган вақтда тўхтайди.

4. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи шу вақтнинг ўзида маслаҳат овози ҳуқуқи билан ________ қишлоқ кенгаши раисининг вазифасини бажаради.

5. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи:

- қишлоқ ҳукумати ишини бошқаради ва унинг натижаси учун жавобгар бўлади;
- маҳаллий бюджет лойиҳасини таклиф қилади, муниципалитетдаги ишнинг умумий аҳволи, маҳаллий бюджетнинг бажарилиши ва муниципал мулкдан фойдаланиш, худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг бажарилиши ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тўғрисида қишлоқ кенгашига камида ярим йилда бир марта ҳисобот беради;
- ўз ишининг натижаси тўғрисида маҳаллий ҳамжамиятнинг курултойида аҳолига камида йилига бир марта ҳисобот беради;
- ўтказиб берилган давлат ваколатларининг талабдагидек бажарилишини уюштириш учун шахсан жавобгар бўлади;
- Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва йиғимларни киритиш бўйича қишлоқ кенгашига таклифлар айтади;
- Қирғизистон Республикасининг қонунлари доирасида бошқа масалаларни ҳал этади.

6. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи ўзининг ваколатлари доирасида буйруқлар ва қарорлар чиқаради. Унинг қарорлари __________ муниципалитетида яшовчи барча фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг худудий органлари, шунингдек, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан қонунларда белгиланган ваколатлар доирасида мажбуран бажарилади.

7. ______________ қишлоқ ҳукуматининг ваколатлари ва бурчлари:

- ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантириш бўйича ўзаро шартномалар тузиш;
- кам таъминланган оилаларни аниқлаш, уларга дарақли ёрдамлар уюштириш;
- халқ анъаналари ва урф-одатларини мувофиқлаштириш, улар бўйича низомлар ишлаб чиқиш ва бажарилишини назорат қилиш;
- жамоат ташкилотлари билан ишлаш (ўнбоши, юзбоши, мингбоши, оқсоқоллар суди, қариялар кенгаши, хотин-қизлар кенгаши, ёшлар ташкилоти), қишлоқ ва кўча (маҳалла) кўмиталари билан ишлаш;
- жамоат ташкилотлари, ҳамжамиятлар, ўзаро ёрдамлашиш гуруҳларини тузиш ва уларнинг ривожланиш фондларига кўмаклашиш;
- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнеснинг равнақини қўллаб-қувватлаш;
- чет эл ва нодавлат ташкилотлар билан алоқаларни кучайтириш;
- турли саналарни нишонлашни уюштириш;
- техник, ветеринария ва агросервис хизматларини уюштириш, ривожлантириш;
- деҳқон хўжаликлари, кооперативлар, хусусий хўжаликлар, ҳиссадорлик жамиятлари, сув ассоциациялари билан ишлаш;
- халқ истеъмол қилувчи саноат моллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, қайта ишлаш ва сотишни ташкил этиш;
- камбағал оилаларни қўллаш фондларини уюштириш, уларга махсус имтиёзли шартда ижарага ер бериш;
- ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;
- ёрдам фондларини марафон ўтказиш, ҳашар йўли билан топилган маблағлар орқали тўлдириб туриш;
- ҳамжамиятда ота-оналарнинг болалар тарбияси билан шуғулланиш жавобгарлигини ошириш;
- ёлғиз қариялар, бутунлай етим, тирик етим, ногирон болаларни ижтимоий таъминлаш;
- ижодкор болаларни қўллаб-қувватлаш;
- фавқулодда табиий ҳодисаларнинг олдини олиш, фуқаролар мудофааси ишларини мувофиқлаштириш;
- аҳолининг ариза ва шикоятлари билан ишлаш;
- жамоатлар ўртасидаги ва оилалардаги низоларни ҳал қилиш;
- оз сонли миллат вакилларини қўллаш, уларнинг муҳтожликларини ҳал этиш.

## X. МУНИЦИПАЛ ХИЗМАТ

1. Муниципал хизмат ўрни – маҳаллий аҳамиятдаги муаммоларни ҳал этиш бўйича белгиланган ваколатли ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув ушбу органининг ҳуқуқларини амалга оширишга жавобгар хизмат ўрни.

2. Муниципал хизмат ўринларига қуйидагилар киради:

- сайланувчи хизмат ўринлари – маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг бошлиқлари ва маҳаллий бюджетда штат бирликлари қаралган бошқа сайланувчи муниципал хизмат ўринлари;
- маъмурий хизмат ўринлари - ўтказилган конкурс якуни бўйича меҳнат шартномаси тузиш йўли билан тайинланган муниципал хизмат ўринлари.

3. Муниципалитет фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, насл-насаби, мулки ва хизмат лавозими, турар жойи, диний эътиқоди, жамоат бирлашмаларига киришидан қатъи назар, муниципал хизматдан бирдек фойдаланиш ҳуқуқига эга.

## XI. ____________ МУНИЦИПАЛИТЕТИ ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИРЛАШМАЛАРИ

____________ муниципалитетидаги маҳаллий ҳамжамият аъзолари ўзларининг маънавий, ижтимоий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш мақсадида манфаатлар умумийлиги асосида якка шахслар томонидан тузилган, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув тизимига кирувчи ихтиёрий ўзини ўзи бошқарув ташкилотларини туза оладилар.

1. Жамоат ташкилоти нотижорат ташкилот бўлиб, ўз устави асосида иш олиб боради.

2. Жамоат ташкилотлари Қирғизистон Республикаси қонунларига зид келмаган ўз уставларига мувофиқ жамоат ташкилотларига тегишли молия маблағлари, ҳаракатдаги ва кўчмас мулкларга эгалик қилиб, улардан фойдаланадилар ва бошқарадилар.

3. Жамоат ташкилотлари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, манфаатларини ифодалаш ва ҳимоялаш, биргаликдаги лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа мақсадлар билан муаммоларни ҳал қилиш учун ихтиёрий равишда бу ташкилотларнинг ассоциацияларига бирлаша оладилар.

4. Жамоат ташкилотларининг ассоциациялари нотижорат ташкилотлар ва юридик шахслар бўлиб саналадилар.

5. Жамоат ташкилотларининг ассоциациялари фаолияти ва уларни тузиш тартиби, аъзолиги ва ундан чиқиш қоидаси Қирғизистон Республикасининг қонунларига биноан улар қабул қилган уставлар билан мувофиқлаштирилади.

6. Ижтимоий-иқтисодий бурчларни ҳал этиш, __________ муниципалитети жамоатчилиги аъзоларининг турмуш даражасини кўтариш учун бирлашувчи жамоат ташкилотлари ихтиёрий равишда нотижорат ташкилот – юридик шахс бўлиб саналувчи ______________ маҳаллий ривожланиш фондини ташкил этадилар.

7. Маҳаллий ривожланиш фонди фаолиятининг тартиби, унинг маблағларини тузиш ва уларни сарфлаш шартлари маҳаллий ривожланиш фондининг Устави билан мувофиқлаштирилади.

## XII. МАҲАЛЛИЙ ҲАМЖАМИЯТ ҚУРУЛТОЙИ

1. Маҳаллий ҳамжамият аъзолари билан муҳокамани талаб қилувчи долзарб масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун маҳаллий ҳамжамият вакиллари иштирокида қурултой ўтказилади. Қурултойга Қирғизистон Республикасининг қонунлари ва ушбу Уставга мувофиқ халқ йиғинлари, мажлисларда маҳаллий ҳамжамият аъзоларидан делегатлар сайланади.

2. Маҳаллий ҳамжамият қурултойи йилига камида бир марта ўтказилади. Қурултойни ўтказиш ташаббусини ____________ қишлоқ кенгаши, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувининг бошлиғи ва ташаббускор гуруҳ (маҳаллий ҳамжамият аъзоларининг камида 15 фоизи) кўтара оладилар.

3. Қурултой маҳаллий ҳамжамиятнинг барча долзарб муаммоларини кўришга ҳақлидир:

- муниципалитет Уставини қабул қилиш, унга ўзгартиш ва тўлдиришлар киритиш;
- маҳаллий бюджетни тузиш, бажариш,

шунингдек, маҳаллий ҳамжамиятнинг нобюджет маблағларидан фойдаланиш;

- муниципалитетнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурларининг лойиҳаси;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг халқ қурултойи қарорларини амалга ошириш бўйича ҳисоботини тинглаш;
- Қирғизистон Республикасининг қонунлари ва ушбу Уставга зид келмаган маҳаллий ҳамжамиятнинг маиший турмушига тегишли бўлган бошқа масалаларни кўриш.

4. Қурултойнинг қарорлари таклиф киритиш хусусиятига эга ва мажбурий равишда ____________ қишлоқ кенгашининг сессиясига киритилади ҳамда қишлоқ кенгаши депутатларининг 2/3 овози билан тасдиқланади.

5. Қирғизистон Республикасининг қонунлари ва ушбу Уставга зид келмаган қурултойнинг қарорлари ____________ муниципалитетида мажбурий равишда бажарилиши шарт.

## XIII. МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ВА ДАСТУРИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДА ҲАМЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИНИНГ ИШТИРОК ЭТИШИ

1. Маҳаллий бюджет ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини тузиш, кўриш, қабул қилиш ва бажариш бўйича ҳамжамиятнинг ўй-фикри, таклифларини аниқлаш мақсадида жамоатчилик тингловлари ўтказилади.

2. Жамоатчилик тингловларини ўтказиш тартибини кишлоқ кенгаши тасдиқлайди.

3. Маҳаллий бюджетни кўриш ва тасдиқлаш кишлоқ кенгашининг очиқ сессияларида ва жамоатчилик тингловларида ошкора ва аҳолининг иштироки билан юритилади.

## XIV. ____________ МУНИЦИПАЛИТЕТИ МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВИНИНГ МОЛИЯВИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг иқтисодий асосини ____________ муниципалитетнинг ўрамида жойлашган меҳнат ва табиий ресурслар (ер, кон бойликлари, сув, ўрмон, ўсимликлар ва жониворлар дунёси), муниципал мулк, маҳаллий ҳамжамият, мулк шаклидан қатъи назар, берилган ҳудуддаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг бошқа ҳаракатдаги ва кўчмас мулклари ташкил этади.

2. ____________ муниципалитетидаги муниципал мулкни ер, ҳаракатдаги ва кўчмас мулклар, маҳаллий ҳамжамиятнинг ғазнаси, муниципал қимматбаҳо қоғозлар тузади.

3. ____________ муниципалитети маҳаллий ўзини ўзи бошқарувининг молиявий асосини Қирғизистон Республикасининг қонунлари билан маҳаллий ҳамжамиятта биркитилган солиқ ва солиқсиз даромадлар манбалари, муниципал мулкдан фойдаланишдан тушган даромадлар, шунингдек, кредит ва молиявий ресурслар тузади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг молиявий ресурслари:

- маҳаллий бюджетнинг маблағлари;
- республика бюджетининг тоифали (категориал), тенглаштирилувчи ва рағбатлантирувчи грантлари;
- бюджетдан ташқари фондлар;
- кредит ресурслари, трансфертлар ва грантлар;
- ихтиёрий ҳиссалар ва хайр-эхсонлар;
- муниципал қимматбаҳо қоғозлар ва маҳаллий заёмлар, муниципал мулкдан фойдаланишдан тушган даромадлар;
- умумий давлат солиқлари ва бошқа даромадлардан чегиришлар;
- маъмурий жарималар тўлаш натижасида келиб тушадиган пулларнинг тўла миқдори;
- маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари уюштирган чора-тадбирлардан тушган, шунингдек, маҳаллий ҳамжамият эҳтиёжлари учун тузилган ишхоналар ва ташкилотларнинг фаолиятидан олинган бошқа қўшимча даромадлар ҳисобига тузилади.

## XV. ____________ МУНИЦИПАЛИТЕТИ МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН БЎЛГАН МУНОСАБАТИ

1. Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг давлат ҳокимият органлари билан бўлган муносабати Қирғизистон Республикасининг қонунлари доирасида, давлат бошқаруви билан маҳаллий ўзини ўзи бошқарувининг вазифаларини чегаралаш конституциявий тамойили асосида қурилган.

2. Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ____________ маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларига айрим давлат ваколатлари, уларни бажаришга керак бўлган моддий, молиявий ва бошқа маблағлар билан таъминлаш орқали ўтказиб берилиши мумкин. Ўтказиб берилган ваколатлар бўйича маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари тегишли давлат органларига ҳисобот беради.

3. Давлат органлари томонидан муниципал ерлар ва муниципал мулкдан фойдаланиш ва аксинча, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари томонидан давлат мулкидан фойдаланиш билан боғлиқ мулкий муносабатлар шартнома асосида ҳал этилади.

4. ____________ муниципалитетининг маҳаллий ўзини ўзи бошқаруви билан давлат органлари ўртасидаги баҳслар келишув тадбирлари билан ёки суд органларида ҳал этилиши керак.

## XVI. ____________ МУНИЦИПАЛИТЕТИДА ГЕНДЕР СИЁСАТИ

1. ____________ муниципалитетида аёллар тенг ҳуқуқлилигини кўтариш мақсадида турли йиғинлар, қурултойларга вакил кўрсатишда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда аёлларнинг иштирок этиши ва уларнинг ўз ўй-фикрлари, таклифларини қурултойларда ёки йиғилишларда очиқ-ойдин киритишга, уларнинг бажарилишини назорат қилишга, тегишли бошқарув, ижрочилик-бошқарув органларидан сўрашга, зарур бўлимларга мурожаат қилишга тўла ҳуқуқ берилади.

2. Йилига камида икки марта «Аёл – уйнинг қут-баракаси», «Оналарга таъзим», «Аёл бορки, олам мунаввар» каби мавзуларда танловлар, мунозаралар ўтказилади. Унда қатнашувчилар кенгаш томонидан рағбатлантирилади, ҳамжамиятда аёлларнинг обрў-эътиборини кўтариш, уларни эъзозлаш бўйича ишлар амалга оширилади.

## XVII. МИЛЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ВА ИЧКИ МИГРАЦИЯ МУАММОЛАРИ

1. ______________ муниципалитетида яшовчи ишга яроқли фуқаролар турмушини яхшилаш мақсадида бошқа шаҳарлар, минтақалар, чет эллар, қўшни республикаларга ўзаро алоқалар йўли билан вақтинча ёки узоқ муддатга (ўз имкониятига яраша) бориб, ишлаб келишга ҳақлидирлар.

2. Бошқа минтақалар, чет элларга ишлагани бораётган фуқаролар бир ой аввал қишлоқ ҳукуматига ўзининг борадиган минтақаси, мамлакати, шаҳри, корхона ёки мутахассислиги бўйича билдириши зарур. Агар фуқаролар бундай маълумотни қишлоқ ҳукуматига бериб кетишга имконият тополмасалар, улар ўзларининг яқин қариндошлари, қўшниларига ўзлари тўғрисида маълумот қолдириб кетишлари шарт.

3. Қишлоқ ҳукуматида ўша кетиб қолган фуқаро бўйича тўла маълумот сақланиши керак ва зарур пайтда у билан боғланиш жиҳатлари аниқланиши керак.

## XVIII. ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

1. ____________ муниципалитетининг маҳаллий жамоатчилиги Қирғизистон Республикасининг қонунлари доирасида халқаро ва ташқи иқтисодий алоқаларни тузишга ҳуқуқлидир. Бу ҳуқуқ бутун ҳамжамиятга фойда келтирадиган халқаро шартномалар, контрактлар ва бошқа чора-тадбирларни бажариш орқали амалга ошади.

2. ____________ муниципалитетининг номидан чет эллар билан боғланишга маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи ҳуқуқлидир.

## XIX. МАҲАЛЛИЙ ҲАМЖАМИЯТНИНГ МУКОФОТЛАРИ ВА УНВОНЛАРИ

1. ______________ қишлоқ кенгаши маҳаллий ўзини ўзи бошқарув бошлиғининг розилиги билан маҳаллий ҳамжамиятнинг махсус мукофотлари ва унвонларини белгилаши мумкин.

2. Маҳаллий ҳамжамиятнинг энг олий мукофоти бўлиб "__________ муниципалитетининг фахрий фуқароси" номи ҳисобланади.

3. Маҳаллий ҳамжамиятнинг мукофотлари ва унвонларини бериш тартибини __________ қишлоқ кенгаши аниқлайди.

4. Қишлоқ кенгаши маҳаллий ҳамжамиятнинг мукофотлари ва номларига сазовор бўлган одамларга тегишли имтиёзлар бериш ҳуқуқига эга. Бу имтиёзлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига таъминланиши керак.

## XX. УСТАВНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

1. Якка фуқаролар ва юридик шахсларга ушбу Уставнинг талабларини бузганлиги учун маънавий, моддий ва маъмурий чоралар қўлланади.

2. Жавобгарлик чоралари қишлоқ кенгаши, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи, қишлоқ ҳокимияти, оқсоқоллар суди томонидан ўзларининг ваколатлари доирасида қўлланади.

3. Мажбуран қиз олиб қочиш одатига қарши қаттиқ кураш олиб бориб, бундай жиноятни содир этганларни қонун доирасида жавобгарликка тортиш.

4. Халқ йиғинларида қонунбузарларни уялтириб, ҳамжамият аъзолигидан чиқариш, ҳуқуқни муҳофазалаш органларига ўтказиб бериш.

5. Халқ анъаналари, урф-одатларига ортиқча сарф-харажат қилиб ушбу Уставни бузганлар оқсоқоллар судида кўрилиб, жарима тўлайдилар.

6. Тарбияси ночор болалар ота-онасининг жавобгарлиги сўралиб, одамлар олдида уялтирилади, оқсоқоллар судида кўрилиб, жазоланади.

## XXI. УСТАВНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, УНГА ЎЗГАРТИШЛАР ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

1. ____________ муниципалитетининг Устави халқ курултойида муҳокама қилинади ва айтилган ўй-фикрлар ҳамда таклифларни ёдга олган ҳолда қабул қилинади ва қишлоқ кенгаши томонидан тасдиқланиб, адлия органларида рўйхатга олинади ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши зарур.

2. Қабул қилинган Уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш масаласи халқ курултойининг таклифи билан қишлоқ кенгашида кўрилади ва адлия органлари хулосасини бергандан сўнг кенгаш томонидан қабул қилинади.

3. Уставнинг бажарилишини қишлоқ кенгаши ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарувнинг бошлиғи назоратга олади.

**Қирғизистон Республикаси Президенти сайлови (2005 йил) бўйича участка сайлов комиссияларининг аъзолари ва кузатувчилар учун қисқача қўлланма**

**(2005 йил 8 июнь)**

**Мундарижа**

**Сайлов институтлари**
Сайлов институтларининг тузилиши
Қандай фарқлари бор?
УСКнинг президентлик сайловидаги фаолияти нимаси билан фарқланади?

**Сайловнинг адолатли ва очиқ-ойдин ўтиши**
Сайловнинг очиқ-ойдинлиги нима дегани?
Нима учун сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг очиқ-ойдин бўлиши шунчалик аҳамиятли?
Қонунни ҳурмат қилиш

**Кузатувчилар, номзодлар вакиллари ва ОАВнинг роли**
Участкада бўлишга кимлар ҳуқуқли?
Овоз бериш кунигача кузатув
Овоз бериш кунидаги кузатув
Кузатувчилар ва номзодлар вакилларининг ҳуқуқлари
ОАВ

**УСКнинг тузилиши**
Участка сайлов комиссияси қандай тузилади?
Участка сайлов комиссиясига кимлар аъзо БЎЛА ОЛМАЙДИЛАР?
УСК аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари
УСКнинг биринчи мажлиси

**УСКнинг овоз бериш кунигача бурчлари**
Сайловчиларнинг рўйхатлари
Сайловчиларнинг фамилияларини қўшимча тарзда киритиш ёки рўйхатга ўзгартишлар киритиш
Сайловчилар рўйхатидан исмни чиқариб ташлаш
Рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси асосида овоз бериш
Сайлов участкасидан ташқари жойда овоз бериш тўғрисида аризаларни рўйхатга олиш
Участка биносида лавҳа ва маълумот тахтасининг қўйилиши
Сайлов бюллетенларини олиш, қайта санаш ва УСК муҳрини босиш
Муддатидан аввал овоз бериш

**Овоз бериш куни**
Овоз бериш жойини уюштириш
Овоз бериш куни қўлланадиган текшириш варағи
Эрталабки текшириш варағи
Сайлов куни овоз бериш хонасида бўлишга кимлар ҳуқуқли?

**УСК аъзоларининг овоз бериш кунидаги бурчлари**
УСК раиси
Котиб
Маркировкалашни текшириш учун масъул комиссия аъзоси
Сайловчиларнинг рўйхатлари учун масъул комиссия аъзолари
Бюллетенларни бериш ва сайловчиларни маркировкалаш учун масъул комиссия аъзолари
Сайловчининг яширин овоз бериш хоналарига киришини назорат қилувчи комиссия аъзоси
Бинодан ташқари жойда овоз беришни ўтказиш учун масъул комиссия аъзолари

**Участканинг ёпилиши**
Ёпиш йўл-йўриқларини текшириш варағи
Материалларни ўраш ва юқори турган комиссияга етказиш
Сайлов кунидан кейин

**Шикоятлар ва аризалар**

## I. Сайлов институтлари

### 1. Сайлов институтларининг тузилиши

Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ сайлов комиссиялари (СК) нинг тўрт тури бор. Биринчи икки тури доимий ишлаб, мамлакатдаги барча сайловларни ўтказишда қатнашади. СКнинг турлари:

1. Марказий сайлов комиссияси (МСК).
2. Вилоят СК (7), Бишкек ва Ўш шаҳарлари СК. Учинчи ва тўртинчи турлари вақтинча бўлиб, бевосита сайловлар бошланиши олдида тузилади.
3. Округ, туман ва шаҳар комиссиялари – сайлов бўладиган кун эълон қилингандан ўн кун ўтгандан кейин тузилади.
4. Участка сайлов комиссиялари (УСК) – сайловга ўттиз кун қолганда тузилади.

Парламент сайловида учинчи турдаги комиссиялар бир мандатли худудларнинг сонига яраша 75 худудий комиссия бўлиб тузилган эди. 10 июлда ўтказилган Президент сайловида 56 шаҳар ва туман комиссиялари тузилди.

Тўртинчи турдаги комиссиялар сони янги сайловда ўзгартирилмай қолаверади, яъни 2150 УСКдан иборат бўлади.

### 2. Қандай фарқлари бор?

Охирги марта мамлакатда Парламентнинг 75 аъзоси бир мандатли деб аталган ҳудудлардан сайланган эди. Бу ҳар бир ҳудуддан биттадан депутат сайланади, деган фикрни билдиради. Президент сайловида бутун мамлакат бир сайлов округи бўлиб ҳисобланиб, ҳудудий комиссиялар тузилмайди.

### 3. УСКнинг президентлик сайловидаги фаолияти нимаси билан фарқланади?

Қисқача айтганда, УСКнинг роли сайлов турига қараб ўзгармайди. Бироқ, шундай бўлса-да, тўрт асосий фарқи бор:

- Бу гал УСКларга нисбатан туман/шаҳар СК юқори сайлов комиссиялари бўлиб саналади. Шу сабабли овоз беришдан кейин протоколлар ва бошқа материаллар ҳудудий эмас, туман/шаҳар комиссияларига етказилади.
- Рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини олган сайловчилар бутунлай мамлакат ҳудудида хоҳлаган участкада овоз бера олади. Парламент сайловида улар «ўзларининг» округи доирасида овоз берган эди.
- УСКнинг овоз бериш якунлари тўғрисидаги протоколи бир бетга сиғадиган қилиб тайёрланади. Охирги беш бет УСК аъзолари қўл қўйгандан кейин хоҳлагандай ўзгартишларга йўл бермаслик ва кўчирма сифатида кузатувчилар ва бошқа одамларга бериш учун ўзи кўчирилувчи бетлар бўлиб қолади.
- Бу гал МСК сайловчиларнинг рўйхатларини умумий аҳолига таништириш учун махсус тайёрланган тахталарга жойлаштириш керак, деган фикрни айтди. Шу сабабли УСК аъзолари рўйхатларни олибоқ, 2005 йилнинг 21 июнидан бошлаб жойлаштириши керак.

***Ёдингизда бўлсин!** Сиз ўзингизнинг участкангиздаги сайловчилар, яқин қўшниларингиз, қариндош-уруғингизга рўйхатлар олиб келинганлиги тўғрисида айтиб қўйишингиз керак. Ўшанда улар бориб, рўйхатга олинмаганлиги, агар рўйхатга олинган бўлса, ўзлари тўғрисида ёзилган маълумот тўғри эканлигини текшира оладилар.*

## II. Сайловнинг адолатли ва очиқ-ойдин ўтиши

### 1. Сайловнинг очиқ-ойдинлиги нима дегани?

Сайловнинг очиқ-ойдин ўтиши барча даражадаги комиссияларнинг бутун фаолияти овоз бериш кунигача, овоз бериш пайтида ва ундан кейин фуқаролар билан кузатувчилар учун тўла очиқ ва тушунарли бўлиши керак, деган фикрни билдиради.

**УСК аъзоларининг ахлоқ кодекси**

«Мен Қирғизистон Республикасининг участка сайлов комиссияси аъзоси бўлганлигим билан фахрланаман. Менинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича бажарган ишимни менинг участкамдаги ва бутун мамлакатимиздаги сайловчилар юқори баҳолашларини биламан. Мен бу ерда Қирғизистон Республикасининг Конституцияси ва Сайлов кодексига қаттиқ риоя қилишимни тасдиқлайман.

**Мен:**

- холис ва нейтрал (бетараф) муносабатга риоя қиламан;
- ўз бурчларимни очиқ-ойдин бажараман;
- «Бир сайловчи – бир овоз!» тамойилини амалга ошираман;
- менинг участкамдаги овоз беришга ҳуқуқли сайловчиларнинг ҳаммаси учун сайловда эркин ва тенг қатнашиш имкониятини яратаман;
- кузатувчиларнинг сайлов жараёнининг барча жиҳатлари ва низомларини кузатишлари учун шароит яратаман;
- каттайтирилган шаклдаги протокол ва овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколнинг ўзини, шунингдек, хоҳлаган бошқа шаклларни пухта ва аниқ тўлдираман;
- сайловчиларга ёрдам беришда сабрли, хушмуомала ва бағрикенг бўламан;
- турли қийинчиликлар тўғрисида УСК аъзоларига айтиб тураман ва, агар зарур бўлса, ҳал этилмаган муаммолар ҳақида туман/шаҳар сайлов комиссиясига билдириб тураман, деб **ваъда бераман».**

***Ёдингизда бўлсин! Эркин ва адолатли сайловда ФАҚАТ сайлов бюллетенини сайловчи тўлдираётган пайтгина яширин бўлади. ҚОЛГАН БАРЧА ЖАРАЁН участкадаги одамлар учун очиқ бўлиши шарт!***

Сайлов жараёнининг очиқ-ойдин юришининг айрим мисоллари:

- СК йиғилишларининг очиқ ўтиши.
- СК йиғилишларининг қачон ва қаерда ўтиши тўғрисида эртароқ хабар бериш.
- ОАВ вакилларини СК йиғилишларида қатнашишга чақириш.
- Сайловни тайёрлаш ва ўтказиш бўйича асосий чора-тадбирларнинг графиги, хусусан, УСКга сайловчиларнинг рўйхатини олиб келиш, рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларини бера бошлаш каби барча асосий ишларнинг графигини маҳаллий ОАВлар орқали эълон қилиш.
- УСКнинг ишлаш тамойилларини дўстлар ва қариндош-уруққа тушунтириб бериш.
- Кузатувчиларни чақириб маркировка (белгилаш) сиёҳи билан чироқнинг сифатини овоз бериш куни ва унгача текшириб кўришга имконият яратиш.
- УСКдаги вазифаларни тақсимлаш бўйича чек ташлаш жараёнини кузатувчилар билан ОАВ вакилларининг кўз олдида ўтказиш.

Бу шундай мисолларнинг бир нечасигина, холос. Ҳақиқатан, улар анча кўп. Биз ҳамма даражалардаги сайлов комиссияларининг фаолиятида яширадиган ҳеч нарса бўлмаслиги, шу сабабли улар тўғрисида фуқароларга маълумот бериш зарур эканлигини ёдингизга соламиз. УСК ўз фаолияти барча одамлар учун очиқ ва тушунарли бўлишини аниқ билиши зарур. Аниқроқ айтганда, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари УСКда бўлаётган барча нарсаларни кўриб туриш ва билишга имконият олиши керак.

Агар участкада қандайдир бир муаммо пайдо бўлса, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари уларни муҳокама қилишда қатнашиб, ҳатто бу қарорни УСК аъзолари нима учун қабул қилганлигини тушунишгагина эмас, балки комиссияга ўз маслаҳатларини беришга ҳам имконият олиши керак.

## 2. Нима учун сайловга тайёрланиш ва уни ўтказишнинг очиқ-ойдин бўлиши шунчалик аҳамиятли?

Мамлакат фуқаролари овоз бериш эркин ва адолатли ўтказилаётганлигига шубҳа билан қарамагандаридагина сайлов якунлари ишончли бўлади. Бундай бўлиши учун бутун сайлов жараёни очиқ-ойдин ўтиши керак. УСК аъзолари ўз ишларини аниқ ва холис бажарсалар-да, агар буни ҳеч ким кўрмаса, ишончсизлик пайдо бўлаверади!

Очиқ-ойдинлик – эркин ва адолатли сайлов жараёнининг энг зарур шарти. Барча даражалардаги сайлов комиссиялари ўз вазифаларини тўла ва очиқ-ойдин бажаришлари шарт.

Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари сайлов комиссиялари нима қилаётганлигини кўриб, турли тартиббузарликларни аниқлаш ва зарур пайтларда расмий билдиришлар бериш бўйича жамоатчилик олдида масъулдирлар.

***Ёдингизда бўлсин! Очиқ-ойдинлик талаби сайлов кунигина қўйилмайди. Барча даражалардаги комиссияларнинг овоз бериш кунигача, овоз бериш куни ва ундан кейинги ҳамма ҳаракатлари очиқ бажарилиши шарт!***

## 3. Қонунни ҳурмат қилиш

Агар СК аъзоси қонунни бузса, масалан, номзодлардан бирининг фойдаси учун иш қилса, у жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин. Содда қилиб айтганда, буюм ўғирлаганлар билан сайлов натижаларини «ўғирлаганлар» ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Сайлов кодексининг 57-моддасида фуқароларнинг ҳуқуқини бузиш деб ҳисобланган тартиббузарликларнинг турлари аниқланган. Қонунда бундай ҳаракатларни бажарганларни суд тизими орқали жавобгарликка тортиш йўл-йўриқлари кўрилган.

Ҳақиқий холисликни таъминлаш – бу УСК аъзолари ҳам, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари ҳам мустақил қабул қиладиган қарорнинг натижаси.

Агар Сиз йўл-йўриқлар қайсидир номзод ёки сайловчи учун бузиляпти, деб шубҳалансангиз, унда ўзингиз кузатган ҳаракатни айблаш учун УСКнинг мажлисини ўтказишингиз керак. Бу Сизнинг ҳуқуқингизгина эмас, балки бурчингиз ҳам бўлиб саналади. Агар Сиз кузатувчи бўлсангиз, бу ҳақда УСК раиси ёки котибига маълум қилиб, зарур бўлса, ёзма равишда ариза ҳам беришингиз керак.

Қирғизистон Республикасининг қонунларига мувофиқ бирорта расмий ёки якка шахс, шу жумладан, давлат арбоби ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари ходимларининг СК ишига аралашишга ҳақи йўқ.

***Ёдингизда бўлсин! Сиз қонунни бузганлигингиз учун жиноий жавобгарликка тортилишингиз мумкин. Жиноятчи бўлиб қолманг!***

**УСК аъзоси: қуйидаги вазиятларда нима қилиш керак?**

**1-вазият**

Агар УСК аъзоси Сизнинг участкангизда жойлашган университетнинг декани бўлса, у сайловчилар рўйхатида йўқ талабаларнинг овоз беришига Сиздан рухсат сўраса, Сиз нима қилган бўлардингиз?

<u>Чора-тадбирлар:</u>

- Агар талабалар Сизнинг участкангизда турар жойи бўйича (паспорт бўлимида) рўйхатдан ўтган бўлсалар, улар қўшимча рўйхатга киритилиб, овоз беришга қатнаша оладилар.
- Агар талабалар Сизнинг участкангиз ҳудудида рўйхатдан ўтмаган бўлсалар, улар Сизнинг участкангизда овоз беришга киритилмаслиги керак.
- Агар УСК раиси талабаларга рухсат бериш билан бирга хатога йўл қўйган бўлса, унда вазиятни муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш учун тўхтовсиз равишда УСКнинг мажлисини ўтказишни талаб қилинг.
- Агар комиссия аъзоларининг кўпчилиги раисининг нотўғри қарорини қўллаб-қувватласалар, «алоҳида фикр» тўғрисида ёзма равишда ариза тайёрлашингиз керак. УСК аризани кўриб чиқиб, у бўйича қарор қабул қилиши шарт.

Раис эса бу ҳақда туман/шаҳар сайлов комиссиясига маълум қилишга мажбурдир. Туман/шаҳар комиссиясининг қарори кечиктирилмай, овоз бериш куниёқ чиқарилиши керак.

- Сиз, шунингдек, «алоҳида фикр» тўғрисида ариза ёзганлигингиз хусусида кузатувчиларга айтишингиз мумкин.

**2-вазият**

Бинодан ташқари жойда овоз беришни илтимос қилган сайловчининг ҳузурига бориш учун комиссия аъзолари ва кузатувчилар кетганларидан кейин участкага унинг ўзи келиб қолса, нима қиласиз?

Чора-тадбирлар:

- Бинодан ташқари жойда овоз беришни ўтказиш учун жўнаб кетган комиссия аъзолари қайтиб келмагунларича сайловчига бюллетень бериш мумкин эмас. Чунки улар келгандагина ўша сайловчи овоз бермаганлиги маълум бўлиши мумкин.
- Агар сайловчи овоз бермаган бўлса, уни участкада овоз беришга киритиш мумкин.

**3-вазият**

Агар сайловчи УСК аъзоларидан бирининг ёши улуғ қариндоши бўлса ва маркировкадан ўтишдан бош тортса, Сиз нима қиласиз?

Чора-тадбирлар:

- Бу янги тартиб барча сайловчилар учун мажбурий эканлигини хушмуомалалик билан тушунтиринг. Маркировкалаш ультрабинафша чироғининг ёруғидагина кўриниишини қўшимча қилиб айтинг.
- Бу тартиб сайлов жараёнига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш учун қўлланиши, чунки маркировкалаш бир одамнинг бир неча марта овоз беришига тўсиқ бўлишини тушунтиринг. Шундай қилиб, фуқаролар барча сайловчилар бир текис маркировкалаш тартибидан ўтишини билишлари шарт.
- Сайловчига маркировкалаш жараёни сайловдаги бошқа барча йўл-йўриқлар каби бажарилиши кераклиги, УСК аъзоси сифатида Сиз агар унга маркировкасиз овоз беришга рухсат этсангиз, қонунни бузганлигингиз учун жазоланишингиз мумкинлигини тушунтиринг. Ўшанда ҳам сайловчи маркировкадан бош тортса, унда Сиз уни овоз беришга киритмаслигингиз керак.

**4-вазият**

Овоз бериш хонасига кирган сайловчи чўнтагидан бюллетень чиқариб, участкадан олган бюллетенни чўнтагига яширганини кўриб қолдингиз. Ундан сўнг у ўзи олиб келган бюллетенни овоз бериш қутисига солмоқчи бўлди.

Чора-тадбирлар:

- Сайловчини дарров тўхтатиб, қутига бюллетенни ташлатманг.
- Сайловчига у ўзи участкадан олган бюллетеннигина қутига ташлашга ҳуқуқли эканлигини тушунтиринг.
- Сайловчи олиб келган бюллетенни тортиб олинг, у участкада олган бюллетенни тўлдириб, қутига ташлаши кераклигини айтинг.
- УСК раисига айтиб, бу воқеа тўғрисида ёзма равишда акт тузилганлигини аниқланг. Тортиб олинган яроқсиз бюллетенни йўққа чиқаринг.
- Сиз ўз бурчингизни қонунга мувофиқ бажарганингизни кузатувчилар кўриб турганлигига кўзингиз етсин.

**5-вазият**

Сизнинг яқин дўстингиз участкага келиб, ҳужжатларини уйида унутиб қолдирганини айтса, нима қиласиз? Сиз уни жуда яхши танийсиз, у Сизнинг участкангизда овоз беришга ҳуқуқли эканлигини аниқ биласиз.

Чора-тадбирлар:

- Агар Сизнинг участкангизда 500 га етмаган сайловчи рўйхатга олинган бўлса ва УСКнинг яна бир аъзоси дўстингизнинг ўша участка ҳудудида яшашини тасдиқлай олса ва сайловчиларнинг рўйхатида унинг исм-шарифи бўлса, унда УСК раисининг рухсати билан у ҳужжатсиз овоз бериши мумкин.
- Агар Сизнинг участкангиз жойлашган ҳудудда сайловчилар сони 500 дан ортса, унда дўстингиз ҳужжатсиз овоз беришга ҳуқуқи йўқ. Сиз унга қонуннинг амалда бажарилиши учун ҳам, овоз бериш жараёнининг ўзи адолатли ва холис ўтаётганини қатнашчилар кўриб туриши учун ҳам жавобгар эканлигингизни тушунтиринг. Дўстингиз овоз беришга ҳуқуқли эканлигини ўзингиз аниқ билсангиз ҳам, бошқа сайловчилар ва кузатувчилар унинг ҳужжатсиз овоз бераётганлигини кўришгач, уларда бутун овоз бериш жараёнининг ҳақиқий ва тоза ўтганлигига шубҳа пайдо бўлиши эҳтимол.

### III. Кузатувчилар, номзодлар вакиллари ва ОАВнинг роли

Кузатувчилар, номзодларнинг вакиллари ва ОАВ сайлов жараёнининг ажралмас қисми бўлиб саналадилар. Улар сайловдаги энг аҳамиятли вазифалардан бири – фуқароларнинг ишончини мустаҳкамлаш ва сайловнинг адолатли, холис ўтишига ишонтириш бурчини бажарадилар. Шундай бўлгач, сайлов якунлари фуқаролар иxтиёрини англатиш сифатида эътироф этилади. Улар ҳақиқатан сайловга тайёрланиш ва ўтказиш вақтида мамлакатнинг «кўзи ва қулоғи» бўладилар.

**Ким аслида ким?**

- Кузатувчилар (маҳаллий, мустақил кузатувчилар, жамоатчилик, НДТларнинг вакиллари) қайси бир номзод учун иш юритмайдилар!
- Мустақил халқаро кузатувчилар - турли халқаро ташкилотларнинг вакиллари
- Номзодларнинг вакиллари – номзодларнинг ваколатли вакиллари, ишончли кишилари, аниқ номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилувчилар бўлиб, барчасида унинг мақомига гувоҳлик берувчи тегишли ҳужжатлар бўлиши керак.
- ОАВ вакиллари – журналистлар, тасвирчилар, сураткашларнинг иши репортажлар тайёрлаш ва сайловнинг ҳамма жиҳатларини ёритишдан иборатдир.

Кузатувчилар ва ОАВнинг сайлов жараёнидаги бош вазифаси – сайлов вақтида очиқликни таъминлаш.

**1. Участкада бўлишга кимлар ҳуқуқли?**

Кузатувчилар билан СК аъзолари ҳамкасб бўладилар, сайловнинг сифати улар қай даражада ҳамкорлик қилишларига яраша бўлади!

Шу сабабли уларнинг ўзаро муносабатлари баҳамжиҳатлик ва хурмат-иззатга асосланиши керак. УСК аъзоларининг ҳам, кузатувчиларнинг ҳам мақсадлари ягона: улар сайловни Қирғизистон Республикаси қонунларига мувофиқ равишда яхши ўтказишни кўзлайдилар.

***Кимлар кузатувчи бўла олмайдилар?***

- Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенешининг депутатлари.
- Маҳаллий кенгашларнинг депутатлари.
- Давлат амалдорлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг ходимлари.
- Судьялар.
- Сайлов комиссиясининг аъзолари.
- Ўн саккиз ёшга тўлмаганлар.

**2. Овоз бериш кунигача кузатув**

Сайлов жараёнини кузатув овоз бериш кунидан аллақанча аввал бошланади. Сайлов кодекси 17-моддасининг 2-бандида барча даражалардаги комиссиялар (МСК, ВСК, ТСК, УСК)нинг ҳамма мажлисларида барча НДТлар билан номзодлар вакилларининг эркин иштирок этиш ҳуқуқига кафолат берилган.

СКнинг барча чора-тадбирлари ва мажлислари кузатувчилар учун очиқ-ойдин ўтказилиши керак. Буни таъминлаш – Сизнинг қонун олдидаги бурчингиз.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар, фаол бўлинг! Сизнинг ҳудудингиздаги комиссияларнинг мажлислари қаерда ва қачон бўлишини аниқ билиб олинг. Имкони бўлса, мажлислар ўтадиган жой ва вақт тўғрисида барвақтроқ хабар бериш учун тузиладиган рўйхатга ўзингизни киритишни талаб қилинг.***

Масалан, маҳаллий мустақил кузатувчилар номзодларнинг сайловчилар билан учрашувига қатнашиб, қонуний ташвиқот юритиш меъёрига риоя этилишини назорат қилиши керак. Сайлов кодексида сайловолди ташвиқот юритиш қоидалари тасдиқланган. Сиз қонуннинг бу қисми бузилмаслиги учун уни ўқиб билиб олишингиз керак.

**3. Овоз бериш кунидаги кузатув**

УСК аъзолари, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари сайловнинг намунали ўтказилишини таъминлаш учун биргалашиб ишлашлари керак. Улар бир-бирига душман эмас, аксинча, ҳамкасблардир!

Агар кузатувчилар ёки номзодларнинг вакиллари тартиббузарликларни пайқаб қолсалар, улар дастлаб буни УСК раисига билдиришлари шарт. Раис ҳеч қандай чора кўрмаса ёки унинг кўрган чораси талабга жавоб бермаса, Сиз расмий ариза ёзишингиз керак.

Маҳаллий кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари қонун бўйича сайлов жараёнида фойдаланувчи барча бинолар, шу жумладан, ҳарбий қисмлар, госпиталлар, санаторийлар ва профилакторийлар, вақтинча ушлаб туриш ҳамда тергов изоляторлари ва ҳоказоларга кириб кўришга тўла ҳуқуқли.

Маҳаллий кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари уларни кузатув учун юборган ташкилот ёки номзоднинг номидан расмий хат олиб юришлари шарт.

**Хатда қуйидагилар қайд этилиши керак:**

- Исми, фамилияси, отасининг исми (тўлиғи билан).
- Турар жойининг манзили.
- Кузатувчи ёки номзоднинг вакили юборилган участканинг номери.

УСК раиси кузатувчининг ҳужжатларини паспорти билан қўшиб текширишга ҳуқуқли. Кузатувчи ўзининг УСКга кетаётганлиги тўғрисида аввалдан ХАБАР БЕРМАСЛИГИ ШАРТ. Бу кузатувчининг ўрнига бир кун ичида бошқа кузатувчи қўйилиши мумкин.

Халқаро кузатувчилар МСКда аккредитациядан ўтишлари шарт.

Номзоднинг ишончли киши ёки ваколатли вакили тегишли СКдан берилган махсус хатни кўрсатиши керак.

**Ўз бурчини яхши бажариш учун кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари қуйидаги талабларга жавоб беришлари шарт:**

- Овоз беришнинг йўл-йўриқларини билиш.
- Овоз бериш куни бу қўлланмани олиб юриш.
- Ёзиш учун қалам (ручка) ва қоғоз олиб юриш.
- Бутун овоз бериш жараёнини кўриб туриш учун қулай ерда ўтириш, агар ҳаммасини кўриш имкони бўлмаса, тўла кузатиш учун ўрин ҳозирлаш.
- Бир нарсага шубҳа пайдо бўлса, Сайлов кодексига мурожаат этиш. Участкада умумий фойдаланиш учун ҳеч бўлмаганда бир нусха бўлса-да Сайлов кодекси бўлиши зарур.
- Ҳисоботнинг шаклини ўзингизнинг ташкилотингиз ёки номзодингиз билан маслаҳатлашган ҳолда тузинг.
- Ўзингиз тасдиқлангандан бошқа участкага бориб кузатув юритмоқчи бўлсангиз, рўйхатдан чиқиш гувоҳномангизни олинг.
- Овоз бериш куни жуда узоққа чўзилиши мумкин. Шу сабабли ичимлик сув ва овқат олиб юринг.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар овоз беришнинг яширинлигини бузмаган ҳолда овоз бериш бораётган бинонинг хоҳлаган ерида жойлашишга ҳуқуқлидир.***

### 4. Кузатувчилар ва номзодлар вакилларининг ҳуқуқлари

<u>Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари қуйидагиларга ҳуқуқлидир:</u>

1. Сайловчиларнинг рўйхати билан танишиш.
2. УСК мажлисларида қатнашиш.
3. Сайлов куни овоз бериш юритиладиган жойда бўлиш.
4. Сайловчиларнинг овоз берувчи жойдан ташқари ерда овоз беришида қатнашиш.
5. Овоз беришни уюштириш ва унинг тартиби, шунингдек, сайлов бюллетенларининг берилиши, сайловчиларнинг рўйхатига киритилган фуқароларнинг сони, сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сонини ҳисоблашда кузатувчилик қилиш.
6. Маркировкалаш ва ультрабинафша чироғи билан текшириш жараёнини назорат қилиш.
7. Сиёҳли ручка ёки қаламнинг учига суртиб ва ультрабинафша чироғига солиб текшириш.
8. Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблаш, сайлов бюллетенларининг мазмунини кўриб туришни таъминлагудек масофа ва шароитда кузатув олиб бориш.
9. Овозларни ҳисоблаш жараёнини видео ва фотосуратга олиш.
10. Сайловчиларнинг овозларини ҳисоблашда тўлдирилган ёки тўлдирилмаган хоҳлаган сайлов бюллетени билан танишиш.
11. Овоз беришнинг якуни тўғрисида протокол ва бошқа ҳужжатларнинг ёзилишини кузатиш.
12. УСК раисига апелляция (шикоят) ёзиш, у йўқ пайтда унинг ўрнида ишловчи одамга овоз беришни уюштириш масаласи бўйича таклиф ва фикр билан мурожаат этиш.
13. Овоз беришнинг якуни тўғрисида УСК протоколи, шунингдек, овоз беришнинг якуни тўғрисида бошқа СК протоколи билан танишиш, уларнинг кўчирмаларини олиш (ёки кўчириб олиш).
14. УСК, бошқа СКнинг нотўғри чора-тадбири ёки ҳаракатсизлиги тўғрисида туман/шаҳар СК, МСК ёки судга қонуний равишда арзланиш.
15. Сайловчиларнинг овозларини қайта ҳисоблашда тегишли комиссияларда қатнашиш.
16. Бюллетенлар ва протоколларни туман ёки шаҳар комиссиясига етказишда бирга бориш, протоколлардаги маълумотларнинг «Сайлов» давлат автоматлаштирилган тизимига қандай киритилганлигини кузатиш.

<u>Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари қуйидагиларга ҳуқуқли эмас:</u>

1. Сайловчиларга сайлов бюллетенларини бериш.
2. Сайлов бюллетенини олишда сайловчининг илтимоси бўйича унинг учун қўл қўйиш.
3. Сайловчиларнинг сайлов бюллетенини тўлдириш.
4. Овоз беришнинг яширинлигини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш.
5. УСК аъзоларининг сайлов бюллетенларини ҳисоблашда қатнашиш.
6. СК ишига халақит берувчи чора-тадбирлар қилиш.
7. Сайловчилар ўртасида ташвиқот юритиш.
8. Тегишли СКнинг қарор қабул қилишида иштирок этиш.
9. Номзодларнинг ташвиқот либосини ёки ташвиқотни билдирувчи бошқа кийимни кийиш.

### 5. ОАВ

Оммавий ахборот воситалари кузатувнинг қанчалар ҳаққоний ва холис олиб борилганлиги тўғрисида фуқароларнинг фикрини шакллантиришда аҳамиятли роль ўйнайди.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари СК аъзолари талаб қилганда ўзлари ишлайдиган ОАВ томонидан берилган хизмат гувоҳномасини кўрсатишлари шарт. ОАВ вакиллари сайлов участкасида овоз бериш куни эртадан кечгача хоҳлаган вақтда, бироқ УСК раиси кўрсатган ерда туриб, видео ёки фотосуратга тортишга ҳуқуқли. Улар сайловчининг бюллетенга белги қўяётган пайтидан бошқа, овоз беришнинг барча йўл-йўриқларини ўша ерда туриб тортиш имкониятига эга бўлиши керак.

Журналистлар билан сўзлашганда УСК аъзолари, кузатувчилар ва номзодлар вакилларининг номзодлар тўғрисида тушунча беришга ҲУҚУҚИ ЙЎҚ.

ОАВ вакилларининг сўров ва талаби бўйича СК овоз бериш якунлари тўғрисида протоколнинг тасдиқланган кўчирмасини бериш шарт.

**УСК аъзоси: қуйидаги вазиятларда нима қилиш керак?**

Сайловчи участкада кузатувчининг қатнашишига қарши чиқиб, участкадан дарҳол кетишини талаб қилди. Уни бу ердан ҳайдамасангиз, овоз беришдан бош тортаман, дейди.

<u>Чора-тадбирлар:</u>

- Сайловчига қонун бўйича кузатувчилар участкада бўлиш ҳуқуқига эга эканлигини ва кузатувчи қонунни бузмаса, Сиз уни участкадан ҳайдаб юборишга ҳаққингиз йўқ эканлигини тушунтиринг.
- Сайловчига у қонун томонидан таъминланган яширин овоз бериш ҳуқуқига эга эканлигини, унинг қандай овоз берганлигини ҳеч ким билмаслигига кафил бўлишингизни айтинг.

## IV. УСКнинг тузилиши

### 1. Участка сайлов комиссияси қандай тузилади?

Участка сайлов комиссияси овоз беришга 30 кун қолгандан кечиктирилмай туман/шаҳар комиссияси томонидан тасдиқланади.

- Ҳар бир УСК 7 кишидан кам бўлмаган аъзолардан иборат бўлади.
- Ҳар бир сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ва сайловчиларнинг йиғилиши маҳаллий кенгашга УСКга ўзлари кўрсатган аъзоларни тайинлашни таклиф қилишга ҳуқуқли. Сайлов кодексида кимлар ва неча киши «сайловчилар йиғилиши»нинг таркибига кириши мумкин эканлиги кўрсатилмаган эмас.
- УСКни тузиш бўйича чеклашнинг икки хили бор, холос; УСК аъзоларининг 1/3 идан ошмаган қисми сиёсий партиялар вакилларидан, 1/3 идан ошмаган бўлаги муниципал ходимлардан иборат бўлиши мумкин. Фуқаролик жамияти – НДТлар, сайловчилар мажлисларининг қатнашишига ҳеч қандай чек қўйилмайди. Бу қоида, Сайлов кодексида белгиланганидек, илис ва кичкина кишлоқларда қўлланмайди.

- УСКга ҳар бир сиёсий партия, жамоат бирлашмаси ва сайловчилар йиғилишидан биттадан ошмаган вакил сайланиши мумкин.
- УСКга аъзоликка номзодларнинг рўйхатлари тегишли маҳаллий кенгашнинг махсус очиқ сессиясида ёқланади.
- Сиёсий партияларнинг вакиллари учун сессиянинг махсус ёқтириши талаб қилинмайди. Агар сиёсий партиялар вакилларининг сони учдан бир қисмидан ошиб кетса, партияларнинг вакиллари чек ташлашлари шарт. Чек ташлаш натижасида ўтмай қолган номзодлар заҳирага қолдириладилар.

## 2. Участка сайлов комиссиясига кимлар аъзо БЎЛА ОЛМАЙДИЛАР?

- Қирғизистон Республикаси Жогору Кенешининг депутатлари, маҳаллий кенгашларнинг депутатлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг амалдорлари, судьялар, номзодлар, бошқа сайлов комиссияларининг ваколатли вакиллари ва аъзолари, номзоднинг турмуш ўртоғи ва яқин қариндошлари, номзодга тўғридан-тўғри бўйсунган одамлар.
- Яқин қариндошлар бир сайлов комиссиясига аъзо бўла олмайдилар.

## 3. УСК аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари

УСК АЪЗОСИ:

- УСК мажлислари бўлиши юзасидан барвақт хабардор қилинади.
- Мажлисларда чиқиб сўзлаш, УСК ҳуқуқ доирасига кирувчи саволлар бўйича таклиф айтишга, шу саволлар бўйича овоз беришни ўтказишни талаб қилишга ҳуқуқли.
- УСК мажлиси қатнашчиларига кун тартибига мувофиқ саволлар беришга ва уларга жавоб олишга ҳуқуқли.
- УСКнинг хоҳлаган ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, у ҳужжатлар ва материалларнинг (сайловчиларнинг рўйхати билан сайлов бюллетенларидан ташқари) кўчирмаларини олишга, уларни тасдиқлашни талаб қилишга ҳуқуқли.
- УСКнинг нотўғри чора-тадбирлари ва фаолсизлиги бўйича туман/шаҳар сайлов комиссиясига ёки судга мурожаат этишга ҳуқуқли.

### МАСЛАҲАТ ОВОЗИГА ҲУҚУҚЛИ УСК АЪЗОЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

Ҳар бир рўйхатга олинган номзод уни рўйхатдан ўтказган туман/шаҳар сайлов комиссияси, шунингдек, УСКга маслаҳат овозига ҳуқуқли биттадан аъзо тайинлашга ҳуқуқи бор.

Сайлов комиссиясининг маслаҳат овозига ҳуқуқли аъзолари сайловга тайёрланиш ва уни ўтказиш масалалари бўйича овоз беришга тўла ҳуқуқли бошқа аъзолар билан тенг ҳуқуққа эга. Улар қуйидаги ҳуқуқлардан маҳрум этиладилар:

- УСК раиси ёки котиби бўлиб сайланиш.
- Сайлов бюллетенлари ва рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларини бериш ва қўл қўйиш.
- Сайлов бюллетенларини саралаш, бекор қилиш ва овозларни ҳисоблашда қатнашиш.
- Овоз бериш ва сайлов натижалари тўғрисида протоколлар тузиш ва қўл қўйиш.
- УСК мажлисларида овоз беришда қатнашиш ва сайлов комиссиясининг қарорларига қўл қўйиш.

### УСК БАРЧА АЪЗОЛАРИНИНГ БУРЧЛАРИ

<u>УСК аъзосининг бурчлари:</u>

- Сайлов тўғрисида кодексда ва МСКнинг бошқа регламент ҳужжатларида кўрсатилган барча йўл-йўриқлар, шунингдек, Қирғизистон Республикасининг бошқа қонунларига риоя қилиш.
- Ўз бурчларини одоб билан бажариш.
- УСК аъзоларини ўқитиш бўйича тренинглар ва бошқа чора-тадбирларда қатнашиш.
- Сайловчилар билан хушмуомала бўлиб, ёқимли муҳит яратиш.
- Ҳеч қачон номзодларнинг қайси бирини ёқлаб сўзламаслик.
- Барча сайловчиларга бир хил муносабатда бўлиб, ҳурмат-иззат кўрсатиш.
- Сиёсий масалаларни сайлов участкасида муҳокама қилмаслик.
- Номзодларни фарқлайдиган белгилар тақмаслик, ташвиқотга чақириқни ифодалаган униформа киймаслик, ташвиқот материаллари ва бошқа формаларни олиб юрмаслик.
- Ахлоқ кодексига риоя қилиш (ушбу қўлланманинг иккинчи бўлимига қаранг).

**УСКнинг мажбуриятлари**

УСК аъзоларидан сайловгача чора-тадбирларнинг салмоқли қисми ва сайлов кунидаги бурчларини аниқ бажаришлари талаб қилинади.

Сайлов куни УСК аъзолари сайлов участкасида узоқ ишлайдилар (эрталабки соат 7 дан бошлаб овоз бериш кунидаги барча зарур чора-тадбирлар бажарилиб бўлгунга қадар).

***Бу кунга олдиндан тайёрланинг!***

- Керак бўлиши эҳтимол дори-дармонларингизни олиб юринг.
- Озиқ-овқатингизни олинг, бироқ иш ўрнингизда овқатланманг.

***Ёдингизда бўлсин! Сайлов куни комиссия раисининг рухсати билан Сиз иш ўрнингиздан қисқа муддатга кетишингиз мумкин. Бу вақтда Сизнинг ўрнингизда комиссиянинг бошқа аъзоси ишлаши шарт.***

## 4. УСКнинг биринчи мажлиси

УСКнинг биринчи мажлиси у тасдиқлангандан уч кундан кечиктирилмай ўтказилади:

- УСКнинг белгиланган таркибининг учдан икки қисми тузилса, у ишини бошлайвериши мумкин.
- УСК мажлиси белгиланган таркиб сонининг кўпчилиги йиғилганда ўтказилиши мумкин.
- УСК биринчи мажлисини ўтказиш санаси, вақти ва ўрни туман/шаҳар комиссияси томонидан белгиланади. Раис ёки котиб сайлангунча мажлисни комиссиянинг ёши энг катта аъзоси очади ва олиб боради.
- Раис ёки котиб биринчи мажлисда сайланади, бу сайлов УСКнинг қарори бўйича яширин ёки очиқ ўтказилиши мумкин.

- Комиссия аъзоларининг гувохномаларини туман/шаҳар сайлов комиссияси қўл қўйиб, топширади.
- УСК аъзолари сайловга тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирларни бажариш графигини ишлаб чиқиб, вазифаларни тақсимлаб оладилар.

## V. УСКнинг овоз бериш кунигача бурчлари

### 1. Сайловчиларнинг рўйхатлари

Сайловчиларнинг рўйхатлари овоз беришга 19 кун қолгандан кечиктирилмай, 2005 йилнинг 21 июнигача УСКга етказилади.

Бу қоида касалхоналар, госпиталлар, санаторийлар, етиб бориш қийин бўлган ва олис туманлардаги фуқароларнинг вақтинча яшаб турадиган бошқа жойлари, тергов изоляторлари, вақтинча ушлаб туриш маҳкамалари, ҳарбий қисмлар, Қирғизистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарига тегишли эмас. Бу ерлардаги фуқароларнинг рўйхатлари овоз беришга 5 кун қолгунча етказилади.

УСК аъзоларининг бурчи – УСК ҳудудида яшайдиган фуқароларга сайловчиларнинг рўйхатлари билан танишишга ҳуқуқли эканлиги, зарур бўлган пайтларда рўйхатга тегишли ўзгартишлар ва тўлдиришлар киритиш тўғрисида, паспортидаги турар жойи бўйича белги асосида сайловчиларни рўйхатга қўшишни таклиф қилиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида маълумот тарқатиш.

***Ёдингизда бўлсин!** Бу гал сайловчиларнинг рўйхатлари участкаларда ҳаммага таништириш учун махсус тайёрланган тахталарга илинади. Тахталар барча сайловчилар ўқиб кўришлари учун қулай жойлаштирилиши керак.*

### 2. Сайловчиларнинг фамилияларини тўлиқлаш ёки рўйхатга ўзгартишлар киритиш

- Сайловчи ўзининг исми рўйхатга киритилмай ёки нотўғри ёзилиб қолганлиги тўғрисида УСКга, зарур бўлса юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқига эга.
- 24 соат ичида (сайлов куни ариза бергандан сўнг 2 соат ичида) участка ёки туман/шаҳар сайлов комиссияси ариза ва унга тиркалган ҳужжатларни кўриб чиқиши шарт.
- Агар сайловчи ўша ҳудудда хатланганини паспорти билан далилласа, УСК аъзолари уни қўшимча рўйхатга киритиши шарт.
- Сайлов комиссияси ё хатони тузатиши, ёки нима учун арзланувчининг аризаси эътиборга олинмаганлигини ёзма равишда тушунтирувчи жавобни бериши шарт.
- Агар хатолар тузатилса, барча ўзгартишлар ва қўшимчалар сайлов рўйхатининг тегишли жойига аниқ ёзилиб, унга УСК раиси ва котиби имзо чеккач, УСКнинг муҳри билан тасдиқланиши керак.
- Участка, туман/шаҳар сайлов комиссияларининг қарорлари бўйича юқори сайлов комиссияси ёки судга (участка, туман/шаҳар сайлов комиссияларининг жойлашган ери бўйича) мурожаат этиб шикоят қилиш мумкин. Бундай шикоятлар 3 кун ичида кўрилиши шарт, сайлов куни эса шикоят (апелляция) дарҳол кўрилиши керак.

### 3. Сайловчилар рўйхатидан исмни чиқариб ташлаш

Фуқаронинг исми ва фамилияси сайловчиларнинг давлат рўйхатидан ўтказишга масъул давлат ташкилотидан олинган маълумот (масалан, вафот этганлиги тўғрисида гувоҳнома) асосидагина сайловчиларнинг рўйхатидан чиқарилиши мумкин.

Агар фуқаронинг исми ва фамилияси сайловчиларнинг рўйхатидан чиқарилса, унда бунинг санаси ва сабабини кўрсатиш керак.

Рўйхатдан чиқариб ташлашга УСК раиси ёки туман/шаҳар сайлов комиссиясининг раиси қўл қўйиши керак.

Туман/шаҳар, марказий сайлов комиссиялари ёки судга апелляция бериш мумкин. Апелляция 3 кун ичида, сайлов куни эса дарҳол кўрилиши керак.

### 4. Рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси асосида овоз бериш

Сайлов куни ўзининг сайлов участкасига кела олмаган сайловчи бошқа участкада овоз беришга ҳуқуқли. Бунинг учун у рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини олиши шарт.

Сайловчилар рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини маҳаллий сайлов участкасидан сайловга 11 кундан 1 кун қолгунгача, масалан, 2005 йилнинг 25 июнидан 9 июлигача олиши мумкин. Улар ўзлари тасдиқланган УСКга округ ҳудудидаги қайси ерда овоз бермоқчи эканлигини маълум қилиши шарт. Бунда сайловчи ўз участкасидаги рўйхатдан чиқарилади.

***Диққат!** Агар сайловчи рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини йўқотиб қўйса, унга бошқа гувоҳнома берилмайди.*

***Ёдингизда бўлсин!** Президентлик сайловида бутун мамлакат бир округ бўлади. Шу сабабли сайловчилар рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси билан хоҳлаган участкада овоз беришга ҳуқуқли.*

### 5. Сайлов участкасидан ташқари жойда овоз бериш тўғрисида аризаларни рўйхатга олиш

Сайлов куни касал бўлиши ёки ногиронлиги сабабли сайлов участкасига кела олмайдиган сайловчилар қонун бўйича уйида овоз беришга ҳуқуқли. Бундай сайловчилар УСК тузилган вақтдан бошлаб сайлов кунигача, бироқ сайлов куни овоз бериш тугашига 6 соат қолгандан кечиктирмай ариза ёзиши ёки оғзаки мурожаат этиши керак. (Сайлов участкасидан ташқари ерда овоз беришга тегишли УСКнинг бурчлари тўғрисида тўлиқроқ маълумот олиш учун Сайлов кодексининг 42-моддасига қаранг).

- Бинодан ташқари ерда овоз бериш илтимоси билан ариза сайловчининг номидан ёзилиши мумкин, бироқ у участкага нима учун кела олмаслигининг сабабини кўрсатиши шарт.
- Бу ҳақда УСК тузилгандан кейин хоҳлаган маҳалда, бироқ, сайлов куни овоз бериш вақти тугашига 6 соатдан кечикмай оғзаки ариза билан мурожаат этиш мумкин. Сайловчи бюллетень олиш олдидан оғзаки мурожаат қилган бўлса, у бинонинг ташқарисида овоз беришга қатнашиш хусусида аризасини ёзиши керак.
- Оғзаки илтимос билан участкага мурожаат этгандан сўнг буни уққан комиссия аъзоси илтимос тушган вақтни махсус реестрга ёзиб, ўз қўлини қўйиши шарт.

### 6. Участка биносида лавҳа ва маълумот тахтасининг қўйилиши

Сайлов участкаси жойлашган бинонинг ташқарисига участканинг рақами ёзилган белги ўрнатилиши керак.

Участкага олиб борувчи йўл белгилар билан кўрсатилиши керак (Сайлов кодекси, 37-модда).

Овоз бериш биносининг ичида қуйидагиларни ўз ичига олган маълумот тахтаси ўрнатилиши зарур:

- Сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича асосий чора-тадбирлар календари.
- УСК аъзоларининг телефонлари ва манзиллари кўрсатилган рўйхат.
- Юқори сайлов комиссиясининг манзили ва телефонлари.
- Сайлов ҳужжатлари, айникса, тўғри тўлдирилган, бироқ номзодларнинг исмлари кўрсатилмаган бюллетеннинг намуналари.
- Маълумот тахтасида ташвикот материаллари бўлмаслиги керак.

Бундан ташқари, УСК офисида «Маълумот буриаги» илиниб, унда сайловни мувофиқлаштирувчи турли ҳужжатлар, шунингдек, юқори сайлов комиссиясидан олинган маълумот, фуқароларнинг шикоятлари ва аризалари бўйича қабул қилинган қарорлар ва ҳоказолар бўлиши керак.

«Маълумот тахтаси»да жойлашган билдирувлар ташвикот ва номзодларга ён босиш маъносида бўлмаслиги керак.

Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари эркин қўллашлари учун Сайлов кодексидан бир нусха бўлиши керак.

## 7. Сайлов бюллетенларини олиш, қайта санаш ва УСК муҳрини босиш

- Бюллетенлар УСК раиси ва котибига юқори сайлов комиссиясининг биносида овоз беришга бир-икки кун қолганда берилади. Юқори сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кам эмас қисмининг иштирокида қайта ҳисобланади. Бунда номзодларнинг вакиллари ва юқори СКнинг аъзолари қатнашишга ҳуқуқли.
- Бюллетенларни юқори СКдан олгандан кейин УСК раиси ва котиби милиционер ҳамроҳлигида УСК биносига олиб келади. У ерда бюллетенлар қайта ҳисобланиб, УСКнинг муҳри босилади.
- Раис УСК аъзоларининг ва маслаҳат овозига ҳуқуқли аъзолари ярмидан кам эмас қисмининг иштирокида бюллетеннинг тегишли жойига муҳр босади.
- Ҳар бир УСКга берилган сайлов бюллетенларининг сони сайлов рўйхатидаги сайловчилар сонининг 0,5 фоизидан ошмаслиги шарт.
- Сайлов бюллетенлари ва УСКнинг муҳри солинган сейф жойлашган бино муҳрланиб, ички ишлар органларининг қўриқчиларига ўтказиб берилади.

## 8. Муддатидан аввал овоз бериш

Сайлов куни Қирғизистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган сайловчилар овоз бериш кунигача туман/шаҳар сайлов комиссиясида овоз беришга ҳуқуқли. Бу сайловчилар тегишли ҳужжатлар (хизмат сафари тўғрисида ҳужжат, авиабилет ва паспортидаги виза)ни тегишли сайлов комиссиясига овоз беришга 9 кундан 1 кун қолгунча кўрсатиши шарт. Муддатидан аввал овоз берганларнинг конвертларга солинган бюллетенлари сайловга 1-2 кун қолгунча УСКга ўтказиб берилади. (Муддатидан аввал овоз берувчиларга нисбатан УСКнинг бурчлари тўғрисида тўликроқ маълумот олиш учун Сайлов кодексининг 41-моддасига қаранг).

***Ёдингизда бўлсин! УСК биносида муддатидан аввал овоз бериш юритилмайди.***

**ЧОРА-ТАДБИРЛАР ГРАФИГИНИНГ НАМУНАСИ**

**14 июндан бошлаб**
Номзодларнинг ташвикот кампанияси бошланади (у овоз бериш бошланишига 24 соат қолганда тўхтатилади).

**21 июнь**
Сайловчиларнинг рўйхатини олиш.

**21 июндан бошлаб**
Сайловчиларнинг рўйхатлари сайлов участкаларида илинади. Сайловчилар тўғрисида маълумот аниқланади, қўшимча рўйхатлар тузилади. (Овоз бериш куни соат 18.00 гача давом этади).

**22 июнгача**
Юқори СКдан рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари олинади.

**29 июндан 9 июлгача**
Рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларини бериш.

**2 июлгача**
Сайловчиларга овоз беришнинг ўрни ва вақти тўғрисида хабар тарқатиш.

**8-9 июль**
Сайлов бюллетенларини олиш, қайта санаш ва муҳр босиш.

**9 июль**
Ташвикот кампаниясини тўхтатиш.

**10 июль - Овоз бериш куни.**
Соат 8.00 дан 20.00 гача

**Овоз бериш кунидан кейинги 10 кун**
Аниқланган рўйхатни юқори комиссияга ўтказиб бериш.

## УСК аъзолари: нима қилиш керак?

Сайловчи овоз бериш кунигача, ўша УСКнинг ҳудудида яшашидан қатъи назар, рўйхатда йўқ эканлигини билдирди.

- УСК аъзоси сайловчининг паспорти ва унинг яшаган ери бўйича рўйхатга олинган штампни текширади.
- Агар сайловчи УСК ҳудудида рўйхатга олинган бўлса, унинг номи қўшимча овоз бериш рўйхатига киритилиши керак.
- УСК раиси рўйхатга киритилган маълумотни қўл қўйиш ва УСКнинг муҳрини босиш билан тасдиқлаши шарт. Киритилган маълумотни комиссия котиби ва маслаҳат овози бор иккитадан кам эмас аъзоси тасдиқлаши мумкин. Агар ундай аъзолар йўқ бўлса, кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари ҳам тасдиқлаши мумкин.

- Агар сайловчининг рўйхатга кириш тўғрисидаги илтимоси қаноатлантирилмаса, у туман/шаҳар комиссиясига мурожаат этишга ҳуқуқли. Бу ҳақда қарор 3 куннинг ичида, овоз бериш куни эса дарҳол қабул қилиниши керак.
- Илтимосни рад этиш ёзма равишда юритилади, бу бўйича сайловчи юқори комиссияга арзланиши мумкин.

## VI. ОВОЗ БЕРИШ КУНИ

### 1. Овоз бериш жойини уюштириш

Овоз бериш жойи сайловчининг бемалол кириб, чиқишига қулай ҳолда ташкил этилиши керак. Агар хонанинг икки эшиги бўлса, бири кириш учун, иккинчиси эса чиқиш учун қўлланиши керак.

Сайловчиларнинг маркировкалашдан ўтганлигини текширишни сўзсиз равишда овоз бериш жойига кираверишда юритиш керак. Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари маркировкалаш жараёнини кўриб турадиган оралиқда жойлашиши керак.

Овоз бериш қутиси хонанинг ўртасига ўрнатилиб, ҳаммага кўриниб туриши шарт.

Уч томони тўсилган овоз бериш кабинасининг орқа тарафи имкони борича деворга қараган бўлиши керак. Ўшанда кузатувчилар ёки комиссия аъзолари сайловчининг бюллетень тўлдираётганини кўриб турадилар. Бироқ улар сайловчининг ким учун овоз берганини кўра олмайдилар.

Комиссиянинг рўйхатлар учун жавобгар аъзоси кираверишга имкони борича яқин жойлашиб, бюллетень бериш ва маркировкалашга масъул аъзоси эса унинг ёнида ўтириши керак.

УСК раиси кузатувчиларнинг кўз олдида туриши шарт. Бироқ ёдингизда бўлсин: кузатувчилар овоз беришнинг яширинлигини бузмагудек масофада, участканинг хоҳлаган ерида жойлашиши мумкин!

Овоз бериш тартиби қандай кетаётганлиги, сайловчи қандай ҳужжатларни кўрсатганлигини билиш учун яқиндан кузатиш – кузатувчининг асосий бурчи.

Агар ташвиқот материаллари (масалан, плакатлар) овоз бериш хонасида илинган бўлса, уларни овоз бериш бошлангунча олиб қўйиш керак.

**Овоз бериш куни қўлланадиган текшириш варағи**
**(7.00 дан – 8.00 гача)**

Ўзингиз бажарган йўл-йўриқ рўпарасидаги катакчага ✓ белгисини қўйинг. Қуйидаги йўл-йўриқлар кенг баён қилинган «Эрталабки текшириш варағи»га қаранг.

- Овоз бериш хонаси ва биносидаги ташвиқот материалларини олиб ташлаш.
- Вазифаларни тақсимлаш бўйича қура ташлаш.
- Сейфни очиб, муҳр билан назорат варақларини олиб чиқиш.
- Овоз бериш қутилари бўш эканлигини иштирокчиларнинг барчасига кўрсатиб, уларга муҳр босиш.
- УСК аъзолари ва барча хохловчилар қўл қўйган, УСК муҳри босилган назорат варақларини қутиларга солиш.
- Асосий ва қўшимча рўйхатга киритилган сайловчиларнинг сонини эълон қилиш.
- Барча хоҳловчиларга сайловчилар рўйхатини кўриб чиқиш имкониятини бериш.
- Комиссиянинг сайловчилар рўйхатига масъул ходимларига қўл қўйдириб, рўйхатларни бериш.
- Юқори сайлов комиссиясидан олинган бюллетенлар, шу жумладан, муддатидан аввал овоз беришда қўлланган бюллетенларнинг ҳам сонини эълон қилиш.
- Олинган бюллетенларни қайта санаш.
- Олинган бюллетенлар сонига муддатидан аввал овоз беришда қўлланган бюллетенлар сонини қўшиб, протокол ва унинг кенгайтирилган шаклининг 2-сатрига ёзиб қўйиш.
- Бюллетенларни бериш ва маркировкалаш учун масъул комиссия аъзолари рўйхат бўйича 100 тадан-50 тадан бюллетень оладилар.
- Бюллетенларни бериш ва маркировкалаш учун масъул бўлганлар маркировкалаш учун биттадан идишда сиёх оладилар.
- Бюллетенларни бериш ва маркировкалаш учун масъул бўлганлар барча иштирокчиларнинг кўз ўнгида сиёҳнинг сифатини текширадилар.
- Раис юқори СКдан олинган рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сонини эълон қилиб, қолганларини санаб чиқади. Хоҳловчиларнинг барчаси сайловчиларнинг рўйхатида рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси берилганлиги тўғрисида эслатма ёзилганлигини текшириб кўра оладилар.
- Юқори турган комиссиядан олиниб, сайловчиларга берилган рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони протокол (15-15а-сатрлар) ва унинг кенгайтирилган шаклига ёзилади.
- УСК раиси муддатидан аввал овоз берганларнинг сонини эълон қилиб, барча иштирокчиларга конвертнинг бутунлиги ва овоз берган одамнинг исм-шарифини кўрсатади.
- Сайловчиларнинг сони протокол ва унинг кенгайтирилган шаклига, 3-сатрга ёзилади.
- УСК раиси конвертларни очиб, овоз беришнинг яширинлигини бузмасдан, буклланган бюллетенларни овоз бериш қутисига солади.

### ОВОЗ БЕРИШ ЖОЙИ САЙЛОВЧИЛАР УЧУН РОППА-РОСА СОАТ 8.00 ДА ОЧИЛАДИ

***Ёдингизда бўлсин! Протокол ва унинг кенгайтирилган шаклидаги 2, 3, 15, 15а-сатрлар участка очилгунга қадар тўлдирилиши керак!***

**Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари учун:**

| | |
|---|---|
| Асосий ва қўшимча рўйхатларга киритилган сайловчилар сони: | |
| Олинган бюллетенлар сони: | |

| | |
|---|---|
| Муддатидан аввал овоз берганлар сони: | |
| Участканинг очилиш вақти: | |

Сизнинг изоҳингиз______________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

________________________________________________________

## 2. Эрталабки текшириш варағи

Ушбу «Текшириш варағи»дан сайлов куни эрталаб участка очилгунга қадар йўл-йўриқларнинг тўғрилигига кўз ташлашнинг энг содда усули сифатида фойдаланинг.

Кузатувчилар овоз беришнинг барча йўл-йўриқларини кўриб туришга даҳлдор бўлганлигидан, улар УСК аъзолари каби участкага соат 7.00 дан кечикмай етиб келиши шарт.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари участканинг очилиш тадбирларининг барчасида қатнашишлари шарт!***

### № 1. Вазифаларнинг тақсимланиши

Комиссия аъзолари қуйидаги вазифаларни бажариш бўйича чек ташлайдилар:

- Маркировкалашни текшириш учун масъул шахс.
- Сайловчиларнинг рўйхати учун масъул бўлганлар (сайловчилар рўйхатига фуқароларни хатлашни юритади).
- Сайлов бюллетенларини бериш ва маркировкалаш учун масъул шахслар (бюллетенларни сайловчиларга бериш ва сайловчиларни маркировкалаш).
- Яширин овоз бериш учун сайлов бюллетенларининг буклаган ҳолда овоз бериш қутиларига солинишини назорат қилувчилар.
- Бинодан ташқари жойда овоз беришга масъуллар. (Бинодан ташқари ерда овоз беришни УСКнинг камида 2 та аъзосининг қатнашиши билан реестрда рўйхатга олинган сайловчиларнинг овоз беришини уюштириш). Раис ва котиб чек ташлашда қатнашмайдилар.

### № 2. Овоз бериш қутисини тайёрлаш

- УСК раиси овоз бериш учун бўш кўчма ва доимий қутиларни қараб чиқиш мақсадида ҳар бир иштирокчига кўрсатиши керак.
- Назорат варағи ҳар бир овоз бериш қутисига солиниши керак. Назорат варағида сайлов округининг номи, сайлов участкасининг рақами, назорат варағи қутига солинган вақт, барча иштирокчилар (УСК аъзолари, номзодлар, уларнинг вакиллари ва кузатувчилар)нинг фамилиялари бўлиши керак.
- Назорат варағига юқорида номлари аталган одамларнинг барчаси қўл қўйиши керак.
- Назорат варағига муҳр босилгандан сўнг у овоз бериш қутисига солиниши керак.

### № 3. Сайловчиларнинг рўйхатини тайёрлаш

- Раис барча иштирокчиларни муҳр билан беркитилган сейф ва участкадаги сайловчиларнинг рўйхатлари, расмий сайлов бюллетенлари, шунингдек, УСКнинг муҳри солинган ўрам қандай очилаётганини кўриб туришга чақиради.
- Раис сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонини эълон қилиши шарт.
- Раис сайловчиларнинг рўйхатларини кўришга барча иштирокчиларга руҳсат бериши керак.
- Раис сайловчиларнинг рўйхатларини улар учун масъул ходим(лар)га ўтказиб беради.
- Катта сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари учун бир неча ходим масъул бўлиши мумкин. Раис рўйхатларни алфавит тартибида бир хил тақсимлайди. Сайловчиларнинг рўйхатларига масъул ҳар бир ходим ўзлари қўлланадиган ҳарфларни тайёрлаб, уларни кўринарли ерга жойлаштириши шарт.

### № 4. Одатдаги сайлов бюллетенларини ҳисобга олиш

- Раис туман/шаҳар сайлов комиссиясидан олинган расмий сайлов бюллетенларининг сонини эълон қилади
- Комиссия аъзолари сайлов бюллетенларини санаб чиқиб, улар сонини эълон қилади ва унга муддатидан аввал овоз берганлар сонини қўшиб, сайлов натижалари тўғрисида протокол ва унинг кенгайтирилган шаклининг 2-сатрига ёзиб қўяди.
- Раис сайлов бюллетенлари учун масъул ҳар бир ходимга 50 – 100 тадан сайлов бюллетенини бўлиб беради
- Сайлов бюллетенлари учун масъул ходимлар уларни олганлиги ва ўзлари олган сондаги сайлов бюллетенлари учун шахсий жавобгарлигини тасдиқлаб, қўл қўядилар.
- Сайлов бюллетенлари учун масъул ҳар бир ходим бир шишадан сиёҳ олади.

- Сиёҳ олган комиссия аъзолари ультрабинафша чироғининг ёруғида кўринишини текшириш учун сиёҳни ручка ёки қаламга суртиб кўрадилар.

**№ 5. Муддатидан аввал овоз бериш бюллетенларини ҳисобга олиш**

- УСК раиси муддатидан аввал овоз берган сайловчиларнинг сонини эълон қилади.
- УСК раиси сайлов бюллетенлари солиниб ёпиштирилган конвертлар, шунингдек, муддатидан аввал овоз берган сайловчиларнинг рўйхатини иштирокчиларнинг барчасига кўрсатади.
- УСК раиси сайловчининг танлаш яширинлигини сақлаган ҳолда бирин-кетин конвертларни очиб, сайлов бюллетенларини овоз бериш қутисига солаверади.
- Муддатидан аввал овоз берган сайловчиларнинг сони протокол ва унинг кенгайтирилган шаклида белгиланади.

**№ 6. Овоз бериш роппа-роса соат 8.00 да бошланиши керак!**

УСК аъзолари ўзларининг участкасида овоз берадилар.

Агар улар бошқа участкада рўйхатга олинган бўлса, у ердан рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини олиши шарт. УСК раиси унинг аъзоларига сайловчилар овоз беришга халақит қилмаган пайтда овоз беришни таклиф этади.

***Овоз бериш куни сайловчини қўшимча рўйхатга киритиш мумкинми?*** Ҳа, сайловчи қуйидаги шартда қўшимча рўйхатга киритилиши мумкин:

- Сайловчи паспортидаги ўша ҳудудда хатланганлиги тўғрисида белгини кўрсатади.
- Сайловчи рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини кўрсатади.
- Сайловчи тўғрисида маълумот қўшимча рўйхатга киритилади, раис ва котибнинг қўли, УСКнинг муҳри билан тасдиқланади.
- Рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси сайловчидан олиниб, УСКда қолдирилади.

**Овоз беришдаги 6 оддий қадам:**

1. Овоз бериш хонасига кираверишда маркировкалашни текширишга масъул комиссия аъзоси сайловчининг бармоғида кўринмас сиёҳнинг бор ёки йўқлигини аниқлайди.
2. Агар сайловчиларнинг рўйхати учун масъул аъзолар бўш бўлсалар, маркировкалаш учун жавобгар комиссия аъзоси сайловчини овоз бериш хонасига киритади.
3. Сайловчи рўйхат учун масъул комиссия аъзосига ўз гувоҳномасини кўрсатади, у сайловчининг исм-шарифини рўйхатдан топади. Сайловчи маркировкадан ўтади (унинг бармоғига кўринмас сиёҳни бюллетень бериш учун масъул комиссия аъзоси суртади), сўнг рўйхатга қўл қўяди.
4. Сайловчи бюллетень беришга масъул комиссия аъзосидан бюллетень олади. Бюллетень беришга жавобгар комиссия аъзоси бюллетенга УСКнинг муҳри босилганлигини яна бир марта текширади.
5. Сайловчи овоз бериш кабинасига бориб, бюллетенни тўлдиради ва тўрт буклайди.
6. Сайловчи бюллетенни овоз бериш қутисига солиб, участкадан чиқиб кетади.

**3. Сайлов куни овоз бериш хонасида бўлишга кимлар ҳуқуқли?**

Участкадаги ишни бир қолипда холис уюштириш ва турли аралашувларга йўл бермаслик учун участкада фуқароларнинг маълум тоифасигина бўлиши зарур.

Қуйидаги одамлар участкада овоз бериш куни бошлангандан тугагунча бўла олади:

- Сайловчилар.
- УСК аъзолари.
- Юқори турган комиссиянинг аъзолари.
- Номзодлар.
- Номзодларнинг вакиллари. (Бир участкада ҳар бир номзоднинг биттадан ошмаган вакили бўлиши керак).
- Маҳаллий ва халқаро кузатувчилар. Участкада бир ташкилот номидан бир вақтда бир маҳаллий ва икки халқаро кузатувчи (ва таржимон)лар бўлиши мумкин.
- ОАВ вакиллари.

***Ёдингизда бўлсин! Тартиб сақлаш органларининг вакиллари (милиционерлар) овоз бериш хонасида бўлмаслиги керак. Улар УСК раисининг жамоат тартибини сақлаш учун чақириғи бўйичагина участкага кириши мумкин. Бироқ тартиб ўрнатилгандан кейин улар овоз бериш хонасидан дарҳол чиқиб кетишлари керак.***

**Сайлов куни участкада кўрсатиш учун рухсат берилган шахсий ҳужжатлар**

**1. Паспорт**

Агар паспортининг қўлланиш муддати тугаган сайловчи янги паспорт ола олмаган бўлса, у фуқаролигини тасдиқловчи гувоҳнома билан овоз бериши мумкин (бу рўйхатнинг 4-бандига қаранг).

Агар сайловчи сайловчиларнинг асосий рўйхатига киритилган бўлса, у қуйида кўрсатилган ҳужжатлар билан овоз бера олади:

2. **Ҳарбий офицернинг шахсий гувоҳномаси.**
3. **Оддий аскарлар ва сержантларнинг ҳарбий билети.**
4. **Ички ишлар органлари томонидан берилган тегишли шаклдаги маълумотнома (9-форма), Қирғизистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи 2004 йил намунасидаги гувоҳнома.**
5. **Пенсия гувоҳномаси.**
6. **Ҳайдовчилик гувоҳномаси.**

***Ёдингизда бўлсин! Юқорида саналган ҳужжатларгина участкада қабул қилинади. Бошқа ҳеч қандай расмий ва норасмий ҳужжатлар овоз бериш куни участкада қабул қилинмайди.***

## VII. УСК АЪЗОЛАРИНИНГ ОВОЗ БЕРИШ КУНИДАГИ БУРЧЛАРИ

### 1. УСК раиси

Масъулияти: Сайловгача, сайлов куни ва сайловдан кейин УСК бажарадиган барча вазифалар билан ишлар учун жавоб беради.

Бошқа вазифалар билан бирга унинг кунидаги бурчлари бор:

- Сайлов куни сайлов участкасининг ишини уюштириш ва бошқариш.
- Сайловдан олдин ва сайлов вақтида, шунингдек, овозларни ҳисоблаш пайтида аъло даражада одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилиш.
- Олинган сайлов бюллетенлари тўғрисида ҳисобот бериш. (Бюллетенларни олиш тартиби 39-модданинг 9-бандида кенг баён қилинган).
- Сайлов участкасини овоз беришни ўтказиш жойи сифатида намуна схемасига мувофиқ ташкил этиш. Овоз беришнинг яширинлигини кафолатлаш учун овоз бериш кабиналарини мос равишда ўрнатиш.
- Ёрдам сўраган ёки танаффусга чиққиси келган комиссия аъзоларига кўмаклашиш.
- Зарур буюмлар, шу жумладан, етарли миқдорда сайлов бюллетенлари ва ҳоказолар бўлишини таъминлаш.
- Комиссия аъзоларини уларнинг номлари ва УСКга тегишли эканлиги ёзилган белгилар билан таъминлаш.
- Раис кузатувчилар, халқаро кузатувчилар ва ОАВ вакилларини ҳисобга олади.
- Турли жиддий ва фавқулодда муаммолар пайдо бўлганда бу ҳақда туман/шаҳар комиссиясига дарҳол хабар бериш.
- Комиссия аъзоларининг белгиланган тартибларга риоя қилишини назорат этиш.
- Сайлов участкасида бўлган фавқулодда ҳодисалар, масалан, сайлов участкасидаги хоҳлаган тартибсизликлар, сайловчилар маркировкалашдан бош тортган ҳолатлар, шу жумладан, халқаро кузатувчиларнинг ташрифи ва бошқа воқеалар ёки англашилмовчиликларни ҳисобга олиш.
- Участкани соат 20.00 да ёпиб, овоз беришни тугатиш ва овозларни ҳисоблаш жараёнига етакчилик қилиш.
- Тўлдирилган протоколни туман/шаҳар сайлов комиссиясига юбориш. Протокол кўчирмаларини барча хоҳлаган кузатувчиларга бериш, агар ундай имконият йўқ бўлса, кизикувчиларнинг кўчирма қилиб олишига шароит яратиб бериш ва бу кўчирмаларни тасдиқлаш.
- Барча жиҳозлар ва буюмлар, шу жумладан, фойдаланилмаган сиёҳлар ва ультрабинафша чироқларни туман/шаҳар комиссиясига қайтариб бериш.

***Ёдингизда бўлсин! Комиссия раиси сифатида Сиз комиссиянинг барча аъзолари ўз вазифаларини қонунга мувофиқ бажаришини назорат қилишга бурчлисиз.***

**УСК раиси: қуйидаги вазиятда нима қилиш керак?**

*Баъзи номзодлар сайлов бюллетенлари нашр этилгандан кейин сайланувчиларнинг рўйхатидан чиқиб кетдилар ёки ўзлари номзодини олиб ташладилар.*

- УСК туман/шаҳар комиссиясининг кўрсатмаси бўйича бундай номзодларнинг фамилияси ҳар бир сайлов бюллетенидан чизиб ташланади.
- Номзодга тегишли ҳар бир сатрни соққали қалам (ручка) билангина тўғри чизиб ташлаш керак.
- Бундан ташқари, тўғри чизиқ ўша номзод номининг қаршисидаги тоза катакчани ҳам босиб ўтиши керак.

**УСК раиси: қуйидаги вазиятда нима қилиш керак?**

*Сайловчи маркировкалашдан бош тортиб, сайлов бюллетенини беришларини талаб қилди.*

- Маркировкалаш ҳеч зиёнсиз эканлиги, бу қонун бўйича талаб қилинишини сайловчига тушунтириб қўйинг.
- Агар сайловчи яна кўнмай, аввалгидан баттар агрессив муомала қилса, унда сайлов участкасидан чиқиб кетишини мулойимгина илтимос қилинг.
- Агар у кетмайман, деса раис орқали участкадаги хавфсизлик учун жавобгар бўлган тартибни сақлаш органларининг вакилларини чақириб, бу сайловчини участка ҳудудидан олиб кетишларини илтимос қилинг.

***Ёдингизда бўлсин! Тартибни сақлаш органларининг вакиллари участканинг ҳудудига интизом ўрнатиш учун ФАҚАТ раиснинг чақириғи бўйичагина келиши мумкин, улар участкада ФАҚАТ ўз вазифаларини ўташ вақтидагина бўладилар.***

### 2. Котиб

Котиб УСКнинг барча ёзувлари ва протоколларини юритади, раис у ёки бу сабаб билан ишга келмаганда унинг ўрнида ишлаши зарур.

<u>Котиб қуйидагиларни бажариши шарт:</u>

- УСК аъзоларига мажлисларнинг санаси ва вақти тўғрисида маълумот бериш.
- УСК мажлисларининг протоколларини ёзиб бориш.
- Раис йўқ пайтларда ёки у ўз бурчини аллақайси сабабларга кўра бажара олмаганда, раиснинг вазифасини ижро этиш.
- Зарур пайтда комиссия аъзоларидан бирининг ўрнига ишлаш.

### 3. Маркировкалашни текшириш учун масъул комиссия аъзоси

<u>Вазифалари:</u>

- Раисдан ультрабинафша чироқни олиб, унинг ишлашини текшириб кўриш.
- Ҳар бир сайловчи участкага келганда, унинг иккала қўли бош бармоқларини ультрабинафша чироқнинг ёруғига солиб текшириш.
- Овоз бериш хонасининг остонасида туриб маркировкадан ўтмаган сайловчиларнигина киритиш.

**Маркировкалашни текшириш**

- Қўлларни ўта ёруғ жойда эмас, ёруғдан бир оз нарида текширинг.
- Айниқса, тирноқ билан уни ўраб турган терининг бирлашган жойига эътибор беринг.
- Агар шубҳа пайдо бўлса, юз фоиз ишонмагунингизча қайта текшириб кўринг.

- Участкада сайловчиларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймант, рўйхат учун масъул комиссия аъзоси бўшагандагина бинога навбатдаги сайловчини киритинг.
- Кузатувчилар маркировкаловчи сиёх ва уни текширувчи чироқнинг сифатини назорат қилишга ҳуқуқли.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Сайловчи участкага кираман дейди, бироқ текширишда унинг бармоғи маркировкалангавлиги маълум бўлди.*

- Сайловчига унинг бармоғи маркировкаланганлигини, бу унинг бунгача овоз берганлигини билдириши, шу сабабли у участкага киритилмаётганлигини тушунтиринг.
- Бу ҳақда комиссия раисига билдиринг.
- Бошқа жиддий сабаблар бўйича участкага киришга ҳуқуқим бор деб ҳисобласа, сайловчига туман/шаҳар сайлов комиссиясига мурожаат қилинг, деб маслаҳат беринг. Туман/шаҳар комиссияси бу масала бўйича қарорни ўша куниёқ чиқариши керак.

## 4. Сайловчиларнинг рўйхатлари учун масъул комиссия аъзолари

Вазифалари:

- УСК раисидан рўйхатни оладилар.
- Муддатидан аввал овоз берганларни белгилайдилар.
- Участка очилган вақтдан тортиб қуйидаги тартиб бўйича ўз бурчларини бажарадилар:

1. Сайловчи билан саломлашинг.
2. Сайловчининг исми ва фамилиясини сўранг.
3. Унинг исми ва фамилиясини кузатувчиларга эшиттириб такрорланг.
4. Сайловчидан унинг кимлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишини илтимос қилинг. Бу паспорт ёки ҳарбий офицернинг шахсий гувоҳномаси, оддий аскар ёки сержантнинг ҳарбий билети, ички ишлар органлари томонидан берилган тегишли шаклдаги маълумотнома (9-форма), Қирғизистон Республикасининг фуқароси эканлигини тасдиқловчи 2004 йил намунасидаги гувоҳнома, пенсия гувоҳномаси ва ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлиши мумкин.

***Ёдингизда бўлсин! Қонун бўйича Сиз БАРЧА сайловчиларнинг, ҳатто ўзингиз яхши танигавларнинг ҳам ҳужжатларини текширишингиз талаб қилинади. БАРЧА сайловчиларга талаблар бирдек қўйилаётганлигини кузатувчилар ва бошқа сайловчилар кўриб туриши жуда аҳамиятлидир.***

5. Агар сайловчи рўйхатдан чиқиш гувоҳномасини қўлланса, у уни Сизга кўрсатиши керак. Сиз бу ҳужжатни олиб қолишингиз шарт.

***Ёдингизда бўлсин! Рўйхатдан чиқиш гувоҳномаси Сизда қолиши керак!***

6. Сайловчининг фамилиясини сайловчилар рўйхатидан топинг.
7. Сайловчи билан бирга сайловчилар рўйхатидаги маълумот тўғри эканлигини текширинг.
8. Паспорт ёки бошқа ҳужжатнинг серияси билан рақамларини ёзинг.
9. Бюллетенларни беришга масъул комиссия аъзоси сайловчини маркировкалагандан сўнг сайловчидан рўйхатга қўл қўйишни илтимос қилинг.
10. Сайловчи сайлов бюллетенларини берадиган комиссия аъзосига мурожаат этиб, ундан сайлов бюллетенини олади.
11. Участка ёпилгандан кейин участкага келган сайловчиларнинг умумий сонини ёзиб, бу маълумотни УСКнинг раисига беради.
12. Сайловчиларнинг рўйхатларини раисга қайтариб беради.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Сайловчи участкага кимлигини тасдиқловчи ҳужжатларсиз келди.*

- Агар сайловчининг паспорти ёки кимлигини тасдиқловчи ҳужжати йўқ бўлса, участкада овоз беришга ҳуқуқи бўлмайди.
- Бу қоидага сайловчиларининг сони 500 дан ошмаган аҳоли истиқомат масканлари (сайлов участкалари эмас!) бўйсунмайди. Бундай участкаларда агар комиссиянинг иккитадан кам эмас аъзоси сайловчининг кимлиги ва у ўша УСК ҳудудида яшашини тасдиқлай олса, сайловчи УСК раисининг рухсати билан овоз беришга ҳуқуқли бўлади. Бунда сайловчилар рўйхатига тегишли белги қўйилиб, у сайловчининг ким эканлигига гувоҳ бўлган УСК аъзолари ва УСК раисининг имзолари билан тасдиқланади.

## 5. Бюллетенларни бериш ва сайловчиларни маркировкалаш учун масъул комиссия аъзолари

Вазифалари:

- УСК раисидан маркировкалаш сиёхи, бюллетенларни олиб, бу ҳақда қўл қўйиш.
- Номзодларнинг вакиллари ва кузатувчилар иштирокида сиёхни қалам ёки ручкага суртиб ва ультрабинафша чироқнинг ёруғида кўриб текшириш.
- Сайловчи рўйхатга қўл қўйишидан аввал унинг чап қўли бош бармоғини маркировкалаш зарур.
- Сайловчи рўйхатга қўл қўйгандан кейингина унга бюллетень берилади.
- Барча сайлов бюллетенларининг берилишини ҳисобга олиш.
- Маркировкаланган сайловчи рўйхатга қўл қўйиши керак, шундан сўнг унга бюллетень беринг ва бўш бўлган овоз бериш кабинасига киритинг.
- Сайловчи бюллетенини овоз бериш қутисига ташлашдан олдин бюллетенни тўрт буклаши керак.

<u>**Маркировкалаш**</u>

1. Агар сайловчининг бармоғида кир ёки бошқа сиёх юкмайдиган нарса борлигини пайқасангиз, сайловчидан уни тозалаб юборишни илтимос қилинг.
2. Сайловчи ЧАП ҚЎЛИНИНГ БОШ БАРМОҒИ маркировкаланади. Агар сайловчининг бу бармоғи йўқ бўлса, ўнг қўлининг бош бармоғи маркировкаланади. Агар у ҳам йўқ бўлса, чап қўлининг кейинги бармоқлари навбат бўйича, сўнг ўнг қўлининг тегишли бармоқлари маркировкаланади. Агар сайловчининг бирорта ҳам бармоғи йўқ бўлса, у маркировкалашдан озод этилади.
3. Сиёхни бармоқнинг тирноқ билан тери қўшилган ерига суртиш керак.
4. Сиёх куригунча 5 сония кутиб туриш керак.

***Ёдингизда бўлсин! Маркировкалашдан бош тортган сайловчининг бюллетень олишга ҳуқуқи бўлмайди, Сиз эса бундай сайловчига бюллетень беришга ҳақли эмассиз.***

- Участка ёпилгандан кейин барча фойдаланилган, бузилган ва ишлатилмаган бюллетенларни ҳисоблаб чиқиш зарур.

Барча фойдаланилмаган бюллетенларни ҳар бирининг пастки ўнг бурчагини қирқиш йўли билан йўққа чиқариш керак.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Сайловчи бюллетенни тўлдиришда хатога йўл қўйди.*

- Сиз сайловчига бузилган бюллетеннинг ўрнига янгисини беришингиз керак.
- Тегишли белги қўйиш учун сайловчилар рўйхатига масъул комиссия аъзосига айтинг.
- Бузилган бюллетенни йўққа чиқариш керак (пастки ўнг бурчак қирқиб олинади). Бу ҳақда акт тузилади.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Сайловчи маркировкалашдан бош тортди.*

- Маркировкалаш қонун бўйича талаб қилиниши ва у аҳолининг сайловга нисбатан ишончини ошириш мақсадида қўлланилаётганини айтиш керак.
- Ниҳоят, агар сайловчи маркировкалашдан бош тортса, у овоз беришга киритилмаслигини айтинг.
- **АГАР САЙЛОВЧИ МАРКИРОВКАЛАНМАГАН БЎЛСА, УНГА БЮЛЛЕТЕНЬ БЕРМАНГ ВА УНИ ОВОЗ БЕРИШГА КИРИТМАНГ!**

## 6. Сайловчининг яширин овоз бериш хоналарига киришини назорат қилувчи комиссия аъзоси

<u>Вазифалари:</u>

Овоз бериш қутисига яқин туриб, ҳар бир сайловчи қутига биттадангина икки букланган бюллетенни солишини назорат қилиш.

- Участканинг очилишида сайловга керакли жиҳозларни текшириб ўрнатишга кўмаклашиш.
- Сайловчилар бюллетенларни тўрт буклаб овоз бериш қутисига солаётганлигини кўриб туриш учун қутига яқин туриш.

***Ёдингизда бўлсин! Овоз беришнинг яширинлигини бузмаслик учун Сиз қутидан бир оз нарида туришингиз керак. Агар Сиз қутига ўта яқин туриб олсангиз, унда овоз бериш қутиси шаффоф бўлганлигидан, сайловчи кимни қўллаб овоз берганини кўриб олишингиз мумкин.***

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Сайловчи бюллетенни бузиб қўйди.*

Сайловчига бюллетень берувчи комиссия аъзосидан янги бюллетень олишга ҳуқуқли эканлигини тушунтиринг.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Кекса сайловчи ўз номидан бюллетенни тўлдириб беришни илтимос қилди. У Сизга ўзи қўллаган номзоднинг номини айтди.*

- Сиз УСКнинг аъзоси сифатида сайловчининг ўрнига бюллетень тўлдиришга ҳақингиз йўқ эканлиги, бу қонунга зид келишини унга тушунтиринг.
- Ўша вақтда участкада турган бошқа сайловчидан ёрдам сўранг, деб маслаҳат беринг.

## 7. Бинодан ташқари жойда овоз беришни ўтказиш учун масъул комиссия аъзолари

<u>Вазифалари:</u>

Оғриб қолганлиги ёки ногиронлиги туфайли сайлов участкасига сайлов куни ўзлари келолмаган сайловчиларнинг уйда овоз беришини таъминлаш.

<u>Бинодан ташқари жойда овоз беришнинг тартиби:</u>

- Бинодан ташқари жойда овоз беришни УСКнинг камида икки аъзоси ва номзодларнинг икки вакили маслаҳат овозига ҳуқуқли комиссия аъзоси билан биргаликда юритадилар.
- Бинодан ташқари жойда овоз бериш учун масъул комиссия аъзолари зарур миқдордаги бюллетенлар, маркировкалаш учун сиёх, ультрабинафша чироқ, муҳр билан тасдиқланган (учтадан ошмаган) кўчма қутиларни оладилар. Муҳр билан беркитиш участка очилгунча номзодлар вакиллари, кузатувчилар ва УСК аъзоларининг кўз олдида юритилади.
- Комиссия аъзолари овоз бериш бюллетенларини олганлиги тўғрисида қўл қўядилар.
- УСК аъзолари бинодан ташқари жойда овоз бериш бўйича аризаларнинг барчасини олиб чиқиши шарт.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар бинодан ташқари жойда овоз беришда УСК аъзолари билан бирга юриш ва барча сай-***

***лов тартибларини овоз беришнинг яширинлигини бузмаган ҳолда кузатишга ҳуқуқлидир.***

- Сайловчига бюллетень беришдан аввал унинг ҳужжатларини текшириб, бармоғи маркировкаланмаганлигини аниқлаб, сайловчига қўл қўйдириш зарур. Сўнг сайловчини пайқалмайдиган сиёҳ билан тегишли тартибга тўла мос келадиган ҳолда маркировкалаш керак.
- Агар сайловчи овоз бериш тўғрисида оғзаки равишдагина илтимос қилган бўлса, унда у аризани ёзма равишда тўлдириб топшириши шарт.

***Ёдингизда бўлсин! Овоз беришнинг яширинлигига бинодан ташқари жойда овоз беришда ҳам сўзсиз равишда риоя қилиниши шарт.***

- Фойдаланилмай қолган бюллетенлар ва материалларни овоз бериш тугагунга қадар участкага қайтариб беринг.

<u>Бинодан ташқари жойда овоз берган сайловчиларнинг овозини ҳисоблаш</u>

Комиссия аъзолари участкага қайта келганларидан сўнг участкадан ташқари жойда овоз берган сайловчиларнинг паспортлари ёки уларнинг кимлигини тасдиқловчи ҳужжатларининг серияларини сайловчиларнинг рўйхатига киритадилар ва рўйхатга «бинодан ташқари жойда овоз берди» деган белги қўядилар.

***Ёдингизда бўлсин! Агар бинодан ташқари ерда овоз бериш учун берилган аризаларга қараганда кўчма қутидаги бюллетенларнинг умумий сони кўп бўлиб чиқса, унда барча бюллетенлар яроқсиз, деб топилади ва комиссия аъзолари бунинг учун жавоб берадилар.***

**УСК аъзоси ушбу вазиятда нима қилиши керак?**

*Чек ташлаш натижаларига кўра Сиз бинодан ташқари жойда овоз беришни ўтказиш учун масъул этиб тайинландингиз. Бироқ аризада кўрсатилган манзил бўйича сайловчи ҳузурига борганингизда у Сиздан турмуш ўртоғининг овоз бериши учун ҳам бюллетень беришни илтимос қилди.*

- Унинг турмуш ўртоғи учун Сизда бюллетень йўқлигини айтинг.
- Сайловчининг турмуш ўртоғига амалдаги овоз бериш тартиблари бўйича участкага бориб овоз беринг, деб маслаҳат беринг.
- Бинодан ташқари ерда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиш учун овоз беришга 6 соат қолгандан кечиктирмай ариза бериш зарурлигини тушунтиринг.

## VIII. УЧАСТКАНИНГ ЁПИЛИШИ

Участкани ёпиш ва овозларни ҳисоблаш тартибини тўғри ўтказиш халқнинг сайловга нисбатан ишончини мустаҳкамлаш учун жуда зўр аҳамиятга эга.

Барча сайлов бюллетенларини ҳисоблаб чиқиш сайлов участкаси ёпилгандан кейин юритилади. Турли шикоятлар ва овоз беришнинг боришида йўл қўйилган тартиббузарликларни муҳокама қилиш учун УСК мажлис ўтказади.

Овозларни ҳисоблаш овоз бериш юритилган жойнинг ўзида ўтказилади. Ҳисоблаш натижалари кенгайтирилган шаклдаги протоколга ва УСКнинг расмий протоколига киритилади.

Овоз бериш натижаларини тўла ҳисоблаб чиқиб, расмий протоколни тўлдиргач, сайлов якунлари тўғрисидаги протокол бошқа барча яроқли ва яроқсиз (йўққа чиқарилган) сайлов бюллетенлари билан бирга туман/шаҳар сайлов комиссиясига етказилади.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари овозларни ҳисоблашда ва унинг натижаларини туман/шаҳар комиссиясига ўтказиб беришда қатнашишга ҳуқуқлидир.***

### Ёпиш йўл-йўриқларини текшириш варағи

Бажарилган йўл-йўриқлар қаршисидаги катакчага ✓ белгисини қўйинг. Қуйидаги кенг саналган йўл-йўриқларнинг 1-8-қадамларига эътибор беринг.

<u>Диққат! Йўл-йўриқлар кўрсатилган тартибда бажарилиши керак!</u>

1. Овоз бериш хонасини роппа-роса 20.00 да ёпинг. (Қуйидаги 1 ва 2-қадамларга қаранг).
- Кузатувчилар, номзодлар ва ОАВ вакилларининг тасодифан ташқарида қолмаганлигига ишонч ҳосил қилинг.
2. БАРЧА фойдаланилмаган бюллетенларни санаб чиқиб, йўққа чиқаринг. Уларни ўраб, олиб қўйинг (3-қадамга қаранг).
- Ёдингизда бўлсин! Овозларни ҳисоблашдан аввал хонада овоз бериш қутиларидагилардан ташқари бирорта бюллетенни қолдирмаслик шарт.
3. Сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича тегишли ишларни бажаринг (4-қадамни кўринг).

**ДИҚҚАТ! КЕЙИНГИ ИШЛАРГА КИРИШИШДАН АВВАЛ ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ҚАДАМЛАРНИ БОСИБ ЎТИШИНГИЗ КЕРАК!**

4. Раис бинодан ташқари ерда овоз бериш тўғрисида тушган аризаларнинг сонини эълон қилади. Бинодан ташқари жойдаги овоз бериш қутилари очилади. Бюллетенлар қайта саналади (5-қадамни кўринг).
- Сиз овоз беришнинг яширинлигини бузмаслан, яъни букланган бюллетенларни очмаслан, қайта санаб чиқишингиз керак. Кўчма қутиларда бюллетенлар оз бўлганлигидан, агар уларнинг букланган жойини ёзиб юборсангиз, овоз беришнинг яширинлиги бузилиши мумкин. Кўчма қутилардаги бюллетенлар столда қолади ва уларнинг устига доимий ўрнатилган қутидаги бюллетенлар тўкилади.
- Агар қайта санаш пайтида кўчма қутилардаги бюллетенлар тушган аризаларга қараганда кўплик қилса, у қутидаги барча бюллетенлар яроқсиз деб ҳисобланади. Бу ҳақда акт тузилиб, бюллетенлар йўққа чиқарилади ва ўралиб, сейфга солинади. Агар бюллетенлар аризалардан оз бўлса, улар яроқли деб ҳисобланади.
5. Доимий қутилардаги бюллетенларни санаб чиқинг (6-қадамни кўринг).

6. Назорат таккослашларини текширинг, якуний мажлис ўтказинг ва протоколга қўл қўйинг (7-8-қадамларга қаранг.)
- УСК аъзолари якуний мажлисни протоколга қўл қўйишгача ўтказиши шарт!
- Протоколга ёки якуний мажлиснинг хулосаларига маъқул бўлмаган УСКнинг хохлаган аъзоси ёзма равишда алохида фикрини баён қилиши мумкин. Алохида фикр протоколга тиркалади.

7. Ўралган бюллетенлар, сайловчиларнинг рўйхатлари ва бошқа хужжатларни туман/шахар сайлов комиссиясига етказиш.
- Кузатувчи, номзоднинг вакили ёки ОАВ ходимлари хужжатларни етказиб бериш ва ўтказишда ўз транспорти билан бирга боришга хуқуқлидир.

### Участкани ёпишдаги саккиз қадам

Ушбу саккиз қадамни ташлаш билан Сиз қуйидаги йўл-йўрикларнинг хаққонийлиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлайсиз:

**БИРИНЧИ қадам (1). Участкани роппа-роса 20.00 да ёпиш керак**

Участка комиссиясининг раиси овоз бериш жойига келган сайловчиларгина сайлов бюллетенини олиш ва овоз бериш қутисига солиш хуқуқига эга эканлигини эълон қилиши шарт.

**ИККИНЧИ қадам (2). Очиқ-ойдинликни таъминлаш**

- Овозларни хисоблаш УСК аъзолари томонидан, бунинг устига одамлар олдида ошкора, очиқ холда юритилиши шарт.
- Овозларни хисоблашнинг натижаси эълон қилиниб, хисоблашдаги хар бир қадам бирининг ортидан бири овоз бериш жойида илиниб қўйиладиган кенгайтирилган шаклдаги протоколга ёзиб турилиши керак.
- Овозларни хисоблаш ва қўшма рўйхат тузиш пайтида номзодларнинг вакиллари, кузатувчилар ва ОАВ ходимаари сурат ва видеога тортишга хуқуқли.
- Овозларни хисоблаш пайтида қатнашган кузатувчиларнинг барчаси УСК аъзоларининг хамма чора-тадбирларини кўриб туриши шарт.

**УЧИНЧИ қадам (3). Барча фойдаланилмаган бюллетенларни хисоблаб, йўкка чиқариш**

- УСК аъзолари фойдаланилмай қолган расмий сайлов бюллетенларини хисоблаб чиқиб, уларнинг пастки ўнг бурчагини қирқиб олиши шарт (номзод фамилиясининг ўнг томонидаги катакчага зарар қилмаган холда).
- УСК сейфидаги фойдаланилмаган расмий сайлов бюллетенларининг барчаси юқоридагидек усулда йўкка чиқарилиши керак.
- Барча йўкка чиқарилган сайлов бюллетенлари хисобланиб, ўраб боғланиши шарт. Бунга УСК мухри босилиб, УСКнинг барча иштирок этган аъзолари қўл қўйиши керак.
- Йўкка чиқарилган сайлов бюллетенларининг ялпи сони фойдаланилмай қолган, сайловчилар нотўгри тўлдирганлиги учун қайтарилган (бузилган) бюллетенларнинг умумий йиғиндиси сифатида эълон қилиниб, расмий протоколга ва кенгайтирилган шаклдаги протоколга киритилиши керак.

**ТЎРТИНЧИ қадам (4). Сайловчиларнинг рўйхати билан ишлаш**

Овозларни хисоблай бошлашдан аввал сайловчиларни рўйхатга олиш учун масъул комиссия аъзолари рўйхатнинг хар бир бетига қуйидагидек умумий маълумотларни киритади:
- Овоз бериш тугаган пайтда рўйхатда бор сайловчиларнинг сони (бунга рўйхатдан чиқиш гувохномасини олган, шунингдек, бошқа сабаблар туфайли олисда юрган сайловчиларнинг сони қўшилмайди).
- Овоз бериш куни овоз бериш жойида сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони (асосий ва қўшимча рўйхатлардаги сайловчиларнинг имзолари сони бўйича аниқланади).
- Олдиндан овоз берган сайловчилар олган сайлов бюллетенларининг сони (сайловчилар рўйхатида тегишли белгиларнинг сони бўйича хисобланиб, олдиндан овоз берганларнинг рўйхатига таққослаб текширилади).
- Сайлов куни бинодан ташқари жойда овоз берган сайловчилар олган бюллетенларнинг сони (сайловчилар рўйхатидаги тегишли белгиларнинг сони бўйича хисобланади).
- Участкада сайловчиларга берилган рўйхатдан чиқиш гувохномаларининг сони (сайловчиларнинг рўйхатидаги тегишли белгиларнинг сони бўйича хисобланади).
- Рўйхатдан чиқиш гувохномаси бўйича овоз берганлар сони (қўшимча рўйхатдаги имзолар сони бўйича аниқланиб, сайловчилардан олинган рўйхатдан чиқиш гувохномаларининг сонига таққослаб текширилади).
- Сайловчилар рўйхатининг хар бир бетига комиссия аъзоси қўл қўяди, кейин уларни тўплаб якунлаб, раисга ўтказиб беради.
- Раис ва котиб рўйхатнинг охирги бетига унинг барча сахифалари бўйича чиқарилган хулоса сифатида аниқланувчи умумий маълумотни киритади ва уни ўз имзоси хамда УСК мухри билан тасдиқлайди.
- УСК раиси иштирокчиларга рўйхат билан танишиб кўришни тавсия қилади, кейин овоз беришнинг натижалари тўгрисидаги протокол ва кенгайтирилган шаклдаги протоколга киритилаётган янги маълумотларни эълон қилади. Шундан сўнг бу рўйхат сейфга солинади.

**БЕШИНЧИ қадам (5). Кўчма овоз бериш қутиларидаги бюллетенларни хисоблаш**

- Бинодан ташқари жойда овоз беришни юритган УСК аъзолари пломбалар билан босилган мухрларнинг бутунлай сақланганлигини кўрсатадилар.
- Хар бир кўчма овоз бериш қутисини очишдан аввал ўша қутини қўллаш билан овоз берган сайловчиларнинг сони эълон қилинади. Хар бир кўчма овоз бериш қутисидаги сайлов бюллетенлари алохида хисобланади.
- Кўчма овоз бериш қутиларини навбат билан очиб, УСК аъзоларининг, эргашиб ўша қутиларни муҳрлаштиришда қатнашган бошқа одамларнинг қўллари қўйилган назорат варақлари билан бирга сайлов бюллетенлари олинади.

- Олинган бюллетенларнинг сони эшиттирилиб, уни раис овоз беришнинг якунлари тўғрисидаги протоколнинг 8-сатри ва кенгайтирилган шаклдаги протоколга ёзади.
- Агар кўчма овоз бериш қутисидаги сайлов бюллетенларининг сони бюллетенларни олганлиги ҳақида аризаларига белги қўйилган сайловчиларнинг сонидан кўп бўлса, унда бу қутидаги барча бюллетенлар яроксиз деб топилади ва йўкка чиқарилади.

**ОЛТИНЧИ қадам (6). Сайлов участкасида ўрнатилган доимий овоз бериш қутиларидаги бюллетенларни хисоблаш**

Ўрнатилган доимий қутиларни очиш

- УСК раиси барча иштирокчиларга мухр (пломба)нинг бузилмаганлигини кўрсатади. Алоҳида рақамли муҳрлар бостирилган қутиларнинг очилмаганини билиш учун уларнинг рақамлари текширилади.
- Ундан сўнг доимий ўрнатилган овоз бериш қутисини очадилар. УСК аъзолари бюллетенлар ва назорат варағини олиб чиқадилар.
- Раис барча иштирокчиларга назорат варағини кўрсатади.
- УСК аъзолари кўчма ва доимий ўрнатилган овоз бериш қутиларидан олинган сайлов бюллетенларини ҳар бир номзодни қўллаб, барча номзодларга қарши овоз берганлиги бўйича саралаб, шакли аниқланмаган сайлов бюллетенлари ва яроксиз сайлов бюлетенларини алоҳида-алоҳида қилиб бўлакларга ажратадилар.
- Сайлов бюллетенларини саралашда УСК аъзолари сайлов бюллетенларидаги сайловчилар қўйган белгиларни эълон қилиб, барча катнашчиларга бу бюллетенларнинг хисобланишини кўрсатиб турадилар.
- Ундан сўнг ҳар бир номзодни қўллаган ва «Барча номзодларга қарши» овоз берганлиги бўйича сайлов бюллетенлари алоҳида бўлиниб, хисоблаб чиқилади.
- Сараланган сайлов бюллетенларини бир тахламдан иккинчисига бирма-бир олишда катнашганларнинг барчаси эшитиб ва бюллетенларга қўйилган белгиларни кўриб туришлари учун уларнинг хисоби эълон қилиб турилади.
- Ҳар бошқа тахламлардаги сайлов бюллетенларини бир вақтнинг ўзида хисоблашга йўл қўйилмайди.
- Ҳар бир номзод ва «Барча номзодларга қарши» берилган овозлар бўйича сайлов бюллетенларига қўйилган белгилар тўғрисида маълумот овоз бериш натижаси ҳақидаги протоколнинг 13-14-сатрларига, шунингдек, унинг кенгайтирилган шаклига ёзилади.

**Қандай бюллетенлар яроқли деб хисобланади?**

Қонун бўйича сайловчилар ўзларининг сайлов бюллетенларига «тегишли белги қўйишни» талаб қилинади. Қушча (✓) белгиси сайловчининг кимни танлаганлигини аниқ кўрсатишда қўлланади. Бирок Қирғизистон Республикасининг Сайлов тўғрисида кодексида УСК аъзолари «сайловчининг истаги»ни ҳам ёзга олиши мумкинлиги кўзда тутилган.

***Ёдингизда бўлсин! Сайлов бюллетенига белги қўйишнинг кўплаб йўллари бор. Агар сайловчининг хоҳиш-иродаси аниқ бўлса, унда бундай сайлов бюллетени хисобга олиниши шарт.***

**Қандай сайлов бюллетени «яроксиз» деб хисобланиши мумкин?**

Яроксиз бюллетенлар алоҳида хисобланиши керак.

Яроксиз деб қуйидаги бюллетенлар саналади:

- Сайловчининг хоҳиш-иродасини аниқлаш мумкин бўлмаган сайлов бюллетенлари.
- МСК томонидан қўйилган, УСК муҳри билан тасдиқланган махсус химоя белгилари ва бошқа тегишли белгилари йўқ бюллетенлар.
- Биттадан ортиқ номзод белгиланган бюллетенлар.

Бюллетенни яроксиз деб топишда шубҳа пайдо бўлса, УСК буни овоз бериш билан аниқлайди. Бунда бюллетенининг орқа томонига у нима учун яроксиз деб хисобланаётганлиги ёзиб кўрсатилади. Бундай бюллетенларга раис билан котибнинг имзоси ва УСКнинг муҳри қўйилиши шарт.

Яроксиз бюллетенларнинг сони протоколнинг 11-сатрига ва унинг кенгайтирилган шаклига ёзилади.

<u>Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари учун:</u>

Ёпиш ва овозларни хисоблаш тартибларининг ҳаммаси Сизга кўриниб туриши керак. Ҳар бир бюллетень номзодлар бўйича тўғри сараланаётганлигини назорат қилинг. Бюллетенларнинг тўғри хисобланганлигини текширинг.

**ЕТТИНЧИ қадам (7). Протоколни тўлдириш**

Овоз бериш натижалари ҳақидаги протокол УСКнинг энг аҳамиятли ҳужжатларидан бири ҳисобланади.

У сайловчиларга ҳам, кузатувчиларга ҳам УСКнинг фаолияти ва сайловчиларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниб, ҳимояланаётганлигини аниқ ифодаловчи тушунарли ҳужжат бўлиб саналади. Бу гал протокол бир варақ бўлиб, остида ўзи кўчирувчи беш варақдан иборатдир.

- Кенгайтирилган шаклдаги протокол биринчи навбатда тўлдирилади. Ундаги маълумотлар кейин овоз беришнинг якуни тўғрисидаги протоколга кўчирилади.
- Протокол қаламда эмас, соққали ручка билан тўлдирилади.
- Протоколни тузатишга йўл қўйилмайди. Агар тўлдиришда хато кетса, унда янги протокол тўлдириш зарур.
- Тўла тўлдирилмагунча, протоколга имзо қўйиш мумкин эмас.
- Протоколга УСКнинг барча иштирок этган аъзолари қўл қўядилар. Агар комиссия аъзоси аллақандай сабабларга кўра қатнаша олмаса, унда бунинг сабаби у қўл қўядиган сатрга ёзиб кўрсатилиши шарт.

<u>Протоколнинг формати:</u>

Қонун бўйича ҳар бир протоколда қуйидагича маълумот бўлиши талаб этилади:

(1) нусха рақами;
(2) комиссиянинг даражаси;
(3) «Протокол» деган сўз
(4) комиссиянинг номи ва участканинг рақами;

(5) протоколнинг сатрлари;
(6) протоколга тиркалувчи аризалар ва бошқа хужжатларнинг рўйхати, шунингдек, улар бўйича сайлов комиссияси чиқарган қарорлар;
(7) сайлов комиссияси раиси, котиби ва бошқа аъзоларининг фамилиялари билан исм-шарифининг бош ҳарфлари, шунингдек, уларнинг имзолари;
(8) протоколга қўл қўйиш санаси ва вақти;
(9) сайлов комиссиясининг муҳри.

Протокол сатрларидаги маълумотлар:

1) рўйхатга киритилган, шу жумладан, қўшимча рўйхатга киритилган сайловчилар сони;
2) сайлов комиссияси томонидан олинган сайлов бюллетенларининг сони;
3) муддатидан аввал овоз берган сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони (мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлганлиги сабабли давлатдаги овоз беришда қатнаша олмаган сайловчилар учун);
4) сайлов участкасида сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони;
5) бинодан ташқари жойда овоз берган сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони;
6) овоз беришда қатнашган сайловчилар сони;
7) йўққа чиқарилган сайлов бюллетенларининг сони;
8) кўчма овоз бериш қутиларига солинган сайлов бюллетенларининг сони;
9) ўрнатилган доимий овоз бериш қутиларига солинган сайлов бюллетенларининг сони;
10) яроқли сайлов бюллетенларининг сони;
11) яроқсиз сайлов бюллетенларининг сони;
12) овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг ялпи сони;
13) номзодларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми (алфавит тартибида) ҳамда уларнинг ҳар бири учун берилган овозлар сони;
14) «Барчасига қарши» овоз берган сайловчилар сони;
15) УСК томонидан берилган овоз бериш учун рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони;
15а) сайлов участкасида сайловчиларга овоз бериш кунигача берилган рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони;
15б) рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари бўйича участкада овоз берган сайловчиларнинг сони;
15в) сайлов участкасида фойдаланилмаган (йўққа чиқарилган) рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони;
16) йўқотилган сайлов бюллетенларининг сони;
17) олинган сайлов бюллетенларининг сонидан ортиб кетган сайлов бюллетенларининг сони.

Бу модданинг 1-8-бандларида кўрсатилган сонлар овоз беришнинг якунлари тўғрисидаги протоколга сон ва ёзма равишда киритилади. Овоз беришнинг якунлари тўғрисидаги протокол сиёх билангина тўлдирилади. Овоз беришнинг якунлари ҳақидаги протоколни овозлар ҳисобланиб бўлмагунча тўлдиришга йўл қўйилмайди.

**САККИЗИНЧИ қадам (8). Протокол кўчирмаларини тасдиқлаш ва уни туман/шаҳар комиссиясига ўтказиб бериш**

- Овозларни ҳисоблаб чиққандан кейин участка комиссияси сўзсиз равишда якуновчи мажлис ўтказади. Унда овоз беришдаги ва сайловчиларнинг овозларини ҳисоблашдаги тартиббузарликлар хусусида келиб тушган аризалар кўрилади, ҳар бир ариза бўйича қарор қабул қилинади.
- Шундан кейин УСК аъзолари ва ўз аризалари бўйича қабул қилинган қарорларга рози бўлган шикоятчилар УСК якуновчи мажлисининг протоколига қўл қўядилар.
- УСК якуновчи мажлисининг протоколига қўл қўйишда унинг мазмунига рози бўлмаган комиссия аъзолари ва шикоятчилар протоколга нисбатан алоҳида фикрларини қўшишга ҳуқуқли. Бу ҳақда протоколга тегишли ёзув киритилади.
- Овоз беришнинг якунлари тўғрисида протокол тузилгандан кейин сайлов бюллетенлари махсус халталарга солиб ўралади.
- Ўралган бюллетенларга УСКнинг муҳри босилиб, унга УСК аъзолари, номзодларнинг иштирок этган ваколатли вакиллари қўл қўядилар. Сўнг бу ўрамлар алоҳида қоп ёки қутига тўплаб солинади.
- Қоп ёки қутида участканинг рақами, УСК аъзоларининг имзолари қўйилган бюллетенларнинг сони кўрсатилади.
- Бюллетенлар комиссиянинг маслаҳат овозига ҳуқуқли аъзоларининг, номзодлар вакилларининг иштирокида ўралади ва бюллетень солинган қоп ёки қутига уларнинг қўл қўйишига имконият берилади.
- Халта, қоп ёки қутини туман/шаҳар комиссияси ёки суд ҳукми бўйичагина очиш мумкин.
- Овоз бериш якунлари тўғрисида протокол икки нусхада тўлдирилади, шунингдек, ҳар бир номзод учун биттадан нусха тайёрланиб, уларга УСКнинг барча иштирок этган аъзолари имзо қўйиб, санаси ва вақти (соати ва дақиқаси) кўрсатилади. Агар сайлов комиссияси аъзоларининг кўпчилиги қўл қўйса, протокол яроқли деб ҳисобланади.
- Протоколга қўл қўйишда унинг мазмунига рози бўлмаган комиссия аъзолари протоколга нисбатан алоҳида фикрларини қўшишга ҳуқуқли. Бу ҳақда протоколга тегишли ёзувлар киритилади.

Овоз бериш натижалари тўғрисидаги **протоколнинг биринчи нусхасини** унга қўл қўйилгандан кейин бошқа сайлов ҳужжатлари, шу жумладан, сайловчиларнинг рўйхатлари, шикоят (ариза)лар, улар бўйича қабул қилинган қарорлар, УСК тузган актлар билан бирга УСК раиси ёки комиссия аъзоларининг бири номзодларнинг овозларини ҳисоблашга қатнашган вакиллари иштирокида тўхтовсиз равишда туман/шаҳар сайлов комиссиясига етказади.

**Протоколнинг иккинчи нусхаси**, шунингдек, УСКнинг муҳри УСК котибининг қўлида комиссия иши тугагунча сақланади.

**Протоколнинг бошқа нусхалари** номзодларнинг вакиллари ва кузатувчиларга уларнинг ўтинчи бўйича берилади.

**Кенгайтирилган шаклдаги протокол** барчага кўриниб туриши учун УСК белгилаган жойга илинади.

**Материалларни ўраш ва юқори турган комиссияга етказиш**

Барча материаллар ва ҳужжатлар, бюллетенлар, рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари алоҳида халталарга солиб ўралади:

- Ҳар бир номзод учун берилган бюллетенлар.
- Яроқсиз бюллетенлар.
- Қайдан чиққани номаълум бюллетенлар.
- Барча номзодларга қарши овоз берилган бюллетенлар.
- Йўққа чиқарилган бюллетенлар.
- Йўққа чиқарилган рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари.
- Участкада овоз берган сайловчиларнинг рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари.

Барча ўралган материалларга муҳр босилиб, УСК аъзолари қўл қўядилар. Хоҳлаган кузатувчилар, номзоднинг вакили ёки маслаҳат овозига ҳуқуқли комиссия аъзолари ўралган материалларга қўл қўя оладилар.

Шу ҳолда ўралган материаллар милиция, кузатувчилар ва комиссиянинг маслаҳат овозига ҳуқуқли аъзоларининг ҳамроҳлигида юқори турган комиссияга, ёки туман/шаҳар сайлов комиссиясига етказилади.

Туман/шаҳар комиссиясининг аъзолари назорат таққослашларини текширгандан кейин УСКнинг протоколидаги маълумотлар «Сайлов» давлат автоматлаштирилган тизимига киритилади.

***Ёдингизда бўлсин! УСК аъзолари туман/шаҳар СКда протоколдаги маълумотлар «Сайлов» давлат автоматлаштирилган тизимига киритилиб бўлгунча кетмай туриши шарт. Агар туман/шаҳар комиссияси овозларни қайта ҳисоблашни талаб қилса, УСК буни бажариши керак.***

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Кўчма овоз бериш қутисидаги бюллетенларнинг сони бинодан ташқари жойда овоз беришни илтимос қилиб ёзилган аризаларнинг сонидан ортиқча бўлиб чиқди.*

- Ундаги барча бюллетенлар яроқсиз деб топилиб, пастки ўнг бурчагини қирқиб олиш йўли билан йўққа чиқарилади.
- Махсус акт тузилиб, овоз бериш натижалари тўғрисидаги протоколга тиркалади. Актда бинодан ташқари жойда овоз беришни ўтказган комиссия аъзоларининг исми, отасининг исми ва фамилиялари кўрсатилади.
- Яроқсиз бюллетенлар алоҳида ўралади, унинг ташқи бетига округнинг номи, участканинг рақами, яроқсиз бюллетенлар сони, шунингдек, «кўчма овоз бериш қутисидан олинган яроқсиз бюллетенлар» деган ёзув киритилиб, УСКнинг муҳри босилади.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Номзоднинг вакили ёки кузатувчи бюллетенларни қайта ҳисоблаб чиқишни талаб қилди.*

Бюллетенларни ажратувчининг кўз олдида қайта санаш керак. Қайта санаш вақтида ҳар бир овоз ким учун берилганлиги эшиттириб турилади.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Протоколдаги маълумотлар билан овоз бериш натижалари мос келмай қолди.*

УСК барча маълумотлар ёки протоколнинг айрим сатрларидаги маълумотларни номзодларнинг вакиллари ва кузатувчиларнинг кўз олдида қайта санаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Протоколнинг 2-сатридаги сон 3,4,5,7-сатрлардаги сонларнинг йиғиндисидан кўплик қилади.*

- Протоколнинг 2-сатридаги сон билан 3,4,5,7-сатрлардаги сонларнинг йиғиндиси ўртасидаги айирма 16-сатрга киритилиши, 17-сатрга «0» рақами ёзилиши шарт.
- УСК махсус акт тузиб, расмий протоколга тиркашга бурчлидир.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Расмий протоколнинг 3,4,5,7-сатрларидаги сонлар 2-сатрдаги сондан кўплик қилади.*

- Бундай пайтда 3, 4, 5, 7-сатрлардаги сонлар билан 2-сатрдаги соннинг ўртасидаги айирма 17-сатрга ёзилиб, 16-сатрга «0» қўйилиши керак.
- УСК бу ҳақда ҳужжат тузиб, расмий протоколга тиркаб қўйиши шарт.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Якуний маълумотлар мос келса нима қилиш керак?*

- Бундай пайтда 16 ва 17-сатрларга «0» сони ёзилиши керак.

**УСК аъзоси нима қилиши керак?**

*Овозларни қайта ҳисоблаганда расмий протоколга тегишли ўзгартишларни киритиш зарур бўлиб қолди.*

- Бундай вақтда янги тоза протоколни тўлдириш керак, шунингдек, овоз бериш якунлари тўғрисидаги протоколнинг кенгайтирилган шаклига тегишли ўзгартишларни киритиш зарур.
- Протоколнинг аввалги кўчирмасига «нотўғри» деб ёзиш керак.

**Сайлов кунидан кейин**

Овоз бериш якунлари ва сайлов натижаларини танишиш учун бериш, шунингдек, сарф-харажатлар ҳисоботи ва сайловчиларнинг янгиланган рўйхатларини туман/шаҳар сайлов комиссиясига бериш сайлов кунидан кейинги аҳамиятли вазифалар бўлиб саналади.

*а) Сайловнинг якунлари ва натижаларини танишиш учун бериш.*

Овоз бериш натижалари сайловчилар, номзодлар, уларнинг вакиллари, кузатувчилар, халқаро кузатувчилар ва ОАВ вакилларининг илтимоси бўйича уларга кўрсатиб турилиши керак.

*б) Сарф-харажатлар ҳисоботи.*

Сайлов тугагандан кейин 10 кун ўтмай УСК туман/шаҳар сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун олинган ва сарфланган пул маблағларини кўрсатиш билан ҳисобот бериш шарт.

*в) УСК вакилларининг тўхтамини ва сайловчиларнинг янгиланган рўйхатларини етказиш.*

УСК сайлов якунлари расмий равишда эълон қилингандан кейин 10 кун ичида ўз ваколатларини тўхтатиши шарт.

Агар сайлов натижалари бўйича баҳсли муаммолар бўлмаса, сайловчиларнинг рўйхатлари туман/шаҳар сайлов комиссиясига ўтказиб берилади, у ерда ўзгартишлар ва тўлдиришлар сайловчиларни рўйхатга олиш давлат тизимига киритилади.

Кузатувчилар ва номзодларнинг вакиллари:

Қўлингизда якунлар ёзилган бўлиши керак. Протокол кўчирмасини УСК аъзоларидан сўраб олишга Сиз ҳуқуқлисиз. Бу маълумот Сизнинг ташкилотингиз билан номзодингизга овоз бериш якунлари юқори турган сайлов комиссиясига тўғри тартибда ўтказилганини аниқ билиш имкониятини беради.

## IX. ШИКОЯТЛАР ВА АРИЗАЛАР

Агар кузатувчилар номзодларнинг вакиллари ёки сайловчилар овоз бериш йўл-йўриқлари билан боғлиқ қандайдир бир камчиликларни пайқаса, улар тегишли шикоят, акт ёки аризани ёзма равишда тузишга ҳуқуқли.

Бироқ участкадаги бундай камчиликларни энг тез ва натижали бартараф этишнинг йўли бу камчиликларга комиссия раислари, котиблари ва бошқа аъзоларининг эътиборини қаратиш ҳисобланади.

***Ёдингизда бўлсин! Кузатувчилар, номзодларнинг вакиллари ва УСК аъзолари бир мақсад - сайловни имкони борича очиқ-ойдин, демократик ва адолатли ўтказишга интилиши зарур! Сизлар бир-бирингизга душман эмассизлар, барчангиз касбдошлар сифатида бирга ишлашингиз керак!***

Агар УСК раиси Сиз айтган тартиббузарликларга эътибор бермай қўйса, у камчиликлар овоз бериш жараёнига салбий таъсир етказадиган бўлса, Сиз ариза ёзишга ҳуқуқлисиз. Мумкин бўлган барча ерларда расмий шаклни қўлланинг.

УСК аъзолари:

- Ўз бурчларингизни аниқ ва тўғри бажаринг, агар Сиздан икир-чикирларигача сўрамоқчи бўлсалар, улар ҳақида айтиб бериш имкониятига эга бўлиш учун Сайлов кодекси ва УСК аъзоларининг қўлланмасига мурожаат этинг ва керакли жойларини кўчириб олинг.
- Участкада қандайдир бир муаммо пайдо бўлса ёки аллаким шундай муаммо чиқди деб ҳисобласа, қарор қабул қилишдан аввал муаммонинг барча томонларини билишга ҳаракат қилинг. Кузатувчилар ва номзодларнинг вакилларига бу муаммо бўйича қандай чора кўрганингиз ва нима учун шундай қарорга келганингизни айтиб беринг.

УСКнинг якунловчи мажлисида овоз беришнинг самарадорлиги тўғрисидаги протоколга қўл қўйилгунга қадар барча шикоятларни кўриб чиқиш керак. Шикоятларни кўришдан аввал қуйидагиларни бажаринг:

- Ҳар бир шикоят, акт ёки ариза билан кунт қўйиб танишиб чиқинг.
- Ариза берувчилар ва аризаларнинг барчасига бирдек муносабатда бўлинг.
- Барча шикоятлар ва аризалар бўйича УСК аъзолари овоз бериши зарур.
- Агар аллақайси муаммо бўйича нима қилишни билмасангиз, унда юқори турган СКга мурожаат этинг.

**Аризалар, шикоятлар ва актларни беришда:**

- Барча қоғозларни тиркаб, воқеанинг вақти, унда иштирок этганларнинг исм-шарифини аниқ кўрсатинг.
- Мумкин бўлганда Сайлов кодексига мурожаат этиб, ундаги бузилган моддаларни кўрсатинг.
- Қуйидагиларни қўшинг:

    Участканинг рақами ва номи, УСК раисининг исм-шарифи.

    Муаммонинг майда-чуйда жиҳатлари.

    Гувоҳларнинг исм-шарифи.

    Муаммога тегишли хоҳлаган ҳужжатларнинг деталлари.

    Ўзингизнинг исм-шарифингиз ва боғланиш учун маълумотингиз. (Агарда имкони бўлса, ўзингиз вакил бўлган ташкилот ҳақида кенг ахборот беринг).

    Қўлингизда мавжуд барча гувоҳномаларни тиркаш.

**Шикоятлар қуйидагиларга берилиши мумкин:**

- Тартиб бузилган участка комиссияси.
- Юқори турган СК.
- Туман ёки шаҳар судлари.

Масалан, УСКда тартиб бузилган бўлса, шикоят УСКнинг ўзига, туман/шаҳар СКга ёки бўлмаса бевосита судга юборилиши мумкин. Судда кўрилиши керак деб ҳисобласангиз, аризангизни дастлаб сайлов комиссияларига бермасангиз ҳам бўлади.

Агар шикоятингизни бир СКда эътиборсиз қолдиришса, юқори турган комиссияга бера оласиз.

Агар суд фуқаронинг аризасини кўриш учун қабул қилган бўлса, суднинг ҳукми чиқмагунча ўша мурожаат бўйича сайлов комиссияси аризани кўриб чиқишни тўхтатиб, кутиб туради.

Суднинг ҳукми дарҳол кучга киради ва мажбурий равишда бажарилиши шарт. Бу қарор юқори турган суднинг ҳукми бўйичагина ўзгартирилиши мумкин.

Овоз бериш кунигача судга берилган шикоятлар уч кунлик муҳлатда кўрилиши шарт. Овоз бериш куни барча шикоятлар дарҳол кўрилади.

***Ёдингизда бўлсин! Шикоятлар, актлар ва аризаларни бериш билан боғлиқ барча муаммолар бўйича Қирғизистон Республикаси Сайлов кодексининг 53,54 ва 55-моддаларига мурожаат этинг!***

IV ИЛОВА

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

2005 йил, «____» ________________

## ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА ОВОЗ БЕРИШНИНГ ЯКУНИ ТЎҒРИСИДА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ПРОТОКОЛИ

## № _______ САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

________________________________________________

(участка сайлов комиссиясининг рақами, манзили)

________________________________________________

(вилоят, туман, шаҳар номлари)

**Участка сайлов комиссияси БЕЛГИЛАДИ:**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Овоз бериш тугашига қарата сайловчиларнинг асосий рўйхатига киритилган сайловчилар сони. | |
| 1а | Сайловчиларнинг қўшимча рўйхатига киритилган сайловчилар сони. | |
| 2 | Участка сайлов комиссияси олган бюллетенлар сони. | |
| 3 | Муддатидан аввал овоз берган сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 4 | Овоз бериш куни овоз берувчи жойда сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 5 | Овоз бериш куни овоз берувчи жойдан ташқари ерда овоз берган сайловчиларга берилган сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 6 | Сайловда қатнашган сайловчиларнинг умумий сони. | |
| 7 | Йўқ қилинган сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 8 | Кўчма овоз бериш қутиларидаги сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 9 | Ўрнатилган доимий овоз берувчи қутилардаги сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 10 | Ярокли сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 11 | Яроқсиз сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 12 | Овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сони. | |
| 13 | **Номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (алфавит тартибида).** | **Ҳар бир номзод учун берилган сайловчилар овозларининг сони** |
| 1 | | |
| 2 | | |
| 3 | | |
| 4 | | |
| 5 | | |
| 6 | | |
| 7 | | |
| 8 | | |
| 9 | | |
| 10 | | |
| 11 | | |
| 12 | | |

| | | |
|---|---|---|
| 13 | | |
| 14 | «Барча номзодларга қарши» ҳолатига берилган сайловчилар овозларининг сони. | |
| 15 | Участка сайлов комиссияси олган сайловда овоз бериш учун рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони. | |
| 15а | Сайловда овоз бериш учун участка сайлов комиссияси сайловчиларга сайлов участкасида овоз бериш кунигача берган рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони. | |
| 15б | Сайлов участкасида рўйхатдан чиқиш гувоҳномалари бўйича овоз берган сайловчилар сони. | |
| 15в | Сайлов участкасидаги фойдаланилмаган (йўққа чиқарилган) рўйхатдан чиқиш гувоҳномаларининг сони. | |
| 16 | Йўқолган сайлов бюллетенларининг сони. | |
| 17 | Олинган сайлов бюллетенларидан ошган сайлов бюллетенларининг сони. | |

Протоколга тиркалувчи шикоят (ариза)лар, актлар ва бошқа ҳужжатларнинг рўйхати, улар бўйича участка сайлов комиссиясининг қарорлари, шунингдек, протоколнинг ва унга тиркалувчи бошқа ҳужжатларнинг мазмунига маъқул бўлмаган участка сайлов комиссияси аъзоларининг алоҳида фикрлари:________________

____________________________________________________________

____________________________________________________________

____________________________________________________________

____________________________________________________________

**Участка сайлов комиссиясининг таркиби**

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Эгаллаган лавозими | Имзоси |
|---|---|---|
| | УСК раиси | |
| | УСК котиби | |
| | Комиссия аъзолари (алфавит тартибида) | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**Протокол 2005 йил «___» _______ _______ соат ______ дақиқада тузилди.**

**Муҳр**

Изоҳ: Овоз беришнинг якуни тўғрисида УСК протоколи 2 нусхада, шунингдек, депутатликка номзодларнинг ҳар бири учун биттадан нусхада тўлдирилади ва унга қўл қўйилган санаси, вақти (соати, дақиқаси)ни кўрсатиш билан УСКнинг иштирок этган барча аъзолари имзо чекадилар. Агар протоколга сайлов комиссияси аъзоларининг кўпчилиги қўл қўйсалар, протокол ҳақиқий деб ҳисобланади. Протоколга қўл қўйишда унинг мазмунига маъқул бўлмаган УСКнинг аъзолари протоколга алоҳида фикрини қўшишга ҳуқуқли, бу ҳақда протоколда тегишли ёзув қайд этилади.

Қўл қўйилгандан кейин овоз беришнинг якуни ҳақида протоколнинг биринчи нусхаси сайлов ҳужжатлари, сайлов бюллетенлари, шикоят (ариза)лар, улар юзасидан қабул қилинган қарорлар, УСК тузган актлар билан бирга УСКнинг раиси ва аъзоси томонидан номзодларнинг ҳисоблашда қатнашган вакилларининг ҳамроҳлигида дарҳол округ сайлов комиссиясига етказилади.

Протоколнинг иккинчи нусхаси, шунингдек, сайлов комиссиясининг муҳри ва шикоятлар, аризаларнинг кўчирмалари, улар бўйича қабул қилинган қарорлар ва актлар комиссиянинг иши тугагунгача УСКнинг котибида сақланади.

Протоколларнинг бошқа нусхалари ҚР президентлигига номзодларнинг ваколатли вакилларига берилади.

## Адабиётлар рўйхати


| | |
|---|---|
| Аскар Акаев | *Қирғиз давлатчилиги ва «Манас» халқ эпоси.* Бишкек, 2002. |
| International Alert | *Низоларнинг олдини олиш учун ресурс материали.* Ёрдамчи технологиялар нашриёти. Лондон, 1996. |
| Гомес Р. ва бошқалар | *Ҳамма тенг, ҳамма ҳар хил: таълим учун материаллар.* Европа Кенгашининг ёшлар ишлари бўйича бошқармаси. Страсбург, 1995. |
| Фуқаролик таълими бўйича марказ | *We the People… The Citizen and the Constitution* (Биз, … халқи. Фуқаро ва Конституция). Калифорния, 1999. |
| Фуқаролик таълими бўйича марказ | *Foundations of Democracy – Authority, Privacy, Responsibility and Justise* (Демократия асослари – авторитет, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги, масъулият ва одил судлов). Калифорния, 2001. |
| Фуқаролик таълими бўйича марказ | *We the People… Project Citizen* (Биз, … халқи. «Фуқаро» лойиҳаси). Давлат қонунчилик органларининг миллий конференцияси. Калифорния, 1999. |
| Саймон Женкинс ва Рая Кадырова | *Сабр-бардошли бўлиш ва низони ўзгартиришга ўргатиш.* Ўқитувчилар учун қўлланма. Қочоқлар ишлари бўйича БМТ Олий Комиссарининг Бошқармаси ва Қирғизистон Республикасидаги Халқаро Каунтерпарт Фонди. 1997. |
| Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва прогнозлаштириш маркази | *Таълимдаги ютуқларнинг мониторинги.* Бошланғич мактаблаги таълим сифатини миллий даражада ўрганиш. ҚР Таълим вазирлиги, ЮНИСЕФ ва ЮНЕСКО. Бишкек, 2001. |
| Лори Хэндрекси | *International Human Rights Law and Bride Kidnapping in Kyrgyzstan* (Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонун ва Қирғизистонда келин ўғирлаш). 2001, 28 январь. http://www.eurasianet.org/departments/insight/articles/eav012400.shtml |
| Жулиана Геран Пилон | *Blood Flag – Post Communist Nationalism In Eastern Europe. Focus on Romania* (Қонли байроқ. Шарқий Европадаги посткоммунистик миллатчилик, Руминия), 1992. |
| Ислом таълими бўйича кенгаш | *Beyond A Thousand and One Nights: A Sampler Activity of Literature from Muslim Civilization* (Минг бир кечадан ортиқроқ: мусулмон цивилизацияси бўйича адабиёт намуналари). Калифорния, 1999. |
| Абдулла Юсуф Али | *Glorious Koran* (Машҳур Қуръон). Инглиз тилига изоҳли таржима. Ливия, 1973. |
| Ишга жойлаштириш, таълим-тарбия ва ёшлар ишлари бўйича федерал департамент | *Discovering Democracy units* (Демократияни ўрганиб). Ўрта мактаблар учун ўқув қўлланмалари серияси. Австралия Иттифоқи, 1998. |
| IFES | *Фуқаролик таълимига кириш.* Қозоғистон ўрта мактаблари учун дарслик, 10-11-синфлар. Алмати, 2000. |
| IFES | *Фуқаролик таълимига кириш.* Қирғизистон Республикаси ўрта мактаблари учун дарслик, 10-11-синфлар. Бишкек, 2001. |
| Дэвид Маккуойд-Мейсон, Мандла Макхуну ва бошқалар | *Демократия – ҳамма учун.* Juta ва Ко LTD Street Law. "Юристлар инсон ҳуқуқлари учун" (Жанубий Африка) ҳамда Ҳуқуқшунослик соҳасида фуқаролик таълими бўйича миллий институт (АҚШ) билан ҳамкорликда тайёрлаган, 1994. |
| Даниел Шапиро | *Низо ва музоқот.* "Очиқ жамият" институти, Нью-Йорк, 1995. |
| Сюзен Кэрмайн | Аёллар устидан зўравонлик. БСТнинг Тожикистондаги синов тадқиқотининг ҳисоботи, 1999. |
| Жейн Фалкингам | *Тожикистонда аёллар ва гендер муносабатлари*, 2000. |
| Руссель С. | *Guide to Parliament and Government. Asia Pacific Economic News* (Парламент ва ҳукуматга йўл кўрсатиб борувчи. Тинч океани Осиёсининг иқтисодий янгиликлари). Веллингтон, 2000. |
| Бирр Ж.Е. ва Стиф Е. | *The Mediators Handbook* (Воситачи (ярашитирувчи)нинг дарслиги). New Society Publishers. BC, 1998. |
| Лори Хэндрекси | *Secondary Civic Education & Gender Consultancy* (Report) (Ўрта умумтаълим мактабларида фуқаролик таълими ва гендер масалаларида маслаҳат бериш (ҳисобот). СТХФ-Тожикистон, 2000. |
| ПРООН | *Миллий ҳисобот: Қирғизистоннинг тоғли минтақаларида инсон ривожланиши.* ПРООН, Бишкек, 2001. |
| ПРООН | *Қирғизистонда 2001 йилдаги инсон ривожланиши бўйича миллий ҳисобот.* ПРООН. Бишкек, 2001. |
| Урбан Институт | *Фуқаролар учун бюджет бўйича қўлланма.* Урбан Институт. Бишкек, 2002. |
| Терский П.А. | *Қирғизистоннинг тарихий-маданий атласи. Дизайн. Ахборот.* Картография. Москва, 2001. |
| ЮНФПА | *Қирғизистонда гендер муносабатлари.* ЮНФПА, 2001. |
| Ахмад Р. | *Jihad. The Rise of Islamic Militancy in Central Asia* (Жиҳод. Марказий Осиёда ислом жанговарлигининг авж олиши). Йель университетининг нашриёти, 2002. |
| Рой О. | *The New Central Asia: The creation of Nations* (Янги Марказий Осиё: миллатларининг тузилиши). Нью-Йорк университетининг нашриёти, 1997. |
| Интернет | http://www.unodc.org/unodc/terrorism_definitions.html |
| Интернет | http://www.cdi.org |
| Интернет | http://www.cfr.org |
| Интернет | http://www.wikipedia.org |


### Суратлар

Тарихий шахслар, сиёсий, жамоат ва маданият ходимларининг фотосуратлари, шунингдек, бошқа расмлар турли илмий ва бадиий манбалардан олинган.

91, 98, 101 ва 131-бетлардаги расмлар 2002-2003 йилларда «Ривожланиш бўйича миллий кенгаш» жамоат бирлашмаси томонидан «Сорос-Қирғизистон» фондининг кўмагида ташкил этилган «Демократия ва ёшлар» деб номланган ижтимоий-сиёсий плакатлар республика конкурсларининг ғолибларига тегишлидир.



Подписано в печать 20.03.2006 г. Офсетная печать. Формат 60х84 1/8. Заказ №480. Тираж 8200. Отпечатано в типографии ОФ «Центр поддержки СМИ». г. Бишкек, ул. Горького 1б.

Нуралиева
Менжат.

## IFES

Аввал ЮСАИДнинг дастури сифатида Халқаро Сайлов Тизимлари Фонди (ХСТФ) номи билан маълум бўлган IFES халқаро нотижорат ташкилоти Марказий Осиёда демократия қуриш жараёнида иштирок этиш имконияти берилганидан мамнундир. Сайловларни ташкил қилиш ва ўтказишда лидер саналган IFES ҳозирги вақтда зиддиятларга дуч келаётган, ўтиш даврини бошдан кечираётган ва ривожланаётган демократик мамлакатларда демократия барпо этишнинг хилма-хил масалаларини қамраган техник кўмакдошлик дастурларини амалга оширмоқда. IFES ўзининг Қирғизистондаги офисини 1997 йили очган бўлиб, асосан сайловлар ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясига ҳалол, эркин сайловлар ўтказишда техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланиб келди. 2000 йилдан бошлаб IFES Қирғизистон Республикасида мамлакатнинг ҳақиқий фуқароларини тарбиялашда улкан роль ўйнаши зарур бўлган фуқаролик таълими дастурини амалга ошириб келяпти. Ҳозир жорий этилаётган фуқаролик таълими бутун жамиятнинг тараққиётига таъсир кўрсатади.

http: //www.ifes.org

## АҚШнинг Халқаро Тараққиёт бўйича Агентлиги (ЮСАИД)

АҚШ Ҳукумати 1992 йилдан буён Қўшма Штатларнинг Халқаро Тараққиёт бўйича Агентлиги (ЮСАИД) орқали Қирғизистонга ёрдам кўрсатиб келмоқда. АҚШ Ҳукумати дастурларининг асосий мақсади бошқаришни яхшилаш, жамият фаровонлигини ошириш жараёнларида фуқароларнинг янада фаолроқ қатнашиши орқали Қирғизистон Республикасининг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига кўмаклашишдан иборатдир. ЮСАИДнинг Марказий Осиёдаги Минтақавий миссияси фаолияти Қўшма Штатларнинг Қирғизистон Республикасидаги элчиси раҳбарлигида шу мақсадларга йўналтирилган.
ЮСАИД қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилади: тадбиркорлик ва савдони кенгайтириш, молиявий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарувни яхшилаш, очиқ демократик маданиятни қуришга кўмаклашиш, тиббий хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ёрдам бериш, таълим масалалари ва билимлар сифатини яхшилашда жамоатчилик иштирокини кучайтириш, шунингдек, сув ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
Шу билан биргаликда ЮСАИД ёш авлоднинг демократик қадриятларга келиб қўшилиш имконини берадиган фуқаролик таълими бўйича дарсликлар ишлаб чиқиш, демократия лагерлари ташкил қилиш ва ўқув суд жараёнлари ўтказиш бўйича фаолият турларини қўллайди.

http://www.usaid.gov/regions/europe_eurasia/car

## Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОБСЕ)

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти – бу хавфсизлик соҳасидаги масалалар билан шуғулланувчи, таркибига Ванкувердан Владивостоккача бўлган жуғрофий кенгликда жойлашган 55 аъзо давлат кирган ташкилотдир. Минтақавий орган сифатида тан олинган ОБСЕ олдиндан огоҳлантириш, низоларнинг олдини олиш, кризисларни бошқариш ва минтақадаги зиддият ўчоқларини бартараф этишнинг асосий қуролидир.

Қирғизистон Республикаси ОБСЕга 1992 йилнинг январь ойида қўшилган.

ОБСЕнинг Бишкекдаги Маркази 2004 йилдан буён мазкур ўқув қуролини чиқаришда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Фуқаролар ўзларининг демократик жамиятдаги мавқеи, роли ва имкониятларини, конституцион ҳуқуқларини, шунингдек, инсон ва фуқаролик эркинликларини қанчалик чуқур тушуниб етишса, демократия институтлари, уларнинг фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги, шунингдек, улар ишида ўзлари ҳам иштирок этиш имкониятларини яхшироқ англай олишса, ижтимоий ва сиёсий жараёнларда қатнашиш истаги ва қобилиятини шунчалик кўп намойиш этадилар, бундай жараёнларга таъсир ўтказа олишларига ишонган ҳолда ўз мамлакатининг жавобгарликни ҳис этган фуқаролари сифатида ҳаракат қиладилар.

http://www.osce.org http://www.osce.org/bishkek/

## Японияниннг Қирғизистондаги элчихонаси

From the people of Japan

Япониянинг Қирғизистондаги элчихонаси IFESнинг Қирғизистон Республикасининг учта жанубий вилоятлари (Жалолобод, Ўш, Боткен)да «Ўрта мактабларнинг юқори синфлар ўқувчилари учун фуқаролик таълими бўйича ўқув қўлланмаларини тарқатиш» дастурини қўллаб-қувватлайди. Халқаро ҳамжамият, шу жумладан Япония ҳам, Қирғизистонда фуқаролик жамияти барпо этилишига, демократия принципларининг қарор топиши ва мустаҳкамланишига, шу орқали аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига катта аҳамият бериб келмоқда.
Япония элчилиги мазкур лойиҳа Қирғизистоннинг ёш авлодига катта фойда олиб келишига ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик бундан кейин ҳам мустаҳкамланишига ишонади.

E-mail: embjp@infotel.kg

CEP AED Mercy Corps gtz

## Сайлов Тизимлари Халқаро Фонди (IFES)

ЮСАИД дастурининг лойиҳаси ҳисобланган Сайлов Тизимлари Халқаро Фонди (IFES) Марказий Осиёда демократия қуриш жараёнида иштирок этиш имконияти берилганидан мамнундир. IFES давлатларга зарур мақсадли ёрдамни кўрсатади. IFES 1987 йилдан жаҳоннинг 120 дан ортиқ мамлакатларида демократик ташаббусларни қўллаш орқали сайлов ўтказишга масъул бўлган ташкилотлар, ҳукуматлар, донорлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ишончини қозонди. IFESнинг вазифаси бутун дунёда демократиянинг ейилишига ёрдам кўрсатиш, демократияни ривожлантириш ва сайловларни ўтказиш масалаларида ахборот манбаси бўлиб хизмат қилишдан иборат. IFES ўзини бутун дунёда демократиянинг ғалаба қозониши ишига бағишлаган. IFES Қирғиз Республикасида ўз офисини 1997 йили очиб, асосан сайловлар ва референдумлар ўтказиш бўйича Марказий сайлов комиссиясига ҳалол, эркин сайловлар ўтказишда техник ёрдам кўрсатиш орқали сайлов масалалари билан шуғулланиб келди. Бироқ Қирғизистон Республикасининг ҳозирги тараққиёт босқичи фуқаролик таълими мактабда ўқитишнинг муҳим элементи бўлиб қолиши зарурлигини кўрсатмоқда. Ҳозир жорий қилинаётган фуқаролик таълими бутун жамиятнинг ривожига ўз таъсирини кўрсатади.

http://www.ifescentralasia.kg

## Қўшма Штатларнинг Халқаро Тараққиёт бўйича Агентлиги (ЮСАИД)

АҚШ 1992 йилдан буён Қўшма Штатларнинг Халқаро Тараққиёт бўйича агентлиги (ЮСАИД) орқали Қирғизистонга ёрдам кўрсатиб келмоқда. АҚШ ҳукумати дастурларининг асосий мақсади тинчликсевар ва гуллаб-яшнаётган Қирғизистон Республикасига унинг бой маданий меросини сақлашда кўмаклашишдир. ЮСАИДнинг Марказий Осиёдаги Қўшма Штатларнинг Қирғизистон Республикасидаги элчиси раҳбарлик қилувчи Минтақавий миссияси шунга йўналтирилган.

ЮСАИДнинг Қирғизистон Республикасидаги мақсади фуқароларнинг бошқарувни яхшилашда қатнашиш имкониятларини кенгайтириш, даромадларни кўпайтириш ва турмуш даражасини оширишдан иборатдир. ЮСАИД қуйидаги вазифаларни амалга оширишга ҳаракат қилади: тадбиркорлик ва савдони кенгайтириш, молиявий бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришни яхшилаш, очиқ демократик маданиятни қуриш, тиббий хизматнинг ривожланишига кўмаклашиш, шунингдек, сув ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Шу билан биргаликда ЮСАИД ёш авлоднинг демократик қадриятларга келиб қўшилиш имконини берадиган фуқаролик таълими бўйича дарсликлар ишлаб чиқиш, демократия лагерлари ташкил қилиш ва ўқув суд жараёнлари ўтказиш бўйича фаолият турларини қўллайди.

http://www.usaid.gov/regions/europe_eurasia/car

## Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОБСЕ)

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ОБСЕ) – бу хавфсизлик соҳасидаги масалаларни биргаликда ва ҳар томонлама ҳал қиладиган хавфсизлик ташкилотидир. ОБСЕнинг Бишкекдаги марказий офиси ва унинг Ўшдаги минтақавий офиси бошқа ташкилотлар қаторида ўзларининг ваколатларига амал қилган ҳолда ОБСЕ принциплари ва унинг мажбуриятларини амалга оширишда кўмаклашиш ишларини бажарадилар, шунингдек, ОБСЕ фаолияти доирасида Қирғизистон билан ҳамкорликни ривожлантирадилар.

ОБСЕнинг Бишкекдаги марказий офиси Болгария раислигида 2004 йил таълимига алоҳида эътибор қаратган ҳолда фуқаролик таълими фуқароларнинг жамият ишларида кенг масъулиятли иштирок этишларининг асоси ҳисобланганлиги учун мазкур ўқув қўлланмасини нашр этишга кўмак кўрсатмоқда.

Фуқаролар ўзларининг мақеини, демократик жамиятдаги роли ва имкониятларини, конституцион ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, ўзларининг инсон ва фуқаролик ҳуқуқларини қанчалик яхши билиб, демократия институтлари ва уларнинг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларнинг ишида қатнашиш имкониятлари ҳақида қанчалик кўп билишса, улар ижтимоий ва сиёсий жараёнларда қатнашиш истагини билдиришиб, иштирок этиш қобилиятни намойиш қилишларини, бу жараёнларга таъсир кўрсата олишларини ҳис этишларини ва ўз мамлакатининг масъулиятли фуқаролари сифатида ҳаракат қилишларини тажриба далиллаб турибди.

http://www.osce.org http://www.osce.org/bishkek/

## Япониянинг Қирғизистон Республикасидаги элчихонаси

Япониянинг Қирғизистон Республикасидаги элчихонаси IFESнинг «Қирғизистон Республикаси ўрта мактабларининг юқори синфлари учун фуқаролик таълими бериш бўйича ўқув қуролларини тарқатишга кўмаклашиш» лойиҳасини қўллаб, уни жанубдаги уч вилоятда (Ўш, Жалолобод ва Боткен) амалга ошириш ишида ёрдамлашишга қарор қилди. Қирғизистон Республикаси мустақилликка эришгандан буён бор-йўғи 13 йил ўтиб, эндигина ривожланиш йўлига кириб келаётганига қарамасдан, халқаро ҳамжамият нормаларига риоя этишга ва демократик йўлдан боришга ҳаракат қиляпти.

2002 йили Япониянинг Қирғизистондаги элчихонаси очилгандан бери илк бор амалга оширилган бу лойиҳа, умуман олганда, Япониянинг тараққиётни расмий қўллаш доирасидаги «Ўт-ўлан ва одамзод хавфсизлигининг томирлари» кичик грант бериш дастури бўйича бажарилаётган ўттизинчи лойиҳа эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Япония томонидан бунгача кўрсатиб келинган бошқа ёрдамлар билан биргаликда элчихона бу лойиҳани ҳам Қирғизистон халқининг ўзи баҳолайди, шунингдек, мамлакатни барқарор ривожлантириш ва демократлаштиришда қирғизистонлик ёш лидерларга лойиҳанинг нафи тегади, деб умид қилади.

embjp@infotel.kg